



Агата Кристи

Ўнта негр боласи



CH0000035962



YOSHLAR
KUTUBXONASI

Агата
Кристи

Ўнта негр боласи

Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi

929525



ТОШКЕНТ
2018

УЎК: 821

КБК: 84.4(Ингл)

К-81

Кристи, Агата.

Ўнта негр боласи. Тошкент: Янги аср авлоди, 2018.
- 208 б.

ISBN 978-9943-27-189-0

Агата Кристи номини алоҳида таништиришга ҳожат йуқ. Адабиёт аҳли томонидан ҳақли равишда детектив жанрининг етакчиларидан бири сифатида тан олинган. Унинг мазкур асарида ҳам китобхон сирли ва қизиқарли оламга саёҳат қилиши муқаррар. Муаллифнинг ўзи айнан шу асарини энг яхшиси дея эътироф этгани ҳам бежиз эмас.

Ушбу асарда бир-бирига ҳеч қандай алоқадор бўлмаган ўнта одам хилват оролдаги уйга келади. Сирли таклифнома билан уларни бу ерга ким чақирди? Яхши детектив ихлосмандларининг юраги дарров шув этиб кетадиган манзара. Дунёдан ажраб қолган бўм-буш орол, кўп хонали, зимистон йўлакли катта сирли уй ва Занжилар оролининг соҳиби таклифига кўра уйга келган ўнта мутлақо нота-ниш, бир-бирига ухшамаган ўнта одам. Бу ерда уларни қулай шарт-шароитлар, мазали таом ва шинам ётоқхоналар кутиб турибди. Лекин ҳавас қилгудек меҳмондустлик тез орада саробга айланиб, меҳмонлар савдойи қотил қурган тузоққа тушиб қолгани маълум бўлади. Улар оролнинг тошлоқ заминига қадам қўйган заҳоти тузоқ ёпилган. Оролдан қочишнинг иложи йуқ. Барчани шубҳа-ғумон чулғаб олган. Чехраларда ажал сояси. Қўрқув ва даҳшат. Фақатгина болалар санок шеъри ва митти негр болалари тугаши билан бу даҳшатли ўйинга ҳам хотима ясалади. Бироқ нега?!

Уларни бирин-кетин энг ғайриоддий йўллар билан ўлдириш кимга керак? Нима учун содир бўлаётган воқеаларнинг бари қувноқ болалар шеъри билан чамбарчас боғлиқ? Наҳотки бу жумбоқнинг ечими топилмаса, наҳотки ҳаммаси улимга маҳкум бўлса? Лекин нима учун? Улар ростдан ҳам айбдорми?

Таржимон:

Ҳасанбой Тешабоев

ISBN 978-9943-27-189-0

© Агата Кристи, «Ўнта негр боласи». «Янги аср авлоди», 2018 йил.

Биринчи боб

Кашандалар учун мўлжалланган биринчи класс вагоннинг бир бурчагида судья Уоргрейв – у яқинда истеъфога чиқди – сигара тутатганча «Таймс»даги сиёсий хабарларни кўздан кечирарди. Кўп ўтмай, газетани четга суриб, ойнадан қаради. Поезд Сомерсетдан ўтиб борарди. Судья хаёлан чамалаб кўрди – яна икки соат йўл босиш керак.

Йўл бўйи Занжилар ороли ҳақида газеталарда ёзилган гапларни қайта-қайта эслаб чиқди. Уни аввал америкалик миллионер – иштиёқманд яхтачи сотиб олган. Тез орада Девон қирғоғидан унча олис бўлмаган ушбу оролда замонавий усулда қурилган ҳашаматли уй қад ростлади. Бироқ не надоматки, миллионер учун янги овунчоқ бўлмиш учинчи хотинининг кема чайқалишига тоби йўқ экан. Шу боис, миллионер уйиниям, оролниям баҳридан ўтишга мажбур бўлди. Қарабсизки, газеталарда ғоят жозибадор таърифу тавсифлар билан орол сотилиши ҳақида эълон пайдо бўлди.

Кейин оролни аллақандай жаноб Оним сотиб олгани ҳақида хабар тарқалди. Шундан сўнг газета хроникачиларининг бой тасаввури ишга тушиб кетди. Аслида Занжилар оролини Голливуд киноюлдузи мисс Габриэлла Тёрл сотиб олган! Бир неча ойни ўша ерда хотиржам, яъни мухбирлару олди-қочди шов-шувлардан йироқда ўтказмоқчи! «Бизи Би» назокат билан шама қилди: Орол қироллик оиласининг ёзги қароргоҳи бўлади. Жаноб Мерриуэдер қулоғига бундан-да ажиб гаплар чалинибди: гўёки оролни ёш лорд Л. сотиб олган. Ва ниҳоят у ҳам Купидон¹ қурбонига

¹ Қадимги Рим мифологиясида севги маъбуди.

айланиб, энди асал ойини шу оролда ўтказишни ният қилмоқда. «Жонас» га аниқ-тиниқ маълум эди – ўта махфий тажрибалар ўтказиш мақсадида оролни ҳарбий флот бошқармаси сотиб олган!

Дарҳақиқат, Занжилар ороли газета саҳифаларидан тушмас эди.

Судья Уоргрейв чўнтагидан хатни олди. Бунчалик хунук дастхатни ўқиш амримаҳол бўлса-да, ажи-бужӣ ёзувлар орасида аниқ ёзилган жумлалар ҳам кўзга ташланарди:

«Қимматли Лоренс... Юз йилдан бери билинмай кетдингиз... Занжилар оролига албатта келинг... Маф-тункор жой... гаплашадиган гап куп... ёқимли хотиралар... табиат қўйнида бўламиз... офтобда тобланамиз... 12.40. Паддингтон вокзалидан... Сизни Оукбрижда кутиб оламан... – хат охирига жимжимадор имзо қўйилган, – доимо интизор Констанция Калмингтон».

Судья Уоргрейв хаёлида ўтмиш хотираларини жонлантириб, леди Констанция Калмингтонни охирги марта қачон кўрганини эслашга уринди. Чамаси етти йил аввал. Агар саккиз йил бўлмаса. Ўшанда у офтобда тобланиш, табиат ва «ҳақиқий эркак» қўйнида бўлиш учун Италияга жўнаб кетганди. Шундан сўнг Сурияга кўчиб ўтган. У ерда янаям жазирама қуёшда тобланиб, ёввойи табиат ва бадавийлар билан тиллашишни мақсад қилган.

«Орол сотиб олиш, – деб ўйлади судья, – сирли ҳаёт қўйнида яшаш Констанция Калмингтон феъл-атвориға тамомла мос тушади». Судья мамнун бош ирғади: айна пайтда ўзидан хурсанд эди – ҳар доимгидек нишонга беҳато урди. Кейин кўзи илиниб, бир маромда чайқала бошлади.

Вера Клейторн – у учинчи классда кетаётганди – ўриндиқ суянциғига ўзини ташлаб, кўзини юмди. Вагонда ундан бўлак яна бешта йуловчи бор эди. Бугун

поезднинг ичи ўлгудек иссиқ! Бирмунча вақт бўлса ҳам, денгизда яшаш қандай ёқимли! Йўқ, иш бора-сида омади чопишини сира кутмаганди! Ёзда иш қидирсанг, нуқул болалар ичида ўралашиб юришга тўғри келарди. Котибаликка жойлашиб олиш деярли иложсиз нарса. Ҳатто агентлик орқали ҳам.

Бирдан хат олди:

«Менга сизни «Ишбилармон аёллар» агентлиги тавсия қилди. Адашмаётган бўлсам, улар сизни яхши билишади. Қанча маош олмоқчи эканингизни айтинг. Олдиндан барчасига розиман. 8 августдан бошлаб хизмат бурчингизни бажаришга киришасиз. Поезд 12.40 да Паддингтон вокзалидан жўнаб кетади. Сизни Оукбриж бекатида кутиб олишади. Йўл харажати учун беш фунт қўшиб жўнатаяпман. Самимият ила, Анна Нэнси Оним».

Юқорига манзил ёзиб қўйилган: «Занжилар ороли, Стиклхевн. Девон».

Занжилар ороли! Кейинги пайтларда газеталар фақат шу ҳақда ёзишяпти! Мухбирлар тагдор луқмалар ташлаб, ажабтовур мишмишларни урчитишарди. Афтидан, ҳаммасини ҳам рост деб бўлмасди. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам, ўша ўйни миллионер қурдирган. Ва айтишганидек, у ердаги дабдабадан ҳар кимнинг ақли шошади.

Яқинда тугаган семестр туфайли хийла толиққан Вера Клейторн: «Ўртамиёна мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиш нималиги ёлғиз худога аён... Қанийди, бирорта тузукроқ мактабдан иш тополсам», – деб ўйлади. Бу ўйдан ичи зил кетса-да, ўзини-ўзи қийин бошлади: «Йўқ, омадим келди аслида. Агар ишинг терговда бўлса, охир-оқибат сени ҳатто оқлаб юборишганда ҳам, гарданингда бир умрлик доғ қолади».

Кейин терговчи ўз хулосасида ундаги дадиллик ва жасурликни алоҳида қайд қилиб ўтгани эсига тушди.

Ҳа, тергов яхши ўтди. Бундан ортиғини кутиб бўлмасди. Хамилтон хоним ҳам унга жуда меҳрибонлик қилди... Агар Хьюго бўлмагандами... (Йўқ, йўқ, энди Хьюго ҳақида ўйламайди!)

Бетоқат иссиққа қарамай, эти жимирлаб кетди. Денгизга бораётганидан афсусланди. Кўз ўнгида таниш манзара пайдо бўлди. Сирил қоя томон сузиб кетяпти, боши гоҳ сув юзида пайдо бўлади, гоҳ кўринмай қолади... Пайдо бўлади, кўринмай қолади – кўринмай қолади, яна пайдо бўлади... У ортидан суза бошлади, тўлқинларни осонликча кесиб ўтяпти, қўл ҳаракатлари одатдагидек. Лекин яхши билади, улгурмаслигини жуда яхши билади...

Денгиз – илиқ мовий тўлқинлар – иссиқ қумда соатлаб ётиш – ва Хьюго – Унинг айтишича, ҳаммадан ҳам... Йўқ, Хьюго ҳақида ўйлаш мумкинмас...

У кўзини очиб, қаршисида ўтирган баланд бўйли, офтобда қорайган, мовий кўз, дўрдоқ лаблари буришган эркакка норози қиёфада кўз ташлади. «Бас бойлашим мумкин, бутун умри саргардон ўтган. Кўпни кўрган одамлиги аниқ...»

Рўпарасида ўтирган қиз ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун Филипп Ломбардга бир қарашнинг ўзи кифоя қилди. Чиройлиқкина, лекин кўзларида ўқитувчиларга хос нимадир бор... Совуққон. Ҳаётда ҳам, севги-муҳаббат борасида ҳам ўзини хафа қилдириб қўймаслиги шубҳасиз. Бир омадини синаб кўрсамикан?

Шуни ўйларкан, бирдан қошларини чимирди. Йўқ, йўқ, ҳозир бунга вақт қайда? Олдинда иш кутиб турибди. Бутун эътиборини шунга қаратиши керак. Қизиқ, қанақа иш кутиб турган экан-а?

Моррис вазиятни чигаллаштирди:

– Ўзингизга ҳавола, капитан Ломбард, – хоҳлама-сангиз, воз кечинг.

Филипп ўйчан сўз қотди:

– Юз гиней таклиф қияпсизми? – Буни шунчалик бепарво айтдики, гўёки у учун юз гиней арзимаган чақадек. Нақ юз гиней-а! Ахир ҳозир тушлик қилганиям пули йўқ. Барибир, Моррисни алдай олмаган чиқар. Уни пул масаласида алдай олмайсан – унақа одам эмас. Ер тагида илон қимирласа билади.

– Бошқа ҳеч нарса айтолмайсизми? – худди шундай бепарво оҳангда давом этди у.

Жаноб Айзек Моррис сийқа бошини кескин чайқаб қўйди:

– Йўқ, жаноб Ломбард, шу билан гапимга нуқта қўяман. Хатарли ишларда сизга ҳеч ким тенг келолмаслиги мижозимга маълум. Сизга юз гиней бериб қўйишни топширишди – эвазига сиз Девондаги Стиклхевнга боришингиз лозим. Унга энг яқин станция Оукбриж. Ўша ерда сизни кутиб олишади ва машинада Стиклхевнга етказишади. У ердан моторли қайиқда Занжилар оролига сузиб кетасиз. Оролда эса мижозим ихтиёрига ўтасиз.

– Кўпгами? – атиги шуни сўради Ломбард.

– Кўпи билан бир ҳафтага.

Мўйловидан юлганча капитан Ломбард деди:

– Ноқонуний ишларга тоқат қилолмаслигимни билсангиз керак?

Шу жумлани айтаркан, суҳбатдошига шубҳали қараб қўйди. Қалин лабларида ним табассум кўринса-да, жаноб Моррис мутлақо жиддий жавоб берди:

– Агар сизга ноқонуний нимадир таклиф қилишса, рад қилишга тўлиқ ҳаққингиз бор, албатта.

Кейин жилмайиб қўйди – вой густоҳ! Шундай жилмайдики, гўё Ломбард ўтмишда умуман қонун жонкуяри бўлмаганини билиб тургандек.

Ломбард ҳам илжайишдан ўзини тиёлмади. Албатта, бир-икки марта қўлга тушишига сал қолганди! Лекин унга ҳаммаси қўл келарди! Уни деярли ҳеч нарса тўхтатолмасди. Худди шундай, деярли ҳеч

наrsa. Афтидан, Занжилар оролида ҳам зерикиб қолмайди...

Мисс Брент – у чекмайдиганлар учун вагонда кетиб борарди – гўё таёқ ютгандек тик ўтирар, ўзига эрк бериш унга тамомила ёт эди. Ёши олтмиш бешдан ошган, замонавий бебошликларни маъқулламасди. Отаси, эски полковник гавдани қандай тутишга ҳаммадан кўп эътибор қаратарди. Замонавий ёшлар ўтакетган тартибсиз – ғалати қилиқларига кўз ташласанг бас, умуман олганда, бир қарашда тушунарли...

Ўзидаги тақводорлик ва мустаҳкам ирсадан мамнунлик ҳисси мисс Эмили Брентга одамлар билан лиқ тўла учинчи класс вагонда кетиш ноқулайликлари ва димиққан ҳаво ҳақида ўйламасликка кўмаклашарди.

Ҳозир ҳамма ўзига эрк берган. Тишни фақат оғриқсиз суғуришади, уйқусизликдан ҳар хил уйқу дори ютишади, фақат юмшоқ курсиларда ёки қўлтиққа ёстиқ тиқиб ўтиришади, ёш қизлар эса худо билади қанақа кийимда юришибди, корсет тақишмай қўйган. Ёзда бўлса уззуккун ярим яланғоч пляжда ётишади... Мисс Брент лабларини қимтиди. Муайян доира одамлари ўзини қандай тутиши лозимлигини ўз мисолида кўрсатиб бергиси келарди... Ёдига ўтган ёз тушди. Йўқ, йўқ, бу йил ҳаммаси бутунлай бошқача бўлади. Занжилар ороли... Кейин кўп ўқийверганидан ёд бўлиб кетган хатни яна кўз олдига келтирди:

«Қадрли мисс Брент, мени ҳалиям унутмагансиз деган умиддаман. Бир неча йил аввал августда Беллхевн пансиониди бирга яшагандик. Ўртамизда умумий жиҳатлар жуда кўпдек туюлганди менга ўшанда.

Энди Девон соҳили яқинидаги оролчада хусусий пансионат очяпман. Менимча, у асил таомларга бой, янги урф бўлган эрмаклардан йироқ пансион учун жуда мос тушади – қисқаси, сиз каби осуда ҳаёт ва назокатни одат қилган эски мактаб одамлари учун

пансион. Бу ерда ярим яланғоч ёшлар ҳам, қоқ тунда оромбузар граммофонлар ҳам бўлмайди. Ёзда Занжилар оролида дам олишга имкон тополсангиз, жуда хурсанд бўлардим. Албатта, азий меҳмоним сифатида мутлақо бепул. Сизга август маъқул келадими? Айтайлик, саккизинчи санадан бошлаб?

Самимият ила А. Н...»

– Барибир исми нима эди-я? Имзоси ҳам жуда таажжуб. Ҳозир ҳамма наридан-бери қўл қўйишга ўтган, – Эмили Брентнинг зардаси қайнади.

У Беллхевнда учратган одамларни бирма-бир хаёлига келтирди. Сурункасига икки ёзни ўша ерда ўтказганди. У ерда ҳалиги ёқимтой кекса аёл яшарди. Миссис, миссис – айтганча, фамилияси нима эди-я? Отаси руҳоний бўлган. Яна у ерда мисс Олтон ёки Оден билан танишган. Йўқ, йўқ, фамилияси Оньон эди! Ҳа, албатта Оньон!

Занжилар ороли! Газеталарда Занжилар ороли ҳақида кўп ёзишди. Аввал аллақандай киноюлдузгами-ей, америкалик миллионергами-ей қарашли бўлган экан. Албатта, кўпинча бунақа ороллар сувтекинга сотилади – ҳар ким ҳам орол сотиб олишни хоҳламайди. Дастлаб оролда яшаш ҳақиқий саргузаштдек тўхалади. У ерга жойлашиб олгандан кейин шунча даҳмазаларга дуч келасанки, ундан тезроқ қутулсам эди, дея орзу қилишга тушасан. «Нима бўлган тақдирда ҳам, – деб ўйлади Эмили Брент, – мен учун бепул дам олиш кафолатланган. Айниқса ҳозир, моддий аҳволи танг бўлиб турган бир пайтда пулни тежаб қолиш имконини қўлдан чиқармайди. Ахир тузукроқ дивиденд ҳам тўлашмаяпти. Афсус, ўша миссис ҳақида деярли ҳеч нарсани эслай олмаяпти. Оньон хоним деганлари балки ёшгина қиздир».

Генерал Макартур ойнадан кўз ташлади. Поезд Эксетерга яқинлашиб қолганди. Генерал ўша ерда бошқа поездга ўтириши керак. Темир йўллар илон

изи бўлгани етмагандек, поезднинг тошбақа тезлигидан ҳар қандай одамнинг қони қайнаб кетади. Ахир туғри юрилса, Занжилар ороли қул узатса етгулик жойда.

Ўша Оним кимлигини барибир тушуна олмади. Афтидан, Пройд Леггард билан Жонни Дайернинг оғайниси бўлса керак.

«Ҳарбийдаги эски дўстлар тўпланамиз... Қадрдон даврлар ҳақида гаплашгим келяпти».

«Нима дерди, қадрдон даврлар ҳақида ўзи ҳам бажонидил гаплашади. Унга гуё кейинги йилларда эски дўстлари ўзини четга олиб қочаётгандек туюларди. Ҳаммаси ўша лаънати мишмишлар туфайли! Қаранг-а! Ахир орадан оз эмас, кўп эмас, нақ ўттиз йил ўтган бўлса! Албатта, Армитиж валақлаб қўйган, – деган хулосага келди. – Сурбет кўппак. Хўш, у ниманиям биларди? Ҳа, майли, ўйлаб ўтиришга арзимаydi бу. Бундан ташқари, фақат ўзигагина гоҳ у, гоҳ бу оғайниси олайиб қараётгандек туюляпти, холос.

Ўша Занжилар ороли қанақалигини кўриш ҳам қизиқ. У ҳақда қанча мишмиш тарқалмади. Афтидан, уни Ҳарбий флот, Ҳарбий вазирлик ёки Ҳарбий ҳаво кучлари сотиб олгани ҳақида овозалар унчалик ҳам ҳақиқатдан йироқ эмас...

Оролдаги ўйни америкалик ёш миллионер Элмер Робсон қурдирган. Айтишларича, бунинг учун бир дунё пул сарфлаган. Шундай экан, у ердаги дабдаба чинакамига шоҳона...

Эксетер! Яна бир соат поездда юриш керак! Ҳар қанақасига бардош етмайди. Қанийди, тезроқ юрсак...»

Доктор Армстронг Солсбери текислиги бўйлаб ўз «Моррис»ида кетиб борарди. Тинкаси қуриди... Муваффақиятнинг ўзига яраша азоби ҳам бор. Харлистритдаги ҳашаматли хонасида, замонавий аппаратуралар қуршовида оппоқ либосга бурканганча кунни

кунга улаб, олдинда нима кутиб турганини билмай, муваффақиятми ёки аксинча дея юрак ҳовучлаб ўтирган дамлар ўтди-кетди.

Муваффақият қозонди. Толеи баланд экан! Чунончи, омаднинг бир ўзи камлик қилади, яна яхши профессионал бўлиш ҳам керак. У ўз ишини биларди – лекин муваффақият учун бу етарли эмас. Яна омад кулиб боқиши ҳам керак. Унга омад кулди! Аниқ ташхис, бир-иккита миннатдор бемор, яна кимлар денг – бадавлат ва жамиятда мартабали аёллар – қарабсизки, у ҳақда гапира бошлашди: «Армстронгга учраб кўринг, ёш бўлса ҳам, шунақа билимдон. Масалан, Пэмни олинг. Кимларда даволанмади дейсиз, йиллаб, гапимни эшитяпсизми, йиллаб даволанди. Фақат Армстронг унга нима бўлганини бир қарашда дарров тушунди».

Шу-шу ишлар юришиб кетди.

Доктор Армстронг таниқли шифокорга айланди. Энди кунлари дақиқама-дақиқа тақсимлаб қўйилган. Дам олишга вақти қолмасди. Шунинг учунми, бугунги фараҳбахш август тонгида кўнгли тоғдек кўтарилди. Ахир Лондонни тарк этиб, бир неча кунни Девон қирғоғидаги оролда ўтказиш учун жўнаб кетяпти. Албатта, буни ҳам тўлақонли дам олиш деб бўлмасди. Мактуб ғоят мужмал жумлалар билан битилган бўлса-да, унга илова қилинган чек ҳар қандай шубҳани тумандек тарқатиб юборарди. Ақлбовар қилмас гонорар. Ўша Онимларда пул ачиб ётган бўлса керак. Афтидан, эр рафиқаси саломатлигидан қаттиқ ташвишда, лекин уни безовта қилмай аҳвол қандайлигини билмоқчи. Аёл эса ҳеч қачон шифокорга кўришни хоҳламайди. Шундай асаб билан...

«Ўргилдим, бунақа асаблардан! – докторнинг қошлари чимирилди. – Ўргилдим, бу аёллару улардаги асаблардан!» Лекин нимаям дерди, аёллардаги инжиқлик унга фақат фойда келтирди. Уни йўқлаб

келган аёлларнинг тенг ярми ҳеч қандай касал эмасди. Шунчаки зериккандан ўзларини касалга чиқаришади. Лекин бу ҳақда бир оғиз айтиб кўр-чи! Ва ниҳояти, у ёки бу нафмани қилириб топиш қийинми: «Сизда (қандайдир узунроқ илмий атама) биров меъёрида эмас. Ҳеч қандай жиддий муаммо йўқ, аммо даволаниб олишингиз керак. Даволаниш энг осон...» Ахир тиббиётда кўпинча ишонч даволайди. Доктор Армстронг эса ўз ишида ниманидир билар, умид бағишлаш ва тасалли беришда эса олдига ҳеч ким тушолмасди.

«Бахтига, ўша воқеадан сўнг, қачон бўлганди ўзи – ун, йўқ-йўқ, аллақачон ун беш йил бўлди, ўзини қўлга ола билди. Чинакам мўъжиза туфайли қутулиб қолди. Ҳа, ўшанда бирдан чуқиб қолганди. Бироқ руҳий изтироб иродасини намоён қилишга мажбур қилди. Эртаси кўниёқ ичишни ташлади. Ўшанда қутулиб қолгани ростдан ҳам мўъжиза бўлганди...»

Қўлоқни қоматга келтирувчи автомобиль гудогидан сесканиб тушди. Ёнидан соатига камида бир юз ўттиз километр тезликда баҳайбат «Супер спорте далмейн» физиллаб ўтиб кетди. Доктор Армстронг тусиққа урилиб кетай деди. «Йўлда ўпкасини қўлтиқлаб юрадиган каллаварам ёшлардан бири бўлса керак. Шунчалик жонига тегиб кетишди. Ахир мўъжиза туфайли омон қолди – бу гал ҳам. Жин урсин, ўша галварсни!»

Тони Марстон машинасини чинқиртирганча Миа қишлоқчасидан ўтиб бораркан, ўзича ўйларди: «Бунақа шалди роқ аравани қаердан олишади? Тошбақага ўхшаб судралишади. Энг ёмони, йўл бериш у ёқда турсин, албатта, йўлнинг ўртасидан юриши керак! Бизнинг йўлларда юриш қанақа бўлишини кўрсатиб қўёлмайсан. Францияда бўлса бошқа гап...

Шу ерда тўхтаб, томоқ хўлаб олсамикан ёки кетаверсинми? Вақт дегани бемалол. Атиги юз эллик чақирим йўл қолди, холос. Майли, занжабилли лимо-

над қўшилган жин ичиб олади. Ахир бунақа иссиққа одам зоти чидамайди!

Менимча, об-ҳаво панд бермаса, оролчада мириқиб дам олиш мўмкин бўлади. Қизиқ, ўша Оним қанақа одам экан ўзи? «Кўрмаганнинг кўргани қурсин» хилидан бўлса керак. Пулини қаёққа сарфлашни билмай боши қотяпти. Малла бунақа одамларнинг дарров исини олади. Ҳа-да, дангалини айтганда, бошқа нима ҳам қилсин бечора. Ахир ўзининг сариқ чақасиям йўқ бўлса...

Ичкилик борасида зиқна бўлишмаса бас. Ҳолбуки, бунақа зўраки бойлардан ҳар нарсани кутса бўлади. Афсус, оролни Габриэлла Тёрл сотиб олгани ҳақида мишмишлар рост бўлиб чиқмади. Киноюлдузлар орасида ўралашиб юришга жон дерди. На илож, у ерда барибир офатижон қизлар бўлади деб умид қилишдан ўзга чораси йўқ...»

Марстон меҳмонхонада кўп қолиб кетмади. Ташқарига чиқиб керишди, эснади, булутсиз кўм-кўк осмонга бир қараб қўйди ва «Далмейн»га ўтирди.

Расо қадди-қомат, баланд бўй, жингалак соч, офтоб қорайтирган юзда чақнаб турган мовий кўзлар ҳар қандай қиз-жувон эътиборини ўзига тортарди.

У акселераторни қаттиқ босди. Мотор ўкириб, автомобиль тор кўчада елдек уча бошлади. Қариялар ва хат ташувчи йигитчалар шоша-пиша ўзини четга олишди. Кўча болалари эса ҳайрат тўла нигоҳ билан машина ортидан қараб қолишди.

Антони Марстон ғолибона юришини давом эттирди.

Жаноб Блор секин юрадиган поездда Плимутдан келарди. Купеда ундан бўлак атиги яна битта йўловчи бор эди. Ичаверганидан кўзлари хира тортган денгизчи чол. Тўғрироғи, ҳозир у мудроқ уйқуда эди. Жаноб Блор ҳафсала билан ён дафтарчасига ниманидир ёзарди. «Мана, уларнинг бари, – деб ўзича ғудранди, – Эмили Брент, Вера Клейторн, доктор Армст-

ронг, Антони Марстон, эски судья Уоргрейв, Филипп Ломбард, Муқаддас Михаил ва Георгий нишони, яна «Жанговар хизматлари учун» ордени нишондори генерал Макартур, иккита хизматкор – жаноб Рожерс ва хотини».

Кейин ён дафтарчани ёпиб, чўнтагига солиб қўйди. Кўз қири билан бурчакка суяниб олган денгизчига қараб қўйди.

Бўккунча ичган, омон бўл-э, – тахмин қилди жаноб Блор.

Сунгра ҳамма ишни тартиб билан яна бир карра хаёлидан ўтказди.

«Менимча, қийин иш эмас, – деб ўйларди у. – Ортиқча ташвиш бўлмайди. Кўринишим ҳам айнан шубоп».

У ўрнидан турди, ўзини синчиклаб ойнага солди. Кўзгуда ташқи кўриниши ўртамиёна бир одам акс этиб турарди. Маъносиз кўк кўзлар, ингичка мўйлов. Бу қиёфада қандайдир ҳарбий руҳ бор эди. «Ҳатто майор деб ўйлаш мумкин, – деди ўз аксига қараб. – Айтганча, жин урсин, ахир у ерда анави генерал ҳам бўладику. Кимлигимни дарров фош қилади. Жанубий Африка – менга айнан шу керак! Улардан ҳеч ким у ерда бормаган, мен бўлсам ҳозиргина сайёҳлик агентлигининг маълумотномасини ўқиб чиқдим. Бу ҳақда суҳбатни бемалол қиздираман. Бахтимга, мустамлака аҳолиси дуч келган иш билан шуғулланаверади. Шундай экан, ўзимни жанубий африкалик корчалон деб таништирганим маъқул.

Занжилар ороли. Элас-элас хотирлайди. Ҳали бола пайтида у ерга боришганди. Соҳилдан икки чақирим наридаги бадбўй қоя. Балиқчи қушлар ахлатхонаси. Ташқи кўриниши лаби дўрдайган одамни эслатиб юборгани учун оролни шундай деб аташган.

Шунақа оролда уй қуриш таажжуб эрмак! Ёмон об-ҳавода у ерда умуман яшаб бўлмайди. Қолаверса

миллионерларда қанақа тантиқликлар бўлмайди дейсиз!»

Бурчакдаги чол уйғонди:

– Денгизда нима бўлишини олдиндан билиб бўлмайди!
– Мутлақо ҳақсиз, олдиндан ҳеч нарсани билиб бўлмайди, – маъқуллади жаноб Блор.

Чол бир-икки томоқ қирди ва ғамгин оҳангда деди:

– Довул бошланади.
– Йўқ, биродар, – деди Блор. – Ҳаво ажойиб.
– Мен бўлса ҳадемай довул бошланади деяпман, – жаҳли чиқди чолни, – буни олдиндан биламан.
– Балки ҳақдирсиз, – муросасоз рози бўлди жаноб Блор.

Поезд тўхтади. Чол чайқалганча ўрнидан турди.

– Шу ерда тушаман, – деди у ва эшикни тортди, лекин очишга кучи етмади. Жаноб Блор ёрдам беришга шошилди.

Чол эшик олдида тўхтади. Қўлини тантанавор кўтариб, хира тортган кўзларини қисиб қўйди.

– Поклан ва тавба қил, – деди у. – Поклан ва тавба қил. Жазо куни яқин.

Кейин перронга гурсиллаб қулади. Ерда ялпайиб ётаркан, ортига қайрилди ва жаноб Блорга хитоб қилди:

– Сизга айтяпман, йигитча. Жазо куни яқин.

«Унга аталган жазо куни меникидан олдинроқ етиб келса керак», – деб ўйлади жаноб Блор ўз жойига қайтаркан. Кейинчалик қаттиқ адашгани маълум бўлди.

Иккинчи боб

Оукбриж бекатининг эски биноси олдида бир гала йўловчилар тараддуд ичида тўдаланиб қолди. Уларнинг ортидан чамадон ушлаган юк ташувчилар саф тортганди.

Юк ташувчилардан кимдир бақирди:

– Жим!

Таксидан ҳайдовчи тушди.

– Занжилар оролига кетмаяпсизларми? – сўради у.

Саволга жавобан бирданига тўрттаси бош ирғади. Ҳайрон бўлган йўловчилар бир-бирига зимдан қараб олишди.

– Бу ерда иккита такси бор, сэр, – деди ҳайдовчи тўда ичида ёши каттароқ деб судья Уоргрейвга юзланганча. – Қайсидир биттаси Эксетердан келадиган поездни кутиши керак. Унда яна бир жаноб келяпти. Бунга беш дақиқа вақт кетади. Агар орангизда кимдир кутиб туришга рози бўлса, ҳамма бемалол кетарди.

Котибалик бурчини унутмаган ҳолда Вера Клейторн буйруқ беришга одатланган одамларга хос эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда деди:

– Мен қоламан, – кейин гуруҳдаги қолганларга қаради. Бир пайтлар теннис ўйнаганда қизларни худди шундай қилиб гуруҳларга ажратарди.

Мисс Брент киборларга хос тарзда:

– Миннатдорман, – деди ва таксига ўтирди.

Таксичи ҳурмат юзасидан эшикни очиб турди.

Судья Уоргрейв унинг ортидан эргашди.

Капитан Ломбард деди:

– Мен мисс билан кутиб тураман...

– Клейторн, – деди Вера.

– Мен эса Ломбардман, Филипп Ломбард.

Юк ташувчилар юкларни жойлашди. Таксига ўрнашиб олгач, судья Уоргрейв кекса қонунчиларга монанд эҳтиёткорлик билан сўз бошлади:

– Ажойиб об-ҳаво.

– Ажойиб, – дея маъқуллади мисс Брент.

«Олий даражада илтифотли жаноб экан, – деб ўйлади у. – Денгиз бўйидаги пансионларда бунақа одамларни учратмайсан. Афтидан, ўша миссис ёки мисс Оньоннинг ажойиб танишлари бор...»

– Бу жойларни яхши биласизми? – сўради судья Уоргрейв.

– Мен Корноуолл билан Торкида бўлганман, лекин Девоннинг бу қисмига илк бор келишим.

– Мен ҳам бу ерларни умуман билмайман, – деди судья.

Такси қўзғалди. Иккинчи таксичи деди:

– Балки машинада кутиб турарсизлар?

– Йўқ, раҳмат, – қатъий рад қилди Вера.

Капитан Ломбард кулимсиради:

– Аслида мен учун ҳам қуёш нурида товланаётган деворлар анча жозибали, шундай бўлса ҳам, балки вокзалга киришни хоҳларсиз?

– Йўқ, йўқ. Вагондаги диққинафасдан кейин тоза ҳавода бўлиш жуда ёқимли.

– Ҳа, бунақа иссиқда поездда юриш тинка-мадорни қуритади, – жавоб қайтарди у.

– Ўзгармай туради деб умид қилиш керак. Ҳавони назарда тутяпман, – мулойимлик билан суҳбатни давом эттирди Вера. – Бизнинг инглиз ёзимиз шунақа беқарорки.

– Бу жойларни яхши биласизми? – капитан Ломбард одатий саволлардан бирини берди.

– Йўқ, бу ерда аввал ҳеч қачон бўлмаганман, – ҳаммасига бирйўла нуқта қўйишга қатъий қарор қилгач, тезда қўшиб қўйди: – Ҳанузгача бекам билан танишолмадим.

– Бекам билан?

– Миссис Оним котибасиман.

– Шунақами?! – Ломбард муомаласи сезиларли даражада ўзгарди: энди анча ишонч билан, лекин такаллуфсиз гапира бошлади.

– Сизга бу ғалати туюлмаяптими? – сўради у.

Вера кулиб юборди:

– Бунинг ҳеч қандай ғалати жойи йўқ. Миссис Онимнинг котибаси тўсатдан оғириб қолди. У ағриб қолди.

929525

ликка телеграмма жўнатиб, ўрнига кимнидир жўнатишни илтимос қилган. Улар мени тавсия қилишди.

– Шунақа денг. Бекангиз билан танишгач, бирдан сизга ёқмай қолса-чи?

Вера яна кулиб қўйди:

– Ахир мен таътил тугагунча ёлланяпман, холос. Доимий иш жойим аёллар мактабида. Бундан ташқари, Занжилар оролини кўришга сабрим чидамаяпти. У ҳақда газеталарда бирам кўп ёзишган. Айтинг-чи, у ер ростдан ҳам шунчалик чиройлими?

– Билмадим. У ерда ҳеч қачон бўлмаганман, – деди Ломбард.

– Наҳотки? Онимлар, афтидан, уни деб ақлдан озади. Улар қанақа ўзи? Илтимос, айтиб беринг.

«Аҳмоқона вазият, – деб ўйлади Ломбард, – қизиқ, улар билан танишманми ё йўқми?»

– Қўлингизда ари юрибди, – деди бирдан ҳовлиқма оҳангда. – Йўқ, йўқ, қимирламанг, – кейин гўё арини ҳайдаб юборгандек бўлди. – Ана бўлди! Учиб кетди.

– Раҳмат, жаноб Ломбард. Айниқса, шу ёз ари кўпайиб кетди.

– Ҳаммаси иссиқдан. Айтганча, мабодо билмайсизми, кимни кутиб турибмиз?

– Тасаввур ҳам қилолмайман.

Яқинлашиб келаётган поезд гудоги эшитилди.

– Ана, поездимиз ҳам келди, – деди Ломбард.

Перрондан чиқиш жойида новча чол пайдо бўлди. Тарашланган оқ сочлари, ҳафсала билан текисланган оппоқ мўйловига қараб истеъфодаги ҳарбий эканини англаб олиш мушкул эмасди. Баҳайбат чамадон оғирлигидан гандираклаб кетган юк ташувчи Вера билан Ломбард томон ишора қилди.

Вера олдинга чиқди ва жиддият билан ўзини таништирди.

– Мен миссис Оним котибасиман, – деди у. – Бизни машина кутяпти, – кейин қўшиб қўйди: – Бу эса жаноб Ломбард.

Чол йиллар забтида хира тортган, аммо ҳали-ҳануз синчков нигоҳларини Ломбардга қадади. Мабодо кимдир унинг кўнглидан ўтган гапларни билмоқчи бўлса, тахминан шундай бўларди: «Чиройли йигит. Лекин унда шубҳали нимадир бор...»

Учаласи таксига ўтирди. Оукбрижнинг сокин кўчалари бўйлаб, кейин яна икки чақиримча Плимут катта йўлидан юришди. У ёғига гоҳ тор, гоҳ кенг, ўт босган ва чалкаш қишлоқ йўллари бошланди.

Генерал Макартур деди:

– Бу ерларни умуман билмайман. Шарқий Девонда, Дорсет чегарасида уйчам бор.

– Бу ерлар жуда чиройли экан, – деди Вера. – Тепаликлар, қўнғир ялангликлар, ҳамма нарса яшнаб турибди, майсалар ҳам жуда қалин.

– Менга қолса бу ер анча зерикарли. Бепоён текисликни афзал кўраман. У ерда ҳеч ким орқангдан яширинча писиб келолмайди... – унга қарши чиқди Филипп Ломбард.

– Менимча, кўп саёҳат қилган бўлсангиз керак? – Ломбарддан сўради генерал.

Ломбард бош ирғади.

– Ҳа, дунё кезиб роса тентирадим.

Кейин ўйлаб қолди: «Ҳозир мендан урушда қатнашганманми-йўқми, шуни сўрайди. Қари аскарларни шундан бошқа нарса қизиқтирмайди».

Бироқ генерал Макартур уруш ҳақида оғиз ҳам очмади.

Улар катта тепаликни ортда қолдириб, айланма сўқмоқ йўллар орқали Стиклхевнга етиб келишди. Соҳил бўйидаги бу қишлоқча бир нечта уйдан иборат бўлиб, уларнинг яқинида бир-иккита балиқчилар қайиғи ҳам кўзга ташланарди. Ботаётган қуёш нурлари денгиздан жанубда қад ростлаган қояни ёритди.

Ана шу пайт улар биринчи марта Занжилар оролини кўришди.

– Қирғоқдан анча узоқ экан, – ҳайрон бўлди Вера.

У оролни бутунлай бошқача тасаввур қилганди – соҳилбўйидаги митти оролча, унда чиройли оқ уй. Бироқ ҳеч қандай уй кўринмасди. Денгиздан кўтарилиб чиққан тик қоя олисдан қараганда баҳайбат занжи бошини эслатиб юборарди. Унинг нимасидир ваҳима уйғотарди. Вера беихтиёр сесканиб тушди.

«Етти юлдуз» меҳмонхонасида уларни бир тўп одам кутиб турарди. Мункиллаган судья чол, қаддини доим тик тутишга уринадиган мисс Эмили Brent ва жуссадор, кўринишидан қўпол бир эркак. У олдинга юрди ва ўзини таништирди.

– Сизларни кутиб туришга қарор қилдик, – деди у, – ҳаммамиз биратўла кетамиз. Менинг исмим Дейвис. Асли Наталданман, илтимос, Трансвал билан чалкаштирманглар. Ҳа-ҳа-ҳа, – мириқиб кулди.

Судья Уоргрейв унга ошкора ёвқараш қилди. «Суд залини бўшатиб қўйинг» қабилида буйруқ беришга чоғлангани яққол билиниб турарди. Мисс Эмили Brent мустамлака вакили билан қандай муомала қилишни билмай иккиланганча туриб қолди.

– Кетишдан аввал томоқ хўлаб оласизларми? – илтифот билан таклиф қилди Дейвис.

Унинг таклифига ҳеч ким жавоб бермади. Кейин жаноб Дейвис пошнаси билан ўғирилди ва бармоғини кўтариб деди:

– Ундай бўлса кеч қолмайлик. Хўжайинларимиз бизни кўтяпти.

Шу сўзларни айтганда меҳмонлар юзида алланечук саросима пайдо бўлди. Гўё хўжайин ҳақида эслатиши уларни карахт аҳволга туширгандек эди.

Дейвис қўли билан ишора қилди. Деворга суяниб турган одамлардан бири улар томон яқинлашди. Чайқалиб юришидан денгизчи экани кўриниб турарди. Иссиқ шамол туфайли юзи дағаллашган, қарашлари ҳам маънисиз эди.

– Тайёرمىсизлар, хонимлар ва жаноблар? – сўради у. – Қайиқ сизларни кутяпти. Яна иккита жаноб ўз машинасида етиб келади. Лекин жаноб Оним уларни кутмасликни буюрган. Қачон келиши ноаниқ.

Улар ўрнидан туриб, денгизчи ортидан чоғроқ бандаргоҳ томон юришди. Унга моторли қайиқ боғлаб қўйилганди.

– Жуда кичкина экан! – деди Эмили Брент.

– Ажойиб қайиқ, мэм, айна кераклиси, – эътироз билдирди денгизчи. – Кўз очиб юмгунча ҳатто Плимутга етказиб қўйиши мумкин.

– Биз ортиқча кўпмиз, – гапини кескин бўлди судья Уоргрейв.

– Икки баравар кўп одам ҳам сиғади, сэр.

– Демак, ҳаммаси жойида, – гапга аралашди Филипп Ломбард. – Ҳаво ажойиб, денгиз сокин.

Мисс Брент бироз иккиланишдан сўнг қайиққа чиқишга рози бўлди. Бошқалар ҳам унинг орқасидан эргашди. Уларнинг ҳаммаси ҳозирча бир-биридан ётсираб турарди. Афтидан, орол эгалари нима учун бунчалик ҳар хил одамларни таклиф қилишганини тушунолмай ҳайрон эдилар.

Қайиқ энди қўзғалай деганда қўлида арқон ушлаб турган денгизчи олисдан шитоб билан яқинлашаётган нуқтага қараб қолди. Адил тепаликдан қўйинган йўл бўйлаб бир автомобиль қишлоқ томон яқинлашарди. Фавқулодда қудратли ва чиройли бу машина гўё атрофдаги сокин манзарани остин-устун қилгандек туюларди. Рулда ёш йигит ўтирар, майин сочлари шамол эпкинида ўйнарди. Ботаётган қуёш жилосида шимол афсоналаридаги ёш маъбуддек улғувор кўринарди. Ёш йигит гудок чалди. Кучли овоздан соҳилбўйидаги қояларда жарангдор акс-садо таралди.

Ўшанда улар Антони Марстонни хом сўт эмган банда эмас, салкам самовий мавжудотга чиқариб

қўйишганди. Ушбу ажиб манзара барчанинг хотирасида муҳрланиб қолди.

Мотор ёнида ўтирган Фред Нарракотт хийла ғалати одамлар тўплангани ҳақида ўйлаб кетарди. Жаноб Оним меҳмонларини бутунлай бошқача тасаввур қилган экан. Бундан анча зўрроқ. Танноз хонимлар, яхтачилар кийимидаги эркаклар – қисқаси, олий мартабалилар.

«Мана, жаноб Элмер Робсонникига меҳмонмисан меҳмонлар келганди. – Фред Нарракотт мийиғида кулиб қўйди. – Ҳа, хумордан чиққунча яйрашганди. Ичкиликлар-чи!

Жаноб Оним бутунлай бошқача кўринади. Ғалати, – ўйлади Фред, – Жаноб Онимни ҳам, бекасини ҳам ақалли бир марта кўрмадим-а. Ахир бу ерга умуман келмади, демак, ҳеч қачон бўлмаган ҳам. Фақат буйруқ беради. Ҳаммаси учун жаноб Моррис ҳисобкитоб қилади. Аниқ кўрсатмалар беради, пулини шу заҳоти тўлайди-ю, барибир унга ғалати туюлаверади. Газеталарда жаноб Оним сирли одам деб ёзишади. Афтидан, бу гапларда жон бор.

Балки оролни ростдан ҳам мисс Габриэлла Тёрл сотиб олгандир. – Лекин йўловчиларга яна бир қўр назар ташлаб, бу тахминдан дарҳол воз кечди. – Унда буларни бошига урадимми? – деб ўйлади йўловчиларга синчиклаб разм соларкан. – Ҳаётдан аламзада қари қиз. Бунақаларнинг кўпини кўрган. Серзардалиги кўзидан аён. Чол бўлса кўринишидан ҳарбий устихонга ўхшайди. Ойимқиз тузуккинаку, лекин ҳамма қатори – голливудча жозибадан асар йўқ.

Қувноқ содда жаноб бўлса, ҳеч қанақа жаноб эмас, шунчаки эски савдогарлардан, – ўйлади Фред Нарракотт. – Лекин анави қотма жанобнинг илдам қарашларида ғайриоддий нимадир бор. Менимча, фақат уни кинога қандайдир алоқаси бор дейиш мумкин.

Йўловчилар орасида киноюлдуз билан улфат бўлишга арзигулик фақат битта одам бор. У ҳам бўлса ўз машинасида келгани (яна қанақа машинада! Ахир бунақа машинани Стиклхевндагилар етти ухлаб туш кўришмаган. Бир неча юз фунт турса керак-ов). Ана шуни меҳмон деса бўлади! Пулдорлиги ҳам аниқ. Ҳамма йўловчилар шунақа бўлгандами, унда бошқа гап эди...

Ҳа, ўйлаб кўришга арзийди...»

Қайиқ сувни кўпиклантириб, қояни ҳам айланиб ўтди. Шунда улар уйни кўришди. Оролнинг жанубий томони шимолийсидан фарқли ўлароқ денгизга ётиқ тушган эди. Уй жанубий нишабда тўртбурчак жойлашиб, замонавий усулда қурилган, улкан деразалари думалоқ эди. Чиройли уй – ҳар ҳолда у ҳеч кимнинг ҳафсаласини пир қилмади!

Фред Нарракотт моторни ўчирди. Қайиқ оқим кучи билан қоялар ўртасидаги қўлтиққа сурилди.

– Ёнгарчиликда бу ерда тўхташ қийин бўлса керак, – деди Филипп Ломбард.

– Жануби-шарқдан шамол эсганда, – Фред Нарракоттнинг билағонлиги тутди, – Занжилар оролига умуман келиб бўлмайди. Шунақа пайтларда ҳафталаб, ҳатто ундан кўпроқ қуруқликдан узилиб қолади.

Вера Клейторн ўйлаб қолди: «Озиқ-овқат етказиб беришда ҳам қийинчилик кўп бўлса керак. Оролларнинг шуниси чатоқ – хўжалик юритиш қийин».

Моторли қайиқ борти қояга тиралди – Фред Нарракотт қирғоққа сакради. Кейин у билан Ломбард қолганлар чиқиб олишига ёрдамлашишди. Нарракотт қайиқни ҳалқага боғлаб, йўловчиларни қоядан йўниб ишланган зинапоя орқали юқорига бошлади.

– Чакки эмас! – деди генерал Макартур. Лекин кўнгли алағда эди. «Барибир ғалати жой», – деб ўйларди.

Ниҳоят, тош зиналар ортда қолиб, ҳамроҳлар кенг майдончага чиқишди. Бирдан ҳамманинг кайфияти

кўтарилди. Ланг очик эшик олдида басавлат хизматкор турарди. Ундаги тантанавор қиёфа ҳаммани бир қадар тинчлантирди. Уйнинг ўзи ҳам ҳайратомуз чиройли, майдон оша эса ажиб манзара намоён бўларди.

Новчадан келган, қотма, сочлари оқарган, кўриниши кишида ҳурмат уйғотадиган хизматкор меҳмонларга пешвоз чиқди.

– Марҳамат, бу ёққа, – деди у.

Меҳмонлар кенг холлга бирин-кетин қадам ташларкан, турнақатор терилган шишаларни кўришди. Антони Марстон анча жонланди.

«Бу нусхаларни қаердан топишди ўзи? – ўйлади у. – Булар билан нима ўхшашлигим бор? Қизиқ, мени бу ерга чақирганда Малла нимани ўйлади экан? Яхши томони, бу ерда ичкиликдан сиқилмайдиган бўлди. Муз ҳам етарлича. Хизматкор нима деяпти?»

– Афсуски, жаноб Оним иш билан ушланиб қолди – фақат эртага етиб келади. Менга меҳмонлар раъйига қараш буюрилган. Балки ўз хоналарингизни кўриб оларсизлар? Нонушта соат саккизда тортилади...

Вера миссис Рожерс изидан зина бўйлаб юқорига кўтарилди. Хизматкор аёл йўлак охиридаги эшикни ланг очиб қўйди. Вера иккита катта деразали ажойиб ётоқхонага кириб борди. Деразалардан бири денгизга қараган, иккинчиси кунчиқар томонда жойлашган эди. Вера ҳайратдан ҳатто қичқириб юборди. Унга хона ёқиб тушганди.

– Умид қиламанки, бу ерда сиз учун керакли ҳамма нарса бор, мисс? – деди миссис Рожерс.

Вера хонани кўздан кечирди. Чамадонини аллақачон жойлаб қўйишибди. Эшиклардан бири ҳаворанг кафел қопланган ваннахонага олиб борарди.

– Ҳа, ҳа, ҳаммаси.

– Нимадир керак бўлса, мисс, қўнғироқ қилинг.

Миссис Рожерс маъносиз ва шикаста оҳангда гапирди. Вера унга қизиқсиниб қаради. Заҳил-заъфа-

рон аёл. Арвоҳнинг ўзгинаси! Сочи бир тутам боғланган, қора кўйлақда. Қисқаси, кўринишидан анча саришта. Лекин мовий кўзлари ҳар томонга безовта аланглайди.

«Ҳатто ўз соясидан ҳам қўрқади, шекилли», – ўйлади Вера. Афтидан, бу борада заррача адашмади. Миссис Рожерс ажалга дуч келган одамдек кўринарди... Веранинг эти жимирлаб кетди. «Қизиқ, бу аёл нимадан қўрқиши мумкин» – аммо ташида мулоимлик билан деди:

– Мен миссис Онимнинг янги котибасиман. Умуман олганда, бу ҳақда билсангиз керак.

– Йўқ, мисс, мен ҳеч нарса билмайман, – деди миссис Рожерс. – Меҳмонлар исми ёзилган рўйхат билан уларни қайси хонага жойлаштириш ҳақида кўрсатма олганман, холос.

– Наҳотки миссис Оним мен ҳақимда сизга айтмаган бўлса? – сўради Вера.

– Мен миссис Онимни кўрмаганман, – елка қисди миссис Рожерс. – Биз ҳам атиги икки кун аввал келдик.

«Умр бино Онимларга ўхшаган одамларни учратмагандим», – ўйлади Вера. Лекин ташида:

– Бу ерда бошқа хизматкорлар ҳам борми?

– Рожерс билан фақат мен, мисс.

Веранинг қошлари чимирилди: «Саккизта одам, уй соҳиблари билан ўнта. Хизматкор атиги иккита».

– Мен яхши пазандаман, – деди миссис Рожерс. – Рожерс ҳамма уй ишини бажаради. Лекин бунча меҳмон таклиф қилишларини кутмагандим.

– Уддалайсизми? – сўради Вера.

– Хавотир олманг, мисс, уддалайман. Агар меҳмонлар тез-тез келиб турса, унда ўйлаб кўриш керак. Балки миссис Оним менга ёрдам учун кимнидир таклиф қилар.

– Умид қиламан, – деди Вера.

Миссис Рожерс шарпа каби сассиз чиқиб кетди.
Вера деразага яқинлашиб, аста рафига ўтирди.
Вужудини жонсарак ғашлик чулғаб олди. Бу ердаги
ҳамма нарса ғалати туюларди – Онимлар йўқлиги
ҳам, арвоҳга ўхшаб бўздек оқарган миссис Рожерс
ҳам. Меҳмонларку аллақачон: бунақа улфатларни
кундузи чироқ ёқиб ҳам тополмайсан. Шу тоб ўкинч
билан ўйларди: «Афсус, Онимлар билан олдиндан
танишиб олмай чакки қилдим. Қанақа одамлар экан-
а...»

Кейин ўрнидан турди. Ўзини қўярга жой тополмай,
хона бўйлаб юра бошлади. Ўта замонавий усулда
безатилган ажойиб ётоқхона. Йилтираб турган пар-
кет полга сарғиш гилам тўшалган. Деворлар оппоқ,
чироқларга ҳам ойнабанд ром кийдирилганди. Камин
токчасида ҳеч қандай безак йўқ. Фақат замонавий
руҳдаги ҳайкал. Оқ мармар бўлагидан ясалган улкан
айиқ. Унга соат ҳам қилинган. Соат устида, ярқирок
металл ромда пергамент парчаси, унда қандайдир
шеър бор. Вера яқинроқ борди – гўдаклик пайтидан
бери билган эски саноқ шеър экан:

*Ўнта негр боласи, борди тушлик қилгали,
Бири тиқилиб ўлди, тўққиз қолдилар бари.
Тўққиз негр боласи мириқиб қилди тушлик,
Бири уйғона олмай, саккиз қолдилар шўрлик.
Саккиз негр боласи юрдилар Девон томон,
Бири ортга қайтмади, қолдиларку еттовлон.
Етти негр боласи ўтин ёрдилар бирга,
Бири ўзини чопди, олти қолди наҳорга.
Олти негр боласи асалари боқишди,
Бешта қолишди сўнгра, бирини ари чақди.
Бешта негр боласи қозиликни боплашди,
Бирини суд қилишгач, ночор тўртта қолишди
Тўртта негр боласи чўмилдилар денгизда,
Бири қармоққа тушди, учовлон қолди бирга.*

*Учта негр боласи борди ҳайвонот боғи,
Бирини айиқ тутди, иккиси экан соғи.
Икки негр боласи ётди жазирамада,
Бири куйиб бўлди кул, қолди бири афтода.
Сўнгги негр боласи ҳорғин атроф қаради,
Сўнгра ўзини осди, кейин ҳеч ким қолмади.*

Вера кулиб қўйди: «Ҳаммаси тушунарли: Занжилар ороли!»

Сўнгра денгизга қараган дераза томон борди ва ташқарига термулди. Қаршисида бепоён денгиз намоён бўлди. Ер кўринмасди: қаёққа қарама, ҳаммаёқ шом шафағида жилваланиб, майин жимирлаётган кўм-кўк сув.

«Денгиз... Бугун бирам сокин, гоҳида шафқатсиз бўлади... Ўз қаърига тортади. Чўкиб кетди... Мурдаси топилди... Денгизда чўкиб кетди... Чўкиб кетди, фарқ бўлди, сув ютди... Йўқ, эслаб ўтирмайди... Бу ҳақда ўйламайди! Ҳаммаси ўтмишда қолган».

Доктор Армстронг Занжилар оролига кунботарда етиб келди. Йўлда шу ерлик деб қайиқчи билан анча гаплашди. Занжилар ороли соҳиблари ҳақида ниманидир билиб олишни жуда хоҳлаганди, лекин Нарракоттдан бу ҳақда, қанчалик ғалати бўлмасин, дурустроқ гап ололмади. Эҳтимол, айтгиси ҳам келмагандир. Шундан сўнг доктор Армстронг об-ҳаво ва балиқ ови турларини муҳокама қилиш билан кифояланишига тўғри келди.

Рулда узоқ ўтиргани учун ўзини жуда ҳорғин сезарди. Кўзлари зирқираб оғрирди. Ғарбга юрсанг, кунбўйи қуёш кўзни қамаштиради. «Шунчалик ҳам чарчайдимми?! Денгиз ва ҳузурбахш осойиш – унга айнан шу керак. Албатта, ўзига қолса кўпроқ дам олишни хоҳларди, лекин бундай қилолмасди. Яъни у молиявий жиҳатдан албатта бундай қила оларди, лекин ишдан узоқроқ вақт четда юра олмасди. Бирпас-

да мижозлардан мосуво бўласан. Айниқса ҳозир, толе кулиб турган бир пайтда дам олиш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Барибир, – ўйларди у, – ақалли бугунча Лондон билан Харли-стрит ҳақида ҳам бошқа нарсалар ҳақида ҳам ўйламайман. Энди у ёққа ҳеч қачон қайтмайдигандек хаёлда юраман.

«Орол» сўзининг ўзида аллақандай жозибадор куч бор. Оролда яшаркансан, ташқи оламдан узиласан. Оролнинг ўзи мустақил олам. Бу оламдан қайтмаслиги ҳам мумкин. Бу гал кундалик ҳаётни барча ташвишларига қушиб ортда қолдираман», – ўйлади у. Лабида кулгу кўринди: режалар, келажак учун қойилма қом режалар тузишга тутинди. Қояда ўйиб ишланган зинапоя орқали кўтариларкан, кўнглидаги хушхоллиги ҳам кучайиб борарди.

Майдончада бир чол курсига суянганча хаёл суриб ўтирарди – унинг юзи доктор Армстронгга танишдек туюлди. «Бу қурбақа юзни, елкага қушилиб кетган ингичка тошбақа бўйинни, энг асосийси, синчков кўзларни қаерда қўрган бўлиши мумкин? Ҳа албатта, бу эски судья Уоргрейв. Бир гал у олиб борган суд жараёнида гувоҳ сифатида қатнашганди. Судьянинг кўриниши доим мудроқ бўлса-да, ҳеч ким назаридан четда қолмасди. Судда обрўси ғоят баланд эди. Айтишларича, ҳар кимни ўз ноғорасига уйната оларди. Бир-икки эмас, сон-саноксиз март айбланувчи оқланса керак деб туришганда ҳам кескин жазо тайинланишига эриша олган. Бекорга ун қонун жаллоди дейишмасди. Уни бу ерда учратама деб зинҳор ўйламагандим».

Судья Уоргрейв ўйлади: «Армстронг? Қандай курсатма бергани ҳалиям эсимда. Жуда эҳтиёткор ва ҳушёрлик билан. Ҳамма докторлар тентак. Харли-стритдагилар бўлса ҳаммасидан аҳмоқроқ». Кейин ўша кўчлик бир олифта билан яқинда қўрган суҳбатини ижирганиш билан эслади.

Хушламай овоз берди:

– Ичкилик холлда.

– Уй соҳиблари билан саломлашиб қўймоқчиман, – деди доктор Армстронг.

Судья Уоргрейв кўзларини юмди, бундан қурбақага ўхшашлиги чандон ортди. Сўнгра оҳиста:

– Иложи йўқ.

– Нега? – ҳайрон бўлди доктор Армстронг.

– Уй соҳиби ҳам, бекаси ҳам бу ерда йўқ, – деди судья. – Анча ғалати уй. Ҳеч нарсани тушунмай қолдим.

Доктор Армстронг унга ўқрайиб қаради. Бироздан сўнг чол ухлаб қолди деган хаёлда кетишга чоғлангани, Уоргрейв бирдан сўз қотди:

– Констанция Калмингтонни танийсизми?

– Афсуски, йўқ.

– Буни аҳамияти йўқ, – деди судья, – Ўтакетган паришонхотир аёл. Ёзган хатини ҳам тушуниб бўлмайди. Бошқа ерга келиб қолдимми деб ўйлаяпман.

Доктор Армстронг қайдам дегандек бош чайқади ва уйга кирди.

Судья Уоргрейв эса яна анча вақт Констанция Калмингтон ҳақида ўйлаб ўтирди: «Ишончсиз аёл, бироқ аёллар ишончли бўлганми ўзи?» Кейин хаёллари ўзи билан келган иккала заифа: лаблари қимтиқ қари аёл ва ёш қизга кўчди. Қизни кўп ҳам хушламади. Совуққон ойимтиллалардан деб ўйлади. «Айтганча, бу ерда иккита эмас, балки учта аёл бор. Миссис Рожерс қолиб кетяпти.

Ғалати аёл. Афтидан, ўлгудек қўрқоқ. Умуман олганда, Рожерслар анча ҳурматли жуфтлик ва ўз ишини билишади».

Шу пайт майдонда Рожерс пайдо бўлди.

– Мабодо билмайсизми, соҳибингиз уйига леди Констанция Калмингтон ҳам келиши керакми?

Рожерс унга анграйиб қаради:

– Бу ҳақда ҳеч нарса билмайман, сэр.

Судьянинг қошлари уюлди, лекин индамади.

«Бежизга бу ерни Занжилар ороли дейишмайди, – ўйлади у, – ҳеч ким рўшнолик кўрмайди».

Антони Марстон чўмилиб олди. Узоқ вақт иссиқ сувда ётди. Узоқ йўл чарчоғини унутгандек бўлди. Хаёллардан кўп ҳам безовта бўлмас, чунки Антони ҳиссиёт ва ҳаракат билан яшарди.

«Ҳа, майли – бир амаллайман», – деб ўйлади ва ҳар хил хаёлларни калласидан чиқариб ташлади.

Иссиқ сувда ётади, чарчоқ ёзади, соқол олади, коктейль ичади, тушлик қилади... Хуш, кейин-чи?

Жаноб Блор галстук боғларди. Бўни ҳеч қачон кўнгилдагидек қилолмаган. Кўзгуга қаради: ҳаммаси жойидами? Менимча, шунақа.

Бу ердагилар уни унчалик ҳам ёқтиришмади... Ҳаммаси шубҳа билан қараб қўйяпти, гўё бир нарсадан хабардордек... Қисқаси, фақат ўзига боғлиқ. Кўз пишиб кетган, демак, бу ишни ҳам оппа-осон ҳал қилади. Камин устидаги саноқ шеър эътиборини тортди. Ёмонмас.

«Болалигимдаёқ бу ерга бир келганман, эсимда, – ўйлади у. – Шу оролда шунақа ишлар қилишимиз тўғри келишини етти ухлаб туш кўрмагандим. Ҳайро, қолар жойи йўқ. Келажакда нималар бўлишини ҳеч қачон билмайсан...»

Генерал Макартур мавҳум хаёллар оғушида эди. «Жин урсин, шунчалик ҳам ғалати бўладими! Кутганларидан асар ҳам йўқ... Зигирча имкон бўлса, баҳона ҳам қидирмай шартта жунаб қолган бўларди... Бу ерда бир дақиқа ҳам қолмасди... Лекин қайиқ кетиб қолди. Демак, хоҳлайсанми-йўқми, қолишга тўғри келади. Анави Ломбард шубҳали кўринади. Муттаҳа қаллоб. Тўппа-тўғри, қаллоб».

Бонгнинг биринчи зарбида Филипп хонадан чиқди ва зинапоя томон юрди. У сиртлондек енгил ва шовқин

сиз қадам ташларди. Умуман, қиёфасида ҳам сирт-лонларга хос нимадир зоҳир эди. Ҳа, шундай чиройли йиртқични ёдга солади. «Атиги бир ҳафта, – кулиб қўйди. – Нима дерди, зерикиб қолмайди».

Эмили Брент тушлик учун қора шойи кийиб олган-ча ўз ётоқхонасида Инжилни ўқирди.

Лаблари унсиз пичирларди:

«Қавм ўзлари қазган чоҳ сари қулади; ўзлари қўйган тузоққа илинди, еру осмон ларзага келди.

Улар Тангрини у берган жазо орқали танидилар: бетавфиқлар ўзини-ўзи ҳалок қилди. Гуноҳкорлар дўзахда ёнғай».

У лабларини қимтиди ва Инжилни ёпди.

Ўрнидан турди, кўкрагига сурма ранг тўғнағич қадаб, тушлик учун пастга тушди.

Учинчи боб

Тушлик охирлаб борарди. Таомлар мазали, вино ажойиб эди. Рожерс бекаму кўст хизмат қилди.

Меҳмонлар кайфияти кўтарилиб, тили ечилди. Тотли портвейн таъсирида ҳалимдек юмшаган судья Уоргрейв феълига хос истеҳзомуз оҳангда қандайдир қизиқ воқеани айтиб берар, доктор Армстронг ва Тони Марстон қулоқ тутарди. Мисс Брент генерал Макартур билан суҳбатлашди – умумий танишлари бор экан. Вера Клейторн жаноб Дейвисни Жанубий Африка ҳақида саволларга кўмиб ташлади. Жаноб Дейвис ҳар бирига мардонавор жавоб берди. Ломбард қизгин суҳбатга қулоқ солиб ўтирди. Гоҳида Дейвисга қараб, унга кўз қисиб қўярди. Вақти-вақти билан дастурхон атрофига кўз югуртириб, бошқаларга разм соларди.

– Ростдан қизиқ ҳайкалчалар-а? – бирдан хитоб қилди Антони Марстон.

Думалоқ стол марказидаги шиша таглик устида доира шаклида терилган митти чинни ҳайкалчалар турарди.

– Тушунарли, – қўшиб қўйди Тони, – бу ер Занжилар ороли бўлгандан кейин негр болаларисиз иложи йўқ.

Вера ҳайкалчаларни яқиндан кўриш учун эгилди.

– Қизиқ, улар нечта экан? Ўнтами?

– Ҳа, ўнта.

– Қувноқ одамлар экан! – меҳри товланди Вера. – Ахир бу саноқ шеърдаги ўнта негр боласику. Хонамдаги камин устида осиглиқ турибди.

Ломбард бироз ҳайрон оҳангда:

– Меникида ҳам.

– Меникида ҳам.

– Меникида ҳам, – жўр овозлар эшитилди.

– Ғалати уйғунлик, нима дейсизлар? – деди Вера.

– Тўғрироғи, ёш болалик, – минғирлади судья Уоргрейв ва ўзига портвейн қўйди.

Эмили Брент билан Вера Клейторн бир-бирига қараб олгач, ўрнидан туришди.

Шиддат билан қояга урилаётган денгиз тўлқинларининг шовқини ошхонанинг ланг очик ойнаванд эшикларидан яққол эшитилиб турарди.

– Денгиз шовқинини яхши кўраман, – деди Эмили Брент.

– Мен бўлса тоқат қилолмайман, – беихтиёр айтиб юборди Вера.

Мисс Брент унга ажабланганча қараб қўйди. Вера қизариб кетди ва ўзини қўлга олиб қўшиб қўйди:

– Менимча, довул пайтида бу ер анча нотинч бўлади.

Эмили Брент маъқуллади.

– Лекин ишончим комил, қишда бу ерларга қул тушади, – деди у. – Хизматкорларга ҳар қанча пу бериб ҳам, бу ерда қишлашга кўндирилмайсан.

Вера эшитилар-эшитилмас:

– Менимча, оролда яшашга рози бўладиган хизматкорни топишнинг ўзи ҳам анча қийин.

Эмили Брент деди:

– Миссис Онъон хизматкордан ёлчибди. Миссис Рожерснинг қўли ширин экан.

Вера ўйлади: «Қизик, қари одамлар доим исмларни чалкаштиришади».

– Фикрингизга мутлақо қўшиламан, миссис Оним ростдан ҳам хизматкордан ёлчиган.

Қўлига кашта олиб, энди игнага ип ўтказмоқчи бўлаётган мисс Брент шу ҳолда қотиб қолди.

– Оним? Сиз Оним дедингизми? – қайта сўради у.

– Ҳа.

– Ҳеч қанақа Онимларни танимайман, – чўрт кесди Эмили Брент.

Вера унга қараб қолди:

– Лекин унда...

У гапини тугатишга улгурмади. Эшик очилиб, эркаклар кириб келди. Одамларнинг ортидан қаҳва кўтарган Рожерс кўринди.

Судья мисс Брент ёнига ўтирди. Армстронг Верага яқинлашди. Тони Марстон очиқ дераза томон йўналди. Блор эса мисдан ясалган ҳайкалчага анграйганча қараб турарди. Бу ғалати бурчаклар ва чизикларда аёл қиёфаси тасвирланганига ҳеч ҳам ишонгиси келмасди. Генерал Макартур камин тоқчасига суяниб, оппоқ мўйловларини силарди. Бундан зиёда тушлик бўлмайди. Кайфиятлар кўтарилди. Ломбард девор ёнидаги столда ётган бир тўп журналлар орасидан «Панч»ни олди ва аста варақлашга тушди. Рожерс меҳмонларга қаҳва тарқатди.

Қайноққина қора қаҳва одамни янада тетиклаштирди. Ажойиб тушликдан сўнг меҳмонлар ҳаётдан ҳам, ўзларидан ҳам хурсанд эдилар.

Соат миллари тўққиздан йигирма дақиқа ўтганини кўрсатиб турарди. Хонага хотиржам жимлик чўкди.

Бу жимликни ногаҳоний ОВОЗ бузди. Хона бўйлаб ваҳимали, ғайриинсоний, қалбларни музлатувчи садо янгради.

– Хонимлар ва жаноблар! Илтимос, жимлик сақланг! Барча чўчиб тушди. Ҳар томонга аланглашди, бири-бирига ва деворларга қарашди.

Ким гапирган бўлиши мумкин?

Овоз эса тобора баландлашарди:

– Сизларга қуйидаги айблар қўйилади:

Эдвард Жорж Армстронг, сиз 1925 йил 14 мартда содир бўлган Луиза Мэри Клин ўлими учун жавобгарсиз.

Эмили Каролина Брент, сиз 1931 йил 5 ноябрда юз берган Беатриса Тейлор ўлимида айбдорсиз.

Уильям Генри Блор, сиз 1928 йил 10 октябрда содир бўлган Жеймс Стивен Ландор ўлимига сабабчи бўлгансиз.

Вера Элизабет Клейторн, сиз 1935 йил 11 августда Сирил Огилви Хамилтонни ўлдиргансиз.

Филипп Ломбард, сиз 1932 йил февралда Шарқий Африка қабиласидан 20 кишини ўлимга дучор қилгансиз.

Жон Гордон Макартур, сиз 1917 йил 4 февралда рафиқангиз жазмани Артур Ричмондни қасддан муқаррар ўлимга жўнатгансиз.

Антони Жеймс Марстон, сиз ўтган йилнинг 14 ноябрида Жон ва Люси Комбсни ўлдиргансиз.

Томас Рожерс ва Этель Рожерс, сизлар 1929 йил 6 майда Женнифер Брейдини ўлимга дучор қилгансиз.

Лоренс Жон Уоргрейв, сиз 1930 йил 10 июнда юз берган Эдвард Ситон ўлимида айбдорсиз.

Айбланувчилар, ўзингизни оқлаш учун нима дея оласизлар?

Овоз тинди.

Хона бир лаҳза сув қуйгандек жимиб қолди, кейин қулоқни тешгудек гүмбурлаш эшитилди. Рожерс патнис-

ни тушириб юборганди. Шу заҳоти йўлакдан чинқирик ва гурсиллаб қулаган овоз эшитилди.

Энг биринчи Ломбард сакраб турди. Эшикка отилиб, уни ланг очиб юборди. Полда миссис Рожерс ётарди.

– Марстон! – бақирди Ломбард.

Антони унга ёрдамлашиш учун шошилди. Улар аёлни турғазиб, меҳмонхонага олиб киришди. Доктор Армстронг ҳам шу томон отилди. Миссис Рожерсни диванга ётқизишгач, уни кўздан кечирди.

– Қўрқинчли жойи йўқ, – деди у, – ҳушидан кетди, шу холос. Тезда ўзига келади.

– Коньяк олиб келинг, Рожерс, – буйруқ берди Ломбард.

Рожерс бўздек оқариб кетган, қўли тинимсиз қалтирарди.

– Ҳозир, сэр, – шундай дея хонадан чиқиб кетди.

– Гапирган ким бўлиши мумкин? Ўша одам қаерга яширинган? – Вера ўзига-ўзи саволлар ёғдирарди. – Бу овоз... у худди... худди...

– Бу нимаси ахир? – ўшқирди генерал Макартур.

– Кимдан чиққан бемаъни ҳазил?

Унинг қўллари титрарди. Қадди букчайди. Гўё бир лаҳзада ўн йилларга қариб қолганди.

Блор юзини дастрўмол билан артарди. Фақатгина судья Уоргрейв ва мисс Брент хотиржам эди. Эмили Брент ҳануз бошини тик тутиб турар, ёноғига қизиллик югурганини айтмаса, унда ҳеч қандай ўзгариш сезилмасди. Судья одатий ҳолатда ўтирарди – бошини бир томонга ташлаганча тинимсиз қулоғини қаширди. Аммо сергак ва синчков кўзлари хона бўйлаб безовта алангларди.

Яна биринчи бўлиб Ломбард ўзига келди. Армстронг миссис Рожерс билан машғул экан, Ломбард ташаббусни ўз қўлига олди:

– Назаримда, овоз анави хонадан келди.

– Лекин ким бўлиши мумкин? – Вера ҳайрат билан. – Ким? Орамиздан кимдир гапирган бўлиши мумкин эмаслиги тушунарли.

Ломбард худди судья каби хонага олазarak кўз югуртирди. Нигоҳи очиқ деразага бироз қадалгандек бўлди, лекин шу заҳоти қатъийлик билан бош чайқадди. Тўсатдан унинг кўзлари чақнади. У камин ёнидаги эшикка ташланди. Уни шиддат билан очиб, ичкарига отилди.

– Ҳа, албатта шундай, – ўша томондан овози эшитилди.

Қолганлар ҳам ортидан шошилди. Фақатгина мисс Брент уларга қўшилмай, ўз жойида қолди.

Қўшни хонанинг меҳмонхона билан умумий деворига стол қўйилганди. Унда эски граммофон турар, карнайи эса деворга тақалганди. Ломбард граммофонни нари сурди. Шунда ҳамма деворда ингичка парма билан тешилиб, аранг кўзга ташланадиган бир нечта тешикларни кўришди.

У граммофонни ёқиб, игнани пластинкага қўйди. Яна ўша овоз жаранглади:

«Сизларга қуйидаги айблар қўйилади».

– Ўчиринг! Ҳозироқ ўчиринг, – қичқирди Вера, – Қандай даҳшат!

Ломбард шоша-пиша граммофонни ўчирди. Доктор Армстронг енгил тин олди.

– Ўйлашимча, ўта аҳмоқона ва шум ҳазил бўлди, – деди у.

– Бунга ҳазил деб ўйлаяпсизларми? – оҳиста, бироқ салмоқ билан сўради судья Уоргрейв.

– Сизнингча, унда нима? – ҳайрон бўлди доктор.

– Айни дамда бу ҳақда фикримни айтолмайман, – деди судья, ўйчан ҳолда лабини силаркан.

– Менга қаранглар, бир нарсани унутяпсизлар, – уларнинг гапини бўлди Антони Марстон. – Жин урсин, ким граммофонни ёқиб, пластинкани қўйиши мумкин?

– Сиз ҳақсиз, – деди Ҳоргрейв. – Буни аниқлаш керак.

У яна меҳмонхона томон юрди. Қолганлар ҳам ортидан эргашиди.

Шу пайт эшик ёнида қўлида бир стакан коньяк тутган Рожерс пайдо бўлди. Мисс Брент инграётган миссис Рожерс устига энгашиди. Рожерс чаққонлик билан аёллар ўртасига суқилиб кирди:

– Рухсат этинг, мэм, хотиним билан гаплашмоқчиман.

Этель, қулоқ сол, Этель, қўрқма. Қўрқинчли ҳеч нарса бўлмади. Мени эшитяпсанми? Бардам бўл.

Миссис Рожерс оғир ва нотекис нафас оларди. Қўрқувдан олазарак кўзларини яна ва яна меҳмонларга қадарди.

– Бўла қол, Этель. Бардам бўл! – далда берарди Рожерс.

– Ҳозир аҳволингиз яхшиланади, – миссис Рожерс-ни тинчлантирди доктор Армстронг. – Қўпол ҳазил бўлди.

– Ҳушимдан кетдимми, сэр? – сўради у.

– Ҳа.

– Ҳаммаси ўша овоз туфайли – ўша даҳшатли овоз туфайли! Худди ҳукм ўқиётгандек. – Ранги яна қув ўчди.

– Коньяк қани ахир? – титроқ билан сўради доктор Армстронг.

Рожерс стаканни кичкина столга қўйди. Стаканни докторга беришди. У дағ-дағ титраётган миссис Рожерсга тутди.

– Ичинг, миссис Рожерс.

У ютоқиб ичганидан тиқилиб йўталди. Бироқ коньяк барибир ёрдам берди – юзига қизил югурди.

– Энди анча яхшиман, – деди у. – Ҳаммаси шунчалик кутилмаганда бўлдики, ҳушимни йўқотдим.

– Албатта, – гапини бўлди Рожерс. – Ўзим ҳам патнисни тушириб юбордим. Қилидан қуйруғигача қабиҳлик бу. Ҳайронман ким...

Лекин униям бўлиб қўйишди. Кимдир калта-калта йўталди. Бироқ хизматкорнинг ҳасрат тўла сўзлари ўзилиб қолишига шунинг ўзи етарли бўлди. Рожерс судья Уоргрейвга қаради. У яна йўталди.

– Граммофонни ким ёқди? Сизми, Рожерс? – сўради судья.

– Қанақа пластинкалигини ким билибди дейсиз, – ўзини оқлади Рожерс. – Худо ҳаққи қасам ичаман, ҳеч нарсани билмасдим, сэр. Агар билсам, қўйган бўлармидим?

– Жон деб сизга ишонаман, лекин барибир, Рожерс, тушунтирганингиз маъқулроқ, – чекинмасди судья.

Хизматкор дастрўмол билан пешонасини артди.

– Мен кўрсатмани бажардим, сэр, фақат шу, – ўзини оқлади у.

– Кимнинг кўрсатмасини?

– Жаноб Онимни.

Судья Уоргрейв деди:

– Менга имкон қадар батафсилроқ айтиб беринг. Жаноб Оним сизга айнан қандай кўрсатмалар берган?

– Граммофонга пластинка қўйишни буюрган, – деди Рожерс. – Қутидаги пластинкани олишим, хотиним эса меҳмонларга қаҳва тарқатаётганимда граммофонни ёқиши керак эди.

– Жуда ғалати, – кескинлашди судья.

– Сизни алдамаяпман, сэр, – тинимсиз ўзини оқларди Рожерс. – Худо ҳаққи қасам ичаман, рост айтяпман. Қанақа пластинкалигини билганимда... Хаёлимгаям келмабди. Чиройли қутига солинганди. Устида ёзуви ҳам бор. Ҳаммаси рисоладагидек. Шунинг учун қандайдир мусиқа деб ўйлабман.

Уоргрейв нигоҳини Ломбардга бурди:

– Пластинкада ёзув бормиди?

Ломбард бош ирғади.

– Мутлақо тўғри, сэр, – деди мийиғида кулганча. –
Пластинканинг номи «Оққуш қўшиғи».

Генерал Макартур тутатиб кетди.

– Қандай сурбетлик! – бақирди у. – Ҳе йўқ, бе
йўқ, даҳшатли айб қўйишяпти. Нимадир қилишимиз
керак. Ўша Оним, ким бўлган тақдирда ҳам...

– Худди шундай, – гапини бўлди Эмили Брент. –
Ким экан ўзи? – деди жаҳл билан.

Сухбатга судья аралашди. Судда ўтган йиллари
бежиз кетмаган, қатъий оҳангда деди:

– Биз, аввало, ўша жаноб Оним кимлигини били-
шимиз керак. Сиз бўлса, Рожерс, хотинингизни ётқи-
зиб, кейин шу ерга қайтинг.

– Хўп бўлади, сэр.

– Сизга ёрдам бераман, Рожерс, – деди доктор
Армстронг.

Миссис Рожерс – эри ва доктор унинг қўлидан
ушлаб олишганди – гандираклаганча хонадан чиқди.
Уларнинг ортидан эшик ёпилгач, Тони Марстон деди:

– Сизни билмадим-у, сэр, лекин ҳозир ичсам деяп-
ман.

– Бўлади, – деди Ломбард.

– Қидириб келай-чи, қаерда нима бор экан, – деди
Тони. Ташқарига чиқиб, тезда изига қайтди. – Ички-
лик шундоқ патнисда турган экан. Гўё бизни кутиб
тургандек.

У патнисни авайлаб столга қўйди ва қадаҳларни
тўлдирди. Генерал Макартур ва судья виски ичишди.

Барча тетиклашиб олмоқчи эди. Фақатгина Эмили
Брент бир стакан сув сўради.

Оз фурсат ўтиб, доктор Армстронг меҳмонхонага
қайтди.

– Ташвишланишга ҳожат йўқ, – деди у. – Унга уйқу дори бердим. Нима ичяписизлар? Мен ҳам сизларга қўшиламан.

Эркаклар иккинчи марта қадаҳларни тўлдиришди. Бироздан сўнг Рожерс ҳам пайдо бўлди. Тергов қилишни судья Уоргрейв ўз зиммасига олди. Меҳмонхона бир зумда ҳақиқий суд залига айланди-қолди.

– Энди, Рожерс, – деди судья, – ҳаммасининг тагига етмоқчимиз. Жаноб Оним ким ўзи?

– Шу оролнинг эгаси, сэр, – судьяга термўлди Рожерс.

– Буниси менга маълум. Ўша одам ҳақида шахсан нима биласиз?

Рожерс бош чайқади:

– Ҳеч нарса деёлмайман, сэр, уни ҳеч қачон кўрмаганман.

Меҳмонлар ҳаяжонланди.

– Ҳеч қачон кўрмаганмисиз? – сўради генерал Макартур. – Бу нимаси ахир?

– Келганимизга атиги бир ҳафта бўлди. Бизни агентлик орқали ёллашди. Плимутдаги «Регина» агентлиги бизга хат жўнатган.

Блор бош ирғади.

– Эски обрўли фирма, – ойдинлик киритди у.

– Хатни сақлаб қўйганмисиз? – сўради Уоргрейв.

– Иш таклиф қилиб ёзилган хатними? Йўқ, сэр. Сақлаб қўймаганман.

– Ҳа, майли, давом этинг. Бизни хат билан ишга ёллашган, деб айтяписиз.

– Ҳа, сэр. Қайси куни келишимиз кераклигини хабар қилишди. Биз ҳам шундай қилдик. Уй саранжом-саришта экан. Озиқ-овқат мўл, ҳаммаёқ батартиб. Фақат чангларни артиб чиқдик.

– Кейин нима бўлди?

– Ҳеч нарса, сэр. Яна хат билан бизга буйруқ беришди – хоналарни меҳмонлар учун тайёрлашим

керак эди. Кечқурун жаноб Онимдан яна битта хат олдим. Унда миссис Оним билан соҳиб ушланиб қолгани, шунинг учун меҳмонларни имкон қадар яхшироқ кутиб олишимиз кераклигини тайинлашди. Яна унда тушлик масаласида кўрсатма бор эди. Тушликдан кейин меҳмонларга қаҳва тортаётганимда пластинкани қўйиш ҳам буюрилганди.

– Ақалли ўша хат бордир? – асабий сўради судья.

– Ҳа, сэр, ҳозир ҳам ёнимда.

У чўнтагидан хатни олди ва судьяга узатди.

– Ҳм, – деди судья, – «Ритц»дан жўнатилган. Қўлда ёзилмаган.

– Мен ҳам кўрай-чи? – судьяга яқинлашди Блор.

Хатни судья қўлидан олиб, синчиклаб қаради.

– «Коронейшн» ёзув машинкасида ёзилган, – пўнғиллади. – Энг янгиси, ҳеч қанақа нуқсон йўқ. Қоғоз оддий. Ҳамма шунақасидан фойдаланади. Хат бизга ҳеч нарса бермайди. Унда бармоқ изиям бўлмаса керак.

Уоргрейв Блорга синчков қаради.

Антони Марстон – у Блор ёнида турганди – хатга унинг елкаси оша қаради:

– Мезбонимизнинг исми антиқа экан. Алек Норман Оним. Тилинг келишмайди.

Судья сапчиб тушди.

– Сиздан жуда миннатдорман, жаноб Марстон, – деди у. – Эътиборимни қизиқ ва ўйлашга мажбур қилувчи бир тафсилотга қаратдингиз, – ғазабланган тошбақдек бўйинини чўзиб, барчага бир-бир қараб чиқди: – Ўйлашимча, билган нарсаларимизни бир-биримиз билан ўртоқлашадиган фурсат етди. Ҳар биримиз уй эгаси ҳақида нима билсак, барчасини очиқ-ойдин айтишимиз керак, – бироз тин олгач яна давом этди:

– Ҳаммамиз бу ерга унинг таклифи билан келдик. Бинобарин, ҳар биримиз бу ерга қандай келиб қолганимиз ҳақида айтиб берсак фойдадан холи эмас.

Орага жимлик чўкди. Бу узоққа чўзилмай, Эмили Брентнинг овози жимликни бузди.

– Ҳаммаси жуда шубҳали, – деди у. – Жуда тушунарсиз ёзилган хат олдим. Уни икки-уч йил аввал ёз пайти курортда ўзим танишиб қолган бир аёл юборган деб ўйладим. Адашмасам, у ёки миссис Оден, ёки Оньон эди. Мен миссис Оньонни биламан, мисс Оденни ҳам биламан. Лекин комил ишонч билан айтишим мумкин, Оним фамилияли на танишим, на дўстим бор.

– Сизда ўша хат борми, мисс Брент? – суради судья.

– Ҳа, ҳозир олиб келаман.

Мисс Брент кетди ва бироздан сўнг хат билан қайтди.

– Нималардир ойдинлаша бошлади, – деди судья, хатни ўқиркан. – Мисс Клейторн?

Вера котибалик ўрнини қандай олганини тушунтириб берди.

– Марстон? – деди судья.

– Оғайнимдан телеграмма олдим, – деди Антони, – Малла Беркли. Жуда ҳайрон қолдим. Уни Норвегияда деб юрардим. Тезроқ шу ерга келишни сурагани.

Уоргрейв бошини силкиб қўйди.

– Доктор Армстронг? – деди у.

– Мени шифокор сифатида таклиф қилишди.

– Тушунарли. Бу оилани олдиндан билармидингиз?

– Йўқ. Мен олган хатда бир ҳамкасбим тилга олинган.

– Яхшироқ ишонтириш учун, албатта, – деди судья.

– Ўша ҳамкасбингизни, тахминимча, ўша вақтда умуман топиб бўлмаган?

– Ҳа.

Ломбард – у Блордан куз узмай турарди – бирдан сўз қотди: – Менга қаранглар, калламга бир фикр келди...

Судья қўлини кўтарди:

– Бир дақиқа...

– Лекин мен...

– Муайян тартибдан оғишмаслигимиз керак, жаноб Ломбард. Ҳозир бизни бу оролга етаклаб келган сабабларни ўрганиямиз. Генерал Макартур?

Генерал мўйлабини силаганча тўнғиллади:

– Хат олдим... Ўша Оним деганларидан... Шу ерда ҳарбийдаги қадрдон дўстларимни учратишим эслатиб ўтилган. «Умид қиламанки, тортинмай тўғри сизга мурожаат қилганимни айбга буюрмайсиз» деб ёзган. Хатни олиб қўймабман.

– Жаноб Ломбард? – деди Уоргрейв.

Ломбард саросимага тушди, ҳаммасини очиқ-ойдин айтсинми-йўқми.

– Мендаям шу, – деди ниҳоят, – умумий танишлар тилга олинган таклифнома олдим-у, қармоққа илиндим. Хатни йиртиб ташлагандим.

Судья Уоргрейв нигоҳини жаноб Блорга қадади. Судья бармоғи билан юқори лабини силар, овозида шубҳали мулоимлик сезилиб турарди.

– Ҳозиргина ғоят ёқимсиз дақиқаларни бошдан кечирдик. Аллақандай овоз номма-ном юзланиб, барчамизга муайян айбловлар қўйди. Улар билан вақти келганда шуғулланамиз. Энди бир масалани ойдинлаштириб олмоқчиман: санаб ўтилган исмлар орасида аллақандай Уильям Генри Блор номи тилга олинди. Менга маълум бўлишича, орамизда Блор исмли одам йўқ. Дейвис номи тилга олинмади. Бунга нима дейсиз, жаноб Дейвис?

– Энди беркинмачоқ ўйнашдан маъни йўқ, – тундлашди Блор. – Сиз ҳақсиз, менинг фамилиям умуман Дейвисмас.

– Демак, ўша Уильям Генри Блор сизмисиз?

– Худди шундай.

– Бунга мен ҳам қўшимча қилишим мумкин, – гапга аралашди Ломбард. – Бу ерга бегона фамилия

остида келганингиз ҳолва, жаноб Блор. Сиз яна ўта-кетган ёлгончи ҳам экансиз. Жанубий Африкада, бўлиб ҳам Наталда яшаганман деяпсиз. Мен Жанубий Африкани ҳам, Натални ҳам биламан. Қасам ичишим мумкин, сиз у ерда ҳеч қачон бўлмагансиз.

Саккиз жуфт кўз Блорга саволчан қараб қолди. Шубҳа ва ғазабга лиммо-лим. Антони Марстон муштини қисганча унга яқинлашди.

– Сенинг ҳазилингми, аблаҳ? Жавоб бер!

Блор беихтиёр орқага чекинди.

– Манзилда адашдингиз, жаноб, – деди у, – ёнимда шахсий гувоҳномам бор – мана у. Мен Скотланд-Ярд жиноий ишлар бўлимининг собиқ бошлиғиман. Ҳозир Плимутдаги қидирув агентлигига раҳбарлик қиляпман. Мени бу ерга иш юзасидан таклиф қилишган.

– Ким таклиф қилди? – сўради Уоргрейв.

– Оним. Хатга қўшиб чек ҳам жўнатган. Озмунча-мас. Харажатлар учун. Нима қилишим кераклигини айтган. Ўзимни меҳмондек кўрсатиб, орангизга қўшилиб олиш буюрилган. Сизларни кузатиб юришим керак эди. Исмларингиз менга олдиндан хабар қилинган.

– Сабабини айтишдими?

– Миссис Оним қимматбаҳо тошлари учун, – бўшашиб кетди Блор, – миссис Оним! Шунчалик ҳам гўл бўламанми, осонгина тузоққа илинтиришди. Ўша миссис Онимдан ҳеч қанақа ном-нишон ҳам йўқ.

Судья яна ўйчан туриб қолди.

– Хулосангиз менга мутлақо асослидек туюляпти, – деди у, – Алек Норман Оним! Мисс Брент хатида фамилия ўрнида жимжимадор имзо турибди, лекин исм-шарифи аниқ ёзилган – Анна Нэнси – демак иккала хатда ҳам бир хил исм-шариф учрайди: Алек Норман Оним – Анна Нэнси Оним, яъни ҳар гал – А. Н. Оним. Агар тасаввурни ишга солсак, аноним деган сўз ҳосил бўлади!

– Эй худойим, ахир бу бемаънилик! – деб юборди Вера. Судья хайрихоҳ бош силкиди.

– Сиз ҳақсиз, – деди у. – Бизни оролга телба одам таклиф қилганига заррача шубҳа қилмайман. Менимча, у хавфли савдойи.

Тўртинчи боб

Оғир сукунат чўкди. Меҳмонлар даҳшат ичида қотиб қолишди. Жимликни судьянинг ингичка овози бузди.

– Энди бўлса суриштиришнинг кейинги босқичига ўтамиз. Лекин аввал ишга ўз кўрсатмаларимни ҳам қўшиб қўймоқчиман. – Чўнтагидан хатни олиб, стол устига ташлади. – Гўёки менга эски таниш аёл леди Констанция Калмингтон номидан ёзилган. Кўрмаганимга анча бўлган. Кўп йиллар аввал Шарққа жўнаб кетганди. Хатга шубҳа қилмадим. Чунки у ҳам шундай чалкаш ва беўхшов хат ёзган бўларди. Хатда шу ерга таклиф қилди, орол эгаси ҳақида тушунарсиз гаплар ёзган. Кўриб турганингиздек, усул худди ўша. Бу эса ўз-ўзидан ўта муҳим хулоса чиқаришимизга тўртки бўлади. Бизни бу ерга алдаб чақирган одам ким бўлмасин, аёлми-эркакми, бизни танийди, ҳар ҳолда ҳар биримиз ҳақида етарлича маълумот тўплаган. Леди Констанция билан дўстона алоқамни ҳам, у қанчалар пала-партиш эканлигини ҳам билади. У доктор Армстронг дўстини ва ҳозир қаердалигини билади. Жаноб Марстон дўстининг лақаби ҳам унга маълум. Икки йил аввал мисс Брент қаерда дам олгани, қандай одамлар билан учрашганидан ҳам хабардор. Генерал Макартурнинг ҳарбийдаги дўстларини ҳам билади, – бироз жим тургач, қўшиб қўйди: – Кўриб турганингиздек, биз ҳақимизда кўп нарсани билади. Шу маълумотлар асосида бизга аниқ айбловлар қўйди.

Унинг сўзларидан ҳамма ғазабга келди.

– Ёлғон!.. – ҳайқирди генерал Макартур. – Фирт бўҳтон!

– Ноқонуний бу! – жур бўлди Вера. Овози титраб кетди. – Қандай пасткашлик!

– Уша телба нимани назарда тутяпти, тасаввур ҳам қилолмайман! – пичирлади Антони Марстон.

Судья Уоргрейв қўлини кўтариб, жимлик сақлашга чақирди.

– Фақат бир гапни айта оламан. Номалум дустимиз мени қандайдир Эдвард Ситон ўлимида айблади. Ситонни жуда яхши эслайман. Суди 1930 йил июнда бўлган. Кекса бир аёлни ўлдирганликда айбланганди. Моҳир адвокати бор эди, суд ҳайъатида яхши таассурот қолдирган. Шундай бўлса ҳам, гувоҳлар курсатмаси унинг айбдорлигини яққол тасдиқлаган. Айблов фикрини шунга асосланиб туздим. Суд ҳайъати ҳам айбдор деган ҳулосага келди. Уни ўлим жазосига ҳукм қилганда уларнинг қарорига мувофиқ иш тулгандим. Ҳимоячи томон апелляция бериб, суд ҳайъатига босим ўтказилганини айтган. Апелляция беқор қилиниб, ҳукм ижро қилинди. Бу воқеада виждоним тозаллигини айта оламан. Қотилни ўлимга ҳукм қилиб, шунчаки ўз бурчимни бажарганман, холос.

–... Албатта, Ситон иши! – эслади Армстронг. – Ўшанда ҳукмдан ҳамма бирдек ҳайрон қолганди. Ҳуқуқарафасида адвокат Маттюзни ресторанда учратиб қолди. «Оқлов ҳукми чўнтагимизда. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкинмас», – деб Армстронг ишонтирди. Кейин Армстронг гуёки судья Ситонга қарши кайфиятда бўлгани, ҳайъатдагиларни тўлдириб адаштиргани ва улар Ситонни айбдор деб топмишгани ҳақида мишмишларни эшитди. Ҳаммаси қонун бўйича қилинганди: ахир ёши улур Уоргрейв қонунни беқўлдек билади. Афтидан, ўша йигит билан шахсият ҳисоб-китоби бўлган. Доктор хотиралари яшинда жонланди.

– Ўзингиз Ситон билан учрашганмисиз? Айтмоқчи-манки, суддан аввал, – бехосдан савол берди. Бироз ўйлаб кўргандами, ҳеч қачон бу саволни бермаган бўларди.

Судьянинг ажин босган пешонаси баттар тиришиб, унга норози қаради.

– Судгача Ситонни ҳеч қачон учратмаганман, – вазмин жавоб берди судья.

«Ёлғонни ямламай ютяпти», – ўйлади Армстронг.

– Мен ҳам ўша бола ҳақида айтиб бермоқчиман, Сирил Хамилтон ҳақида, – деди Вера. Унинг овози титрарди. – Унга тарбиячи эдим. Узоққа сузишга рухсат беришмасди. Бир куни чалғиб қолдим, у сузиб кетди. Ортидан ташландим... Лекин кеч қолдим... Мудҳиш фожиа бўлди... Бироқ бунда айбим йўқ. Терговчи мени бутунлай оқлаган. Сирилнинг онаси ҳам менга жуда меҳрибон эди. Мени ҳаттоки онаси ҳеч нарсада айбламаган бўлса, бундай айблов кимга керак бўлди экан? Бу ўтакетган адолатсизлик... – у йиғлаб юборди.

Генерал Макартур унинг елкасини қоқиб қўйди.

– Тинчланинг, азизам, тинчланинг, – деди у. – Сизга ишонамиз. Ахир ўша нусха шунчаки телба. Унинг жойи жиннихонада. Тентакнинг калласига ҳар бало келиши мумкин. – Генерал қадини ростлади. – Бундай айбловларга, энг яхшиси, шунчаки қўл силташ керак. Шундай бўлса-да, ёш Ричмонд ҳақида ўша зоқеада заррача ҳам ҳақиқат йўқлигини айтиб қўйишни бўрчим деб биламан. Ричмонд менинг полкимда зойит эди. Уни разведкага жўнатдим. У ҳалок бўлди. Ўруш шунақа ўзи, ҳар қадамда кимдир ўлади. Лекин ҳафиқамни иснодда қолдирмоқчи бўлишганидан тутатиб кетяпман. Қандай покдомон аёл эди-я. Бир сўз билан айтганда, Цезарнинг рафиқаси...

Генерал ўтирди. Титроқ қўллари билан мўйлабини тилади. Бу гапларни айтиш унга осон бўлмагани кўриниб урарди.

Кейин Ломбард сўз олди. Маст кўзлари сузилиб қолганди.

– Демак, ўша қабила одамларига келсак... – бошлади у.

– Ҳўш, уларга нима бўлган? – деди Марстон.

Ломбард илжайди.

– Ҳаммаси чин ҳақиқат! Уларни тақдир ҳукмига ташлаб қўйдим. Ўз жонимни қутқариш учун. Қаттиқ адашиб қолдик. Шунда қолган озиқ-овқат захирасини олиб, шерикларим билан жўнаб кетдик.

– Ўз одамларингизни ташлаб кетдингизми? – қаҳр билан сўради генерал Макартур. – Уларни очликдан ўлишга маҳкум қилдингизми?

– Албатта, бундай қилиш оқ танлилар вакилига унча ярашмайди, бироқ ўз жонимизни асраш бирламчи бурчимиз. Кейин улар ўлимдан қўрқишмайди. Биз европаликларга ўхшаганмас.

Вера Ломбардга тик қаради.

– Шунинг учун очликдан ўлдирганмисиз?

– Ҳудди шундай, – жавоб берди Ломбард. Мийғидан кулган ҳолда қизнинг қўрқинч тўла кўзларига тикилди.

– Мен ҳалиям эслашга уриняпман – Жон ва Люси Комбс, – чўзиб гапирди Антони Марстон. – Менимча улар Кембриж яқинида ўзим босиб кетган болала бўлса керак. Фирт омадсизлик.

– Ким учун омадсизлик – улар учунми ё сиз учун? – истеҳзо билан сўради судья Уоргрейв.

– Ростини айтганда, мен учун деб ўйлагандим, лекин сиз албатта ҳақсиз. Уларнинг омади йўқ экан. Ҳолбуки, бу шунчаки бахтсиз ҳодиса эди. Улар тўғри йўлга югуриб чиқишди. Гувоҳномамни бир йилга олиб қўйишди. Ҳазилакам иш эмас.

Доктор Армстронг қизишиб кетди:

– Бунақа тезликда юришга йўл қўйиб бўлмайди. Бунинг учун жазолаш керак. Сизга ўхшаган ёшми жамият учун хавф солади.

Антони елкасини қисди:

– Лекин ҳозир улкан тезликлар асрида яшаяпмиз! Кейин гап тезликдамас, бўлмағур йўлларимизда. Уларда бемалол машина ҳайдолмайсан. – У кўзи билан ўз қадаҳини қидирди, ичимликлар турган столга яқинлашиб, ўзига яна содали виски қуйиб олди. – Нима бўлган тақдирда ҳам, бунда мени айбим йўқ. Шунчаки бахтсиз ҳодиса, – елка оша бошқаларга қараб қўйди.

Хизматкор Рожерс гоҳ бармоғини қирсиллатиб, гоҳ қуриган лабини ялаб қўярди.

– Ижозатингиз билан, жаноб, мен ҳам гапирмоқчи эдим, – деди тавозе билан.

– Бошланг, – деди Ломбард.

Рожерс йўталди, яна бир бор лабини ялаб олди:

– Унда мен билан миссис Рожерс ҳақида ҳам айтишди. Яна мисс Брейди ҳақида. Бу гапларда ушоқчалик рост йўқ. Мисс Брейди омонатини топширмагунча хотиним билан хизматида бўлганмиз. Ўзи дардчил, доим хасталаниб юрарди. Ўша тунда, сэр, хуруж бошланган пайт ҳақиқий довул турганди. Телефон ишламагани учун доктор чақиролмасдик. Ўзим пиёда йўлга тушдим. Лекин врач жуда кеч етиб келди. Уни қутқариб қолиш учун ҳаммасини қилдик, сэр. Уни яхши кўрардик. Бизни билган ҳар ким буни тасдиқлаши мумкин. Биз ҳақимизда ҳеч ким ёмон гап айтмаган. Муқаддас хоч ҳаққи.

Ломбард хаёлга чўмди. Хизматкорнинг қуруқшоқ лаблари титраб, қўрқув исканжага олганини кўрди. Патнисни қандай тушириб юборганини эслади. «Ишонини қийин», – деб ўйлади, лекин ташида ҳеч нарса демади.

– Ўлимидан сўнг сизлар кичик меросга эга чиққандирсиз, албатта? – сурбетларча сўради Блор. Собик полициячидан бошқасини кутиб бўлмасди.

– Содиқ хизматимизга мукофот тариқасида мисс Брейди бизга мерос қолдирган. Нега шундай бўлмаслиги керак? – қизишди Рожерс.

– Сиз нима дейсиз, жаноб Блор? – сўради Ломбард.

– Мен?

– Рўйхатда сизнинг ҳам исмингиз бор.

Блор бўзрайди.

– Ландор ишини назарда тутяпсизми? Бу Лондон тижорат банкини тунаш бўйича очилган иш эди.

– Албатта, эсимда, эсимда, ҳолбуки, бу жараёнда қатнашмагандим, – курсида бир қимирлаб олди судья Уоргрейв. – Ландорни сизнинг кўрсатмангизга асосан судлашганди, Блор.

Ўшанда полицияда хизмат қилардингиз, шу иш билан шуғуллангансиз.

– Тўғри, – тасдиқлади Блор.

– Ландорни умрбод сургун қилишган. У бир йилдан сўнг Дартмурда оламдан ўтган. Касалманд одам экан.

– Ландор жиноятчи эди, – деди Блор. – Тунги қоровулни ўша тинчитган – буни исботлашган.

– Агар адашмаётган бўлсам, ишни муваффақиятли олиб борганингиз учун ташаккурнома ҳам олгансиз, – ёғиниб қўйди Уоргрейв.

– Ҳатто лавозимим ошган, – Блорнинг овози ҳам қўполлашди. Лекин кутилмаганда синиқ овозда қўшиб қўйди: – Мен фақат бурчимни бажарганман

– Аммо жуда ажойиб улфатлар жам бўлбмиз! – қаҳ-қаҳ уриб кулди Ломбард. – Ҳаммаси бирдек қонунга итоаткор, бурчига содиқ фуқаролар. Мендан бўлак, албатта. Хўш, сиз чи, доктор, бизга нима дейсиз? Сизда қандай қабоҳат бор? Тақиқланган операция? Шундай эмасми?

Эмили Брент Ломбардга ёвқараш қилди ва ундан нарироқ сурилди.

Доктор Армстронг табиатан қизиққон одамлар тоифасига кирмасди. У фақат бошини чайқаб қўйди.

– Тан оламан, ҳатто гарангсиб қолдим, – деди у, – қурбоним исми менга ҳеч нарсани эслатмади. Нима деб аташди: Клис? Клоуз? Бунақа фамилияли бемор қиз эсимда йўқ, умуман олганда, мени айбим билан бирорта бемор ўлганини эслолмайман. Тўғри, анча олдинги гап. Эҳтимол, касалхонадаги қандайдир операция ҳақида гап кетаётгандир? Кўпчилик беморлар бизга жуда кеч мурожаат қилишади. Бемор оламдан ўтса, қариндошлари жарроҳни айблашга тушади.

Сўнгра нафас ростлаб, яна бошини чайқади.

«Маст эдим, – ўйлади у, – ўлгудек маст... Маст ҳолда операция қилдим. Асаблар майлику, қўлим қалтирарди. Албатта, уни мен ўлдирдим. Бечора – бўйи етган қиз эди – омади йўқ экан: бу операцияни қилиш арзимаган гап. Ҳушёр пайтда, албатта. Яхшиям, бу дунёда касб сири деган тушунчалар бор экан. Ҳамшира биларди, лекин ҳеч кимга чурқ этмади. Ўшанда ҳам гангиб қолгандим. Лекин дарров ўзимни қўлга олдим. Лекин буни ким қовлаштирди экан? Яна шунча йилдан сўнг?»

Хонага яна жимлик чўкди. Ҳамма – кимдир очиқчасига, кимдир зимдан – мисс Брентга қаради. У ўзига қадалган нигоҳларни пайқагунча бир неча дақиқа ўтди. Қошлари чимрилиб, энсиз пешанасида ажинлар пайдо бўлди.

– Иқрор бўлишимни кутяпсизларми? – деди у. – Лекин айтарли ҳеч гап йўқ.

– Аниқ йўқми? – сўради судья.

– Ҳа, йўқ, – тағин лабини қимтиди.

Судья юзига қўл югуртирди.

– Ҳимоянгизни ортга сурасизми? – мулойим оҳангда сўради.

– Ҳеч қанақа ҳимоя ҳақида гап ҳам бўлиши мумкинмас, – кескинлашди мисс Брент. – Мен ҳамиша

виждон амрига итоат қилганман. Ўзимни ҳеч нарсада айбламайман.

Унинг сўзларини кўпчилик маъқулламади. Бироқ Эмили Брент жамоатчилик фикридан қўрқадиганлар тоифасидан эмасди. Шахсий нуқтаи назарини ҳеч ким ўзгартира олмасди.

Судья йўтала бошлади.

– Нима дердим, шу билан суриштиришни тўхта-тишга тўғри келади. Энди бўлса, Рожерс, айтинг-чи, биз ва хотинингиздан бўлак оролда яна ким бор?

– Бу ерда бошқа ҳеч ким йўқ, сэр.

– Ишончингиз комилми?

– Мутлақо.

– Унча тушунолмадим, – деди Уоргрейв, – аноним мезбон нима учун бизни бу ерда тўплади. Менимча, ким бўлган тақдирда ҳам, ўша одамни ақли расо деб бўлмайди. Бундан ташқари, менга хатарли туюляпти. Шунинг учун бу ердан иложи борица тезроқ кетганимиз маъқул. Бугун кечқуруноқ кетишни таклиф қиламан.

– Маъзур тутасиз, сэр, – гапини бўлди Рожерс, – лекин оролда қайиқ йўқ.

– Битта ҳамми?

– Ҳа, сэр.

– Унда қирғоқ билан қандай хабарлашяпсиз?

– Ҳар тонг, сэр, Фред Нарракотт келади. У нон, сут, почта олиб келади. Буюртмаларимизни етказиб берувчиларимизга бериб қўяди.

– Ундай бўлса, – деди судья, – эртага, Нарракотт қайиғи пайдо бўлиши билан жўнаб кетамиз.

Буни ҳамма маъқуллади, фақат Марстон қарши эди.

– Мен қочиб қолмайман, – деди у. – Ахир мен спортчиман. Бу жумбоқни ечмай туриб, бу ердан кетолмайман. Ажойиб воқеа, детектив романдан кам эмас.

– Мени ёшимда, – аччиқ билан гапирди судья, – бунақа жумбоқлар унчалик ҳам қизиқтирмайди.

Антони кулиб қўйди.

– Сиз, ҳуқуқшунослар жиноятга тор, яъни касб нуқтаи назаридан қарайсизлар. Мен эса жиноятларни яхши кўраман ва улар учун ичаман! – У қадаҳини тушириб юборди. Афтидан, виски нафас йўлига кетиб қолганди. Антони тиқилиб қолди. Юзи буришиб, бирдан қизариб кетди. Томоғини маҳкам чангаллаб олди, кейин курсидан қулади. Қўллари жонсиз титрар, гиламда қадаҳ думалаб ётарди.

Бешинчи боб

Кутилмаган ҳолдан юраклар шув этди. Ҳамма гиламда узала ётган Марстондан кўз узмай, ҳайкалдек қотиб қолди. Дастлаб Армстронг ҳушини йиғиб олди. Шу заҳоти Марстон томон отилди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас унинг кўзларида қўрқув аралаш ҳайрат акс этарди.

– Ё парвардигор, у ўлди! – деди Армстронг даҳшатдан бўғиқ овозда.

Унинг сўзларини дарров англаб етишмади. Ўлди? Кўз очиб юмгунча ўлдими? Вужудидан ёшлик кучи ёғилиб турган шимол афсоналаридаги ёш маъбуд-а?

Доктор Армстронг марҳум юзини кўздан кечирди, ўлим талвасасида кўкариб буришган лабини ҳидлаб кўрди. Марстон виски ичган қадаҳни кўтарди.

– У ўлдими? – сўради генерал Макартур. – Айтмоқчисизки, виски тиқилиб, шундан ўлиб қолдими?

– Тиқилиб? – қайта сўради шифокор. – Нима дердим, хоҳласангиз, шундай атанг. Қандай бўлмасин, бўғилиб ўлган. – Армстронг яна стаканни ҳидлади, бармоғини идиш тубидаги виски қолдигига ботирди. Уни тил учида аста ялаб кўргач, бирдан юзи ўзгариб кетди.

– Одам вискига тиқилиб ўлиб қолиши мумкин деб ҳеч қачон ўйламагандим, – давом этди генерал Макартур.

– Ҳаммамиз парвардигор ҳузурига борамиз, – на-
сихатомуз гапирди Эмили Брент.

Доктор Армстронг ўрнидан турди.

– Йўқ, одам вискига тиқилиб ўлиб қолиши мум-
кинмас, – деди у жаҳл билан. – Марстон ўлимини
табиий деб бўлмайди.

– Демак, вискига... нимадир қўшилган, – эшити-
лар-эшитилмас пичирлади Вера.

Армстронг бош ирғади.

– Аниқ айта олмайман, лекин унга қандайдир ци-
анид қўшилганга ўхшайди. Синил кислотага хос ўткир
ҳидни сезмадим. Менимча, цианли калий бўлса ке-
рак. Бир лаҳзада таъсир қилади.

– Заҳар стаканда бўлганми? – сўради судья.

– Ҳа.

Доктор ичимликлар турган столга яқинлашди. Вис-
кини очиб ҳидлади, бир қултум ичди. Кейин бошқаси-
ни татиб кўрди. Сўнгра бош чайқади. – Бу ерда ҳеч
нарсаси йўқ.

– Демак, стаканига ўзи заҳар қўшиб олган деб
ўйлаяпсизми? – сўради Ломбард.

Армстронг бош силкиб қўйди, лекин юзидан икки-
ланаётганини пайқаш мумкин эди. – Шунақага ўхшайди,
– деди у.

– Ўз жонига қасд қилганми? – сўради Блор. –
Жуда шубҳали.

Вера ўйчан пичирлади:

– Ўзини ўлдириши мумкин деб ҳеч қачон ўйлама-
ган бўлардим. Ахир ҳаётдан шунчалар завқланарди.
Автомобилда тепаликдан тушиб келаётганда у худди,
худди... қандай айтишнисям билмайман!

Лекин нимани назарда тутганини ҳамма тушунди.
Ёш ва кўркем Антони Марстон уларга салкам маъ-

буддек туюлганди! Энди бўлса акашак мурдаси полда ётарди.

– Кимда бошқа тахмин бор? – сўради доктор Армстронг.

Ҳамма бош чайқади. Йўқ, улар бошқа изоҳ топа олишмасди. Шишаларга ҳеч ким ҳеч нарса қўшмаган. Ҳамма кўрди, Марстон ўзига ўзи виски қуйди. Бундан чиқди, заҳар қадаҳда бўлса, уни Марстоннинг ўзидан бошқа ҳеч ким қўшиб қўёлмасди. Шундай бўлса ҳам, Марстон ҳаётини нега энди ўз жонига қасд қилиш билан якунлаши керак?

– Бу ерда бошқа гап бор, доктор, – деди ўйчан Блор. – Марстон ўзини ўлдирадиган одамга умуман ўхшамасди.

– Сизга мутлақо қўшиламан, – жавоб берди Армстронг.

Шу билан муҳокама тўхтаб қолди. Яна нима ҳам дейиш мумкин ахир? Армстронг билан Ломбард Марстоннинг жонсиз мурдасини ётоқхонага олиб бориб, устига чойшаб ёпиб қўйишди.

Улар холлга қайтиб келганда бир жойга ғуж бўлиб олган меҳмонлар ҳануз қўрқув ичида сукут сақлаб туришарди. Айримлари қалтирар, ҳолбуки, оқшом анча илиқ эди.

– Ухлаш керак. Анча кеч бўлди, – деди ниҳоят Эмили Брент.

Унинг сўзлари жуда ўринли жаранглади: тун аллақачон ярмидан оққан, меҳмонлар эса ҳалиям тарқашга шошилмасди. Ёлғиз қолишдан чўчиб туришгани яққол сезилиб турарди.

– Мисс Брент ҳақ, – уни қўллаб-қувватлади судья, – дам олишимиз керак.

– Лекин ҳали ошхонани йиғиштирмадим, – деди Рожерс.

– Эрталаб йиғиштирасиз, – буюрди Ломбард.

– Хотинингиз ўзини яхши ҳис қиляптими? – сўради Армстронг.

– Тепага чиқиб, қараб келаман. – Бироздан сунг Рожерс қайтиб келди. – Донг қотиб ухляпти.

– Жуда яхши, – деди шифокор. – Уни безовта қилманг.

– Албатта, сэр. Ошхонани йиғиштириб, эшикни қулфлайман-да, дарров ухлагани бораман, – Рожерс ошхонага чиқиб кетди.

Меҳмонлар секин-аста, истар-истамас зина томон юришди.

Агар улар турган уй зимистон жин кўчаларга туташ, панел қопланган деворлари ортида яширин йўллар бор, поли гичиллайдиган кўҳна уй бўлганда қўқув тўла нигоҳлар мутлақо тушунарли ҳол эди. Лекин бу ерда – ўта замонавий данғиллама уйда? Бу ерда зимистон жин кўчалар ҳам, махфий эшиклар ҳам йўқ. Хоналар бўлса электр нуридан чарогон. Ҳаммаёқдан янгилик ҳиди уфуриб турибди! Йўқ, бу ерда яширина олмайсан! Бу ерда сирли ҳеч нарса йўқ! Бўлиши ҳам мумкин эмас! Бироқ айнан шу уларда даҳшат уйғотарди.

Иккинчи қават майдончасида меҳмонлар бир-бирига хайрли тун тилаб, хоналарга тарқалишди. Ўз хонасига киргач, ҳар бири беихтиёр, ҳатто бу ҳақда ўйлаб ўтирмасдан эшикни қулфлаб олишди.

Дилни қувонтирадиган шинам ётоқхонада судья Уоргрейв уйқуга ётиш учун кийим алмаштирарди. У Эдвард Ситон ҳақида ўйларди. Ситон кўз ўнгида худди тирикдек гавдаланарди. Кўккўз малланинг самимий қарашлари суд қатнашчиларида жуда яхши таассурот қолдирди.

Давлат айбловчиси Лдуэллин меъёр нималигини билмасди. Шунинг учун чиқишлари ўта омадсиз бўлди. Ҳиссиётга берилиб, исбот талаб қилмаган нарсаларни ҳам исботлашга уринди. Маттьюз, адвокат, аксинча, ўз ишини пухта бажарди. Ҳар қандай далилни кўз очиб юмгунча айбланувчи фойдасига ўзгартирди.

чапараста сўроқ вақтида гувоҳларни устомонлик билан қўрқитди ва чалкаштирди. Мижози нутқини ҳам моҳирона тайёрлаб берди.

Ситоннинг ўзи ҳам чапараста сўроқда умуман бўш келмади. Хавотирланмади, ўзини оқламади, суд қатнашчиларини ўзига оғдира олди. Маттёюз оқлов ҳукми чўнтагимда, деб ўйлаганди.

Судья Уоргрейв ҳафсала билан соатни бураб, жавонча устига қўйди. У ўша суд мажлисини худди кеча бўлгандек эсларди. Гувоҳлар сўзини қандай тинглагани, қайдлар ёзгани, айбланувчига қарши далилларни мисқоллаб йиққани ҳам эсида. Ҳа, бунақа суд иши ҳар куни ҳам бўлавермайди! Маттёюз ажойиб нутқ ирод қилди. Луэллин адвокат нутқидан кейинги қизгин таассуротни тарқатиб юбора олмади. Суд маслаҳат мажлисига кириб кетишидан аввал судья якунловчи сўз айтди...

Судья эҳтиёткорлик билан ясама жағини чиқариб олди ва сувли стаканга солди. Буришган лаблар осилиб қолди. Бу унинг юзига шафқатсиз ва йиртқич тус берарди. Судья солқиган қовоқларини уйди ва ичида кулиб қўйди: «Ҳа, Ситон жазодан қутулиб қолишига йўл қўймаганди».

Қари судья жойига ётиб, чироқни ўчирди.

Пастда, ошхонада Рожерс чинни негр болаларига қараб турарди.

– Ақлбовар қилмайди! – ғўлдирарди у. – Гаров ўйнашим мумкин, ахир улар ўнта эди.

Генерал Макартур жойида тинимсиз ағдариларди. Ҳеч ҳам ухлай олмади. Кўзини юмди дегунча қаршида Артур Ричмонд қиёфаси гавдаланарди. Унга Артур ёқарди, ҳатто ўрганиб қолганди. Леслига ҳам бу ёш йигит ёқишидан жуда мамнун эди. Чунки кўнгли нозик эди. Қанчадан-қанча ажойиб одамларни уйга бошлаб келган. Лекин у ҳеч бирига рўйхушлик бермас, ҳаммасини бирдек «зерикарли» дерди. Гапи-

га кўнмай илож қанча! Артур Ричмонд эса зерикарли туюлмади. Аввалбошданоқ кўнглига ўтириб қолди. Улар адабиёт, мусиқа, суратлар ҳақида мароқ билан суҳбат қуришарди. Рафиқаси ҳазиллашар, хандон отиб кулар, Артурга тегишиб қўйишни яхши кўрарди. Рафиқаси бу ёш йигитга оналарча меҳрибонлигидан генералнинг боши кўкка етарди.

Оналарча! Шунчалар ҳам овсар бўладими, Ричмонд йигирма саккиз ёшга тўлиб бўлгани, Лесли эса ундан атиги бир ёш катталигига фаҳми етмабди. У Леслини еру кўкка ишонмасди. Мана, кўз ўнгида тирикдек намоён бўлди. Кенг иякли думалоқ юз, чақнаб турган кулранг кўзлар, қалин қўнғир жингалак сочлар. Леслини яхши кўрар, бенихоя ишонарди.

Францияда, жанглар орасидаги сокин паллаларда фақат у ҳақда ўйлар, кўкрак чўнтагидан суратини олиб, унга узоқ термуларди. Бироқ бир кун... ҳаммасидан хабар топди. Худди тутуруқсиз романлардагидек воқеа содир бўлди: Лесли иккаласига ҳам мактуб ёзди-ю, хатжилдларни адаштириб юборди. Ричмондга ёзилган хатни эрининг манзили ёзилган хатжилдга солди. Ҳатто ҳозир ҳам, шунча йил ўтган бўлса-да, бу ҳақда эслаши билан юрагида оғриқ туради... Эй худо, ўшанда қанча азоб чекканди!

Бу алоқа анча аввал бошланган. Мактуб бу борада заррача шубҳа қолдирмасди. Уик-эндлар! Ричмонднинг сўнгги таътили... Лесли, Лесли ва Артур... Жин урсин уни! Маккорона табассумлари, тавозе билан: «Ҳа, сэр. Хўп бўлади, сэр!» дейишлари-чи! Алдоқчи! Ахир бекорга айтишмаган: «Ишонган тоғда кийик ётмайди!»

Шундан сўнг қалбининг тубида қасос, даҳшатли қасос ўти алангалана бошлади. Лекин сирини фош қилмади, Ричмонд билан ҳеч нарса бўлмагандек муомала қилаверди. Буни уддаладими? Афтидан, уддалади. Нима бўлган тақдирда ҳам, Ричмонд ҳеч нарса-

дан шубҳаланмади. Фронтида кимдир ғазаб ўтида ёнса, ҳеч ким бунга аҳамият бермасди. Чунки ҳамманинг асаби бирдек тамом бўлганди. Тўғри, Армитиж унга баъзан ғалати қараб қўярди. Мишиқи зумраша, лекин калласи балодек ишларди. Ҳа, хаёлида нималар борлигини Армитиж пайқаб қолган. У совуққонлик билан Ричмондни ўлимга юборди. Фақат мўъжиза туфайли разведкадан омон қайтиши мумкин эди. Лекин мўъжиза юз бермади. Ҳа, Ричмондни муқаррар ўлимга юборган ва бундан зиғирча ҳам афсусланмайди. Ўшанда бу «карнайчидан бир пуф» эди. Ҳар қадамда хатолик учрар, ҳуда-беҳудага зобитларни ўлимга юборишарди. Ҳаммаёқда қий-чув, саросима ҳукмрон эди. Эҳтимол, кейинчалик: «Қария Макартур эсини еб қўйганди, аҳмоқлиги туфайли энг яхши одамларини қурбон қилди», – деб гапиришгандир. Лекин бу умумий гаплар.

Анави мишиқи Армитижни бўлса алдаш осонмасди. Ўз қўмондонига сурбетларча қараб қўйишдек бемаъни қилиқ чиқарди. Афтидан, Ричмондни қасдан ўлимга юборганимни биларди. (Қизиқ, уруш тугагандан кейин Армитиж бу ҳақда кимгадир валдираб қўйганмикан ё йўқми?)

Лесли ҳеч нарсани билмасди. У (ўзи кўпинча тахмин қилгандек) хушторига аза очиб, кўзёш тўккан, лекин эри Англияга қайтиб келиши билан айрилиқ доғини ўчирган. Генерал эса унинг Ричмонд билан алоқаси ҳақида ҳеч қачон оғиз очмади.

Аввалгидек яшай бошлашди, лекин хотини ундан узоқлаша бошлади...

Урушдан уч-тўрт йил ўтгач, ўпка шамоллаши туфайли қазо қилди. Бу гапларга ҳам анча бўлди. Ўшандан бери қанча йил ўтди – ўн беш ё ўн олти йилми?

Истеъфога чиққач, Девонга кўчиб келди. Мўъжазгина уй сотиб олди. Айнан шундай уйи бўлишини доим орзу қиларди.

Хушманзара жойлар, одамшаванда қўшнилар. Балиқ ови, шикор... Якшанба кунлари черков...

(Аммо бир якшанбани ўтказиб юборди – Довуд Урияни «энг шиддатли жанг» бўладиган жойга қўйишни буюргани ҳақида ўқишганда. Ўзини қўярга жой тополмай қолганди ўша куни.)

Қўшнилар унинг атрофида гирдикапалак эди. Бошланишига.

Кейин у ҳақда шивир-шивир қилаётгандек туюла бошлади. Шундан кўнгли шалвираб қолди. Унга ола қарай бошлашди. Худди уни бадном қилувчи мишмиш уларгача етиб келгандек... (Армитиж? Армитиж валдираб қўйган бўлса-чи?)

Аста-секин ҳаммадан узоқлашди. Одамови бўлиб қолди. Орқангдан сен ҳақингда ғийбат қилишса, барибир жуда ёқимсиз.

Лекин бунга ҳам анча бўлган.

Лесли узоқ ўтмишда қолди. Артур Ричмонд ҳам. Ҳозир ўша воқеанинг қандай аҳамияти бўлиши мумкин? Ҳолбуки, айнан шу туфайли ёлғизликка маҳкум бўлди. Энди ҳатто эски ҳарбий дўстларидан ҳам ўзини олиб қочарди. (Агар Армитиж гуллаб қўйган бўлса, бу воқеа, шубҳасиз, уларгача ҳам етиб борган.)

Бугун оқшом бўлса, ўша овоз алақачон унутилган воқеани ҳаммага маълум қилди. У ўзини қандай тутди? Юзида ўзгариш бўлмадими? Шунга монанд газаб, ҳайратни ифодалай олдими? Ичидаги саросимани фош қилиб қўймадими? Ким билади. Албатта, меҳмонларнинг ҳеч бири бу айбловларни жиддий қабул қилмади. Ахир айбловлар ичида куракда турмайдиганларини ҳам бор эди. Масалан, анави мафтункор қизни бир болани чўктириб юборганликда айблашди. Сафсатани қара-я! Тушунарли, дуч келган одамни айблаб, бундан роҳатланадиган аллақандай савдойига йўлиқишди! Эмили Брентнику танийди. Эски ҳарбий дўсти Том Брентнинг жияни. Ҳатто уни ҳам қотилга чиқар-

ди. Фақат сўқир одамгина қанчалар тақводорлигини пайқамаслиги мумкин. Бунақа аёллар тирноқ олишдан аввал руҳонийдан маслаҳат сўрайди.

«Бу айбловлар, – ўйлади генерал, – ҳақиқий ёввойилик, оддий қилиб айтганда, ғирт бемаънилик! Оролга келиб ўлгурмай... шошма, қачон келишди ўзи? Бугун кундузи, жин урсин, рост, ахир атиги бугун келишган. Вақт имиллаб ўтяпти! Қизиқ, бу ердан қачон кетар эканмиз? – ўйлади генерал. – Албатта, эртага, моторли қайиқ келиши билан. Лекин ғалати, ҳозир оролдан умуман кетгиси келмасди... Яна мўъжаз ўйида ўзлатга чекинади, яна ўша хавотирлар, яна ўша қўрқувлар». Очиқ деразадан денгиз шовқини эшитиларди. Денгиз шиддатланар, шамол кучаярди. Генерал хаёлга чўмди: «Алаловчи денгиз шовқини... сокин овлоқ... Оролда яшаш яхши – ҳаёт ташвишлари ортда қолиб, гўё дунёнинг бир четига тушиб қолгандексан...

Тўсатдан бу ердан кетишни умуман хоҳламаётганини тушуниб қолди».

Вера Клейторн кўзини юммай, шифтга қараб ётганча жим хаёл сурарди. У қоронғидан қўрқарди, шунинг учун чироқни ўчирмади.

«Хьюго, Хьюго, – ўйлади у. – Нима учун бу оқшом уни ёнимда тургандек ҳис қиляпман. Ҳозир у қаерда? Билмайман. Ҳеч қачон билолмайман. Ҳаётимдан ғойиб бўлди, бутунлай ғойиб бўлди...

Хьюго ҳақида хаёлларни ўзидан қувмоққа не ҳожат? У ҳақда ўйлайверади, эслайверади...

Корнуолл... Қора қоялар, сап-сарик қумлоқ... хушфеъл бақалоқ хоним миссис Хамилтон... Митти Сирил нуқул унинг қўлидан тортиб ёлворади: «Қояга сузиб боргим келяпти. Мисс Клейторн, қояга боргим келяпти. Қояга сузиб борсам майлими?» Ҳар гал кўзини кўтарганда Хьюго нигоҳлари фақат уни қидираётганини пайқайди. Кечқурун, Сирил уйқугу кетгач...

– Сайр қилгани чиқасизми, мисс Клейторн?

– Майли, чиқаман...

Ўша куни ҳам одатдагидек соҳил буйлаб сайр қилишди. Илиқ ойдин оқшом эди. Хьюго унинг белидан кучди.

– Сизни севаман, Вера. Жуда севаман. Севишимни биласизми?

Ҳа, у биларди. (Ҳар ҳолда ўзига шундай туюларди.)

– Қўлингизни сурашга журъатим етмаяпти... Сарик чақам ҳам йўқ. Топганим ўзимга аранг етади. Ахир нақ уч ой бойиб кетишим учун ажойиб имкон бор эди. Морис ўлимидан уч ой утгач Сирил дунёга келди...

Агар қиз туғилганда барча мол-мулк Хьюгога мерос қоларди. Ўшанда қаттиқ изтиробда қолганини тан олди:

– Бунга ортиқча ишониб ҳам қолмагандим, албатта. Барибир пешонамга гурзи билан уришгандек гангиб қолдим. Толеим паст экан. Лекин Сирил ёқимтой бола. Унга жуда ўрганиб қолганман!

Бу ҳам чин ҳақиқат эди. Хьюго Сирилни жуда яхши кўрар, кунбўйи у билан ўйнашга тайёр, ҳар қандай инжиқлигини кутарарди. Ғараз ёки адоват нималигини билмасди.

Сирил нимжон ўсди. Тез-тез касалга чалинарди. Ўсиз ҳам узоқ яшай олмасди.

Кейин нима бўлганди?

– Мисс Клейторн, қояга сузиб борсам майлими? Нега қояга боришим мумкинмас? – тинимсиз ҳиқилларди Сирил.

– Чунки жуда узоқ, Сирил.

– Хўп денг, мисс Клейторн, илтимос, хўп деқ қолинг...»

Вера ўрнидан турди, пардоз столидан уч дон аспири олиб, бирданига ичиб юборди.

«Агар ўзимни ўлдиришимга тўғри келиб қолса, деб ўйлади у, – веронал ё шунга ўхшаш уйқу дори

дан кўпроқ ичиб олардим, лекин цианли калийни ҳеч қачон ўйламайман».

Антони Марстоннинг қийшайиб кетган қонталаш юзи эсига тушиб, бадани жимирлаб кетди.

Камин ёнидан ўтаркан, кўзи беихтиёр саноқ шеър-га тушди.

*Ўнта негр боласи, борди тушлик қилгали,
Бири тикилиб ўлди, тўққиз қолдилар бари.*

«Қандай даҳшат, – ўйлади у. – Ахир бугун ҳамма-си айнан шундай бўлди!

Нима учун Антони Марстон ўлишни истади? Йўқ, у ўлишни хоҳламаган. Ўлим ҳақида ўйлар унга мутлақо бегона эди... Ўлим у учунмасди...»

Олтинчи боб

Доктор Армстронг туш кўрди. Операция хонаси ҳаммомдек қайнаяпти. Нега бунчалик қиздиришди? Аъзойи баданидан шувиллаб тер оқяпти. Қўли ивиб кетди, скальпелни ушлаб бўлмайди... Скальпель жуда ўткир чархланган. Бундай яроқ билан ўлдириш осон. У ҳозиргина кимнидир ўлдириб қўйди.

Қурбон унга нотанишдек туюлди. Ҳалиги қиз семиз, бесўнақай эди. Буниси ориқ, нимжон. Юзи кўринмаяпти. Кимни ўлдириши керак ахир? Сира эсида йўқ. Ахир билиши керакку! Ҳамширадан сўраб кўрсамикан? Ҳамшира уни кузатяпти. Йўқ, ундан сўраш мумкинмас. Ахир мендан шубҳаланяпти.

Барибир операция столида ётган бу аёл ким бўлди экан-а? Нега юзини ёпиб қўйишган? Кошкийди, бир марта кўз ташлай олса!.. Ниҳоят ёш амалиётчи дуррани кўтариб, аёл юзини очди.

Ҳа, албатта! Бу Эмили Брент. У Эмили Брентни ўлдириши керак. Кўзлари ёвуз чақнаяпти. Лабларини қимирлатяпти. Нима деяпти? «Ҳаммамиз парвардигор ҳузурига борамиз».

Энди у кула бошлади.

– Йўқ, йўқ, мисс... – дейди ҳамширага, – дуррани ёпманг. Наркоз қилганимда юзини куриб туришим керак. Эфир қани? Ўзим билан олиб киришим керак эди.

Қаёққа гумдон қилдингиз, мисс? Шато Неф-тю-Пап? Булаверади. Дуррани олинг, ҳамшира!

Вой, ўзим ҳам билардим! Бу Антони Марстон! Қонталаш юзи қийшайиб кетган. Лекин у ўлмаган, тиржайиб турибди.

Худо ҳаққи, хахолаб кулганидан операция столи зириллаб кетяпти. Секинроқ, оғайни, секинроқ. Ушланг, столи ушланг, ҳамшира!

Шу ерда доктор Армстронг уйғониб кетди. Аллақачон тонг отган, хона эрталабки қуёш нурларига ғариб бўлганди. Кимдир у томонга эгилиб, елкасидан тортиқилади. Рожерс. Рожерснинг юзи докадек оқариб кетганди:

– Доктор, доктор!

Армстронг буткул уйғонди.

– Нима гап? – жаҳл билан суради.

– Хотинимга нимадир бўлди, доктор. Уйғотяпман, уйғотяпман, сира уйғотолмаяпман. Кўриниши ҳам ғалатирок.

Армстронг сапчиб тушди. Ўрнидан туриб, устига халат ташлади-да, Рожерс ортидан юрди.

Аёл қўлини боши тагига суқиб олганча ёнбошлаётарди. Доктор у томонга энгашди, совуқ қўлини тутди, қовоғини кўтарди.

– Наҳотки, наҳотки у... – пичирлади Рожерс.

Армстронг бош чайқади:

– Афсус, ҳаммаси тамом...

Шифокор хизматкорга уйчан нигоҳ ташлади, ёнбошдаги жавончага қараб қўйди. Сўнгра қимирламай ётган аёлга яна кўз югуртирди.

– Юраги тўхтаб қолганми, доктор? – дудуқлабди суради Рожерс.

Доктор Армстронг бир дақиқа жим қолди, кейин сўради:

– Рожерс, хотинингизнинг бирорта касали бормиди?

– Бод касали безор қиларди, доктор.

– Охирги марта кимда даволанган?

– Даволанган? – Рожерснинг қорачиқлари катталашди. – Ростини, қачон докторга борганимизни ҳам эслолмайман.

– Хотинингизнинг юраги оғрирмиди?

– Билмайман, доктор. Ҳеч қачон юрагидан нолимасди.

– Одатда, яхши ухлармиди? – сўради Армстронг.

Хизматкор кўзини четга олиб қочди.

– Йўқ, унчалик ҳам яхши ухлолмасди, – деди синиқ овозда.

– Уйқусизликка қарши бирор нарса ичармиди?

– Уйқусизликка? – ҳайрон бўлиб сўради Рожерс. – Билмайман. Йўқ, менимча, ичмасди. Бўлмаса, билардим.

Армстронг пардоз столига яқинлашди. Унда бир нечта шиша бор эди: сочлар учун лосьон, лаванда мойи, сурғи дори, глицерин, тиш пастаси, эликсир...

Рожерс унга астойдил кўмаклашди – ғаладонларни чиқарди, шкафларни очди. Бироқ ҳеч қандай гиёванд изини топишолмади. Суюғи ҳам, кукунни ҳам йўқ.

– Кеча оқшом фақат сиз берган дорини ичди, доктор, – деди Рожерс.

Соат тўққизларда нонуштадан дарак бериб бонг чалинганда меҳмонлар аллақачон ўрнидан турган, энди нима бўлишини кутиб туришарди. Генерал Макартур ва судья майдонча бўйлаб айланиб юришар, жаҳон сиёсати ҳақида ўзаро баҳслашишарди. Вера Клейторн билан Филипп Ломбард уй ортидаги қоя чўққисигача чиқишди. Юқорида Уильям Генри Блорни учратишди. У қирғоқ томон соғинч билан термуларди.

– Анчадан бери шу ердаман, – деди у, – ҳозирча қайиқ кўринмаяпти.

– Девон – ялқовлар ўлкаси. Бу ерда эрта туришни ёқтиришмайди, – деди Вера истехзо билан.

Филипп Ломбард уларга терс ўгирилганча очиқ денгиздан кўз узмасди.

– Об-ҳавога нима дейсизлар? – суради у.

Блор осмонга қаради.

– Менимча, ёмонмас.

Ломбард ҳуштак чалди.

– Ахборотингиз учун кечга бориб шамол туради.

– Довулмасми? – суради Блор.

Пастда бонг овози жаранглади.

– Нонуштага чақиришяпти, – деди Ломбард. – Айни муддао, очиқиб кетгандим.

Тик қоя бўйлаб тушишаркан, Блор ичидаги гапларни Ломбардга айтди:

– Биласизми, Ломбард, Марстон нима учун ўз жонига қасд қилганини ҳеч ҳам ақлимга сиғдиролма-япман. Туни билан шу ҳақда ўйлаб чиқдим.

Вера олдинда кетарди.

Ломбард бироз секинлашди.

– Сизда бошқа тахмин борми? – саволга савол билан жавоб берди Ломбард.

– Қўлимизда далил бўлса яхши эди. Ақалли ўз жонига қасд қилиш учун нима туртки бўлганини билишни хоҳлардим. Кўринишидан пулга муҳтож одам-маслиги кундек равшан.

Меҳмонхонада уларга Эмили Брент пешы з чиқди.

– Қайиқ йўлда чиқибдими? – суради у.

– Ҳали йўқ, – жавоб берди Вера.

Улар ошхонага киришди. Дастурхонга тортилган беконли тухум қуймоқ ҳиди иштаҳани қитиқлар, чойнак ва қаҳва идиши хизматга шай эди. Рожерс ҳаммаси ўтиб бўлгунча эшикни очиб турди. Сўнгра эшикни ёпиб, хизмат қилишга шошилди.

– Бугун кўриниши анча паришон, – деди Эмили Брент.

Деразага суяниб турган доктор Армстронг йўталиб қўйди.

– Бугун ҳар қандай камчиликка ортиқча эътибор бермаймиз, – деди у. – Рожерснинг бир ўзи нонушта тайёрлашга мажбур бўлди. Миссис Рожерс... э-э... унга ёрдам берадиган аҳволда эмасди.

– Унга нима қилди? – беихтиёр сўради Эмили Брент.

– Аввал нонушта қилайлик, – саволни эшитмагандек давом этди Армстронг. – Қуймоқ совиб қолади. Нонуштадан кейин эса сизлар билан айрим нарсаларни гаплашиб оламиз.

Ҳамма унинг маслаҳатига қулоқ тутди. Ликобчалар тўлдирилди, кимдир ўзига чой, яна кимдир қаҳва қуйиб олди ва нонуштага киришилди. Умумий келишувга кўра ҳеч ким орол ҳақида сўз очмасди. У ёқ бу ёқдан суҳбатлашишди: янгиликлар, халқаро ҳодисалар, спорт, ҳатто Лохнесс махлуғи ҳам четда қолмади.

Ликобчалар бўшагач, доктор Армстронг курсига яхшироқ ўрнашиб олди. Маънодор йўталиб, ярим овозда сўз бошлади:

– Қайғули хабарни нонуштадан сўнг маълум қилганим маъқул, деган қарорга келдим. Кеча миссис Рожерс уйқусида жон берди.

Ҳайрат ва даҳшат тўла қичқириқлар эшитилди.

– Эй худойим! – деди Вера. – Оролдаги иккинчи ўлим!

– Ҳм-ҳм, анча ғалати, – деди судья ҳар доимгидек сўзларини чертиб-чертиб. – Ўлимга нима сабаб бўлган?

Армстронг елка қисди.

– Айтиш қийин.

– Бунинг учун ёриб кўриш керакми?

– Албатта, ёриб кўрмай ўлим сабаби ҳақида аниқ айтолмайман. Чунки бу аёлни даволамаганман, соғлиғи борасида ҳеч нарса билмайман.

– Кўринишидан жуда кўрқиб кетганди, – деди Вера. – Кейин ўтган оқшом қаттиқ изтироб чекди. Эҳтимол, юраги тўхтаб қолгандир?

– Тўхтаб қолишгаку тўхтади, – гапини бўлди Армстронг, – лекин бунга нима сабаб бўлганини билишимиз муҳим.

– Виждон, – деди Эмили Брент. Шу пайт ҳамма даҳшатдан қотиб қолди.

– Нима демоқчисиз, мисс Брент? – унга юзланди Армстронг.

У лабини қимтиди.

– Ҳаммангиз эшитдингиз, – деди, – уни эри билан бирга ўз бекаси бўлган кекса аёлни ўлдирганликда айблашди.

– Ўйлайсизки...

– Ўйлашимча, бу ҳақиқат, – деди Эмили Брент. – Кеча оқшом ўзини қандай тутганини кўрдинглар. Ўлгудек кўрқиб кетди, ҳушини йўқотди. Ёвуз қилмиши ошкор бўлгач, буни кўтара олмади. Ҳеч бир муболағасиз кўрқувдан ўлиб қолди.

Армстронг ишонқирамай бош чайқади.

– Мутлақо ҳақиқатга яқин тахмин, – деди у, – бироқ марҳуманинг соғлиғи ҳақида ҳеч нарса билмай туриб, бунга виждон сабаб бўлган дея олмайман. Агар юраги кучсиз бўлса...

– Аниқроғи, парвардигор жазоси бу, – деди Эмили Брент пинагини бузмай.

Унинг сўzlари кўпчиликка ёқмади.

– Буниси ортиқча, мисс Брент, – таъна қилди Блор. Мисс Брент бош ирғади, унинг кўzlари чақнарди.

– Парвардигор гуноҳкорни жазолашига сиз ишонмайсиз. Мен эса ишонаман.

Судья иягини силади.

– Қадрли мисс Брент, – деди. Унинг овозида пичинг оҳанги сезилиб турарди, – Тажрибамдан келиб чиққан ҳолда айтишим мумкинки, парвардигори олам жиноятчиларни жазолашни биз бандаларнинг ўзига қўйиб берган. Кўпинча минглаб тўсиқлардан бу иш мушкуллашади. Бироқ бошқа йўл йўқ.

Эмили Брент елка қисди.

– Кеча уни ётқизишганда нималар еб-ичганди? – сўради Блор.

– Ҳеч нарса, – жавоб берди Армстронг.

– Ҳеч нарсамми? На бир финжон чой? На бир стакан сувми? Бас бойлашим мумкин, барибир бир финжон чой ичган. Бу тоифа одамлар чойсиз яшолмайди.

– Рожерс ишонтириб айтди, ҳеч нарса емаган ҳам, ичмаган ҳам.

– Ҳар балони гапириши мумкин, – деди Блор. Бу гапни шундай сирли оҳангда айтдики, доктор ундан кўз узолмай қолди.

– Демак, ундан шубҳаланяпсизми? – сўради Ломбард.

– Аммо асоссиз эмас, – жавоб берди Блор. – Кеча оқшом барчангиз ўша айблов нутқини эшитгансиз. Балки бу ғирт сафсатадир, балки буни аллақандай телба тўқиб чиқаргандир! Бошқа томондан, агар бу ҳақиқат бўлса-чи? Фараз қилайлик, Рожерс билан хотини ўша кампиршони гумдон қилишган. Унда нима бўлади? Иш ҳамирдан қил суғургандек битгани учун хурсанд бўлишган. Ўзларини мутлақо хавфсизликда ҳис қилишган. Кейин эса кечаги гаплар...

Вера унинг гапини бўлди.

– Менимча, миссис Рожерс ҳеч қачон ўзини хавфсизликда ҳис қилмаган, – секин гапирди у.

Блор Верага ёзғирганнамо қараб қўйди: «Сиз аёллар ҳеч қачон гапни тугатиб олишга қўймайсизлар», – қарашларидан шу маънони ўқиш мумкин эди.

– Шундай ҳам бўлсин, – давом этди у. – Лекин Рожерслар, ҳар қандай ҳолатда ҳам уларга ҳеч нарса таҳдид солмаётганини билишарди. Кеча оқшом бўлса ўша аноним телба улар сирини фош қилди. Кейин нима бўляпти? Миссис Рожерснинг асаби дош беролмади. Эсингиздами, ўзига келгунча эри ёнидан жилмай қолди. Лекин бу хотини соғлигини ўйлаб қуйиб-пишгани учун эмасди. Умуман ундай эмас! Оёғи куйган товукдек типирчилаб қолишига бошқа сабаб бор. Хотини нимадир деб қўйишидан ўлгудек қўрқди. Ҳа, асл воқелик шундай! Қотиллик қилиб, жазосиз қолишди. Лекин ўтмишни ковлаштира бошлашса, уларга нима бўлади? Гаров ўйнашга тайёрман, аёл киши сайраб қўяди. Ҳаммасини инкор қилишга, ғалаба қозонмагунча ёлғон гапиришга сабри чидамайди. Эри учун доим хатар туғдиради. Ҳамма гап шунда. Ўзидан бўлса кўнгли тўқ. Керак бўлса, маҳшар кунигача алдайверади, лекин хотинига ишонмайди! Агар у гуллаб қўйса, демак, ўзиниям кун битади. Шундан кейин хотинининг чойига кўпроқ уйқу дориси қўшиб, мангу уйқуга равона қилади.

– Лекин у ерда финжон йўқ эди, – ишонч билан гапирди Армстронг. – Умуман олганда, ҳеч нарса йўқ эди – ўзим текширдим.

– Албатта-да, – пишқирди Блор. – Дамламани ичириши билан идишларни олиб чиққан-у, дарров ювиб ташлаган.

Орага жимлик чўкди. Уни генерал Макартур бузди.

– Эҳтимол, шундай бўлгандир, лекин одам ўз хотинини заҳарлаб қўйишини тасаввур қилолмайман.

– Калланг кетаман деб турса, – хахолади Блор, – ҳис-туйғуга йўл бўлсин.

Яна ҳамма жимиб қолди. Лекин шу пайт эшик очилиб, Рожерс кириб келди.

– Қандай хизмат буюрадилар? – деди у барчага кўз югуртираркан. – Айбга буюрмайсизлар, нонушта-

да нон камроқ бўлди. Фақат шу қолганди. Қайиқ олиб келарди, лекин ҳалиям йўқ.

– Одатда, қачон келарди қайиқ? – курсида ғимирлай бошлади судья Уоргрейв.

– Еттидан саккизгача, сэр. Гоҳида саккиздан сал ўтиброқ. Ҳайронман, Нарракотт қаёққа ғойиб бўлди? Агар ўзи оғриб қолса, укасини жўнатган бўларди.

– Ҳозир соат неча? – сўради Филипп Ломбард.

– Ўнтакам ўн, сэр.

Ломбард қошларини чимирди, бошини сарак-сарак қилди.

Рожерс яна бироз туриб қолди.

– Сизга ҳамдардлик билдираман, Рожерс, – кутилмаганда хизматкорга юзланди генерал Макартур. – Доктор ҳозиргина қайғули хабардан бизни воқиф этди.

Рожерс бошини қуйи солди.

– Миннатдорман, сэр, – деди у. Кейин бўш идишларни олиб, хонадан чиқиб кетди.

Меҳмонхонани яна сукунат эгаллаб олди. Уй олдидаги майдончада Филипп Ломбард сўз бошлади:

– Қайиққа келсак...

Блор унга қаради ва маъқуллаб бош ирғади.

– Нима ҳақда ўйлаяпсиз, биламан, жаноб Ломбард, – деди у, – Мен ҳам ўзимга шу саволни бериб кўрдим. Қайиқ салкам икки соат аввал келиши керак эди. Лекин келмади. Нима учун?

– Жавоб топдингизми? – сўради Ломбард.

– Бу оддий тасодиф эмас, мен сизга айтсам. Ҳаммаси тўғри келяпти. Бири бошқасига.

– Қайиқ келмайди деб ўйлаяпсизми? – сўради Ломбард.

– Албатта, келмайди, – орқадан аччиқланган овоз эшитилди.

Блор ўгирилиб, гапирган одамга ўйчан қараб қолди:

– Сиз ҳам шундай деб ўйлайсизми, генерал?

– Ҳа, албатта, қайиқ келмайди, – жаҳл билан деди генерал, – қайиқ бизни бу оролдан олиб кетишига умид қиляпмиз. Лекин биз бу ердан ҳеч қайёққа кетмаймиз. Шундай ўйланган. Орамизда ҳеч ким бу ердан кетмайди... Тамом бўламиз, тушуняпсизларми, тамом... – бирдан тутилиб қолди, кейин босиқ овозда қўшиб қўйди: – Бу ер жуда сокин – ҳақиқий ҳаловат. Интиҳо шу, ҳаммасининг якуни... Ҳаловат...

Сунгра кескин ўгирилиб, улардан узоқлашди. Майдончадан ўтиб, тик ёнбагир бўйлаб денгизга тушди. Оролнинг бир чеккасида қоядан тошлар гүмбурлаб ўзилар, шу баробар тўғри денгизга тушарди. Генерал шу жойни мўлжаллаганча телбадек чайқалиб одимлай бошлади.

– Яна биттаси ақлдан озди, – деди Блор. – Бу кетишда эртами-кечми ҳамма ақлдан озадиганга ўхшайди.

– Негадир сиз ақлдан озганга ўхшамайсиз, – деди Ломбард.

Собиқ инспектор кулиб қўйди.

– Ҳа, мени ақлдан оздириш осон иш эмас, – сунг намойишкорона қўшиб қўйди: – Бироқ сизда ҳам бу эҳтимол йўқ, жаноб Ломбард.

– Тўғри, ўзимда ҳеч қандай телбалик аломатларини кўрмаяпман, – жавоб берди Ломбард.

Доктор Армстронг майдончага чиққач, тараддул ичида тўхтаб қолди. Чап томонда Блор билан Ломбард турарди. Ўнгда, бошини қуйи солганча Уоргрейв у ёқдан бу ёққа юрарди. Бироз иккилангач, Армстронг судья томон юрди. Лекин шу вақт чаққон кадам овозлари эшитилди.

– Сиз билан гаплашиб олмасам бўлмайди, сэр, – шундоқ ортида Рожерс гапираётганди.

Армстронг ўгирилди-ю, донг қотиб қолди: хизматкор кўзлари ола-кула, юзи бўздек бир аҳволда турар, қўли тинимсиз қалтирарди. Бир неча дақиқа аввал у

гўё вазминлик тимсолидек туюларди. Тафовут шунчалар яққол эдики, Армстронг довдираб қолди.

– Илтимос, сэр, сиз билан яккама-якка гаплашиб олишим керак. Ҳолироқ жойда.

Доктор уй томон юрди. Эс-ҳушини йўқотган хизматкор ортидан эргашди.

– Нима гап, Рожерс? – деб сўради Армстронг. – Ўзингизни қўлга олинг.

– Бу ёққа, сэр, бу ёққа юринг.

У ошхона эшигини очди, докторни олдинга ўтказиб, ўзи ҳам кирди ва ортидан эшикни ёпди.

– Хўш, – деди Армстронг, – нима гап?

Рожерс бўғзига нимадир тиқилгандек оғир ютинди.

– Бу ерда тушунарсиз ишлар бўляпти, сэр, – деди ниҳоят.

– Нимани назарда тутяпсиз? – сўради Армстронг.

– Балки мени ақлдан озган деб ўйларсиз, сэр. Бу арзимаган гап ҳам дерсиз. Фақат буни ҳеч қанақасига изоҳлаб бўлмайди. Ҳеч қанақасига. Хўш, бу нима дегани?

– Аввал нима гаплигини айтсангиз-чи ахир. Топишмоқ айтишни бас қилинг.

Рожерс яна ютиниб қўйди.

– Ҳамма гап ҳайкалчаларда, сэр. Анави стол ўрта-сида турган. Чинни негр болалари. Улар ўнта эди. Онт ичишим мумкин, ростдан ўнта эди.

– Тўғри, ўнта, – деди Армстронг, – кеча тушлик пайтида санаб кўрганмиз.

Рожерс унга яқинроқ келди.

– Шунисига ҳайронман-да, сэр. Ўтган тунда столни йиғиштираётган пайтим аллақачон тўққизта қолганди, сэр. Ҳайрон бўлдим. Лекин фақат шу. Бугун эрталаб, сэр, дастурхон ёзганимда уларга қарамадим. Бунга вақтим ҳам йўқ эди. Ҳозир столни йиғиштирай деб борсам... Ишонмасангиз, ўзингиз қаранг. Саккизта бўлиб қолди, сэр! Атиги саккизта. Бу нима дегани?

Еттинчи боб

Нонуштадан сўнг Эмили Брент Верага қоя тепасига чиқиб, қайиқ келяптими-йўқми қараб кўришни таклиф қилди.

Шамол кучайди. Денгиз мавжлана бошлади. Балиқчилар қайиғи денгизга чиқмади. Моторли қайиқ ҳам йўқ. Стиклхевн узра соя солиб турган баланд тепаликкина кўриниб турарди. Қишлоқчанинг ўзи эса кўринмасди. Денгиздаги азамат қоя ҳаммаёқни тўсиб олганди.

– Кеча бизни олиб келган денгизчи менда яхши таассурот қолдирганди. Бугун шунча кеч қолаётгани жуда ғалати, – деди мисс Брент.

Вера жавоб бермади. У қалбини чулғаб олган хавотир билан олишарди. «Бўшашма, – ўзига ўзи такрорларди. – Ўзингни қўлга ол. Ўзингга ўхшамай қоляпсан. Ахир доим асабларинг мустаҳкам бўлган».

– Қайиқ тезроқ кела қолса яхши эди, – деди бироз ўтгандан сўнг. – Бу ердан жуда ҳам кетгим келяпти.

– Фақат сиз эмас, – гапини бўлди Эмили Брент.

– Ақлбовар қилмайди, – деди Вера. – Фирт бемаънилиқ ҳаммаси.

– Ўзимдан хафа бўляпман, – қизишиб гапирди мисс Брент. – Бу тузоққа қандай қилиб шунчалик осон илиндим?

Ўйлаб кўрсам, ўша хат ниҳоятда беўхшов эди. Лекин ўшанда заррача ҳам шубҳаланмадим.

– Ҳа, албатта, – беихтиёр маъқуллади Вера.

– Соддамизми, билмадим, ҳамма нарсага лаққа ишонамиз, – давом этди Эмили Брент.

Вера чуқур хўрсинди.

– Нонушта пайти айтилган гапларга ростдан ҳам ишонасизми? – сўради у.

– Очиқроқ айтинг, азизам. Нимани назарда тутяпсиз?

– Рожерс билан хотини ростдан ҳам ўша кампирни нариги дунёга равона қилган деб ўйлайсизми? – шивирлади у.

– Бунга шахсан ишончим комил, – деди мисс Брент.
– Сиз-чи?

– Нима деб ўйлашнIAM билмайман.

– Йўқ, бу масалада шубҳага ўрин қолмаган, – деди мисс Брент. – эсингиздами, аёл шу заҳоти ҳушидан кетди. Эри бўлса патнисни тушириб юборди. Бу гапга жаҳл қилиши ҳам ишонарли чиқмади. Ўша мисс Брейдини улар ўлдирганига шубҳа қилмаяпман.

– Менга миссис Рожерс ўз соясидан ҳам қўрқадигандек туюлди, – деди Вера. – умримда бунчалик қўрқоқ одамни кўрмагандим. Афтидан, виждон азобида қийналарди.

Мисс Брент мингиллади:

– Уйимдаги болалар хонасида «Гуноҳларингиз учун албат жазо олгайсиз» деган ҳикматли сўз ёзилган. Бу ерда ҳам айнан шу ҳолат.

– Лекин, мисс Брент, унда ахир... – қизариб кетди Вера.

– Унда ахир нима, азизам?

– Унда қолганлар-чи? Қолган айбловлар.

– Сизни тушунолмадим.

– Қолган барча айбловлар – ахир улар... улар адолатсизликку? Агар Рожерсларни тўғри айблашган бўлса, демак... – шу ерда тили айланмай қолди, хаёллари чувалашди.

Мисс Брент ниманидир тушунгандек бўлди.

– Билмадим, – деди у. – Бироқ, масалан, жаноб Ломбарднинг ўзи йигирмата одамни ўлимга дучор қилганини тан олди.

– Ахир улар қарам одамлар, – деди Вера.

– Қорами-оқми, барибир биродарларимиз, – насихатомуз деди мисс Брент.

«Қора танли биродарларимиз, Исо мазҳабидаги биродарларимиз, – ўйлади Вера. – Эй худо, ҳозир кулиб юбораман. Тутқаноқ тутиб қолгандек ўзимни бошқаролмай қоляпман...»

Эмили Брент эса ўйчан давом этди:

– Албатта, айрим айбловлар кулгили. Масалан, судья билан боғлиқ вазият. У жамият олдидаги бурчини бажарган, холос. Истеъфодаги полициячи билан ҳам шундай. Мен билан боғлиқ воқеага келсак, – бироз тўхтаб, сўнг яна гапини давом этди. – Шаксиз, бу ҳақда кеча айтолмасдим. Эркаклар ҳузурида шунга ўхшаш мавзуда гаплашиш одобсизлик.

– Қайси мавзуда? – сўради Вера.

Мисс Брент оҳиста давом этди:

– Беатриса Тейлорни оқсочликка олгандим. Аслида қандай қизлигидан жуда кеч хабар топдим. Унинг масаласида қаттиқ янглишдим. Озода, меҳнатсевар, итоаткор – аввалига менга ёқарди. Ундан кўнглим тўлганди. Бироқ шунчаки муғомбирлик қилиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилмабман. Аслида у уятсиз, виждонсиз ва бебош қиз экан. Афсус, ҳатто қўлга тушиб қолганда ҳам бирданига англаб етмадим. – деди Эмили Брент жаҳл аралаш. – Бундан лол қолдим. Ота-онаси бамаъни одамлар, унга бинойидек тарбия беришган. Бахтимга, улар ҳам қизининг но-жўя қилиқларини ҳазм қила олишмади.

– Кейин унга нима бўлди? – Вера мисс Брентдан кўз узмай турарди.

– Албатта, шундан сўнг уйимда бир зум ҳам қолишини хоҳдамасдим. Фаҳш ишлардан ҳазар қилганим учун ҳеч ким мени айбололмайди.

– Кейин унга нима бўлди? – паст овозда такрорлади Вера.

– Оғир гуноҳга ботиб бўлганди, – деди мисс Брент. – Бироқ бу камлик қилди. Ундан ҳамма юз ўгиргач, янада оғирроқ гуноҳга қўл уриб, ўз жонига қасд қилди.

– Ўзини ўзи ўлдирдимми? – даҳшатга тушди Вера.

– Ҳа, ўзини чўктирди.

Вера хўрсинди. Энди унга мисс Брент жуда совуққондек туюларди:

– Ўзини ўлдирганидан хабар топгач, нимани ҳис қилдингиз? Ҳайдаб юборганингизга ачинмадингизми? Ўзингизни айбламадингизми?

– Ўзимни? – тутатиб кетди Эмили Брент. – Ўзимни айблашга бирор сабаб кўрмаяпман.

– Агар шафқатсизлигингиз қизни шунга мажбур қилган бўлса-чи? – сўради Вера.

– Уятсизлиги ва қилган гуноҳи ўзини ўлдиришга ундади. Ўзини тарбияли қизлардек тутганда бунга ўхшаш воқеа ҳеч қачон юз бермасди.

У Верага ўгирилди. Кўзларида пушаймондан асар ҳам йўқ, аксинча, ўзи ҳақлигига қатъий ишончни пайқаш мумкин эди. Эмили Брент эзгу фазилатлардан ясалган зирҳга ўралиб олгандек виқор билан турарди. Верага бу аёл кулгили кўринмай қолди. Энди даҳшатли туюларди.

Доктор Армстронг ошхонадан майдончага чиқди. Ундан унғ томонда судья курсида ўтирар, денгизга маънисиз нигоҳ ташларди. Чап томонга Блор билан Ломбард жойлашиб, жимгина чекишарди. Худди аввалгидек, доктор иккиланиб қолди. Савол назари билан судья Уоргрейвга қаради. Ким биландир маслаҳатлашиб олиши керак эди. У судьядаги кучли мантиқни юқори баҳоласа-да, барибир шубҳа-гумонлар ич-этини кемирарди. Албатта, жаноб Уоргрейв ақлли одам, лекин қариб қолган. Бунақа ишларга чаққон одам керак. Ниҳоят бир қарорга келди.

– Ломбард, бир дақиқага мумкинми?

Филипп сакраб турди.

– Албатта.

Улар қирғоққа тушишди.

Яна бироз юришгач, Армстронг сўз бошлади:

– Менга маслаҳатингиз керак.
 Ломбард қошини чимирди.
 – Лекин тиббиётда ҳеч нарсани тушунмайман.
 – Мени янглиш тушундингиз. Биз тушиб қолган вазият ҳақида маслаҳатлашиб олмоқчиман.
 – Буниси бошқа гап.
 – Очигини айтинг, бу ҳақда нима деб ўйлайсиз? – сўради Армстронг.
 Ломбард бир дақиқа ўйланиб қолди.
 – Анча бошқотирма масала, – деди у.
 – Миссис Рожерс ўлимини қандай изоҳлайсиз? Блор фикрига қўшиласизми?
 Филипп тутундан ҳавода ҳалқа ясай бошлади.
 – Агар бу ҳодисани алоҳида кўриб чиқиш мумкин бўлганда, – деди у, – фикрига қўшилишим мумкин эди.
 – Тўппа-тўғри, – енгил тин олди Армстронг. У Филипп Ломбард унчалик ҳам аҳмоқ эмаслигига ишонч ҳосил қилганди.
 Филипп гапида давом этди:
 – Яъни жаноб Рожерс ва рафиқаси бир пайтлар жиноят содир қилиб, сувдан қуруқ чиқишганини назарда тутсак. Шундай қилган бўлиши мумкинлигини эса инкор этолмайман. Нима деб ўйлайсиз, улар айнан нима қилишган? Кампирни заҳарлашганми?
 – Менимча, бу иш анча осон битган, – деди Армстронг. – Мисс Брейди қандай касалга чалингани ҳақида эрталаб Рожерсдан сўрагандим. Жавобдан кўп нарсани тушунгандек бўлдим. Тиббий тафсилотларга тўхталиб ўтирмайман-да, айрим юрак хасталикларида амилнитрит ишлатилишини айтаман. Хуруж бошланган вақт ампула синдирилиб, бемор нафас олиши учун берилади. Дори ўз вақтида берилмаса, ўлимга олиб келиши мумкин.
 – Шунчалик ҳам жўн бўладими, – деди хаёлчан Ломбард, – ҳар кимни қизиқтириб қўяди.
 Доктор бош ирғади.

– Ҳа, ҳеч нарса қилиш шарт эмас. Заҳар топаман деб бошинг ҳам қотмайди, уни бериш учун найранг ҳам ишлатмайсан. Қисқаси, фақатгина ҳеч нарса қилмаслик керак. Устига-устак, Рожерс тунда физиллаб доктор чақиргани кетган. Ҳеч ким ҳеч нарсани билмайди, деб ўйлаш учун уларда барча асослар бор эди.

– Билиб қолишганда ҳам ҳеч нарсани исботлай олишмайди, – қўшиб қўйди Филипп Ломбард. Унинг юзи тундлашди. – Ҳа, бу кўп нарсани изоҳлайди.

– Кечирасиз? – ҳайрон бўлди Армстронг.

– Айтмоқчиманки, бу билан бизни нима учун Занжилар оролига чақирибгани ҳам ойдинлашади. Айрим жиноятлар учун жавобгарликка тортишнинг иложи йўқ. Мисол учун Рожерсларни олинг. Бошқа мисол қария Уоргрейв. Қонун доирасидан мутлақо чиқмаган ҳолда жиноят содир қилган.

– У ҳам одам ўлдирганига ишондингизми? – сўради Армстронг.

Ломбард кулимсиради:

– Ишонганда қандоқ! Албатта ишондим. Уоргрейв Ситонни қандай бир ёқли қилганини орқадан пичоқ уриб ўлдиришга ўхшатаман! Лекин буни судьялик курсисида ўтириб қилиш афзаллигига ақли етарди. Шунда уни оддий йўл билан ҳеч қанақасига жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Армстронгнинг бошига гурзи билан уришгандек бўлди: «Касалхонадаги қотиллик. Операция столидаги қотиллик. Хавфсиз ва ишончли – худди банкдагидек ишончли...»

Ломбард эса давом этарди:

– Шунинг учун ҳам, жаноб Оним ва Занжилар ороли керак бўлди.

Армстронг қаттиқ уҳ тортди.

– Энди моҳиятга ўтамиз. Бизни бу ерда нега тўплашди?

– Ўзингиз нима деб ўйлайсиз? – сўради Ломбард.

– Бир дақиқа миссис Рожерс ўлимига қайтамиз, – деди Армстронг. – Бу ерда қанақа тахминлар бўлиши мумкин? Биринчи тахмин: сирни фош қилиб қўйишдан қўрққани учун уни Рожерс ўлдирган. Иккинчиси ўзи эс-ҳушидан ажраб, бу фоний дунёни тарк этишга қарор қилган.

– Бошқача айтганча, ўз жонига қасд қилганми? – аниқлик киритмоқчи бўлди Ломбард.

– Бунга нима дейсиз?

– Марстон ўлими бўлмаганда гапингизга қушилган бўлардим, – жавоб берди Ломбард. – Ўн икки соатда иккита одам ўз жонига қасд қилиши қуюшқонга сиз майди! Агар менга Антони Марстондек навқирон қўрқув билмас ва каллаварам одам иккита болани босиб кетгани учун ўз жонига қасд қилган десангиз бу гапга қотиб-қотиб куламан! Ҳа, айтганча, у қаердан ҳам заҳар оларди? Фикри ожизимча, цианли калий чўнтакда олиб юрадиган матоҳ эмас. Қисқаси бу ҳақда мендан яхшироқ биласиз.

– Агар касб тақозосига кўра арилар билан тез-тез туқнаш келмаса, ақли бутун одам ҳеч қачон цианли калийни ёнида сақламайди, – деди Армстронг.

– Қисқасини айтганда, агар у ҳаваскор боғбон ёки фермер бўлмасами? Бунақа эрмаклар Марстон учун эмаслиги аён. Ҳа, цианли калий масаласи анча жумбоқ. Ёки Антони Марстон бу ерга келмасидан аввал ўзини ўлдиришга қарор қилган-у, шу мақсадда ўзи билан заҳар олган, ёки...

– Ёки? – уни шошилтирди Армстронг.

– Бу гап мендан чиқишини нега кутяпсиз? – мияида кулиб қўйди Филипп Ломбард, – ахир Антони Марстон ўлдирилганини сиз яхшироқ биласизку.

– Миссис Рожерс-чи? – ҳовлиқа бошлади доктор Армстронг.

– Миссис Рожерс бўлмаса, Марстон ўзини ўлдирганига ҳар ҳолда ишонган бўлардим, – деди ўйчан

Ломбард. – Агар Антони Марстон бўлмаса, миссис Рожерс ўзини ўлдирганига ҳам шубҳа қилмасдим. Антони Марстон сирли ўлим топмаганда Рожерс хотинидан қутулиш учун шундай ишга қўл урганига ҳам ишонардим. Бизга шундай фараз керакки, кетма-кет содир бўлган иккала ўлимни ҳам изоҳлаб бера олсин.

– Сизга бу масалада қандайдир ёрдам беролсам керак, – деди Армстронг ва иккита чинни негр боласи ғойиб бўлгани ҳақида Рожерс ҳикоясини айтиб берди.

– Ҳа, негр болалари... – деди Ломбард. – Кеча оқшом улар ўнта эди. Энди улар саккизта қолди деяпсизми?

Армстронг шеърни ҳам ўқиб берди:

*– Ўнта негр боласи, борди тушлик қилгали,
Бири тиқилиб ўлди, тўққиз қолдилар бари.
Тўққиз негр боласи мириқиб қилди тушлик,
Бири уйғона олмай, саккиз қолдилар шўрлик.*

Кейин бир-бирига жим қараб қолишди. Филипп Ломбард ғалати кулди, сигаретни четга отди.

– Ҳаммаси ҳаддан зиёд мос тушяпти. Шундай экан, Антони Марстон тушликдан кейин тиқилиб ёки бўғилиб ўлиб қолиши ҳам, онахон Рожерс уйқуга ётганча дорилбақога равона бўлиши ҳам ҳеч қанақасига шунчаки тасодиф эмас.

– Ўз навбатида? – деди Армстронг.

– Ўз навбатида, – гапни илиб кетди Ломбард, – янги жумбоқ қаршисидамиз. Калаванинг учи қаерда? Ўша жаноб Икс, жаноб Оним, жаноб А.Н. Оним ким ўзи? Ёки дангал айтганда, ўша учига чиққан телба аноним.

– Аҳ-ҳа, – билинар-билинемас энтикди Армстронг, – демак, фикримга қўшиласиз. Лекин бу нимани англа-

тишини тушунапсизми? Рожерс оролда биздан бошқа ҳеч ким йўқ деб қасам ичишга тайёр.

– Рожерс адашяпти. Балки алдаётгандир.

Армстронг бош чайқади:

– Ўхшамайди. Қўрқиб кетган. Даҳшатдан ўзини йўқотай деди.

– Дарвоқе, бугун қайиқ ҳам келмади, – деди Ломбард. – Ҳаммаси равшан. Жаноб Оним ҳар томонлама пухта ўйлаган. У ўз режасини амалга оширмагунча Занжилар ороли қуруқликдан ажратиб қўйилади.

Армстронг оқариб кетди.

– Ўша одам фирт савдойилигини тушунапсизми? – деди у.

– Барибир жаноб Оним айрим нарсаларни кўздан қочирган, – деди Филипп. Унинг сўзлари таҳдидли жаранглади.

– Айнан нимани?

– Оролни тинтув қилишга арзимаган вақтимиз кетади. Бу ерда тошдан бўлак ҳеч нарса йўқ. Ҳашпаш дегунча авра-астарини чиқариб, ҳурматли А.Н. Онимни тутиб оламиз.

– Хавфли бўлиши мумкин, – огоҳлантирди Армстронг.

Филипп Ломбард кулиб қўйди.

– Хавфли? Қўрққанга қўша кўринар! Қўлимга тушсин, ким хавфли эканини ўшанда билиб олади.

У бир дақиқа жимиб қолди. Кейин яна гап бошлади:

– Бизга Блорнинг ёрдами ҳам керак бўлади. Бунақа ишларда ортиқчалик қилмайди. Аёлларга ҳеч нарсани айтмаган маъқул. Қолганларга келсак, генерал, менимча, қариб қолган. Уоргрейвнинг кучи ilmoқли гапларида. Бу ишни учаламиз ҳам бемалол эплаймиз.

Саккизинчи боб

Блор ёрдамига осонликча эришилди. Улар айтган гапларга дарров қўшилди.

– Чинни ҳайкалчалар ҳамма ишни ўзгартиради, сэр. Бу ерда савдойи изғиб юргани аниқ. Бошқа тахминга ҳожат йўқ. Ўйлаб кўринглар-чи, мабодо жаноб Оним бу операцияни бегона қўллар ёрдамида амалга ошироқчи эмасми?

– Нима демоқчисиз?

– Менимча, аслида шундай бўлган. Марстон кечаги айбловлардан сўнг саросимага тушиб, заҳар ичиб қўйди. Рожерс ҳам саросима ичида хотинини нариги дунёга равона қилган. Муҳтарам А. Н. Оним режаларига мутлақо мутаносибликда.

Армстронг бош чайқади:

– Цианли калий ҳақида унутманг.

– Айтганча, бу ҳақда унутмадим, – маъқуллади Блор. – Албатта, ҳеч ким бундай заҳарни ёнида олиб юрмайди. Бироқ у қандай қилиб Марстон қадаҳига тушиб қолиши мумкин?

– Бу ҳақда аллақачон ўйлаб кўрдим, – деди Ломбард. – Марстон ўша куни бир неча марта ичди. Охирги ва ундан олдинги қадаҳ ўртасида анча та-наффус бўлди. Шу вақт давомида қадаҳ дераза ёнидаги стол устида турган. Ойна эса очиқ эди. Кимдир деразадан заҳар ташлаб қўйган бўлиши мумкин.

– Бўни ҳеч кимимиз пайқамай қолдикми? – ишон-қирамай сўради Блор.

– Бошқа нарса билан жуда банд эдик, – чўрт кесди Ломбард.

– Сиз ҳақсиз, – деди Армстронг, – айбловдан ҳеч ким қутулиб қолмади. Ҳамма хона бўйлаб зир югурди, баҳслашди, ғазабдан қутурди. Ҳа, бу тахмин ҳам эҳтимолдан йироқ эмас...

Блор елка қисди:

– Афтидан, шундай бўлган. Энди бўлса, жентльменлар, ишга киришамиз. Кимдир, иттифоқо, ўзи билан тўппонча олмаганми? Шундай бўлса, кутилмаган бахтдек бўларди.

– Мен, – чўнтагини уриб қўйди Ломбард.

Блор унга бақрайиб қолди.

– Ҳар эҳтимолга қарши ҳамиша тўппонча олиб юрасизми, сэр? – деди атайлаб бепарво оҳангда.

– Тарки одат амри маҳол. Кўп бор қалтис вазиятда қолиб кетганман.

– Тушунарли, – деди Блор. Кейин қўшиб қўйди: – Бир нарсани аниқ айтишим мумкин, ҳозирги вазият аввалгилардан анча қалтис! Агар бу ерда ростдан савдойи яшириниб олган бўлса, менимча, тиш-тирноғича қуролланиб олишни ҳам унутмаган. Пичоқ ёки ханжарларнику айтишга ҳам ҳожат йўқ.

Армстронг эътироз билдирди.

– Хиёл қизишиб кетдингиз, Блор. Аксарият ҳолларда бундай савдойилар ювош одам бўлади.

– Тажрибам айтиб турибди, бизнинг савдойи улар тоифасидан эмас, – деди Блор.

Шу тариқа учовлон оролни айланиб чиқишга киришди. Уни тинтув қилиш унчалик қийин бўлмади. Шимоли-ғарбда силлиқ қоя денгизга тик тушган. Оролда дарахтлар йўқ эди. Ҳатто ўт ҳам деярли ўсмасди. Уч эркак тартибли ва пухта ишлашди. Тинтувни чўққидан бошлашиб, ёнбағир бўйлаб денгизгача тушишди, йўлда учраган ҳар бир қоя ёриғини текширишди. Балки қандайдир ғор бўлса-чи? Бироқ ҳеч қандай ғор топилмади.

Денгиз қирғоғини текшираётган пайт Макартурга дуч келишди. Генералнинг кўзлари уфққа қадалганди. У сокин жой танлабди: сукунатни фақатгина қояга урилаётган тўлқинлар шов-шуви бузарди. Чол уларга эътибор бермади. Аввалгидек уфқдан кўз узмай ўти-

раверди. Уларни пайқамаганидан учаласи ҳам ўнғайсиз аҳволга тушди.

Блор: «Нимадир бўлган. Қария эс-ҳушидан ажрадимикан ё ундан ҳам баттарми?» деб ўйлади ва генерални гапга тортиш учун томоқ қирди:

– Ўзингизга ажойиб жой топибсиз, сэр, тинч, сокин.

Генерал ҳўмрайди, елка оша унга қараб қўйди.

– Вақт жуда кам, – деди у. – Шунчалар кам вақт қолди. Шунинг учун қаттиқ илтимос қиламан, мени безовта қилманглар.

– Сизни безовта қилмаймиз, сэр, – хайрихоҳ сўз қотди Блор. – шунчаки оролни айланяпмиз. Баногоҳ бу ерда бирортаси яширинмаганми, текширмоқчимиз.

Генерал тундлашди.

– Тушунмаяпсизлар, ҳеч нарсани тушунмаяпсизлар, – деди у. – Илтимос, кетинглар.

Блор чолдан узоқлашди. Ҳамроҳларига етиб олгач:

– Чолнинг мияси айнибди... Алламбалони алжираяпти...

– Сизга нима деди? – қизиқсинди Ломбард.

Блор елка қисди.

– Вақти йўқ экан. Мени безовта қилманглар деди. Армстронг пешонасини тириштирди.

– Қизиқ, – дея ўзича гўлдиради.

Оролни текшириш ҳам тугади. Учаласи қоя тепасида турганча олис қирғоққа нигоҳ ташларди. Шамол кучаярди.

– Бугун балиқчилар қайиғи чиқмади, – деди Ломбард. – Довул яқинлашяпти. Бу ердан қишлоқ кўринмагани чатоқ экан. Бўлмаса, бирор ишора берган бўлардик.

– Кечқурун гулхан ёқиш керак, – таклиф қилди Блор.

– Ҳамма гап шундаки, – эътироз билдирди Ломбард, – буни назарда тутган бўлиши мумкин.

– Қандай, сэр?

– Мен қаердан билай? Қандайдир ўйин ҳақида айтишган. Гўё бизни атайлаб кимсасиз оролга ташлаб кетишган-у, ишораларимиз ё шунга ўхшаш нарсаларга эътибор бериш шарт эмас. Балки қишлоқда қандайдир гаров ҳақида мишмишлар тарқатишгандир? Қисқаси, бирорта чўпчак тўқишган.

– Сизнингча, бунга ишонишганми? – шубҳа қилгандек сўради Блор.

– Нима бўлган тақдирда ҳам, бундай гаплар ҳозир бу ерда бўлаётган ишлардан анча-мунча ишонарли, – деди Ломбард. – Сизнингча, Стиклхевндаги одамларга аллақандай жаноб Оним ўз меҳмонларини биринкетин ўлдириб бўлмагунча орол қуруқликдан ажратиб қўйилади дейишса, улар ишонган бўлармиди?

– Тўғриси, бунга ўзимни ҳам ишонгим келмайди. Лекин барибир... – хўрсинди Армстронг.

– Лекин барибир... – кулимсиради Ломбард, – ўзингиз тан олгандек, доктор, айнан шундай!

– Пастда бирортаси яширинганмикан? – деди Блор қирғоқ томон олазарак кўз ташлаб.

– Даргумон, – бош чайқади Армстронг, – қоя жуда тик. Қаерга ҳам яширинарди?

– Қояда ғовак бўлиши мумкин. Қайиғимиз бўлганда орол атрофини айланиб чиқардик, – деди Блор.

– Қайиғимиз бўлганда, – деди Ломбард, – аллақачон қирғоқ томон сузиб кетардик.

– Тўғри.

Бирдан Ломбарднинг миясига бир фикр келди.

– Келинлар, ишонч ҳосил қиламиз, – таклиф қилди у, – фақат битта жойда ғовак бўлиши мумкин. Анави ерда, ўнг томонда, сувга тегиб турган жойи. Агар арқон топсанглар, ўша ерга тушиб, ўзим текшириб кўраман.

– Ажойиб фикр, – маъқуллади Блор, – ҳозир арқон топишга уриниб кўраман. – Шундай дея уй томон одимлади.

Ломбард бошини кўтарди. Осмонни қора булут қоплаб, шамол тобора кучаярди. Кўз қири билан Армстронгга қаради.

– Негадир жимиб қолдингиз, доктор. Нимани ўйла-япсиз?

– Ҳозир, – дарров жавоб бермади Армстронг, – генерал Макартур бутунлай эсдан оғдими-йўқми, шунга қизиқяпман.

Эрталабдан бери Вера ўзини қўйишга жой тополмасди. Эмили Брентга имкон қадар яқин йўламасликка уринарди. Қари қиз унда нафрат уйғотди. Мисс Брент курсисини уйнинг бир четига жойлаштириб, одамни ютгудек жимжитликни тўқиш билан енгилга уринди. Вера у ҳақда ўйлаши билан кўз олдида чўкиб ўлаётган қизнинг оқарган юзи намоён бўлар, сув ўтлари илашиб қолган сочлари гўё ўзига ҳам тегиб кетгандек сесканиб тушарди... Кўхликкина қиз чеҳраси. Эҳтимол, бироз сурбетроқ, шунинг учун қўрқув ва ачиниш деган тушунчалардан йироқ. Эмили Брент эса ҳақлигини чуқур ҳис қилгандек бепарво, охири йўқ тўқиш билан овора эди.

Майдончадаги четан курсида судья Уоргрейв ўтирарди. Мудроқ туфайли бошини орқага ташлаб олган. Вера судьяга қараб, айбланувчилар курсисида ўтирган йигитчани кўрарди – сариқ соч, мовий кўз, даҳшат тўла қарашлари аста-секин ҳайратга айланмоқда. Эдвард Ситон. Судья қоқсуяк қўллари билан унинг бошига қоп кийдириб, ҳукми ҳам ўзи ижро қилаётгани кўзига кўриниб кетди.

Бироз ўтиб, Вера денгизга тушди ва қирғоқ бўйлаб юрди. Юра-юра хаёлларга кўмилиб ўтирган кекса генерал рўпарасидан чиқди. Қадам товушларини эшитиб, Макартур қўзғалди ва бошини кўтарди. Безовта кўзлари ҳар томонга саволчан боқарди. Вера қўрқиб кетди. Генерал ундан кўз узмай турарди. Вера ўзича: «Жуда ғалати. Худди ҳаммасини биладигандек қараяпти», – деб ўйлади.

– А, бу сизмисиз, – деди ниҳоят генерал, – бу ерга...

Вера унинг ёнига чўккалади.

– Соҳилда ўтириб, денгизга қарашни ёқтирасизми?

– Ёқади. Шу ерда кутиш яхши.

– Кутиш? – сўради Вера. – Нимани кутяпсиз ахир?

– Интиҳони, – аста гапирди генерал. – Аммо буни мендан кам билмайсиз. Тўғрими? Барчамиз интиҳони кутяпмиз.

– Бу билан нима демоқчисиз? – Веранинг овози титраб кетди.

– Орамиздан ҳеч ким оролни тарк этмайди. Шундай ўйланган. Буни ўзингиз ҳам биласиз. Фақат бир нарсани тушуна олмайсиз: бу ҳаловат бағишлайди.

– Ҳаловат? – таажжубланди Вера.

– Худди шундай, – деди генерал, – ҳали жуда ёшсиз... буни тушуна олмайсиз. Бироқ кейин англаб етасиз. Ҳаммаси ортда қолгач, гуноҳ юкидан халос бўлиш қанчалар ҳаловат бағишлашини ҳис қиласиз. Қачондир сизда ҳам шундай бўлади...

– Сизни тушунмаяпман, – Веранинг овози бўшашиб кетди. Чол ювош кўринса ҳам, унда кўркүв уйғота бошлади.

– Тушуняпсизми, мен Леслини севардим, – деди генерал чуқур хаёлда. – Жуда севардим...

– Лесли – рафиқангизми? – сўради Вера.

– Ҳа... Уни севардим ва у билан жуда фахрланардим. Шундай гузал, шундай қувноқ аёл эди! – анча жимиб қолди, кейин оғир хўрсинди: – Ҳа, Леслини севардим. Шундай қилганимнинг боиси ҳам шу.

– Айтмоқчисизки... – Вера гапида тутилиб қолди. Генерал бош ирғади.

– Барибир ҳадемай ўлиб кетамиз. Инкор қилмоқдан не наф?

Ричмондни муқаррар ўлимга жунатдим. Бу чинакам қотиллик эди. Ажабланарлиси, қонунни ҳамиша ҳурмат қилардим.

Бироқ ўшанда бунга бошқача қараганман. Виждон азобини ҳис қилмасдим. «Қилмишига яраша!» – ўшанда шундай ўйлаганман. Аммо кейин...

– Нима кейин? – зарда билан сўради Вера.

Генерал бошини маъносиз чайқаб қўйди.

– Билмадим, – деди у. – Ҳеч нарсани билмайман, фақат кейин ҳаммаси ўзгарди. Лесли фаҳмлаб қолдим ёки йўқми, билмайман... Ўйлашимча, билмаган. Бироқ шундан сўнг мендан узоқлашди. Бутунлай бегона одамга айланди. Кейин эса оламдан ўтди. Ёлғиз ўзим қолдим...

– Ёлғиз... ёлғиз, – такрорлади Вера. Унинг сўзлари акс-садога уланди.

– Интиҳо келганда сиз ҳам хурсанд бўласиз, – гапини тугатди Макартур.

Вера сапчиб ўрнидан турди.

– Нимани гапиряпсиз, мутлақо тушунмадим, – жаҳди чиқди.

– Мен эса тушунаман, қарогим, тушунаман...

– Йўқ, тушунмайсиз. Ҳеч нарсани тушунмайсиз.

Генерал уфққа тикилди. Верани гўё унутган эди.

– Лесли... – эркалаб аста чақирди.

Блор ҳаллослаганча қўлида арқон билан қайтиб келганда Армстронг турган жойида денгиз тубига синчиклаб қарарди.

– Жаноб Ломбард қани? – сўради Блор.

– Аллақандай тахминини текшириш учун кетди, – деди Армстронг. – Ҳозир қайтади. Қулоқ солинг, Блор, мен хавотирланяпман.

– Ҳаммамиз хавотирланяпмиз.

Доктор сабрсизларча қўл силкитди:

– Биламан, биламан. Гап бу ҳақдамас. Қария Макартур ҳақида айтяпман.

– Хўш, унга нима бўпти, сэр?

– Биз ақлдан озганни қидиряпмиз, – маъюс деди Армстронг. – Шундай экан, генерал ҳақида нима дейсиз?

– Уни савдойи деб ўйлаяпсизми? – Блорнинг кўзлари олайди.

– Бундай демаган бўлардим. Умуман йўқ, – жавоб берди Армстронг тараддул ичида, – ҳолбуки, руҳшунос эмасман, албатта. Бундан ташқари, у билан гаплашмаганман, яхшилаб кўздан кечириш имконига эга бўлмадим.

– Тўғри, тушкунликка тушиб қолган, – салмоқланди Блор. – Бироқ мен ҳеч қачон буним...

– Менимча, ҳақсиз, – гапини бўлди Армстронг, – афтидан, қотил оролга яширинган. Ана Ломбард кел-япти.

Улар арқонни яхшилаб боғлашди.

– Менга ёрдам керак бўлмайди, – деди Ломбард. – Лекин ҳар эҳтимолга қарши ҳушёр туринглар. Агар қаттиқ силтасам, тортиб оласизлар.

Улар бироз Ломбард ортидан кўзатиб туришди.

– Худди мушукдек тирмашяпти, – фикриниброқ деди Блор.

– Менимча, вақтида тоғларга жуда кўп чиққан, – деди Армстронг.

– Бўлиши мумкин.

Қандайдир вақт орага жимлик чўкди. Кейин истей-фодаги инспектор лўқма ташлади:

– Ажойиб нусха. Нима деб ўйлаётганимни биласизми?

– Нима?

– Унга ишониб бўлмайди.

– Нега энди?

Блор маъноли қаради.

– Айтиш мушкул. Фақат ундан эҳтиёт бўлишни афзал кўрардим.

– Ўтмиши саргузаштларга бой бўлса керак, – деди Армстронг.

– Саргузаштларга қанча бой бўлса, шунча қоронғу ҳам, – эътироз билдирди Блор. Бир лаҳза ўйланиб

қолди, кейин гапини давом эттирди: – Мана масалан, сиз, доктор, ҳар эҳтимолга қарши тўппонча олиб келмаганмисиз?

Армстронгнинг кўзи олайиб кетди:

– Мен? Ё парвардигор, албатта, йўқ. Нега энди?

– Унда жаноб Ломбард не мақсадда ўзи билан олиб юрибди?

– Одат бўлса керак-да, – иккиланиб тахмин қилди Армстронг.

Блор истеҳзоли кулиб қўйди.

Шу пайт арқон силтанди. Улар бор кучлари билан Ломбардни торта бошлашди.

Тортиш бироз осонлашгач Блор гап қотди:

– Одат билан одатнинг фарқи бўлади! Албатта, жаноб Ломбард ёввойи мамлакатларга йўл олса, ўзи билан тўппонча ҳам, примус ҳам, қопкўрпа ҳам, ҳатто қаламуш дори ҳам олади! Лекин ҳеч қанақа одат бу ерга қурол билан келишига мажбурлай олмасди. Саргузашт романлардагина одамлар тўппончасидан ҳеч қачон ажралмайди.

Армстронг ҳайрон бош ирғади. Улар қоя четига энгашиб, Ломбардни кузатишарди. У синчиклаб қидирар, лекин бундан ҳеч қандай наф чиқмаслигини оддий кўз билан ҳам кўриш мумкин эди. Тез орада қоя чеккасидан ошиб ўтди, пешонасидаги терни артди:

– Нима дердим, энди ҳаммаси аён. Уйдан қидириш керак. Бошқа ҳеч қаерда йўқ.

Уйни тинтув қилиш ҳам осон кечди. Аввалига қўшимча иморатларни диққат билан кўздан кечириб, сўнгра асосий бинога ҳам ўтишди. Ошхона шкафидан миссис Рожерснинг сантиметрини топишиб, барча деворларни ўлчаб чиқишди. Маҳфий йўлни топишолмади. Бундай замонавий уйда қаерга ҳам маҳфий йўл қилиш мумкин?! Аввал биринчи қаватни тинтиб чиқишди. Юқорига кўтарилишаркан, дераза

ортидан Рожерсни кўриб қолишди. У зина ёнидаги майдончага коктейлли патнис олиб борарди.

– Фаройиб одам, яхши хизматкор. Нима бўлган тақдирда ҳам, осойишталикни қўлдан бой бермайди, – деб қўйди Ломбард.

– Рожерс туғма хизматкор, – унга қўшилди Армстронг, – бу қон-қонига сингиб кетган.

– Рафиқаси ҳам, – гап қистирди Блор, – ажойиб пазанда эди. Кечаги тушлик бунга исбот...

Улар биринчи ётоқхонага киришди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас учовлон аллақачон зина ёнидаги майдончада бир-бирига ҳайрон қараб туришарди. Ётоқхоналарда ҳеч кимни топишолмади. Аниқроғи, беркинадиган жойнинг ўзи йўқ эди.

– Бу зина қаерга олиб боради? – сўради Блор.

– Хизматкорлар хонасига, – жавоб берди Армстронг.

– Лекин том остида ҳам қандайдир хона бўлиши керакку, – тахмин қилди Блор. – Ақалли сув идишлар, цистерна ва ҳар хил нарсалар учун. Бу бизнинг сўнгги ва ягона умидимиз.

Тўсатдан юқорида ғийчиллаган қадам товушлари эшитилди.

Уни ҳамма эшитди. Армстронг Блорнинг қўлидан ушлаб олди.

Ломбард огоҳлантирмоқчидек бармоғини кўтарди:

– Тсс! Қулоқ солинглар!

Бутун вужуд қулоққа айланди. Яна эшитишди. Юқорида кимдир ўғринча юрар, иложи борича овоз чиқармасликка ҳаракат қилаётганини пайқаш қийин эмасди.

– У ётоқхонада, – шивирлади Армстронг, – миссис Рожерс мурдаси ётган хонада.

– Нега буни фаҳламадик! – худди шундай шивирлаш билан жавоб қайтарди Блор. – Ахир яшириниш учун бундан яхши жой тополмайсан. Энди товуш чиқармай юринглар.

Улар зинадан юқорига кўтарилишди. Эшик олдида тўхтаб, ичкарига қулоқ тутишди. Шубҳасиз, хонада кимдир бор эди. Ичкарида пол аста гичирларди.

– Олға! – пичирлади Блор. Эшикни ланг очиб, хонага отилиб кирди. Унинг ортидан Ломбард ва Армстронг ташланди. Кейин учаласи ҳам қоққан қозиқдек қотиб қолишди. Уларнинг қаршисида Рожерс қўлида бир қучоқ кийим ушлаганча турарди.

Дастлаб Блор ўзига келди:

– Кечирасиз, Рожерс. Қадам товушларини эшитиб, ўйлабмизки, қисқаси, ўзингиз ҳам тушунасиз, – аранг шундай дея олди.

– Маъзур тутасизлар, жентльменлар, – деди Рожерс. – Нарсаларимни кўчирмоқчи бўлдим. Пастки қаватдаги меҳмонлар учун хоналардан бўш ётган бирортасига жойлашсам, ҳеч ким эътироз билдирмайдиган умиддаман. Энг кичкинасига. – У Армстронгга қараб гапирарди.

– Албатта, жойлашаверинг, – жавоб берди у. Кейин устига чойшаб ёпилган мурдага кўз қирини ташлади.

– Раҳмат, сэр, – деди Рожерс ва бир қучоқ кийимни бағрига босганча зинапоядан пастга тушиб кетди.

Армстронг кроватга яқинлашди, чойшабни кўтариб, марҳуманинг юзига қаради. Аёл чеҳрасида хотиржам мамнуният мангу муҳрланганди. Докторни ҳам қўрқув тарк этиб, ўрнини бепарволик эгаллади.

– Афсус, ёнимда дори қутиси йўқ, – деди у. – Нимадан заҳарланганини билгим келяпти. Келинглار, қидирувга барҳам берамиз, – деди у. – Барибир ҳеч нарса тополмаслигимизни кўнглим сезяпти.

Блор чордоққа элтувчи эшик зулфинини очмоқчи бўларди.

– Бу одам умуман товуш чиқармай юради, – деди у. – Бир-икки дақиқа аввал уни майдончада кўрган-

дик. Тепага қандай чиққанини ҳеч кимимиз эшитмадик ахир.

– Шунинг учун бу ерда бегона юрибди деган қарорга келдик, – деди Ломбард.

Блор чордоқ ичида қоронғиликка сингиб кетди, Ломбард чўнтагидан фонарь чиқариб, унинг ортидан борди. Беш дақиқадан кейин учала эркак майдончада турар, бир-бирига безовта қараб қўйишарди. Улар оролни бошдан-оёқ тинтиб чиқишди. Бироқ бу ерда саккиз одамдан бўлак ҳеч кимса йўқ эди.

Тўққизинчи боб

– Демак, биз адашдик. Деярли ҳаммасида адашдик, – деди Ломбард. – Иккита тасодикий ўлим туфайли саросимага тушиб, аллақандай даҳшатли тўқиб чиқардик.

– Барибир, – деди Армстронг жиддий тусда, – савол очиқлигича қолади. Ахир мен шифокорман. Ўз жонига қасд қилиш борасида ниманидир тушунаман. Антони Марстон ўзини ўлдирадиганга ўхшамасди.

– Хўш, бу бахтсиз ҳодиса бўлиши мумкин эмасми? – ишонқирамай сўради Ломбард.

– Бунақа бахтсиз ҳодисага негадир ишонгим келмаяпти, – деди табиатан шубҳачи Блор.

Барча жим қолди, кейин Блор гап бошлади:

– Анави аёлга келсак... – бирдан тўхтаб қолди.

– Миссис Рожерсми?

– Ҳа, ахир бу бахтсиз ҳодиса бўлиши мумкинку?

– Бахтсиз ҳодиса? – қайта сўради Филипп Ломбард. – Ростдан ҳам шуни ақлингизга сиғдира оласизми?

Блорнинг боши қотиб қолди. Юзи янада тундлашди.

– Қулоқ солинг, доктор, ахир сиз унга қандайдир дори бердингизку? – деди кутилмаганда.

Армстронг унга ғалати ўқрайди.

– Дори? Нимани назарда тутяпсиз?

– Ўзингиз айтдингиз, кеча унга қандайдир уйқу дори бергансиз.

– Ҳа, буми?! Оддий тинчлантирувчи, мутлақо безарар.

– Барибир қанақа дори эди?

– Мен унга кам миқдорда трионал бердим. Мутлақо зарарсиз препарат.

Блорнинг юзи бўзрайди.

– Менга қаранг, дангалига кўча қоламан. Балки кўпроқ миқдорда бериб қўйгандирсиз? – сўради у.

– Нимани айтяпсиз, тасаввур ҳам қилолмаяпман, – хуноби ошди Армстронгнинг.

– Наҳотки адашишингиз мумкин бўлмаса? – деди Блор, – Вақти-вақти билан шунақаси ҳам учраб туради.

– Фирт сафсата, – гапни чўрт кесди Армстронг, – бу тахминнинг ўзи бемаъ依лик. Эҳтимол, – у совуқ ва хусуматли оҳангда сўради, – буни атайлаб қилган деб ҳисобларсиз?

– Қулоқ солинглар, – гапга аралашди Ломбард, – совуққон бўлиш керак. Бир-биримизни айблашдан фойда йўқ.

– Доктор адашган бўлиши мумкин деб шунчаки тахмин қилдим, – ўзини оқлади Блор.

Армстронг зўраки илжайди.

– Докторлар бундай хатоларга асло йўл қўймайди, дўстим, – деди у базўр.

– Агар пластинкага ишонадиган бўлсак, бу биринчи хатоингиз эмас, – заҳарханда қилди Блор.

Армстронг оқариб кетди.

– Бир-биримизни ҳақоратлашдан нима фойда? – Блорга ёзғирди Ломбард. – Кемага тушганнинг жони бир. Ақалли шунинг учун ҳамжиҳат бўлишимиз керак. Айтганча, сизни ёлғон гувоҳликда айблашди, бу ҳақда нима дея оласиз?

Блор муштарини қисиб, олдинга хезланди.

– Мени тинч қўйинглар, – овози бирдан бўшашди.

– Бу жирканч тўхмат. Балки оғзимга урмоқчи бўлаётгандирсиз, жаноб Ломбард, лекин мен ҳам билмоқчи бўлаётган айрим нарсалар бор. Улардан бири сизга тааллуқли.

Ломбарднинг қоши кўтарилди.

– Менга?

– Ҳа, сизга. Меҳмонга келган бўлсангиз ҳам, нима учун тўппонча кўтариб юрибсиз?

– Биласизми, Блор, – кутилмаган гап айтди Ломбард, – аҳмоққа ўхшасангиз ҳам, ундай эмас экан.

– Балки шундайдир. Барибир, тўппончани қандай изоҳлайсиз?

Ломбард кулимсиради.

– Мушкул аҳволда қолишимни билганим учун ўзим билан тўппонча олгандим.

– Кеча оқшом буни биздан яширдингиз, – деди Блор шубҳаланиб.

Ломбард бош чайқаб қўйди.

– Демак, бизни алдадингизми? – бўш келмади Блор.

– Маълум маънода шундай, – таслим бўлди Ломбард.

– Қани, бор гапни тезроқ айтинг.

– Мени ҳам бу ерга ўзинглар каби меҳмон сифатида чақирилган деб тахмин қилдинглар. Бунинкор этиб ўтирмадим. Лекин бу унчалик ҳам тўғри эмас. Аслида эса фамилияси Моррис деган ғалати нусха менга мурожаат қилди. Таклифига кўра юз гиней пул эвазига шу ерга келишим ва ҳаммасига кўз-қулоқ бўлишим керак эди. Бунақа қалтис ишларда ҳамиша фойдам тегиши мумкинлигини қистириб қўйди.

– Кейин нима бўлди? – сабрсизланди Блор.

– Ҳеч нарса, – мийиғида кулиб қўйди Ломбард.

– Лекин у сизга яна ниманидир хабар қилган, албатта? – деди Армстронг.

– Йўқ. Ундан бошқа гап олишнинг иложи бўлмади. «Хоҳласангиз рози бўлинг, хоҳламасангиз йўқ», – деди. Сарик чақам қолмаганди. Шунинг учун рози бўлдим.

Унинг ҳикояси Б'орни зигирча ҳам ишонтиролмади.

– Нега бу ҳақда кеча айтмадингиз? – сўради у.

– Иложим қанча, оғайни, – Ломбард елка қисди, – кеча айнан мен кутган ҳодиса рўй бермаганини қаердан билибман?! Шунинг учун сизларга сиришни ошкор қилмай, олди-қочди ҳикоя тўқидим.

– Энди фикрингиз ўзгариб қолдими? – тахмин қилди Армстронг.

– Ҳа, энди барчамиз бир қайиқдамиз деб ўйлаётман, – деди Ломбард. – Юз гиней эса ажойиб хўрак бўлди. Унинг ёрдамида жаноб Оним мени ҳам қолганлар каби тузоққа илинтирди. Чунки ҳаммамиз, – давом этди у. – тузоқдамиз. Бунга қатъий ҳисонаман.

Пастдан дабдабали бонг овози эшитилди. Уларни тушликка чорларди.

Рожерс ошхона эшиги ёнида турарди.

Эркаклар зинадан тушганда у олдинга икки қадам ташлади.

– Умид қиламанки, тушлик сизларга манзур бўлади, – деди – овозида безовталиқ сезилди. – Дудланган гўшт, яхна тил ва қайнатилган картошка тортдим. Яна пишлоқ, печенье билан консерваланган мевалар бор.

– Нимаси ёмон? – деди Ломбард. – Демак, озиқ-овқат ҳали борми?

– Овқат жуда кўп, сэр, лекин ҳаммаси консерва. Омборни тўлдириб ташлашган. Фикри ожизимча, оролда бу жуда муҳим, сэр. Ахир орол узоқ вақтга қуруқликдан ўзилиб қолиши мумкин.

Гапларини маъқулагандек Ломбард бош силкиб қўйди. Эркаклар ошхона томон йўл олди. Рожерс ҳам уларнинг ортидан юриб, норози минғирлай бошлади:

– Бугун Фред Нарракотт келмаганидан жуда ташвишдаман. Бехосият кун бўлди.

– Худди шундай – бехосият, – деди Ломбард. – Жуда тўғри пайқабсиз.

Хонага мисс Брент кириб келди. Калавасини тушириб юборган, шекилли, энди ҳафсала билан ўрарди. Ўз жойига ўтираркан, гапириб қўйишни лозим топди:

– Об-ҳаво ўзгаряпти. Кучли шамол турди. Денгиз мавжланяпти.

Оҳиста, бир маромда одимлаб, судья кириб келди. Паҳмоқ қошлар орасида аранг кўриниб турган кўзлар йиғилганларга бирров назар солди.

– Бугун эрталабдан анча тер тўқдинглар, – деди заҳарханда билан.

Ошхонага ҳансираган кўйи Вера Клейторн югуриб кирди.

– Мени кутиб қолмадингларми? – сўради у. – Кеч қолмадимми?

– Сиз охиргиси эмас, – жавоб берди Эмили Брент, – генерал ҳали келмади.

Ниҳоят ҳамма ўтирди.

– Бошлашни буюрасизми ёки озроқ кутамизми? – мисс Брентга юзланди Рожерс.

– Генерал Макартур денгиз бўйида ўтирибди, – деди Вера. – Менимча, бонгни эшитмади. Бундан ташқари, бугун анча ғалатиноқ.

– Унда бориб, тушлик тортилганини хабар қилман, – таклиф қилди Рожерс.

– Мен бораман, – деди Армстронг, – сизлар бўлсатановулни бошлайверинг.

Хонадан чиқаркан, Рожерс Эмили Брентга гапиргани қулоғига чалинди:

Нима солишни буюрасиз – тилми ё дусланган гўшт?

Дастурхон атрофида қолган бештаси ҳарчанд уринмасин, гап гапга қовушмасди. Кучли шамол дераза ойналарини зириллатди. Бундан Вера чўчиб тушди.

– Довул бошланяпти, – деди у.

– Кеча Плимутдан мен билан бир поездда денгизчи чол келди, – гап бошлади Блор. – Нуқул довул бошланади деб таъкидларди. Жуда ғаройиб-а, кекса денгизчилар об-ҳавони олдиндан пайқашади.

Рожерс бўшаган ликобчаларни йиғишга киришди. Қўлида бир даста ликобча билан ногаҳон ярим йўлда тўхтаб қолди.

– Бу ёққа кимдир чопиб келяпти, – деди саросима ичида.

Дукурлаган овоз эшитилди. Ҳеч ким айтмаган бўлса ҳам, шу заҳоти барча тушунди... Гўё кимдир ишора қилгандек, ҳамма ўрнидан туриб, эшикка қараб қолди.

Хонага ҳаллослаганча доктор Армстронг отилиб кирди.

– Генерал Макартур... – деди у.

– Ўлди! – Вера беихтиёр айтиб юборди.

– Ҳа, у ўлди, – деди Армстронг.

Сукунат чўкди – узоқ сукунат.

Етти одам бир-бирига мўлтираб қарар, гапиришга ўзларида мажол тополмасди.

Генерал мурдасини энди эшикдан олиб киришган ҳам эдики, довул бошланди. Меҳмонлар холда ғуж бўлиб қолишди. Шамол кучайиб, уй томига чопқин ура бошлади.

Блор ва Армстронг ташвиш билан зина томон юришди. Вера Клейторн дабдурустдан кескин бурилиб, бўшаб қолган ошхона томон талпинди. У ерда ҳамма нарса жой-жойида, қўл теккизилмаган десерт буфетда турарди. Вера столга яқинлашди. Бир неча дақиқа қимир этмади. Шу пайт оҳиста қадамлар билан хонага Рожерс кириб келди.

Қизни кўриб, саросимага тушди. Унга савол назари билан боқиб пичирлади:

– Мен... мен... шунчаки кўргани келдим, мисс.

– Адашмадингиз, Рожерс. Қаранг: улар энди етти-та, – деди Вера. Унинг овози қалтираб чиқди.

Макартур мурдасини ўринга ётқизишди. Мурдани кўздан кечиргач, Армстронг генерал ётоғидан чиқди ва пастга тушди. Барча меҳмонхонага тўпланган, уни кутишарди. Мисс Брент яна тўқирди. Вера Клейторн дераза ёнида туриб, оролга ёпирилган шаррос ёмғирни жим кузатарди. Блор курсида ўтирар, лекин суянамас, қўлини осилтириб олганди. Ломбард хона бўйлаб безовта қадам ташларди. Хонанинг узоқ бурчагидан жой олган судья Уоргрейв улкан курсига деярли ботиб кетган. Кўзлари хиёл юмилганди. Доктор хонага кирганда судья унга синчков қаради:

– Нима дейсиз, доктор?

Армстронгнинг ранг-қути ўчиб кетганди.

– Юрак ёрилиши ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас, – деди у. – Макартурнинг энсасига сўйил ёки шунга ўхшаш нарса билан уришган. Ҳамма шивирлашга тушди. Судья овози эшитилди: – Қотил қуролини топдингизми?

– Йўқ.

– Шундай бўлса ҳам, генерал энсасига оғир буюм зарбидан ўлганига ишончингиз комилми?

– Комил.

– Нима дердим, энди нима қилишни биламиз, – салмоқ билан гапирди судья.

Шу билан бошқарув жilовини ким ўз қўлига олиши ҳам дарров аён бўлди.

Уоргрейв бутун тонгни курсида мудраб, ҳеч нарсага аралашмай ўтказди. Бироқ ҳозир осонлик билан бошқарувни эгаллаб олди. Кўп йиллар ҳукмфармолик қилгани қўл келди. Ҳозир ҳам ўзини худди судда раислик қилаётгандек тутарди. Йўталиб олган гапда давом этди:

– Бугун эрталаб, жентльменлар, майдончада ўтириб, нималар қилганингизни кузатдим. Мақсадингиз менга маълум эди. Номаълум қотил – жаноб А.Н. Онимни топиш истагида оролни тинтиб чиқдинглар.

– Худди шундай, сэр, – деди Филипп Ломбард.

– Инчунин, хулосамиз устма-уст тушди, – давом этди судья, – Марстон ва миссис Рожерс ўз жонига қасд қилмаган деган тўхтамга келдик. Улар тасодифан ўлим топмаган ҳам. Жаноб Оним бизни авраб, нима учун шу оролга олиб келганини ҳам фаҳмладингларми?

– У ақлдан озган! Телба! – хирилади Блор.

– Эҳтимолки, ҳақсиз, – деди судья. – Бироқ бу ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Айни дамда асосий вазифамиз ўз жонимизни қутқаришдан иборат.

– Лекин оролда ҳеч ким йўқ! – титроқ овоз билан хайқирди Армстронг. – Ишонтириб айтаман, ҳеч кимса йўқ!

Судья иягини қашиди.

– Қайсидир маънода тўғри айтяпсиз, – деди юмшоқ қилиб. – Бугун эрталаб мен ҳам худди шундай хулосага келдим. Сизларга қидириш бесамарлигини олдинроқ айтишим ҳам мумкин эди. Шундай бўлса-да, жаноб Оним оролда деган фикрни ёқлайман (ўзини шу ном билан атаётгани учун биз ҳам шундай деймиз). Бу ерда ҳеч қандай шубҳага ўрин йўқ. Қилган жинояти учун қонун бўйича жавобгарликка тортишнинг иложи йўқ одамларга жазо беришни ўз олдиға мақсад қилиб қўйганини назарда тутсак, режасини амалға ошириш учун унда фақат битта усул бор эди. Жаноб Оним оролга келиш йўлини қидирган. Бу усул менға мутлақо равшан. Жаноб Оним таклиф қилинганлар орасига қўшилиб олиши кифоя. Орамизда кимдир...

– Йўқ, йўқ, бўлиши мумкин эмас, – инграб юбораёзди Вера.

Судья унга шубҳа аралаш қараб қўйди:

– Муҳтарама хоним, ҳақиқатға тик қараш керак. Ахир барчамиз жиддий хатар остидамиз. Орамизда кимдир А. Н. Оним. У ким – буни билмаймиз. Орол-

га келган ўнта одамдан энди учтаси шубҳадан ҳоли: Антони Марстон, миссис Рожерс ва генерал Макартур. Фақат еттита одам қолди. Таъбир жоиз бўлса, еттовлондан бири «сохта» негр боласи, – у ҳаммага кўз югуртирди. – Гапимга қўшиласизларми?

– Ишонгим келмайди, аммо ақл билан ёндашилса, мутлақо ҳақсиз, – деди Армстронг.

– Зигирча ҳам шубҳа қилмайман, – тасдиқлади Блор. – Фикримни билмоқчи бўлсангиз...

Судья Уоргрейв қўл силтаб, уни тўхтатди.

– Вақти келганда бунга қайтамиз. Ҳозир шуни билишим муҳим. Ҳамма гапимга қўшиладими?

– Гапларингизда жон бордек туюляпти, – тўқишдан зум тўхтамасди Эмили Брент. – Орамиздан кимнидир қалбига иблис ўрнашиб олган.

– Бунга ишона олмайман... – личирлади Вера, – ишонолмайман...

– Ломбард?

– Мутлақо қўшиламан, сэр.

Судья қониқиш билан бош ирғади.

– Энди бўлса, – деди у, – бизда қандай маълумотлар борлигини куриб чиқамиз. Аввало, муайян бир одамдан шубҳаланишга бизда асос бор-йўқлигини ойдинлаштириш даркор. Жаноб Блор, назаримда, нимадир демоқчи эдингиз?

Блор пишиллади.

– Ломбарда тўппонча бор, – деди у. – Кейин кеча бизни алдаган. Ўзи тан олди.

Филипп Ломбард жирканиш билан кулимсиради.

– Нима дердим, демак, яна бир марта тушунтиришимга тўғри келади. – Кейин ҳикоясини қисқа ва лўнда такрорлади.

– Энди алдамаётганингизни нима билан исботлайсиз? – чекинишни истамасди Блор. – Ҳикоянгизни қандай тасдиқлаш мумкин?

Судья йўталди.

– Таассуфки, ҳозир бир хил вазиятга тушиб қолганмиз, – деди у. – Ҳаммамиз фақат сўз билан ишонтиришимизга тўғри келади. Афтидан, содир бўлаган ҳодисалар ғайриоддийлигини орамизда ҳеч ким тўлиқ англаб етмаган. Менимча, фақат битта иложи бор. Ихтиёримиздаги маълумотлардан келиб чиқиб, орамизда шубҳалардан бутунлай ҳоли қилиш мумкин бўлган ақалли битта одам бор-йўқлигини аниқлаш.

– Мен таниқли мутахассисман, – деди Армстронг.
– Бундай фикрнинг ўзиёқ...

Судья яна қўл силтади. Докторнинг гапи оғзида қолиб кетди.

– Мен ҳам анча таниқли одамман, – деди аста, лекин салмоқ билан. – Бироқ бу, азизим, ҳали ҳеч нарсани исботламайди. Докторлар ақдан озган. Судьялар ақдан озган. Айтганча, полициячилар ҳам, – қўшиб қўйди, Блор томонга қараркан.

Ломбард иккиланиброқ сўради:

– Аёллар шубҳадан ҳоли бўлса керак?

Судья қошини кўтарди. Бир пайтлар оқловчиларни зир титратган истехзоли оҳангда пичинг қилди:

– Демак, сизни тўғри тушунган бўлсам, аёллар орасида савдойи бўлмайди деб ҳисоблайсизми?

– Ҳеч-да, – асабий жавоб берди Ломбард, – барибир, бунга ишона олмайман.

Судья аввалгидек заҳарханда овозда деди:

– Ўйлашимча, доктор Армстронг, бечора Макартурни аёл киши ҳам бемалол ўлдириши мумкин эди.

– Тўғри, қўлида резина таёқ ёки сўйилга ўхшаш қурол бўлса бас, – жавоб берди доктор.

– Демак, қабих ниятига осонликча эришган бўлармиди?

– Худди шундай.

Судья тошбақа бўйнини айлантирди.

– Бошқа икки ўлим заҳарлаш натижасида содир бўлди, – деди у. – Нимжон одам ҳам заҳарлаши

мумкинлигини ҳеч ким инкор қилмаса керак деб ўйлайман.

– Ақлдан озибсизлар! – тутатиб кетди Вера.

Судья унга аста кўз ташлади. Бу инсонлар тақдирини ҳал қилишга ўрганиб қолган одамнинг совуққон нигоҳи эди.

«Менга қараяпти, – ўйлади Вера, – гўёки мен ажиб нусхадек. Бирдан тушунди-ю, ҳайрати ошди: Ахир унга унчалик ҳам ёқмайман».

– Ойимқиз, сиздан назминроқ бўлишни сўрардим. Сизни мутлақо айбламайман. Умид қиламанки, мисс Брент, – шундай дея унга эҳтиром билан таъзим қилди, – ҳеч биримизни шубҳадан ҳоли ҳисобламаймиз деган қатъий талабим ҳеч кимни ранжитмайди?

Мисс Брент тўқишдан тўхтамади.

– Битта эмас, учта одамни ўлдиришим мумкинлиги ҳақида фикрнинг ўзиёқ, – кўзини кўтармай совуққина қилиб айтди, – мени билган ҳар бир одам учун мутлақо эриш туюлади. Бироқ биз бир-биримизни билмаймиз. Бинобарин, бундай вазиятда айбсизлиги исботланмагунча ҳеч ким шубҳадан ҳоли бўлмаслигини яхши тушунаман. Тугал фикрим, орамизда кимгадир иблис ўрнашиб олган.

– Демак, келишиб олдик, – хулоса қилди судья. – Ҳеч ким шубҳадан ҳоли бўлмайди. Доғ тушмаган номи ҳам, жамиятдаги мавқеи ҳам эътиборга олинмайди.

– Рожерс нима бўлади? – сўради Ломбард. – Менимча, пок виждон билан уни рўйхатдан чиқариб ташлаш мумкин.

– Қандай асос билан экан? – суриштирди судья.

– Биринчидан, бундай режа тузишга ақли ноқислик қиларди, иккинчидан эса, унинг хотини қурбонлардан бири.

– Судьялик чоғларимда, йигитча, – судьянинг қоши чимирилди, – хотинини ўлдирган эрлар ишига кўп бор

дуч келганман ва суд, билиб қўйинг, уларни айбдор деб топган.

– Нима дердим, тортишиб ўтирмайман. Хотинини ўлдириш қулоқ ўрганган бўлмаса-да, эҳтимолга яқин ҳодиса. Аммо бунақаси эмас. Фараз қилайлик, Рожерс «хотиним гуллаб қўйса, сиримиз фош бўлади» деган хавотирда уни ўлдирган бўлсин. Ёки ундан безиб қолган-у, бирорта ёш жонон билан илакишиб юрган бўлсин. Буни тасаввур қила оламан. Лекин уни жаноб Оним, ўша савдойи адолатпарвар сифатида тасаввур қилолмайман, чунки ўзи бирга қилган жиноят учун хотинини ўлдириши мантиққа сиғмайди.

– Ҳеч нарса билан тасдиқланмаган далилларга ишониб қоляпсиз, – деди судья Уоргрейв. – Рожерс билан хотини ўз бекасини ростдан ҳам ўлдирганми-йўқми, бизга қоронғу ахир. Истисно эмас, биз билан бир хил вазиятга тушиб қолиши учунгина Рожерсни ўша қотилликда айблагандир. Эри ақлдан озганини тушунгач, миссис Рожерс қўрқиб кетган бўлиши мумкинлигини ҳам истисно қилиб бўлмайди.

– Сизнингча бўла қолсин, – деди Ломбард. – А. Н. Оним биздан биттамыз. Истисносиз ҳамма гумон қилинади.

Судья Уоргрейв эса давом этди:

– Фикрим шу. На обрў-этибор, на жамиятдаги мавқе, на бошқа нарса ҳеч кимни шубҳадан халос қилмайди. Даставвал, ишонарли далиллар асосида кимни шубҳадан ҳоли қилиш мумкинлигини аниқлаш лозим. Лўнда қилиб айтганда, орамизда шундай одамни (ёки одамларни, албатта) топамизки, Марстон қадаҳига заҳар солиш, миссис Рожерсга уйқу дори бериш, генерал Макартурни ўлдиришга ҳеч қандай алоқаси бўлмасин.

Блорнинг дағал юзи мамнун кўриниш олди.

– Энди бўладиган гапни айтяпсиз, сэр, – деди у. – Ниҳоят моҳиятгача етиб келдик. Келинлар, ўйлашиб

кўрамыз. Марстон ўлими масаласида бирор нарсани аниқлаш мушкул. Қадаҳига охирги марта виски қўйишидан аввал кимдир дераза ортидан заҳар солиб қўйган деган тахмин айтилди. Аммо хонада туриб заҳарни солиш бундан анча жўнроқ. Ўша пайтда Рожерс хонада бўлганмиди, эслай олмаяпман, лекин қолган ҳамма бу ишни бемалол қилиши мумкин эди. – Нафас ростлаб яна давом этди: – Энди миссис Рожерсга ўтамыз. Бу ерда, энг аввало, эри билан доктордан гумондор бўламыз. Улардан исталгани учун бу иш хамирдан қил суғургандек осон битарди.

Армстронг сакраб турди. У ғазабдан титрарди.

– Эътироз билдираман... Ақлбовар қилмайди! Қасам кичаман, унга мутлақо оддий...

– Доктор Армстронг! – судьянинг овози амирона янгради. – Жаҳлингиз чиқиши табиий. Шунга қарамай, барча далилларни ўрганиш керак. Миссис Рожерсга сиз ёки Рожерс уйқу дори бериб қўйиши жуда осон эди. Энди қолганлар билан шуғулланамиз. Мен, инспектор Блор, мисс Брент, мисс Клейторн ёки жаноб Ломбардда заҳар солиб қўйиш учун нечоғли имкон бор эди? Бирортамызни шубҳадан буткул озод қилиш мумкинми? – ўйчан жимиб қолди: – Менимча, йўқ.

– Мен унга яқин йўламадим ҳам ахир, – куйиниб гапирди Вера.

– Хотирам панд бермаса, – яна сўз олди судья, – воқеа шунааи бўлди. Агар қаердадир хато қилсам, илтимос, гапимни тузатинглар: Антони Марстон ва жаноб Ломбард миссис Рожерсни кўтариб, диванга олиб ўтишди. Кейин унга доктор Армстронг яқинлашди. У Рожерсни коньяк учун жўнатди. Овоз қаёқдан келгани ҳақида тўртишиб кетдик. Мисс Брентдан бўлак ҳамма қўшни хонага чиқди. У миссис Рожерс билан ёлғиз қолди. Эслатиб ўтаман, бу вақт оқсоч аёл ҳушсиз ётганди.

Мисс Брентнинг ёноқлари қизариб кетди. Қўли тўқишдан тўхтади.

– Қандай жирканч! – деди у.

Шафқатсиз овоз бепарво давом этди:

– Хонага қайтиб келганимизда, сиз, мисс Брент, миссис Рожерс устига энгашиб турардингиз.

– Наҳотки оддий раҳмдиллик жиноят бўлса? – сўради Эмили Брент.

– Мен далилларни аниқламоқчиман, фақат далилларни, – давом этди судья. – Кейин хонага коньяк кўтариб Рожерс кирди. Албатта, кирмасидан аввал унга уйқу дори қўшиб қўйиши мумкин эди. Миссис Рожерсга коньяк беришди. Бироздан сўнг уни эри ва доктор ётоғига кузатиб қўйишди. Ўша ерда Армстронг унга тинчлантирувчи дори берган.

– Ҳаммаси шундай бўлди. Худди шундай, – тасдиқлади Блор. – Демак, судья, жаноб Ломбард, мен ва мисс Клейторн шубҳадан ҳоли, – деди тантанавор оҳангда.

Судья совуқ қараш билан Блорни жойига ўтқазиб қўйди:

– Наҳотки? Ахир биз исталган тасодифни ҳисобга олишимиз керак.

– Сизни тушунмаяпман. – Блор ҳайрон бўлиб судьяга қаради.

– Миссис Рожерс юқорида, ўз хонасида ётибди, – деди Уоргрейв. – Тинчлантирувчи дори таъсир қила бошлайди. Эс-ҳуши бир аҳволда. Шу пайт эшик тақиллаб, хонага кимдир, айтайлик, дори кўтариб кирди-ю: «Доктор ичишни буюрди», – дейди. Наҳотки ўша дорини ичмаган бўларди деб ўйласангиз?

Жимлик чўкди. Блор товонини бир-бирига уриб қўяр, қовоғи солинганди. Филипп Ломбард деди:

– Буларнинг ҳаммаси беҳуда гаплар. Орамизда ҳеч ким яна икки-уч соатча ошхонадан чиқмади. Марстон ўлиб, тўс-тўполон кўтарилганди.

– Кейинроқ борган бўлиши ҳам мумкин, – деди судья, – ҳамма ухлашга ётганда.

– Лекин ўша пайт Рожерс ҳам аллақачон ётоқхонада бўлган, – эътироз билдирди Ломбард.

– Йўқ, – гапга аралашди Армстронг. – Рожерс пастда эди. Ошхонани йиғиштирди. Бундай вақт оралиғида исталган одам миссис Рожерс ётоқхонасига мутлақо сездирмай кўтарилиши мумкин.

– Аммо бунгача, доктор, – гап ташлади мисс Брент, – аллақачон ухлаб қолган бўлиши керак, ахир уйқу дори ичганди.

– Шундай бўлса ажаб эмас. Лекин бунга кафолат беролмайман. Беморга айнан бир дорини бир неча марта ёзиб бермагунча унга қандай таъсир қилишини билмайсан. Айримларга тинчлантирувчи дори анча секин таъсир қилади. Ҳамма гап беморнинг индивидуал реакциясида.

Ломбард лўқма ташлади:

– Бошқа нима ҳам дердингиз, доктор? Бу сизга қўл келади, тўғрими?

Армстронгнинг қони қайнади. Лекин бирор нарса дейишга улгурмади. Чунки яна судьянинг совуққон ва машъум овози янгради.

– Бир-биримизни айблаш билан ҳеч нарсага эришолмаймиз. Далиллар – фақат шу билан ҳисоблашимиз керак. Шунга ўхшаш воқеа юз бериши мумкинлигини аниқлаб олдик. Эҳтимоллик фоизи унчалик юқори эмаслигига мен ҳам қўшиламан, ҳолбуки, барибир бу ерда ўша «кимдир» кимлигига кўп нарса боғлиқ.

– Хўш, бу бизга нима беради? – сўради Блор.

Судья Уоргрейв юқори лабини пайпаслаб қўйди. Унинг кўриниши шунчалик совуққон эдики, беихтиёр: «Бу одамда инсоний ҳис-туйғулар борми ўзи», – деб ўйлаш мумкин эди.

– Иккинчи қотилликни текширгач, – деди у, – орамизда ҳеч ким шубҳадан бутунлай ҳоли бўла олмасли-

ги аён бўлди. Энди бўлса, – гапини давом этди, – генерал Макартур ўлими билан шуғулланамиз. Бу фалокат бугун эрталаб содир бўлди. Шу иш бўйича айбдор эмаслигини исботловчи қандайдир далиллар эга бўлган ҳар бир одамдан бу ҳақда имкон қадар қисқача тарзда айтиб беришни илтимос қиламан. Ўзимга келсак, дангал айтаман, мен ҳеч нарса деёлмайман. Эрталабдан уй олдидаги майдонда бўлдим. Ўзимиз тушиб қолган маҳол вазият ҳақида мулоҳаза қилдим. Фақатгина бонг овози эшитилганда у ердан кетдим. Аммо қандайдир муддат мени ҳеч ким кўрмагани ҳам аниқ. Демак, ўша вақт ичида денгизга тушиб, генерални ўлдиришим, кейин яна ўз жойимга қайтишим мумкин бўлган. Майдончадан кетмаганимни исботловчи сўздан бошқа ҳеч қандай далилим йўқ. Бундай вазиятларда бу етарли эмас. Далил-исбот керак.

Блор деди:

– Эрталабдан бери жаноб Ломбард ва жаноб Армстронг билан биргамиз. Улар буни тасдиқлашади.

– Арқон олгани уйга бордингиз, – эътироз билдирди Армстронг.

– Нима бўпти? – деди Блор. – Шу заҳоти қайтиб келдим. Ахир ўзингиз ҳам биласизку.

– Узоқ қолиб кетдингиз, – деди Армстронг.

– Жин урсин, нимага шаъма қияпсиз? – Блорнинг юзида қон кўпчиди.

– Мен фақат узоқ қолиб кетганингизни айтяпман, – ғўлдиради Армстронг.

– Ахир уни топиш ҳам керак эди. Ўзингиз бегона уйда узун арқон қидириб кўринг-чи.

– Жаноб Блор йўқ пайтда бир-бирингиздан узоқлашмадингизми? – судья Ломбард билан Армстронгга юзланди.

– Албатта, – тасдиқлади Армстронг. – Яъни Ломбард бир неча дақиқага нари кетди. Мен эса жойимда қолдим.

Ломбард жилмайди:

– Гелиограф ёрдамида ўша ердан қуруқликка сигнал юбориш мумкинлигини текширмоқчи бўлдим. Жой танлагани бордим, нари борса икки дақиқа бўлмадим.

– Тўғри. – Армстронг бош ирғади. – Қотиллик қилиш учун етарли вақт эмас.

– Икковингиздан кимдир соатга қарадими? – сўради судья.

– Й-йўқ.

– Уйдан соатсиз чиққандим, – деди Ломбард.

– «Нари борса икки дақиқа» анча мужмал жумла, – зарда билан гапирди судья. Сўнгра ҳануз тўқишдан бош кўтармай ўтирган мисс Брентга юзланди.

– Сиз-чи, мисс Брент?

– Биз мисс Клейторн билан тоғ тепасига чиқдик. Шундан кейин майдонда ўтириб, офтобда тобландим.

– Негадир сизни у ерда кўрмадим, – деди судья.

– Кўра олмасдингиз ҳам. Уйнинг шарқий томонида ўтиргандим. У ерда қилт этган шамол йўқ.

– То тушликкачами?

– Мисс Клейторн?

– Тонгни мисс Брент билан ўтказдим, – аниқ-аниқ жавоб бера бошлади. – Кейин бироз орол бўйлаб тентирадим. Охири денгизга тушиб, у ерда генерал Макартур билан гаплашдим.

– Бу соат нечада бўлганди? – гапини бўлди судья.

Бу гал Вера тутилиброқ жавоб берди:

– Билмадим, – деди у, – тушликдан бир соат аввал, балки сал кейинроқ.

Блор сўради:

– Биз генерал билан гаплашмасимиздан аввалми ё кейинми?

– Билмадим, – деди Вера. – Қандайдир ғалати бўлиб қолганди, – унинг бадани жимирлаб кетди.

– Айнан нимаси ғалати туюлди? – суриштирди судья.

– Ҳаммамиз ўлишимизни айтди. Кейин бизни интиҳо кутяпти, деди. Мен қўрқиб кетдим... – Веранинг овози пасайди.

Судья бош чайқаб қўйди.

– Кейин нима қилдингиз? – сўради у.

– Уйга қайтдим. Тушликдан олдин яна чиқиб, тоққа кўтарилдим. Кунбўйи ўзимни қўйишга жой тополмадим.

Судья Уоргрейв иягини пайпаслади.

– Яна Рожерс қоляпти, – деди у. – Лекин унинг кўрсатмалари бизда мавжуд маълумотларга бирор нарса қўшади деб ўйламайман.

Рожерсни тергов қилишганда эътиборга молик ҳеч нарса деёлмади. Эрталабдан бери хўжалик ишлари билан машғул бўлган, кейин тушликка уннаган. Тушликдан олдин коктейл тортган. Кейин юқорига чиқиб, чордоқдаги буюмларини бошқа хонага олиб ўтган. Деразадан қарамаган, шунинг учун генерал Макартур ўлимига алоқадор бўлиши мумкин ҳеч нарсани кўрмаган. Лекин тушликка дастурхон ёзишдан аввал стол устида саккизта негр боласи турганига ишончи комил.

Рожерс гапиришдан тўхтади. Кейин хонани жимжитлик эгаллаб олди. Судья Уоргрейвни йўтал тутди. Ломбард Веранинг қулоғига пичирлади: «Ҳозир якунловчи нутқ ўқийди».

– Учала ўлим ҳолатини имкон қадар яхшироқ текширишга ҳаракат қилдик, – сўз бошлади судья. – Айрим ҳолатларда алоҳида шахслар (эҳтимолга кўра) қотиллик содир қилиши иложсиз туюлса-да, барибир ҳеч кимни тўлиқ оқланган ва шубҳадан ҳоли деб ҳисоблаш мумкин эмас. Такрорлайман, хонада жам бўлган етти одамдан бири хавфли жиноятчи эканига ишончим комил, устига-устак, савдойи ҳам. Ўша одам кимлигини билмаймиз. Ёрдам сўраб қуруқлик билан боғланиш учун, агар ёрдам кечиккудек бўлса (бундай

об-ҳавода бунинг эҳтимоли юқори), хавфсизлигимизни таъминлаш учун қандай чоралар қўллаш заримлигини ҳал қилишимиз керак. Ҳозир бошқа ҳеч нарса қилолмаймиз.

Ҳар бирингиздан обдон ўйлаб кўришни сўрайман. Юзага келган вазиятдан чиқиш йўлини биргаликда қидиришимиз лозим. Стохлантираман, барча ҳушёр турсин. Қотил шу пардага ҳеч қандай қаршиликси ўз ишини бажарди. Чунки қурбонлар ҳеч нарсадан шубҳаланмаган. Бундан буён асосий вазифамиз ҳар кимдан ва ҳар доим шубҳаланиш бўлади. Эҳтиёткорлик – энг яхши қурол. Таваккал қилманглар. Ого бўлинглар. Сизларга шуларни айтмоқчи эдим.

– Суд мажлисга кириб кетади, – эшитилар-эшитилмас. Ҳараб қўйди Ломбард.

Ўнинчи боб

– Шу гапга ишондингизми? – сўради Вера.

Вера билан Филипп Ломбард меҳмонхонадаги дераза рафида ўтиришарди. Ёмғир томчилари шитоб билан деразага урилар, қутурган шамол ойнани зир титратарди. Филипп хиёл энгашди:

– Қария Уоргрейвнинг «қотил ўзимиздан битта-миз» деган гапини назарда тутяпсизми?

– Ҳа.

– Айтиш қийин. Мантиқан ўйлаб кўрсак, албатта, у ҳақ, лекин барибир...

– Барибир, – гапни илиб кетди Вера, – ақлбовар қилмайди.

Ломбард афтини бужмайтирди.

– Ҳаммасига ақлбовар қилмайди. Аммо Макартур ўлимидан сўнг бахтсиз ҳодиса ёки ўз жонига қаса қилиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бир нарса аниқ. Бу қотиллик. Аниқроғи, учта қотиллик.

Вера сесканиб тушди:

– Қўрқинчли тушга ўхшайди. Назаримда, бундай бўлиши шунчаки мумкин эмасдек туюляпти.

Филипп тушунганнамо бош силкиб қўйди:

– Тўғри, гўё туш кўряпмиз. Ҳозир эшик тақиллаб қолади-ю, қаҳва кўтарган оқсоч киради.

– Қанийди, ҳаммаси шундай тугаса! – деди Вера юраги орзиқиб.

Филипп Ломбард маъюс тортди.

– Йўқ, бунга умид қилмасак ҳам бўлаверади. Даҳшатли туш ўнгимизда содир бўляпти!

Веранинг шашти пасайди:

– Агар... агар ўзимиздан биттамыз бўлса, нима деб ўйлайсиз, ким у?

Ломбард ишшайиб қўйди:

– Сўзларингиздан тушундим, – деди у, – иккаламизни истисно қиляпсиз. Фикрингизга мутлақо қўшиламан. Қотил эмаслигимни жуда яхши биламан. Сизда ҳам, Вера, ҳеч қандай ёввойилик йўқ. Сиздек ақли расо, вазмин қизни ҳеч қачон учратмаганман. Телба эмаслигингизга ҳатто кафил бўла оламан.

– Раҳмат, – базўр кулиб қўйди Вера.

Филипп:

– Бу нимаси, мисс Вера Клейторн, наҳотки хушомадимга хушомад билан жавоб бермасангиз?

Вера каловланиб қолди.

–Ўзингиз тан олдингиз, – деди у ниҳоят, – одамлар ҳаёти сиз учун бир пулга арзимайди. Шундай бўлса-да, ўша пластинкани сиз ёздирганингизни тасаввур қила олмайман.

– Тўғри, – деди Ломбард. – Қотиллик қилсам ҳам, фақат фойдани кўзлаб қилган бўлардим. Жиноятчиларни оммавий жазолаш мен учунмас. Давом этамиз. Демак, бир-биримизни истисно қиламиз ва диққатимизни қисматдош беш биродарга қаратамиз. Улардан қай бири А. Н. Оним? Бунга ҳеч қандай асосим бўлмаса-да, негадир Уоргрейвни танлайман!

– Шунақами? – ҳайрон бўлди Вера. Бироз ўйланиб тургач сўради: – Нима учун?

– Айтиш қийин. Биринчидан, у жуда қари, иккинчидан эса, кўп йиллардан бери судда одамлар тақдирини ҳал қилган. Демак, салкам бир умр ўзини маъбудлардек қудратли деб келган. Мана шундан боши айланган бўлиши мумкин. Одамлар ҳаёт-мамоти устидан ҳукмдорман деган ўйга ишониб қолгач, бутунлай ақлдан озган-у, баттар қутуриб, энди ўзини ҳам олий ҳакам, ҳам жаллоддек ҳис қила бошлаган.

– Эҳтимол, ҳақдирсиз, – деди Вера.

– Ўзингиз кимни танлайсиз? – сўради Ломбард.

– Доктор Армстронгни, – шартта айта қолди Вера. Ломбард ҳуштак чалиб юборди:

– Докторни? Мен бўлса уни охирги ўринга қўйган бўлардим.

Вера бош чайқади.

– Унда адашасиз. Иккита ўлим заҳарланиш натижасида юз берди. Бу эса тўғри докторга ишора қилади. Миссис Рожерсга уйқу дори берганини унутмаслик керак.

– Тўғри, – рози бўлди Ломбард.

– Лекин доктор ақлдан озса, уни тезда фош қилиш Хосон бўлмайди. Кейин докторлар жуда кўп ишлайди. Савдойилик қаттиқ чарчаш оқибати бўлиши мумкин, – фикрида туриб олди Вера.

– Барибир Макартурни у ўлдирганига ишонгим келмаяпти, – деди Ломбард. – Чунки кўп вақт ёлғиз қолмади. У ёққа елдек учиб бориб келмаган бўлса, бу фурсат ичида шунчаки ўлгурмасди. Яна у спортчимас. Шунча югургандан кейин ҳансираб қоларди.

– Лекин генерални кейинроқ ҳам ўлдириши мумкин эди, – эътироз билдирди Вера.

– Қачон экан?

– Генерални тушликка чақириб учун борган пайт. Ломбард яна ҳуштак чалиб юборди:

– Демак, генерални ўшанда ўлдирган деб ўйлаяпсизми? Бунинг учун асаби пўлатдан бўлиши керак.

– Ўзингиз ўйлаб кўринг, нимани ҳам ютқазарди? – гапини бўлди Вера. – Бу ерда ягона доктор у. Генерални бир соат аввал ўлдиришган деб айтиш қийинми? Ахир орамингда ҳеч ким буни инкор қилолмайди.

Филипп унга ўйчан тикилиб қолди.

– Ақлли гап, – деди у. – Қизиқ...

– Ким у, жаноб Блор? Шуни билмоқчиман. Ким бўлиши мумкин? – Рожерснинг бутун вужуди қалтирар, асабийлашганидан кумуш идиш-оёқларни қайта-қайта тозаларди.

– Ҳамма жумбоқ шунда, оғайни, – деди истеъфодаги инспектор.

– Жаноб Уоргрейв айтишича, ўзимиздан кимдир экан. Унда ким, сэр? Шуни билгим келяпти. Ўша аблаҳ ким?

– Ҳаммамиз шуни билишни хоҳлардик, – деди Блор.

– Лекин ниманидир тахмин қияпсиз, жаноб Блор. Адашмадимми?

– Балки ниманидир тахмин қилаётгандирман, – деди Блор. – Лекин тахмин қилиш бошқа, билиш бошқа. Қош қўяман деб, кўз чиқарсам-чи? Фақат бир нарсани айта оламан. Ўша одамнинг асаблари пўлатдан бўлиши керак.

Рожерс пешонасидаги терни артди.

– Даҳшат, қўрқинчли даҳшат бу, – деди бўғиқ овозда.

– Ўзингизда қандайдир тахмин борми, Рожерс? – қизиқсинди Блор.

Хизматкор бош чайқади:

– Мен ҳеч нарсани тушунмаяпман, сэр, – деди бўшашиб. – Мутлақо ҳеч нарсани. Шунга баттар кўрқиб кетяпман.

– Бу ердан кетишимиз керак! Қандай бўлмасин, кетишимиз керак! – бақирарди доктор Армстронг.

Судья Уоргрейв деразадан ўйчан қараб қўйди. Пенсени чилвирини ўйнаганча гап бошлади:

– Албатта, об-ҳавони башорат қилмоқчи эмасман. Лекин таваккалига айтишим мумкин. Агар шамол тинмаса, ҳатто қуруқликдагилар қай аҳволга тушиб қолганимизни билишса ҳам, яқин кунларда оролга қайиқ келмайди.

Армстронг бошини чангаллаб қолди.

– Унгача ҳаммамизни қириб ташлашади! – дея инграб юборди.

– Ундай бўлмайди деган умиддаман, – деди судья.

– Барча эҳтиёт чораларини қўллашимиз керак.

Шу пайт Армстронг чолларда яшаш истаги ёшларга нисбатан кучлироқ бўлиши ҳақида ўйлади. Узоқ шифокорлик тажрибасида бунга кўп бор шоҳид бўлган. Мана, масалан, ўзи судьядан камида йигирма яшар ёшроқдир, лекин ҳаётга бўлган интилиши қанчалар мўрт.

Судья Уоргрейв бўлса бошқа нарсани ўйларди: «Қириб ташлашади! Ҳамма докторлар бир хил-а. Битта гапни тўтиқушдек такрорлашади. Бу ҳам ўша аҳмоқлардан».

– Унутманг, учтасини аллақачон ўлдиришди.

– Тўғри. Лекин, ўз навбатида, сиз ҳам унутманг, улар ҳаёти хавф остидалигини билишмаган. Биз эса биламиз.

Армстронг алам билан:

– Биз нима ҳам қила оламиз? Эртами-кечми...

– Ўйлашимча, – деди судья Уоргрейв, – нимадир қўлимиздан келади.

– Ахир биз ҳатто қотил кимлигини билмаймиз, – эътироз билдирди Армстронг.

Судья одатдагидек иягини пайпаслади.

– Бундай демаган бўлардим.

– Наҳотки кимлигини фаҳмлаган бўлсангиз? – ундан кўз узолмай қолди Армстронг.

– Тан оламан, судда талаб қилинадиган чинакам далил-исботлар менда йўқ, – мужмал жавоб берди судья. – Лекин бўлиб ўтган воқеаларни қайта-қайта хаёлимдан ўтказганим сари калаванинг учи доим бир одамга тақалаяпти.

Армстронг яна судьяга тикилиб қолди.

– Ҳеч нарсани тушунмаяпман, – деди у.

Мисс Брент – у юқори қаватдаги ўз ётоғида эди – Инжилни олди ва дераза ёнига ўтирди. Инжилни очди, лекин бир муддат иккиланишдан сўнг китобни четга қўйиб, пардоз столига яқинлашди. Ҳаладондан қора муқовали ён дафтари олиб, ёзишга киришди:

Мудҳиш воқеа юз берди. Генерал Макартур ҳалок бўлди. (Унинг амакиваччаси Элси Макферсонга уйланган). Уни ўлдиришганига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Тушликдан сўнг судья ажойиб нутқ ирод қилди. У қотил орамизда эканига қатъий ишоняпти. Демак, кимдир биттамик иблис макрига учган. Анчадан бери шундай гумоним бор эди. Бироқ ким у? Ҳозир ҳамманинг хаёлини шу савол банд қилган. Фақатгина мен биламан...

Сўнг бир неча сония қимир этмади, кўз олди хиралашди. Қўлида қалам титрай бошлади. Қоғозда ажибужи ёвуз пайдо бўлди:...қотилнинг исми Беатриса Тейлор...

Кўзлари юмилди. Лекин шу заҳоти сапчиб тушди. У уйғониб кетганди. Ён дафтарига қаради. Қинғирқийшиқ ёзилган охириги жумлани ўқиркан, ғазабдан қичқириб юборди.

«Наҳотки шуни мен ёзган бўлсам? – ўзича пичирлади. – Менимча, ақлдан озяпман».

Довул тобора кучаярди. Шамол увиллар, шиддат билан уй деворларига ўзини урарди. Ҳамма меҳмонхонада тўпланди. Бир бурчакка ғуж бўлиб ўтириб олишди. Сукунат ичида зимдан бир-бирини кузатишарди. Рожерс патнис кўтариб кирганда меҳмонлар деярли сакраб тушди.

– Пардаларни ёпиб қўяйми? – сўради Рожерс. – Шунда бу ер қулайроқ бўлади.

Рухсат олгач, пардаларни ёпиб, чироқни ёқди. Хона ростдан ҳам ёришиб кетгандек бўлди. Меҳмонлар жонланиб қолди. Ҳа, албатта, эртага довул тинади... қайиқ келади...

Вера Клейторн деди:

– Чой қўясизми, мисс Брент?

– Йўқ, йўқ, ўзингиз қўйинг, азизам. Чойнак жуда оғир экан. Кейин жуда хафа бўляпман. Икки калава кулранг ипимни йўқотиб қўйдим. Эссизгина.

Вера столга ўтди. Қошиқлар енгил шиқирлаб, чинни жаранги эшитилди. Телбаворлик ортда қолди.

Чой! Ҳузурбахш чойхўрлик! Филипп Ломбард ҳазил қилди. Блор қулди. Доктор Армстронг ишида учраган қизиқ воқеани айтиб берди. Судья Уоргрейв – у одатда чой ичмасди – роҳат билан хушбўй ичимликдан хўплаб қўярди.

Рожерс келиши билан фароғат дамлари ортда қолди. Хизматкорнинг кайфияти тушиб кетганди.

– Кечирасизлар, – деди у, ҳеч кимга эътибор бермай, – мабодо ваннахонадаги парда қаёққа ғойиб бўлганини билмайсизларми?

Ломбарднинг кўзлари қисилди:

– Парда? Бу нимаси, Рожерс?

– У ғойиб бўлди, сэр, худди парланиб кетгандек. Ваннахоналарни йиғиштиргандим. Ҳожат... яъни ваннахоналардан бирида парда йўқ экан.

– Бугун эрталаб жойидамиди? – сўради судья.

– Ҳа, сэр.

– Ўзи қанақа эди? – суриштирди Блор.

– Резина аралаштирилган шойидан, сэр, қирмизи рангли. Қирмизи кошинга мослаб олинган.

– Ўша йўқолиб қолдими? – сўради Ломбард.

– Йўқолди.

– Ҳа, майли. Шунга шунча ваҳимами? – бидиллади Блор. – Қидиришдан маъни йўқ. Ҳеч ерда кўринмаяпти. Йўқолса йўқолар. Парда билан ўлдириб бўлмайди, шунинг учун бу ҳақда унутамиз, – деди Рожерсга.

– Ҳўп, сэр. Миннатдорман, – хизматкор чиқиб, аста эшикни ёпди.

Хонага яна қўрқув оралади. Меҳмонлар яна бири-бирини яширинча кузата бошлади.

Тушлик пайти бўлди. Тушлик тортилди, тановул қилишди, идиш-товоқлар йиғиштирилди. Оддий таомлар, асосан, консервалардан. Тушликдан сўнг меҳмонхона яна сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди.

Соат тўққизларда Эмили Брент ўрнидан қўзғалди.

– Бориб ухлайман, – деди у.

– Мен ҳам, – деди Вера.

Аёллар юқорига кўтарилишди, Ломбард ва Блор уларни кузатиб қўйишди. Аёллар ортидан эшикни ёпиб олмагунча эркаклар зина майдончасидан узоқлашишмади. Зулфинлар шалдираб, калитлар шақирлади.

– Айтмасак ҳам, ичкаридан қулфлаб олишди, – кулиб қўйди Блор.

Ломбард деди:

– Нима дердим, ҳар ҳолда бугун тунда уларга ҳеч нарсa таҳдид солмайди.

Шундай дея пастга йўл олди. Блор ҳам унга эргашди.

Тўрт эркак бир соатдан кейин ухлагани йўл олишди. Зинадан ҳамма бирга чиқди. Рожерс эртанги нонушта учун ҳозирлик кўраркан, юқорига турнақатор чиқиб кетаётганларга бирров қараб қўйди. Улар майдончада тўхташганини ҳам эшитди.

– Ўйлашимча, жаноблар, маслаҳат бермасам ҳам, кечаси эшикни тамбалаш кераклигини тушуниб турибсизлар.

– Нафақат тамбалаш, балки эшик дастасига курси тираб қўйиш ҳам керак, – қўшимча қилди Блор. – Қулфни ташқаридан очиш мумкин.

– Қадрдоним Блор, ҳамма фалокат шундаки, керагидан ортиқ биласиз, – эшитилар-эшитилмас тўнғиллаб қўйди Ломбард...

– Хайрли тун, жаноблар, – судья ғамнок эди. – Эртага қаторимизда хато бўлмаслигини хоҳлардим.

Рожерс ошхонадан чиқиб, товуш чиқармай зинадан кўтарилди. Тўрт эркак бир вақтда эшик очишганини кўрди. Кейин калитлар буралиб, зулфинлар солингани қулоғига чалинди.

– Жуда соз, – ўзича ғудранди ва ошхонага қайтди. У ерда нонушта учун ҳамма нарса тах эди. Стол ўртасида турган етти негр боласига қаради. Юзида шодон табассум пайдо бўлди.

– Нима бўлган тақдирда ҳам, бугун бу ҳунари ўтмайди. Чорасини кўриб қўяман.

Ошхонадан ўтиб, буфет эшигини қулфлади. Холлга элтувчи эшикдан чиқиб, уни қулфлади ва калитни чўнтагига солди. Сўнг чироқни ўчириб, зингиллаганча янги ётоғига кетди.

У ерда баланд шкафдан бошқа яширинадиган жой топилмасди. Шунинг учун Рожерс энг олдин шкаф ичига қаради. Кейин эшикни ёпиб, зулфинни сурди.

– Бугун негр болалари билан найранг қилолмайди, – ўзича пичирлади, – чора кўриб қўйдим...

Ўн биринчи боб

Филипп Ломбардга саҳарлаб уйғониш одат бўлиб қолган эди. Бугун ҳам шу одати хилоф бўлмади. Ўрнида ўтириб, ташқарига қулоқ солди. Шамол сал сусайгандек. Ёмғир эшитилмасди... Соат саккизда яна кучли шамол турди, лекин буни Ломбард пайқамади. Чунки тағин ухлаб қолганди.

Соат тўққиз яримда кроватида ўтирар, соатига қараб, ишонмагандек қулоғига тутар, оч бўридек тишларини ғижирлатарди.

– Ишга киришадиган пайт келди, – деганча ўрнидан сакраб турди.

Соат тўққиз-у ўттиз бешда аллақачон Блор эшигини тақиллатарди. У эшикни эҳтиёткорлик билан очди. Сочлари тўзғиб кетган, кўзлари уйқудан қизарганди.

– Ўн уч соатдан бери ухляяпсиз, – айёрона кўз қисди Ломбард. – Демак, виждонингиз тоза экан.

– Нима гап? – гапини бўлди Блор.

– Сизни уйғотишдими? – сўради Ломбард. – Чой олиб келишдими? Соат неча бўлганини биласизми?

Блор елка оша кроват бошида турган соатга қаради.

– Йигирма бешта кам ўн, – деди у. – Шунча ухлашим мумкинлигига ҳеч қачон ишонмасдим. Рожерс қани?

– Акс-садо ҳам «қани?» деяпти, – ҳазил қилди Ломбард.

– Нима демоқчисиз ўзи? – Блорнинг жаҳли чиқди.

– Рожерс ғойиб бўлди демоқчиман, – жавоб берди Ломбард. – ётоғида йўқ. Чой қўймаган, ҳатто плитага ўт қаламаган.

Блор четга сўкинди.

– Қаёққа, жин урсин, қаёққа ғойиб бўлади? Нима, оролда дайдиб юрибдими? Шошманг, кийиниб олай. Қолганлардан ҳам сўранг. Балки улар билишар.

Ломбард бош ирғади. Йўлак бўйлаб юриб, ёпиқ эшикларни тақиллатди.

Армстронг аллақачон уйғониб, шошилмай кийинарди. Судья Уоргрейвни худди Блорга ўхшаб уйғотишга тўғри келди. Вера Клейторн кийиниб бўлганди. Эмили Брент хонаси бўм-бўш эди.

Бутун уйда қидирув бошланди. Рожерснинг хонаси аввалгидек бўшаб ётарди. Ўрин йиғиштирилмаган, устара ва сочиқ нам эди.

– Бир нарсa аниқ, тунни шу ерда ўтказган, – деди Ломбард.

– Яшириниб, бизни пойлаётган бўлса-чи? – пичирлади Вера. Унинг овози титрар, аввалги қатъиятдан ном-нишон ҳам қолмаганди.

– Ҳозир, қароғим, ҳар ким ҳақида ҳар балони ўйлаш мумкин, – деди Ломбард. – Маслаҳатим: уни топмагунимизча бир қадам ҳам ортда қолманг..

– Оролда юрган бўлса керак, – деди Армстронг.

Уларга ораста кийинган, лекин соқол олишга ўлгурмаган Блор қўшилди.

– Мисс Брент қаёққа қойиб бўлди? – суради у. – Мана сизларга янги жумбоқ.

Лекин холга тушишгач, мисс Брентни ўша ерда учратишди. У ёмғирпўшда эди.

– Денгиз жуда нотинч. Қайиқ денгизга чиқиши даргумон.

– Нега оролда ёлғиз гентираб юрибсиз, мисс Брент? – бетокат суради Блор. – Бу қанчалик хатарлилигини наҳотки тушунмасангиз?

– Ишонтириб айтаман, жаноб Блор, жуда эҳтиёткор бўлдим, – жавоб берди у.

Блор барибир тинчланмади.

– Рожерсни кўрдингизми? – суради у.

– Рожерсни? – қошларини чимирди мисс Брент. – Йўқ, бугун уни кўрмадим. Нима гап ўзи?

Зинадан соқоли яхшилаб қиртишланган, ораста кийинган судья Уоргрейв тушиб келди. Ошхонанинг ланг очиқ эшигидан ичкарига куз ташлаб:

– Қаранглар, дастурхон тузашни унутмабди, – деди.

– Буни кеча кечқурун қилиши ҳам мумкин эди, – деди Ломбард.

Улар ошхонага киришди. Тартиб билан қўйилган анжомларни, ликобларни кўздан кечиришди. Бирдан Вера типирчилаб қолди. Судьянинг қўлига шундай

қаттиқ тирмашдики – бежиз спорт билан шуғуланмаган – шўрлик чол ағанаб тушай деди.

– Ҳайкалчаларга қаранглар! – қичқирди у.

Шиша тагликда атиги олтита негр боласи қолганди.

Кўп ўтмай, Рожерс ҳам топилди. Уни уйга ёнбош солинган иморатдан топишди. Бу ер асосан кирхона вазифасини ўтарди. Қўлида кичкина болтани ҳалиям маҳкам қисиб турарди. Афтидан, ўт қалаш учун ўтин ёрмоқчи бўлган. Эшик ёнида катта ойболта турар, унинг муҳрасида қорамтир доғ қотиб қолганди. Рожерснинг энсасида шапалоқдек чуқур пайдо бўлган...

– Ҳаммаси равшан, – деди Армстронг, – қотил орқадан писиб келган. Рожерс энгашган пайт болта билан урган.

Блор болта билан овора бўлди. Ошхонадан ун олиб, сузгич ёрдамида дастасига шошилмай сепиб чиқди.

– Айтинг-чи, доктор, фақатгина жуда кучли одам шундай зарба бера оладими? – сўради судья.

– Йўқ, саволингизни тўғри тушунган бўлсам, ҳатто аёл киши ҳам шундай зарба бериши мумкин, – кейин тезда ён-атрофга аланглаб қўйди.

Вера Клейторн билан Эмили Брент ошхонага кетишди.

– Қиз ҳам бемалол қила оларди, ахир у спортчи. Мисс Брент нозик аёл, лекин бунақа аёллар кўпинча жуда чайир бўлади. Бундан ташқари, эси паст одамлар одатда телба кучга эга бўлишини эсдан чиқармаслигингиз даркор.

Судья ўйчан бош ирғади. Блор хўрсиниб ўрнидан турди.

– Бармоқ излари йўқ, – деди у, – болтани артишган.

Орқадан қаттиқ кулги эшитилди. Шу заҳоти ўгирилиб қарашди. Ҳовли ўртасида Вера Клейторн турарди.

– Балки бу оролда ари ҳам бордир? Борми ё йўқми? – чийилдоқ товуш билан қичқира бошлади. У гапираркан, қаҳ-қаҳ уриб кулишдан ҳам ўзини тўхта-толмасди. – Хўш, асал қаерда экан? Ҳа-ҳа-ҳа!

Эркаклар таажжуб ичида Верага қараб қолишди. Наҳотки шундай чидамли, шундай босиқ қиз ҳам уларнинг кўз ўнгида ақлдан озган бўлса?

– Менга бунақа қараманглар! – ўзини боса олмасди Вера. – Нима, ақлдан озди деб ўйлаяпсизларми? Сизлардан жиддий сўраяпман. Бу ерда арилар қаерда, асаларизор ҳам борми? Э-ҳа, тушунмаяпсизларми? Нима, ўша аҳмоқона санок шеърни ўқимадингларми? Ахир ҳамма кўрсин деб, ҳар бир ётоқхонага осиб қўйишганку! Бунчалик гўл бўлмасак, дарров шу ерга келган бўлардик.

– «Етти негр боласи ўтин ёрдилар бирга». Бу санок шеърни ёддан биламан. Кейинги банди шундай: «Олти негр боласи асалари боқишди», шунинг учун сўраяпман, оролда асаларизор бормикан? Роса кулги бўлдида! Ичагим ўзилай деяпти!.. – унинг кўзлари олайиб, телбаларча кула бошлади. Армстронг унга яқинлашди, бирдан юзига тарсаки тортиб юборди. Веранинг нафаси тикилди, ҳиқичоқ тутди, сўлагини ютди. Сўнг жим туриб қолди.

– Раҳмат.... Ўзимга келдим, – деди бироздан сўнг, аввалгидек хотиржам ва босиқ оҳангда. Кейин ўгирилиб, ошхона томон кетди. – Мисс Брент билан сизларга нонушта тайёрлаймиз. Илтимос, ўтин олиб боринглар. Каминни ёқиш керак.

Тарсакидан юзи ловуллаб ёнарди.

Ошхонага кириб кетгач, Блор гап ташлади:

– Тезда ақлини киритиб қўйдингиз, доктор.

– Бошқа нима ҳам қила олардим? Шунча нарсам камлик қилгандек, васваса етишмай турганди бизга, – ўзини оқлади Армстронг.

– У мутлақо восвосга ўхшамайди, – эътироз билдирди Ломбард.

– Қўшиламан, – деди Армстронг. – Анча вазмин, ақли расо жувон. Кучли изтироб натижаси. Ҳар кимда ҳам учраб туради.

Улар Рожерс майдалаган ўтинларни тўплашиб, ошхонага олиб боришди. У ерда Вера ва Эмили Брент аллақачон хўжалик ишлари билан куймаланиб юришарди. Мисс Брент печкадан кулни сидириб олар, Вера бекон пўстини шиларди.

– Раҳмат, – уларга миннатдорчилик билдирди Эмили Брент. – Иложи борица тезроқ нонушта тайёрлашга ҳаракат қиламиз. Айтайлик, ўттиз-қирқ дақиқада тайёр бўлади. Чой бундан олдин қайнамайди.

– Биласизми, нима деб ўйлаяпман? – Ломбардга шивирлади истеъфодаги инспектор Блор.

– Барибир айтиб берасиз. Фол очиб нима қилдим?!

Собиқ инспектор жиддий одам эди. Пичингларни тушунмасди, шунинг учун хотиржам давом этди:

– Америкада шундай воқеа бўлган. Чол-кампири болта билан чопиб ташлашган. Куппа-кундузи. Уйда қизи ва оқсочдан бошқа ҳеч ким бўлмаган. Исботлашганидек, оқсоч бундай қила олмасди. Қизи обрўли аёл бўлган. Шундай мудҳиш жиноятга қўл уриши ҳеч ҳам ақлга сиғмасди. Бироқ уни айбсиз деб топишгани ҳам шунчалик ақлбовар қилмас ҳол эди. Шундай бўлса-да, бунга бошқа изоҳ топишолмади, – бироз жим қолди: – Болтани кўрганимда шу воқеа эсимга тушиб кетди. Кейин ошхонага кириб, аёллар ҳеч нарса бўлмагандек иш билан оворалигини кўрдим. Қиз жазавага тушиб қолгани одатий ҳол. Ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Нима дейсизлар?

– Эҳтимол, – деди Ломбард.

– Лекин анави кампир! – давом этди Блор. – Бирам саришта, ҳатто фартук тақиб олишни унутмабди. Фартук бўлса, албатта, миссис Рожерсники.

Бир туки ўзгармай гапиришини қаранг: «Нонушта ўттиз-қирқ дақиқада тайёр бўлади». Бу кампир ақлдан озган, худо ҳаққи. Қари қизларда шунақаси учраб туради. Тўғри, улар савдойига айланиб, дуч келган одамни ўлдиради демайман. Шунчаки ақли жойида бўлмайди. Мана, бизнинг мисс Брент ҳам хурофотга берилган. Ўзини парвардигор қуроли деб ўйлайди. Хонасида ҳам нуқул Инжил ўқиб ўтиради.

– Лекин бу ақли заифлигини исботламайди, Блор.

– Устига-устак, ёмғирпўш кийиб олганди, – фикрида туриб олди Блор, – Денгизга бордим деди.

Ломбард бошини сараклатди.

– Рожерсни ўтин ёраётганда ўлдиришди, – деди у, – яъни ўрнидан турган заҳоти. Шунинг учун Эмили Брент яна бир соатча ёмғирда тентираб юришидан маъни йўқ эди. Агар фикримни билмоқчи бўлсанглар, Рожерсни ўлдирган одам фурсатни қўлдан бой бермай, яна жойига ётиб олган-у, ўзини ғафлат уйқусида ётган қилиб кўрсатгани аниқ.

– Мени тушунмадингиз, жаноб Ломбард, – деди Блор, – Агар мисс Брент ҳеч нарсада айбсиз бўлса, оролда бир ўзи сайр қилишга қўрққан бўларди. Қўрқишга асоси йўқ одамгина шундай қилиши мумкин. Демак, у ҳеч нарсадан қўрқмайди, ўз навбатида, қотил ҳам ўша.

– Жўяли фикр, – деди Ломбард. – Бу калламга келмабди, – кейин мийиғида кулганча қўшиб қўйди: – Мендан шубҳаланмай қўйибсиз, шунга хурсандман.

Блор ўсал бўлди:

– Топдингиз, аввал сиздан бошлагандим. Тўппонча, яна бизга жуда ғалати ҳикоя айтиб бердингиз, аниқроғи, айтиб бермадингиз. Лекин энди айёрона бошқанимадир тўқишингиз мумкин бўлганини тушуняпман. Умид қиламанки, сиз ҳам мендан шубҳа қилмаяпсиз.

Филипп ўйчан деди:

– Балки адашаётгандирман, лекин менимча, бундай режа ишлаб чиқиш сизга ўхшаган тасаввур

жуда тор одамнинг қўлидан келмайди. Фақат бир нарсани айтишим мумкин, бундай вазиятда ажойиб роль ўйнар экансиз. Мени қойил қолдирдингиз. – Кейин овозини пасайтирди. – Ким билади, бир кун ўтар-ўтмас ҳеч ким тирик қолмас, шунинг учун менга ёрила қолинг. Ўшанда ёлғон кўрсатма бергансиз, тўғрими?

Блор хижолат тортганидан оғирлигини дам у, дам бу оёғига солиб тураверди.

– Яшир, яширма, энди нима фарқи бор, – деди у ниҳоят. – Тўғри. Ландор айбсиз эди. Бу аниқ. Перселла тўдаси менга пора берди. Кейин биз уни панжара ортига равона қилдик. Фақат ёдингизда бўлсин, агар нимадир бўлса, бу гапимдан тонаман...

– Айтмоқчисизки, гувоҳлар ёнида, – жилмайди Ломбард. – Йўқ, йўқ, бу гап ўртамизда қолади. Сениб турибман, мўмайгина пул олгансиз.

– Ваъда қилишганининг ярмини ҳам олмадим. Ўша Перселла одамлари ўлгудек қурумсоқ экан. Лекин лавозимим ошди. Ҳаммаси бор гап.

– Ландорни қамашди. Кейин у сургунда ўлиб кетди-ми?

– Ўлиб қолишини мен қаердан билай? – гижинди Блор.

– Албатта, сиз қаердан ҳам билардингиз, шунчаки омадингиз келмаган.

– Меними? Балки уни демоқчидирсиз?

– Сизни ҳам, Блор. Чунки унинг ўлими туфайли сизнинг ҳаётингиз ҳам қил устида турибди.

– Меники? – кўзини чақчайтирди Блор. – Наҳотки Рожерс ё бошқаларга ўхшаб мени ўлдиришларига жим қараб турсам? Бўлмаган гап! Бошқаларни билмадим-у, мен ўзимни ҳимоя қила оламан! Гаров ўйнайсизми?

Ломбард пинагини бузмади:

– Гаров ўйнашни ёқтирмайман. Яна бир гап. Сизни ўлдириб қўйишса, ютуқни менга ким беради?

– Менга қаранг, жаноб Ломбард, нима демоқчисиз ўзи?

Ломбард иршайди.

– Айтмоқчиманки, қимматли Блор, тирик қолиш имконингиз унча каттамас.

– Нега энди?

– Тасаввурингиз торлиги учун сизни бир ёқли қилишдан осони йўқ. А. Н. Онимдек тасаввури кенг жиноятчи сизни бирпасда домига илинтиради.

– Сизни-чи? – ўшқирди Блор.

Ломбард қиёфаси жиддийлашди.

– Мендаги тасаввур А. Н. Онимникидан зигирча ҳам ёмон эмас, – деди у. – Минг марта танг аҳволда қолиб, доим қутулиб кетганман! Бошқа ҳеч нарса демайман, лекин бу вазиятдан ҳам чиқиб кетишимга кўзим етяпти.

Плита ёнида тухум қовураркан, Вера тинимсиз ўйларди: «Нега аҳмоққа ўхшаб жазавам тутиб қолди? Бундай қилмаслигим керак эди. Бўшашмаслик керак, бўшашиш асло мумкинмас. Ахир оғир-босиқлигидан доим фахрланиб юрган.

Мисс Клейторн нима қилишни биларди. Саросимага тушмади. Дарров ўзини сувга отиб, Сирил ортидан сузди.

Бу ҳақда эслаб нима қилади? Ҳаммаси ортда қолди. Ўтмишга айланди. Сирил сув ичида кўринмай қолганда йўлнинг ярминиям босиб ўтмаганди. Ўзи ҳам денгиз қаърига кириб кетаётгандек туюлди. Оқим шидатига қарши чиқмади, аста-аста сузди, сувда чайқалди... Ниҳоят қайиқ етиб келди. Уни дадиллиги, совуққонлиги учун мақташди. Ҳамма мақтади, Хьюгодан бўлак. Хьюго бўлса унга бир бор қараб қўйди, холос... Ё тангрим, Хьюго ҳақида ўйлаш қанчалар

оғир, ҳатто ҳозир ҳам... Ҳозир у қаерда? Нима қияпти? Унаштирилдими, уйландими?»

– Вера, бекон куйиб кетяпти, – жаҳл билан деди мисс Брент.

– Кечирасиз, мисс Брент. Хаёлим чалғибди...

Эмили Брент тутаб ётган беконга охирги тухумни чақди. Вера қизиган товага бекон бўлакларини жойлади:

– Юраги кенг аёл экансиз, мисс Брент.

– Ёшлигимдан арзимас гаплар учун бош қотирмасликни ўргатишган, – жавоб берди мисс Брент.

«Қаттиққўл тарбиялашган. Буниси тушунарли», – ўйлади Вера. Ташида эса:

– Наҳотки қўрқмасангиз?.. Балки ўлишни хоҳласиз?

«Ўлишни? – Эмили Брентни гўё чаён чаққандек бўлди. – Ўлишни? Лекин у ўлмоқчи эмас! Қолганлар ўлади, тўғри, лекин у эмас, Эмили Брент эмас. Бу қиз нимани ҳам тушунарди? Албатта, Эмили Брент ҳеч нарсадан қўрқмайди: Брентларга қўрқув бегона. У ҳарбий оиладан. Авлодида ҳар ким ўлимга тик боқа олган. Тақво билан умргузаронлик қилган. У ҳам, Эмили Брент ҳам тақводор аёл. Ўтмишидан ҳеч қачон андиша қилмайди... Шундай экан, у албатта ўлмайди... «Парвардигор паноҳида асрайди». «Зулмат даҳшати, пайдар-пай ёғилган камон ўқлари сени маҳв этолмайди...» Ҳозир ёруғ, даҳшатлар ҳам кетган. Ҳеч биримиз оролдан кетолмаймиз. Буни ким айтди? Албатта, генерал Макартур (унинг қариндоши Элси Макферсонга уйланган). Уни бундай истиқбол тариқчалик қўрқитолмади. Аксинча, бундан гўё хурсанд бўлгандек туюлди! Бу эса гуноҳ! Айрим одамлар ўлим моҳиятини англаб етмай, ўз жонига қасд қилади. Беатриса Тейлор... Ўтган тун Беатрисани тушида кўрди. У дераза ортида турар, юзини ойнадан олмай, «ичкарига киритинг» дея ялиниб-ёлворар-

ди. Аммо Эмили Брент киритишни хоҳламасди. Ахир уни киритса, қандайдир даҳшат содир бўлади».

Эмили сесканиб кўзини очди. Вера ундан кўз узмай турарди.

– Ҳаммаси тайёр, шундайми? – сўради жиддий тусда. – Унда нонушта тортамиз.

Тановул таажжуб кечди. Барча фавқулодда сертакаллуф эди.

– Яна қаҳва ичасизми, мисс Брент?

– Дудланган гўшт берайми, мисс Клейторн?

– Яна бир бўлак беконми?

Олтови ҳам ўзини гўё ҳеч нарса бўлмагандек тутарди. Бироқ ҳар бирининг қалбида саросима тугён урарди.

Хаёллар ҳам маржондек сочилиб кетган...

Энди нима бўлади? Нима бўлади? Кейингиси ким? Ким?

Қизиқ, уддалай оладими? Лекин уриниб кўришга арзийди. Улгурса бас. Эй худо, ишқилиб, улгурсин...

Хурофотдан асов телбалик, бошқаси эмас... Унга қараш хаёлига ҳам келмайди... Адашган бўлсам-чи?

Ахир бу бемаънилик... Мен ақлдан озяпман. Калава ипи, ваннахонадаги қирмизи парда қаёққадир ғойиб бўлди. Улар кимга керак бўлди, ҳеч ҳам тушунолма-япман. Ҳеч нарсани тушунмаяпман...

Вой аҳмоқ, унга нима дейишса, ҳаммасига ишонди. Уни осон тинчитди... Барибир эҳтиёткорлик зарур.

Олтита чинни негр боласи... фақат олтита – кечга бориб улар нечта қолар экан?

– Охирги тухумни кимга берай?

– Мураббоми?

– Раҳмат, фақат гўшт емоқчиман.

Олтовлон гўё ҳеч нарса бўлмагандек нонушта қиларди.

Ўн иккинчи боб

Нонушта тугади. Судья Уоргрейв астойдил йўталиб олгач, ингичка товушда салмоқ билан гапира бошлади:

– Ўйлашимча, тўпланиб, юзага келган вазиятни муҳокама қилиб олишимиз керак. Айтайлик, ярим соатдан кейин меҳмонхонада.

Ҳеч ким эътироз билдирмади. Вера ликобчаларни йиғиштирди.

– Дастурхонни йиғиштириб, идишларни ювиб қўяман, – деди у.

– Идишларни буфетга элиб берамиз, – таклиф қилди Филипп.

– Раҳмат.

Эмили Брент курсидан туришга чоғланди, лекин вой-войлаб яна ўтириб қолди.

– Сизга нима бўлди, мисс Брент? – сўради судья.

– Жуда афсусдаман, – ўзини оқлади Эмили Брент, – мисс Клейторнга кўмаклашмоқчи эдим, лекин ҳеч ҳам иложим йўқ. Бошим ғир-ғир айланыпти.

– Бошим айланыпти? – доктор Армстронг унга яқинлашди. – Табиий ҳол. Кучли ҳаяжоннинг кечиккан таъсири. Ҳозир сизга дори...

– Йўқ! – мисс Брент бирдан бақриб юборди. Ҳамма довираб қолди. Доктор Армстронг шолғомдек қизариб кетди.

Аёл чехрасидан даҳшатга тушгани кўриниб турарди.

– Ўзингизга ҳавола, – минғирлаб қўйди Армстронг.

– Ҳеч нарса ичмоқчимасман, – деди у. – Шунчаки тинч ўтираман. Кейин бош айланиши ҳам ўз-ўзидан ўтиб кетади.

Дастурхон йиғиштирилгач, Блор Верага юзланди:

– Рўзгор ишларига ўрганиб қолганман. Шунинг учун, мисс Клейторн, хоҳласангиз, сизга ёрдам бераман.

– Раҳмат, – деди Вера.

Эмили Брентни меҳмонхонада қолдиришди.

Буфетдан анча вақт ғовур-ғувур овозлар келиб турди. Бош айланиши тобора кучаярди. Уни мудроқ босди. Ўзини ҳозир ухлаб қоладигандек ҳис қилди. Қулоғи тинимсиз ғувилларди... Эҳтимол, хонада ростдан ҳам нимадир ғунғиллаётгандир? У ўйланиб қолди: «Нима бунча ғунғиллаяпти – асаларими? – Шу пайт деразада ўрмалаб юрган арига кўзи тушди. – Бугун эрталаб Вера Клейторн арилар ҳақида нимадир деганди.

Асалари ва асал... У асални яхши кўради. Мумка-такни олади, дока қопга солади. Кейин асал тома бошлайди. Чак-чак-чак...

Хонадаги ким... Ундан сув томчилаяпти... Бу Беатриса Тейлор. У дарёдан чиқди. Агар бошини бурса, уни кўра олади...

Лекин нима учун бошини буриш жуда қийин бўляпти?..

Агар қичқирса-чи? Лекин қичқира олмайди. Уйда тирик жон йўқ. У мутлақо ёлғиз...» Энди орқасида қадам товушлари эшитилди... Дарёга фарқ бўлган қизнинг бежо қадамлари... Аллақандай ўткир ҳид бурнини ачиштирди... Деразада эса ари тинимсиз ғувилларди. Шу пайт нимадир чаққандек бўлди. Бўйинини ари чақиб олди...

Барча меҳмонхонада Эмили Брентни кутарди.

– Балки чақириб келарман? – таклиф қилди Вера.

– Бир дақиқа! – уни тўхтатди Блор.

Вера ўтирди. Ҳамма савол назари билан Блорга қараб қолди.

– Қулоқ солинглар, – деди у, – менимча, қидирувни тўхтатиш керак. Қотил ҳозир ошхонада ўтирибди! Бас бойлашим мумкин, ҳамма қотилликда қари қиз айбдор.

– Лекин бунга нима туртки бўлган? – сўради Армстронг.

– Хурофот туфайли ақлини йўқотган. Сиз нима дейсиз, доктор?

– Эҳтимол, ҳақдирсиз. Сизни инкор қилолмайман. Лекин эслатиб қўймоқчиман, бизда исбот йўқ.

– Нонушта тайёрлаётганимизда ўзини жуда ғалати тутди, – деди Вера. – Кўзлари ҳам аллақандай... – бирдан эти жимирлаб кетди.

– Бу ҳали исбот эмас, – гапини бўлди Ломбард – Ҳозир ҳаммамиз ҳам бироз ғалатиروқмиз.

– Кейин, бизга айблов эълон қилинганда, фақат угина бирорта изоҳ айтишдан бош тортди. Нима учун, ўзим айтайми? Чунки изоҳлайдиган ҳеч нарса йўқ эди.

– Лекин аслида ундай эмас, – деди Вера. – Кейинроқ менга ўша воқеани айтиб берди.

– Хўш, сизга нималар деди, мисс Клейторн? – сўради судья Уоргрейв.

Вера Беатриса Тейлор воқеасини айтиб берди.

– Анча ишонарли ҳикоя, – деди судья. – Шахсан менда ҳеч қандай шубҳа туғдирмади. Айтинг-чи, мисс Клейторн, сизнингча, мисс Брент виждон азобида қийналяптими, қилмишидан пушаймонми?

– Менимча, йўқ, – деди Вера. – Қизнинг ўлими уни мутлақо бефарқ қолдирган.

– Ўргилдим, бунақа тақводорлардан! Уларда юрак ўрнида тош бўлади. Қари қизларнинг ҳаммаси шунақа. Ҳаммасига оддий ҳасад сабабчи, – деди Блор.

Судья уни тўхтатди:

– Ҳозир ўнта кам ўн бир. Мисс Брентдан даврамизга қўшилишни сўрасак, яхшироқ бўларди.

– Нима, ҳаммангиз қўл қовуштириб ўтираверасизми? – ажабланди Блор.

Судья асабийлашди:

– Биздан нима кутяпсиз, тушунмай қолдим. Шубҳа-гумонларимиз ҳозирча ҳеч нарсага асосланмаган. Барибир доктор Армстронгдан, айниқса, мисс Брент-

ни диққат билан кузатишни илтимос қиламан. Энди бўлса, юринглар, ошхонага ўтамыз.

Эмили Брент аввалгидек курсида ўтирарди. Тўғри, улар келганига эътибор бермади, лекин бошқа ҳеч қандай шубҳали нарса сезишмади. Фақатгина курсини айланиб ўтгач, нима гаплигини тушунишди. Унинг юзи шишиб кетган, лаблари кўкариб, қорачиғи оқиб тушганди.

– Ахир у ўлганку! –Блор бақириб юборди.

– Яна биттамыз оқланди, афсуски, жуда кеч, – деди судья Уоргрейв хотиржам товуш билан.

Армстронг марҳума устига энгашди. Унинг лабларини ҳидлади, бошини қимирлатди, қовоқларини кўтарди.

– Доктор, нимадан ўлибди? – тоқатсизланди Ломбард. – Ахир кетаётганимизда ҳаёт билан видолашадиган аҳволда эмасди, шекилли.

Армстронг Эмили Брент бўйнидаги митти нуқтани кўздан кечирарди.

– Бу шприцнинг изи, – деди у.

Ўнгилаш эшитилди.

– Қаранглар, деразада ари турибди! – қичқириб юборди Вера. – Эрталаб нима деганимни эсланглар!

– Лекин бу чақиш изимас, – хўмрайди Армстронг.

– Мисс Брентга укол қилишган.

– Қанақа заҳар беришган? – сўради судья.

– Афтидан, цианли калий, лекин бу фақат тахмин. Менимча, Марстонни ҳалок қилган заҳарнинг ўзгинаси. Мисс Брент ҳам бўғилишдан тил тортмай ўлган.

– Ари қаёқдан пайдо бўлди? – эътироз билдирди Вера. – Балки бу шунчаки тасодифдир?

– Асло! – Энди Ломбард хўмрайди. – Бу ерда тасодиф йўқ! Қотилимизнинг ўзига хослиги бу. Роса ҳазилкаш экан. Лаънати саноқ шеърдан бир қадам ҳам ортга чекинмаяпти! – Одатда хотиржам Ломбард деярли ўт бўлиб ёнарди. Афтидан, минг хил

чиғирикда тобланган асаблар энди дош беролмай қолганди. – Бу бемаънилик, бемаънилик! Ҳаммамиз ақлдан оздик!

– Умид қиламанки, – хотиржам деди судья, – барибир ақл-ҳушимизни йўқотмаймиз. Кимдир ўзи билан шприц олиб келганмиди?

Армстронг қаддини ростлади. Бироқ овози анча титраб чиқди:

– Мен, сэр.

Тўрт жуфт кўзлар дарров унга қадалди. Уларда зоҳир кескин, ошкора адоватдан доктор довдираб қолди.

– Ўзим билан доим шприц олиб юраман, – деди у.

– Ҳамма шифокорлар шундай қилади...

– Тўғри, – маъқуллади судья. – Айтолмайсизми, доктор, ҳозир шприцингиз қаерда?

– Юқорида, чамадонимда.

– Бунга ишонч ҳосил қилишимиз мумкинми? – сўради судья.

Судья бошчилигида ҳамма мутлақ сукут остида зина орқали юқорига чиқишди. Чамадонни стол устига ағдаришди. Унда шприц йўқ эди.

– Шприцни ўғирлашди! – қичқириб юборди Армстронг.

Хонага ўлик сукунат чўкди.

Армстронг деразага суяниб қолди. Адовату шубҳа-гумонларга тўла тўрт жуфт кўз яна унга тикилди. Доктор кўзини Уоргрейвдан Вера томон олиб қочди, чор-ночор аҳволда ўзини оқлай бошлади:

– Онт ичаман, шприцни ўғирлашди!

Блор ва Ломбард бир-бирига қараб олишди. Судья сўз олди.

– Бу ерда, хонада беш кишимиз, – деди судья. – Орамизда биттамыз қотил. Вазият борган сари хатарли тус олмоқда. Тўрт бегуноҳ хавфсизлигини таъминлаш учун қўлдан келган барча ишни қилишимиз дар-

кор. Чунончи, доктор ёнида қандай дорилар борлигини айтиб берсин.

– Ўзим билан сафар дори қутисини олганман, – жавоб берди Армстронг. – Ўзинглар қаранглар, унда фақат уйқу дорилари бор. Трионал, сульфонал, бром, кейин сода, аспирин, вассалом. Менда цианид йўқ.

– Мен ҳам ўзим билан уйқу дори олиб келганман, – сўз қистирди судья. – Сульфонал, чамамда. Кўп миқдорда қабул қилинса, ўлимга олиб келиши мумкин. Сизда, жаноб Ломбард, менга яхши маълум, тўппонча бор.

– Хўш, нима бўпти? – тутақиб кетди Ломбард.

– Нима бўларди, докторнинг дори қутиси, мендаги уйқу дори, сизнинг тўппончангиз, шунингдек, яна кимдасиз бўлса, ҳар қандай дори-дармон ва ўқотар қуролларни тўплаб, ишончли жойга яшириб қўйишни таклиф қиламан. Шундай қилишга киришганимизда ҳар ким ўз буюмлари тинтув қилинишига рози бўлади.

– Тўппончамни берайми, ҳеч қачон! – ғазабдан кўкарди Ломбард.

– Жаноб Ломбард, – уни тўхтатди судья, – билангингиз ёшлиқ қуввати билан тўлиб турган бўлса-да, менимча, собиқ полициячи сиздан кучсизроқ эмас.

Қўл жангида қай бирингиз ғолиб чиқишингизни айтолмайман, аммо бир нарсани аниқ биламан. Доктор Армстронг, мисс Клейторн ва мен қўлдан келганча Блорга ёрдам берамиз. Шундай экан, агар қаршилик кўрсатсангиз, сизни барибир енгамиз.

Ломбард орқага тисарилди. Тишларини ғижирлатди.

– Нима дердим, ҳаммангиз бир бўлсангиз, майли, сизнингча бўлсин.

Судья Уоргрейв бош ирғади.

– Яхши, ҳали ақлингиз жойида экан. Тўппончани қаерда сақлаяпсиз?

– Кроватим ёнидаги жавонча ғаладонида.

- Тушунарли.
- Ҳозир олиб келаман.
- Менимча, биз ҳам шерик бўлганимиз дуруст. Ломбард истеҳзо билан кулиб қўйди.
- Сизни алдаб бўлмас экан.

Улар Ломбард ётоғига боришди. Ломбард тўғри жавонча ёнига бориб, ғаладонни тортди. Очди-ю, бирдан сапчиб тушди. Ғаладон бўш эди.

– Энди кўнглингиз тўлдими? – деди қип-яланғоч Ломбард хонани тинтув қилишда эркакларга кўмаклашаркан.

Вера йўлакда кутиб турди. Тинтув давом этди. Кетма-кет доктор Армстронг, судья ва Блорни тинтув қилишди.

Блор хонасидан чиқишаркан, эркаклар Вера томон юришди.

– Мисс Клейторн, – унга юзланди судья. – Умид қиламанки, ҳеч қандай истиснога йўл қўйиб бўлмаслигини тушунасан. Қандай бўлмасин, тўппончани топишимиз керак. Ёнингизда чўмилиш кийими бўлса керак?

Вера бош ирғади.

– Ундай бўлса, ётоғингизга боришни, чўмилиш кийимини кийиб, яна шу ерга қайтиб келишни илтимос қиламан.

Вера ортидан эшикни ёпди. Бир неча дақиқадан сўнг танасига ёпишиб турган шойи чўмилиш кийимида пайдо бўлди.

– Миннатдорман, мисс Клейторн, – деди судья. – Хонангизни қидириб бўлгунча шу ерда кутиб турсангиз.

Вера йўлакда ўтириб, эркаклар қайтишини сабр билан кутди. Кейин кийимини алмаштириб, уларга қўшилди.

– Энди бир нарсага ишончимиз комил, – деди судья. – Ҳеч биримизда қурол ҳам, заҳар ҳам йўқ.

Ҳозир дориларни ишончли жойга қўямиз. Омборхонада кумуш идиш-оёқлар учун сейф бўлса керак.

– Ҳаммаси жуда яхшику, – гапини бўлди Блор. – Бироқ калит кимда бўлади? Сиздами?

Судья жавоб бермай, омборхона томон юрди. Қолганлар ортидан эргашди. У ерда ростдан ҳам кумуш идишлар сақланадиган қутини топишди. Судья кўрсатмасига кўра барча дорилар қутига солиниб, кейин қулфлаб қўйилди. Сўнгра судья қутини буфетга қўйишни, ўз навбатида, у ерни ҳам қулфлаб қўйишни буюрди.

Судья қути калитини Филипп Ломбардга, буфетникини эса Блорга берди.

– Орамизда сизлар энг кучлисиз, – деди у. – Шундай экан, бир-бирингиздан калитни тортиб олиш осон бўлмайди. Қолганлар эса ҳеч қачон иккингиздан калитни тортиб ололмайди. Буфет билан қутини бузиш машаққат ва беҳуда иш, чунки бузаман дегунча бутун уйни оёққа турғизади.

Бироз сукут сақлаб, давом этди:

– Муҳим бир масала ечимсиз қолиб кетди. Жаноб Ломбарднинг тўппончаси қаёққа ғойиб бўлди?

– Фикри оғизимча, – луқма ташлади Блор, – бу саволга қурол соҳибидан жавоб қидирган маъқул.

Филипп Ломбарднинг важоҳати ўзгарди.

– Каллаварам экансиз, Блор. Неча марта айтишим керак, тўппончамни ўғирлашди!

– Тўппончани охириги марта қачон кўргандингиз? – сўради судья.

– Кеча кечқурун ётар маҳалда. Ҳар эҳтимолга қарши ғаладонга солиб қўйгандим.

Судья бош ирғади.

– Демак, – деди, – уни тўс-тўполондан фойдаланиб эрталаб ўғирлашган. Ёки Рожерсни қидириб юрганимизда, ёки мурдасини топган пайтимиз...

– Тўппонча уйга яширилган, – деди Вера. – Уни қидириш керак.

Судья Уоргрейв одатдагидек иягини қашиб қўйди.

– Қидирув бирор натижа беришига ишонмайман, – деди у. – Чамамда, жиноятчи уни ишончли жойга яшириб қўйишга улгурган. Очиғини айтсам, топишга умид йўқ.

– Албатта, тўппонча қаердалигини билмайман, лекин шприц қаердалиги менга маълум, – ишонч билан деди Блор. – Ортимдан юринглар.

У асосий эшикни очиб, уларни уй орқасига бошладди. Ошхона деразаси тагидан шприцни топишди. Унинг ёнгинасида чинни ҳайкалча-бешинчи негр боласи чилпарчин ётарди.

– Бошқа ерда бўлиши мумкин эмасди, – тантанавор тушунтирди Блор. – Мисс Брентни ўлдиргач, жиноятчи деразани очиб, шприцни улоқтирган. Кейин эса негр боласини ҳам отган.

Шприцда бармоқ излари топилмади. Афтидан, қотил астойдил артиб қўйишни унутмаган.

Вера қатъий деди:

– Энди тўппончани топиш керак.

– Майли, – деди судья. – Аекин битта шарт билан. Ҳаммамиз бирга бўлишимиз керак. Эсингизда бўлсин, ким ёлғиз юрса, савдойига осон ўлжа бўлади.

Улар бутун уйни қайта-қайта, қаричма-қарич тинтиб чиқишди. Ертўла ҳам, чордоқ ҳам қолмади. Тўппонча ғойиб бўлди!

Ўн учинчи боб

«Орамизда кимдир... Орамизда кимдир... Орамизда кимдир...» – ҳар бирига шу хаёл мутлақо тинчлик бермасди. Улар бешта эди. Ва барчаси, ҳеч қандай истисносиз, қўрқув исканжасига тушиб қолганди. Ҳеч қандай истисносиз, барча, бир-бирини пойлар, асаблар таранглигидан ўзини йўқотиб қўйишган, бунга ҳатто яширишга ҳам уринишмасди. Хушфёълик барчага унут

бўлди. Сухбатга хоҳиш ҳам аллақачон йўқолганди. Беш ғаним маҳбус жазо занжирига боғлаб қўйилган-у, ҳар бири ўз жонини қутқариш илинжида.

Барчаси инсоний қиёфадан жудо бўлди. Ибтидоий, ҳайвоний ҳолатга тушишди. Судья доно қари тошбақа янглиғ бўйинини қисганча ўтириб, синчков кўзлари билан ҳар томонга олазarak боқарди. Собиқ инспектор Блор янада қўполлашди, оғирлашди. Маймоқ айикдек у ёқдан бу ёққа лапангларди. Кўзларига қон тўлиб қолган. Юзига қаҳр ифодаси абадий муҳрлангандек туюларди. Қочавериб силласи қуригач, ўз таъқибчиси билан ҳаёт-мамот жангига шайланаётган ҳайвонни эслатарди. Филипп Ломбард, аксинча, ўзини тутиши янада кескинлашди. Шир этган товўшдан ҳам сергак тортарди. Қадам ташлаши янада енгиллашиб, ҳаракатлари сиртлондек чаққонлашди. Нуқул кулимсираб, оппоқ ва ўткир тишларини кўз-кўз қилгандек бўларди.

Вера жимиб қолди. Курсидан деярли турмади. Қаршисидаги бир нуқтага термулиб қарарди. У ўзини ойнага уриб, тўғри ерга қулаб тушган қушчани эслатарди. Қимирлашга қўрқиб, тошдек қотиб олган. Гўё қилт этмаса, у ҳақда буткул унутишадигандек эди.

Армстронг ачинарли аҳволда эди. Асаблари дош беролмай, қўли тинимсиз қалтирарди. Кетма-кет сигарет туташтирар, тўлиқ чекишга сабри етмай, ўчиришга тушарди. Мажбурий бекорчилик бошқалардан кўра уни кўпроқ қийнаб юборгани кўриниб турарди. Вақти-вақти билан куйиб-пишиб гапира бошларди.

– Бундай туравериш мумкинмас. Нимадир қилишимиз керак. Шаксиз, нимадир қилишимиз мумкин. Айтайлик, гулхан ёқамиз.

– Шу об-ҳавода-я? – оғзига урди Блор.

Ёмғир челақлаб ёғар, шамол зарбидан уй зирқираб кетарди.

Ёмғир томчилари шатир-шутир ойнага урилиб, бундан таралган ҳазин товуш ақли оздиргудек бўларди. Улар бир-бирига лом-мим демай, ўлик сукунат ичида умумий режа ишлаб чиқишди. Барча меҳмонхонада тўпланади. Фақат битта одам чиқиши мумкин. Қолганлар унинг қайтишини кутади.

Ломбард деди:

— Бу ёғи вақт масаласи. Довул тўхтасин. Шундан кейин нимадир қила оламиз. Ишора берамизми, гулхан ёқамизми, сол ясаймизми, яна нима бўлса ҳам!

Армстронг кутилмаганда қаттиқ кулиб юборди.

— Вақт масаласи дейсизми? Бизда вақт йўқ. Ҳаммамизни қириб ташлашади...

Ниҳоят судья Уоргрейв ҳам гапириш учун оғиз жуфтлади:

— Агар ҳушёр бўлсак, бизни қириб ташлашмайди. Ҳушёр бўлишимиз керак.

Кундузи одатдагидек тушлик қилмоқчи бўлишди. Лекин овқатланиш имкон қадар соддалаштирилди. Бешаласи ошхонага ўтиб, омборхонадан бир дунё консерва топишди. Бир банка мол гўшти билан икки банка компот очишди. Уларни шундай ошхона столи ёнида тик турганча еб олишди. Кейин тўдалашиб меҳмонхонага қайтишди ва яна бир-бирини пойлай бошлашди...

Улар ситамли, телбавор ва нохуш хаёллар асирига айланиб қолганди...

Ана Армстронг... Менга зимдан қараб қўйяпти... Ақли жойидамас уни... Бирдан ҳеч қанақа шифокор бўлмасачи... Тўппа-тўғри! Жиннихонадан қочган телба у. Ўзини шифокор деб ўйлаяпти... Ҳа, хато қилмаяпман... Уларга айтсаммикан?.. Балки қичқирганим яхшидир?.. Йўқ, керакмас, фақат ҳушёр тортади бундан... Ахир кўринишидан ҳеч ким уни ақли ноқис деёлмайди... Соат неча бўлди? Учдан чоракта ўтди!.. Эй худо, мен ҳам ақлдан озяпман... Ҳа, бу Армстронг... Ана менга қараяпти...

Йўқ, бошимга етишолмайди. Қўллари калталиқ қилади! Ўзимни ҳимоя қила оламан... Қалтис вазиятга биринчи марта тушиб қолмадим. Лекин қаёққа, жин урсин, тўппонча қаёққа гумдон бўлиши мумкин? Уни ким олди? Ахир ҳеч кимда йўқ. Астойдил қидирдик. Ҳаммамизни тинтув қилишди... Ҳеч кимда йўқ... Аммо қаердалигини кимдир билади...

Ҳаммаси ақлдан озяпти... Ақлдан озиб бўлишди... ўлишдан қўрқишяпти. Ҳаммамиз ўлишдан қўрқамиз... Мен ҳам ўлишдан қўрқаман... лекин бу ўлишимизга ҳалал беролмайди... «Тобут интизор». Бунда қаерда ўқигандим? Ойимқиз... Уни кузатиш керак. Ҳа, албатта, ундан кўз узмайди...

Чоракам тўрт бўлди... атиги йигирмата кам тўрт. Соат ҳам тўхтаб қолди, шекилли... Ҳеч нарсани тушунмаяпман... мутлақо. Бундай бўлиши мумкин эмасди... Барибир бўлди!.. Нега уйғона қолмаяпмиз? Уйғонинглар – даҳшатли туш ортда қолади! Ўйлай олмаяпман, хаёлларим чувалашиб кетяпти... Бошим. Бошимга нимадир бўлди... Тарс ёрилай деяпти... ортиқ чидолмайман... Бундай бўлиши мумкин эмас... Соат неча? Эй худо! Атиги чоракам тўрт.

Фақат гангиб қолма... Фақат гангиб қолма... Асосийси, гангиб қолмаслик... Шунда бундан осони йўқ. Ахир ҳаммаси икир-чикиригача обдон ўйланган. Лекин ҳеч ким шубҳа қилмаслиги керак. Шунда улар ишонади. Ишонмаслиги мумкин эмас. Кимни танласа экан? Ҳамма гап шунда. Кимни танласин? Менимча... ҳа, ҳа, уни танлайди.

Соат бешга занг урди. Ҳамма сакраб тушди.

– Ким чой ичади? – сўради Вера.

Жимлик чўкди. Ниҳоят Блор жавоб берди.

– Йўқ демайман, – деди у.

Вера ўрнидан турди.

– Бориб чой дамлайман. Сизлар шу ерда қолишингиз мумкин.

– Азизам, – мулойимлик билан уни тўхтатди Уор-
грейв, – бирга чиқиб, қандай чой дамлашингизга
қараб турамиз деб айтсам, назаримда, ҳамманинг
кўнглидаги гапни айтган бўламан.

Вера унга қараб, асабий кулиб қўйди.

– Ҳа, албатта, – деди у. – Шу гапни кутгандим.

Бешаласи ошхонага йўл олди. Вера чой дамлади.
Фақат Блор билан ўзи ичди. Қолганлар вискини аф-
зал кўришди. Янги шишани очиб, қутидан ҳали ишла-
тилмаган идишларни олишди.

– Ўзини асрагани худо ҳам асрайди! – гудранди
судья. Унинг лабида маккорона табассум ўйнади.

Кейин ҳамма меҳмонхонага қайтди. Ёз пайти бўлса
ҳам, у ер қоронғу эди. Ломбард ёққични буради,
лекин чироқ ёнмади.

– Ҳайрон қоладиган жойи йўқ, – деди у, – мотор
ишламаяпти. Рожерс йўқ. Бошқа ҳеч ким қайғурма-
ди. Лекин ўзимиз ҳам ёқа олсак керак, – унинг бу
гапи бир қадар ишончсиз чиқди.

– Омборда бир қути шам кўргандим, – деди су-
дья, – ўйлашимча, шуниси жўнроқ.

Ломбард хонадан чиқди. Қолганлар бир-бирини
кузатишда давом этди. Тез орада Филипп бир қути
шам ва бир даста идиш билан қайтди. Улар бешта
шамни ёқиб, хона бўйлаб қўйиб чиқишди. Соат чора-
кам олтини кўрсатарди.

Олти-ю йигирмада Веранинг тоқати тоқ бўлди.
Хонасига бориб, озроқ виски ичмоқчи бўлди. Боши
лўқиллаб оғриётганди. Турди, эшикка яқинлашди. Бир-
дан эслаб қолди. Ортига қайтиб, қутидан шам олди.
Уни ёқди, мумини идишга томизди, унга шамни қоти-
риб, хонадан чиқиб кетди. Тўртта эркак меҳмонхона-
да қолишди. Вера юқорига чиқиб, йўлакдан ўтди.
Эшикни очиб, остонада ҳайкалдек қотиб қолди. Юра-
ги орқасига тортиб кетди. Денгиз...Сент-Треденник-
даги денгиз ҳиди.

Худди ўша. Адашиши мумкин эмас. Оролда денгиз ҳиди ажабланарли ҳол эмас. Лекин бу дайди денгиз шамоли олиб келадиган ҳид эмасди. Мутлақо! Ўша кунни сув кўтарилишидан кейин соҳилни шу ҳид тутиб кетганди. Айниқса, қуёш сув ўтлари ўсиб ётган қояни аямай қиздирган... ит...

Оролга сузиб борсам майлими, мисс Клейтон? Нега оролга боришим мумкинмас?

Ярамас, таъриясиз бола! Финишдан бошқасини билмасди! Бир ўйлаб кўр. У бўлмаса, Хьюго бой бўларди. Унга уйлана оларди...

Хьюго... Қаердадир шу атрофда, ёнгинасида. Йўқ, менимча, уни хонада кутяпти...

У олдинга қадам босди. Деразадан елвизак эсиб, шам ёлқини пирпирай бошлади. Лоп этди-ю, ўчиб қолди... Хонага зулмат чўкиб, Верани даҳшат чулғаб олди. «Аҳмоқ бўлма, – ўзига-ўзи деди, – нега бунча қўрқасан? Тўртови ҳам ҳозир пастда. Хонада ҳеч ким йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас. Шунчаки алдамчи хаёллар.

Бироқ ўша ҳид, Сент-Треденникдаги қумлоқ соҳил ҳиди алдамчи хаёл эмасди.

Албатта, хонада кимдир бор... Қулоғига ғала-ғовур чалинди. Энди шубҳа қолмади...» Яна қулоқ солди... Шу пайт совуқ, ёпишқоқ қўл аста бўғзидан олди. Қўл, денгиз ҳиди келиб турган қўл...

Вера чинқириб юборди. Даҳшатдан ўзини йўқотиб, бор кучи билан додлай бошлади. Тинимсиз ёрдамга чақирди. Меҳмонхонада қандай тўс-тўполон кўтарилганини ҳам, элва-тасирда курси тарақлаб қандай ағдарилганини ҳам, эшик ланг очилганини ҳам, эркаклар зиналардан сақлаб у томонга елдек учишганини ҳам эшитмади. Бутун вужуди қўрқувдан карахт бўлди. Мана ниҳоят эшик ўрнида митти-митти ёғду кўринди. Эркаклар шам кўтариб, хонага отилиб кирганди. Кейин Вера ўзига келди.

- Жин урсин!?
- Нима бўлди?
- Эй худо, сизга нима қилди?

Вера чўчиб тушди. Олдинга бир қадам ташлаб, полга гурсиллаб қулади. Устига кимдир энгашгандек, кимдир уни ўтқазгандек бўлди. Ярим ҳушсиз аҳволда эди.

Аммо шу пайт кимдир бақирди: «Ана холос, қани, бу ёққа қаранг», – ва у ҳушини йиғиб олди. Кўзини очди, бошини кўтарди. Эркаклар бир жойда тўпланиб, шифтга қараб қўйишарди. У ерда узун денгиз сув ўтлари осилиб турар, шам ёруғида билинар-билинемас йилтирарди. Бўғзидан олган нарса шу экан. Қоронғуда мана шуни нариги дунёдан ўзини ўлдириш учун келган боланинг ёпишқоқ ва ҳўл қўли деб ўйлабди.

Вера жазавада кула бошлади.

– Сув ўтлари... атиги сув ўтлари... Бу ерда бундай ҳид қаёқдан келгани энди тушунарли. – Кейин яна ҳушини йўқотди – кўнгли ағдарилиб кетди. Яна кимдир устига энгашди, яна уни ўтқазиб қўйди.

Назарида, вақт тўхтаб қолгандек эди. Оғзига стакан тутишди – ҳидидан унда коньяк бор эди. У хўпламоқчи бўлди, лекин нимадир бунга йўл бермади, қандайдир ўй миясига ўқдек урилди. Ўзини тутиб, стаканни нари итарди.

– Буни қаердан олдингиз? – қуруққина сўради у.

Блор унга узоқ бақрайиб қолди:

– Ошхонадан олиб келдим.

– Ичмайман, – кескин рад қилди Вера.

Ҳамма бироз довдираб қолди, кейин Ломбард қаҳқаҳа отиб кулди.

– Қойил, Вера! – маъқуллагандек деди у. – Атиги бир дақиқа аввал юрагингиз ёрилай деган бўлса ҳам, тўғри фикрлашдан тўхтамаяпсиз. Пастга тушиб, очилмаган шиша олиб келаман, – шундай деб эшик томон шошилди.

– Энди анча яхшиман, – қатъийсизроқ айтди Вера.
– Яхшиси, сув ича қолай.

Армстронг туришига кўмаклашди. Гандираклаб, Армстронгга осилиб, Вера сув томон борди. Совуқ сувни очиб, стаканни тўлдирди.

– Бекор коньякни рад қилдингиз, – ранжигандек бўлди Блор.

– Ким билсин, – деди Армстронг.

– Унга ҳеч нарса солмадим, – жаҳли чиқди Блор.

– Шунга шаъма қияпсизми?

– Мен ҳам унга нимадир солгансиз демаяпман. Лекин шундай қилишингиз мумкин. Сиз бўлмасангиз, бошқа кимдир ҳар эҳтимолга қарши идишга заҳар солиб қўйиши мумкин.

Хонага Ломбард ўқдек отилиб кирди. Қўлида очилмаган коньяк ва очқич бор эди. Оғзи очилмаган шишани Веранинг бурнига олиб келди.

– Ушланг, ойимқиз. Қўрқмай ичаверинг.

Зарқоғозни йиртиб, тиқинни чиқарди.

– Яхшиям, уйда спиртли ичимликлар мўл. А. Н. Оним деганлари узоқни кўра билар экан.

Вера енгил титрарди. Армстронг стаканни ушлаб турди, Филипп коньяк қўйди.

– Ичинг, мисс Клейторн, – деди доктор, – ҳозиргина кучли ҳаяжонни бошдан кечирдингиз.

Вера коньякдан ҳўплади. Ёноқларига яна қизиллик югурди.

Ломбард кулди.

– Мана, барбод бўлган биринчи қотиллик.

– Мени ўлдирмоқчи бўлишди деб ўйлайсизми? – пичирлади Вера.

– Албатта, қўрқувдан юрагингиз тўхтаб қолишини кутишган! – жавоб берди Ломбард. – Шунақаси ҳам учраб туради, тўғрими, доктор?

Армстронг жавоб беришдан ўзини олиб қочди.

– Ҳм-ҳм, тайинли бир нарса деёлмайман.

Юраги соғлом, бақувват, ёш қиз қўрқувдан ўлиб қолмаса керак. Бошқа томондан... – У Блор олиб келган коньякни олди. Унга бармоғини тиқиб, аста ялаб кўрди. Юзидаги совуққон ифода йўқолмади.

– Менимча, таъми ҳар доимгидек, – иккиланиб айтди у.

Блорнинг ғазаби қайнаб, у томон яқинлашди.

– Заҳарладинг деб кўринг, бўйнингизни синдираман!

Коньяк туфайли ўзини тутиб олган Вера эркакларни чалғитмоқчи бўлди.

– Айтганча, судья қани? – сўради у.

Эркаклар бир-бирига қарашди.

– Нима бўлди, тушунмай қолдим... Назаримда, биз билан чиқаётганди...

– Менимча ҳам, – деди Блор. – Нима дейсиз, доктор? Ортимдан келаётгандингиз.

– Менга орқамдан келаётгандек туюлганди... Албатта, ортда қолиб кетди. Ҳар ҳолда ёши бир жойда одам.

Улар яна бир-бирига қарашди.

– Ҳеч нарсани тушунмаяпман, – деди Ломбард.

– Қидириб келамиз, – таклиф қилди Блор ва эшик томон юрди. Эркаклар унинг ортидан эргашди, Вера энг охири қўзғалди.

Зинадан пастга тушаётганда Армстронг тахмин қилди:

– Менимча, меҳмонхонада қолган.

Улар холдан ўтишди. Армстронг ўқтин-ўқтин баланд овозда чақирарди:

– Уоргрейв! Уоргрейв! Қаердасиз?

Ҳеч қандай жавоб йўқ! Ўлик сукунатни фақатгина ёмғир шитирлаши бузарди. Меҳмонхонага етиб олишгач, Армстронг бирдан қотиб қолди. Қолганлар унга урилиб, елкаси оша ҳар томонга аланглай бошлашди. Кимдир қичқириб юборди.

Судья Уоргрейв хона ўртасидаги оромкурсида ўтирарди. Оромкурсининг икки четида шам ёниб турарди. Лекин бошқа нарса кўпроқ ҳайратга солди, кўпроқ қўрқувга сабаб бўлди. У судьялар ридоси ва ясама сочда эди...

Доктор Армстронг ишора билан уларни тўхтатди, ўзи эса худди маст одамдек чайқалганча судья ўтирган курси томон йўналди. Эгилиб, қотиб қолган юзига қаради. Кейин кескин ҳаракат билан судьядан ясама сочни юлиб олди. Ясама соч полга тушди. Кенг пешона очилди. Унинг ўртасида чуқур тешик пайдо бўлган, ундан қуюқ тўқ қизил суюқлик сизиб турарди... Доктор Армстронг муаллақ осилиб қолган қўлни кўтариб, томирини пайпаслади. Кейин қолганлар ёнига қайтиб, совуққон, сўниқ ва ҳорғин овозда:

– Судьяни отишибди...

– Мана тўппонча, – деди Блор.

Доктор худди шундай сўниқ овозда давом этди:

– Калласига ўқ узишган. Тил тортмай ўлган.

Вера энгашиб, ясама сочга қаради.

– Ахир бу мисс Брент йўқотиб қўйган калава ипку.

– Кеча ваннахонада йўқолган қирмизи парда ҳам, – деди Блор.

– Демак, шунга керак бўлган экан-да, – шивирлади Вера.

Кутилмаганда Ломбард кулгиси янгради. Қаттиқ ва сохта кулги:

– *Бешта негр боласи қозиликни бошлади,*

Бирини суд қилишгач, ночор тўртта қолишди.

Қонхўр судья Уоргрейвнинг куни битди! Энди ҳеч кимни ўлимга ҳукм қилолмайди! Қора қалпоқ киёлмайди! Охирги марта судда раислик қиляпти! Энди бегуноҳларни дорга торта олмайди! Ситон шу ерда бўлса, роса қотиб куларди-да. Кулавериб ичаги узиларди!

Ҳамма гангиб қолди. Ломбард ўзини бунчалик йўқотиб қўйишини ҳеч ким кутмаганди.

– Ахир эрталаб, – гапини бўлди Вера, – менга қотил шу одам деб айтгандингиз.

Ломбард шу заҳоти ўзига келди.

– Сиз ҳақсиз, – деди секин. – Нима дердим, демак, адашибман. Яна биттамыз оқланди... фақат жуда кеч!

Ўн тўртинчи боб

Судьяни ўз хонасига олиб бориб, жойига ётқизишди. Кейин пастга тушиб, холлда анча пайт жим туришди.

– Нима қиламиз? – маъюс сўради Блор.

– Аввал дадиллашиб оламиз. Омон қолиш учун куч керак, – жавоб берди Ломбард.

Улар яна ошхонага йўл олишди. Тил банкасини очишди. Хоҳлар-хоҳламас, иштаҳасиз овқатланишди.

– Энди ҳеч қачон тилга қўл теккизмайман, – деди Вера.

Овқатланиб бўлишгач, ҳеч ким жойидан қўзғалмади.

– Атиги тўртта қолдик, – деди Блор. – Энди навбат кимники?

Доктор Армстронг унга ажабланиб қаради.

– Агар ҳушёр бўлсак, – беихтиёр гап бошлади. Блор дарров гапини бўлди:

– У ҳам шундай деганди... Барибир ўлдику!

– Қандай ўлганини билгим келяпти, – деди Армстронг.

Ломбард сўкиниб қўйди.

– Айёрона ўйланган. Қотил мисс Клейторн хонасига сув ўтлари олиб кирган. Қолган бари ўз-ўзидан содир бўлди. Мисс Клейторнни ўлдиришяпти деб, ҳаммамиз юқорига отилдик. Қотил эса тўс-тўполондан фойдаланиб, чолни ғафлатда қолдирган.

– Ҳеч ким ўқ овозини эшитмади. Буни қандай изоҳлайсиз? – сўради Блор.

Ломбард бош чайқади.

– Бошқа нимани хоҳлайсиз: мисс Клейторн долларди, шамол увилларди, биз унга ёрдам бергани югурдик. Ўзимиз ҳам бақир-чақир қилдик. Бундай вазиятда ўқ овозини қандай эшитасиз? – бироз жимиб қолгач, қўшиб қўйди: – Лекин энди лаққа туширолмайди. Кейинги гал бошқа нимадир ўйлаб топишига тўғри келади.

– Карнайчидан бир пуф, – деди Блор маънодор қилиб. Сўнг Ломбардга қараб қўйди.

– Бу ерда тўрт кишимиз, афсуски, билмаймиз, орамизда ким... – гап бошлади Армстронг.

– Мен биламан, – уни бўлиб қўйди Блор.

– Мутлақо ишончим комил... – деди Вера.

– Ҳеч ҳам шубҳа қилмайман... – дона-дона қилиб айтди Армстронг.

– Мен эса, – уни тўхтатди Ломбард, – ниҳоят тушундим...

Қарашлар тўқнашди.

Вера ўрнидан турди. Оёқлари чалишиб кетди.

– Ўзимни ёмон ҳис қиляпман, – деди у. – Бориб ухлайман... Бошқа чидолмайман.

– Мен ҳам шундай қиламан, – деди Ломбард. – Бир-биримизни томоша қилгандан нима фойда?

– Шахсан мен қарши эмасман, – деди Блор.

– Бундан яхши фикр бўлмайди, – минғирлади доктор. – Ҳолбуки, ҳеч ким мижжа қоқмаса керак.

Ҳамма баравар эшик томон юрди.

– Тўппонча ҳозир қаерда, роса билгим келяпти? – гудраниб қўйди Блор.

Тўртовлон жим зинадан кўтарилишди.

Майдончада чинакамига масхарабозлик бўлди. Ҳар бири ўз хонаси ёнида тўхтаб, эшик дастасидан тутди. Кейин худди аскарлардек баравар хонага кири-

шиб, эшикни ортидан ёпишди. Шу заҳоти зулфинлар шилдираши, калитлар шақир-шуқури ва жиҳозлар тарақтуруқи эшитилди.

Ўлгудек қўрқиб кетган одамлар тундан омон чиқиш учун баррикада қўриб олишди.

Эшик дастасига курси тираб қўйгач, Ломбард енгил тин олди ва стол ёнига яқинлашди. Хира шам ёруғида кўзгудаги юзига узоқ тикилиб турди. Кейин ўзича тўнғиллаб қўйди: «Бу дахмаза ростдан ҳам асабга ўйнай бошлади».

Лабида ёвузларча табассум ялт этди. Тезда ечинди. Кроватга яқинлашиб, соатни жавонча устига қўйди. Ғаладонни тортиб, кўзининг пахтаси чиқиб кетай деди. Ғаладонда тўппонча ётарди...

Вера Клейторн ўринда ётарди. Бош томонига шам ёқиб қўйди. Қоронғидан қўрқарди.

Эрталабгача менга ҳеч нарса бўлмайди, – гўё афсун ўқигандек ичида такрорларди. – Ўтган тунда ҳеч нарса бўлмади, бугун тунда ҳам ҳеч нарса бўлмайди. Бирор нарса бўлиши мумкин эмас. Эшик қулфланган, зулфин солинган. Ҳеч ким кира олмайди...

Калласига келган фикрдан чеҳраси ёришиб кетди: «Ахир шу ерда қолишим мумкинку! Хонада қоламан. Ҳеч қаёққа чиқмайман! Овқат емаса нима! Ёрдам етиб келгунча шу ерда қолиши мумкин! Бир, йўқ, икки кун ўтирса бас...

Шу ерда қоламан. Шундайликка шундайку, бироқ шунча вақт қамалиб ўтира олармикан?! Ўззуккун хаёллар гирдобида ёлғиз қолади. Ахир гаплашадиган ҳеч ким бўлмайди. Бирор нарса билан ўзини чалғита олмайди ҳам...»

Хаёллар уни яна Корнуоллга, Хьюгога ва Сирил билан охирги суҳбати томон етаклади: «Ярамас бола, нуқул зорланиб гинширди... Мисс Клейторн, нега қояга боришим мумкинмас? Сузиб бора оламан. Гаров ўйнай-мизми, сузиб бораман?..

Наҳотки унга жавоб берди? Ҳа, албатта, Сирил, сузиб бора оласан! Бунга шубҳа қилмайман».

«Унда қояга сузиб борсам бўладими, мисс Клейторн?»

«Биласанми, Сирил, ойинг барибир рухсат бермаса керак. Кел, шундай қиламиз. Эртага қоягача сузиб борасан. Бу вақт ичида мен ойингни гапга солиб чалғитаман. Йўқлигингни билиб қолганда эса аллақачон қоядан туриб, унга қўл силкиётган бўласан! Роса хурсанд бўлади-да!»

«Зўрсиз, мисс Клейторн! Вой, қандай яхши!» «У эртага деб сўз берди. Эртага Хьюго Ньюкига кетади. Қайтиб келгунча ҳаммаси тамом бўлади...

Агар ҳаммаси барбод бўлса-чи? Чаппасига айланиб кетса-чи? Сирилни қутқаришга улгуришса-ю, у: «мисс Клейторн қоягача сузиб боришимга рухсат берди!» – деса-чи?!

Нима бўпти? Таваккал қилади. Бирор нарса бўлса ҳам, сурбетларча ҳаммасини инкор қилади: «Уялмайсизми, Сирил! Сизга ҳеч қачон рухсат бермаганман». Унинг гапларига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Чунки боланинг ўзи хоббонироқ. Унга кўп ҳам ишонишмасди. Сирил, албатта, ёлғон гапирганимни билади. Билса нима... Лекин йўқ, ҳеч нарса барбод бўлмайди. Дарров ортидан сузади. Албатта, қувиб етишга улгурмайди. Кейин ҳеч ким ҳеч қачон билиб қолмайди...

Хьюго билиб қолдими? Шунинг учун унга ғалати, бегоналарча қараб қўйдими?.. Хьюгонинг кўнгли сездими? Шунинг учун терговдан кейиноқ жўнаб кетдими?

Унга мактуб ёзди, бироқ жавобсиз қолди.

Хьюго...

Вера тинимсиз ағдариларди. «Йўқ, йўқ, Хьюго ҳақида ўйламаслиги керак. Бу жудаям азобли. Унут, унут; уни умрбод унут... Хьюгони миянгдан чиқариб таш-

ла... Аммо нима учун бугун оқшом Хьюго ёнгинасида тургандек туюляпти?»

Кўзини кўтариб, шифт ўртасида катта қора илмоқни кўрди. Аввал уни пайқамаган экан. Сув ўтлари унга осилиб турган...

Ёпишқоқ сув ўтлари бўғзидан олганини эслаб, яна сесканиб кетди. «Бемаъни илмоқ қаёқдан пайдо бўлди?» Қора илмоқ хаёлини банд қилиб, ўзига мафтун қиларди...

Собиқ инспектор Блор кроват четида ўтирарди. Қонга тўлган кўзлари ҳар томонга безовта алангларди. Шу туриши душманига ташланишга шай ёввойи тўнғизни эслатарди.

Ухлашни хоҳламасди. Хавф жуда яқин. Ўнтадан атиги тўрттаси тирик қолди. Судья ҳам худди қолганлардек ҳалок бўлди. Ахир у ақли, ҳушёр ва айёр эди.

Блор жаҳл билан гўлдиради. «Чол нима деб алжироганди? «Огоҳ бўлишимиз керак».

Ўзига бино қўйган иккиюзламачи, бир умр судда ўтириб, ўзини салкам худо деб билишга ўрганиб қолган. Лекин унинг ҳам навбати келди... Доим огоҳ эди! Хўш, бу унга ёрдам бердими?!

Улар атиги тўртта қолишди. Қиз, Ломбард, Армстронг ва ўзи. Ҳадемай улардан кимнингдир гали келади... Лекин ким бўлмасин, фақат Уильям Генри Блорнинг эмас. Ўзи учун қайғура олади. (Агар тўппонча бўлмагандами... Тўппонча қаерда – унга шу ўй тинчлик бермасди.)»

Блорнинг пешонаси тиришди, қорачиқлари торайди – барибир ётолмай, боши қотиб ўйларди. Тўппонча қаерда бўлиши мумкин?! Сув қуйгандек жимжитлик. Фақат пастда соат чиқиллайди. Ярим тун. Блор анча бўшашди. Ҳатто ёнбошлаб олди. Лекин ечиниб ўтирмади.

Ёнбошлаб ўйлади. Худди Скотланд-Ярдда ишлаб юрган пайтларидагидек синчковлик билан бўлиб ўтган

воқеаларни бирма-бир хаёлидан ўтказди. Тагига етмагунча қўймайди.

Шам тугай деб қолди. Блор қўли билан пайпаслаб, гугурт қаерда турганини билгач, шамни пуфлади. Бироқ қоронғида ўзини алланечук ҳис қилди. Гуё бутун дунё даҳшатлари унга ёпирилгандек, уни маҳв этмоқчидек туюлди. Кўз ўнгидан таниш чехралар липлип ўта бошлади. Мазах қилишгандек кулранг калавадан ясама соч кийдириб қўйилган судья, донг қотиб қолган миссис Рожерс, буришган ва кўкариб кетган Марстон... Яна бир чехра – бўздек оқариб кетган, кўзойнакли, мўйловдор... уни қаердадир кўрган, лекин қаерда? Бу ердасиз, оролдасиз. Анча аввал. Қизиқ, нега бу одамнинг исмини ҳеч ҳам эслай олмапти. Тўғриси айтганда, анча тўмтоқ чехра... калтабинга ўхшайди.

Ҳа, албатта! Бирдан эсига тушди. Ландор.

Ажаб, лекин уни деярли унутибди. Ахир кеча ҳам кўриниши қандайлигини эслашга уриниб, ҳеч ҳам эс-ламаганди. Энди бўлса, кечагина хайрлашишгандек аниқ-тиниқ кўриб турибди...

Ландорнинг озғингина, кўзи доим олазарак хотини бўларди. Қизи ҳам бор эди. Чамаси ўн тўрт яшар. Кейин уларга нима бўлгани ҳақида илк марта ўйлаб қолди.

(Тўппонча. Қаерда бўлиши мумкин ахир? Ҳозир фақат шуни ўйлаш керак...) Қанча кўп ўйлагани сари тўппонча қасққа қўйиб бўлгани ҳақида тахминлари шунча кўп чуваларди... Учовидан биттаси олган, бошқача бўлиши мумкин эмас.

Пастдаги соат занг урди. Бир. Блор сергак тортди. Кроватга ўтирди. Эшик ортида билинар-билинемас шовқин эшитилди. Зимистон уйда кимдир юрарди. Пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди. Ким, ким?! Бунча секин, яширинча йўлакда изғиб юрган ким? Ким бўлмасин, ундан яхшилик кутиб бўлмайди!

Блор бесўнақай гавдасига қарамай, кроватдан сирғалиб тушди. Товуш чиқармай эшик ёнига борди ва ташқарига қулоқ тутди. Бу гал ҳеч нарса эшитилмади. Шундай бўлса-да, Блор хато қилмаганига ишончи комил эди. Кимдир эшиги ёнидан ўтиб кетди. Тепа сочи тиккайиб кетди. Яна қўрқув босди... Кимдир тунда писиб юрибди... Яна қулоғини эшикка тутди. Ҳеч нарса эшитилмади. Вужудини ғайришуурий хоҳиш эгаллаб олди. Хонадан чиқиб, йўлакда нима бўлаётганини кўргиси, қоронғида ким дайдиб юрганини билгиси келди. Йўқ-йўқ, бундан ортиқ аҳмоқлик бўлмайди. Йўлакдаги кимса фақат шуни кутяпти. Эҳтимол, атайлаб эшик тагида изғиб, Блор йўлакка отилиб чиқишини пойлаётгандир.

Блор тошдек қотди. Вужуди қулоққа айланди. Ҳар томондан шитирлашлар, сирли шивир-шивирлар келаётгандек туюлди, лекин Блорнинг ўжар ва ҳушёр идроки қўрқувга қаршилиқ қиларди. Буларнинг бари атиги алдамчи тасаввур ҳосиласи эканини тушунарди. Бирдан қулоғига шовқин эшитилди. Буниси ҳақиқий эди. Секин, эҳтиёткор, аммо диққат билан қулоқ тутилса, эшитиш мумкин бўлган қадам товушлари. Қадам товуши эшиги ёнидан ўтиб кетди (ахир Ломбард билан Армстронгнинг хонаси йўлакнинг у ёғида). Тўппа-тўғри.

Блор энди иккиланмасди. Нима бўлса бўлар, лекин қоронғи уйда ким санғиб юрганини билиши керак.

Энди қадам товушлари зина томондан эшитиларди. Қизиқ, қаёққа кетяпти? Агар Блор ишга киришса, буни ўзига ярашмаган чаққонлик билан қиларди. Оёқ учида кроват ёнига келди, чўнтагига гугурт тикиб, чироқ симини розеткадан тортиб олди. Уни тунги чироқнинг хромланган оёқчасига ўради. Нимадир бўлса, эбонит тагликли оғир чироқ бемалол қурол ўрнини босади.

Шовқин солмасликка уриниб, эшик дастасига тиралган курсини олди, зулфинни суриб, эшикни очди

ва йўлак бўйлаб юрди. Холдан билинар-билинемас шитир-шитир эшитиларди. Блор товуш чиқармай – у пайпоқчан эди – зина ёнигача етиб келди. Нима учун ҳамма товушлар бунчалик аниқ эшитилаётганини энди тушунди. Шамол тиниб, ҳаво очилган эди. Деразадан тушиб турган ой нурида Блор катта эшикдан кимдир ташқарига чиқиб кетганини кўрди.

Ортидан ташланмоқчи бўлди-ю, бирдан хатосини тушуниб қолди. Яна лаққа тушай деди. Авраб уйдан чиқариш учун унга тузоқ қўйишган!

Лекин бу маккор бир нарсани ҳисобга олмабди. Энди ўзи Блорнинг қўлида. Ахир учта хонадан бири, шубҳасиз, бўшаб қолган. Кимникилигини билиш қоляпти!

Блор шошилганча йўлакка қайтди. Аввалига Армстронг эшигини тақиллатди. Ҳеч қандай жавоб йўқ. Бир дақиқа кутиб тургач, Ломбард хонасига йўналди. У шу заҳоти овоз берди:

– Ким у?

– Бу мен, Блорман. Армстронг хонасида йўқ. Бир дақиқа кутиб тулинг.

У кейинги эшикка югурди. Тақиллатди.

– Мисс Клейторн! Мисс Клейторн!

– Нима бўлди? Ким у? – Веранинг саросима тўла овози эшитилди.

– Қўрқманг, мисс Клейторн. Бир дақиқа кутиб тулинг. Мен ҳозир.

У яна Ломбард хонасига қайтди.

Хона эшиги очилди. Остонада Ломбард турарди. Чап қўлида шам ушлаб олган. Пижамаси устидан шим кийиб олишга ҳам улгурди. Ўнг қўлини пижамаси чўнтагига тиқиб олган.

– Нима гап? – сўради у.

Блор икки оғиз гап билан нима бўлганини тушунтирди.

Ломбарднинг кўзи чақнаб кетди.

– Демак, бу Армстронг. Ана холос. – Шундай деб доктор эшиги томон юрди. – Кечирасиз, Блор, – деди у, – лекин ҳозир ўз кўзим билан кўрсамгина ишонаман.

У эшикни тарақлатди.

– Армстронг! Армстронг!

Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Ломбард тиззалади ва қулф тирқишига қаради. Унга жимжилогини тикди.

– Калит йўқ, – деди у.

– Шундай бўлиши керак. Армстронг хонани қулфлаб, калитни ўзи билан олиб кетган.

– Мутлақо табиий эҳтиёткорлик, – маъқуллади Филипп. – Ортидан, Блор... Бу гал уни қўлдан чиқармаймиз! Бир дақиқа! – У Вера эшигига югурди. – Вера!

– Ҳа?

– Биз Армстронгни қидиргани борамиз. Қаергадир кетибди. Нима бўлган тақдирда ҳам, эшикни очманг. Тушундингизми?

– Тушундим.

– Агар Армстронг пайдо бўлиб, мени ёки Блорни ўлди деса, унга қулоқ солманг. Хўпми? Эшикни фақат иккаламизга, мен билан Блорга очасиз. Сизга овоз берамиз. Тушундингизми?

– Тушундим. Бунча аҳмоқ эмасман.

– Унда яхши, – деди Ломбард.

У Блорга етиб олди.

– Энди ортидан! Ов бошланди!

– Ҳушёр бўлишимиз керак, – деди Блор. – Эсингизда бўлсин, унда тўппонча бор!

– Шу ерда адашяпсиз, – кулиб қўйди Филипп. Зинадан тез тушиб, эшикни очди. – Лўкидон сурилмаган, – пайқаб қолди у, – демак, Армстронг исталган дақиқада қайтиши мумкин... Умуман олганда, тўппонча яна менда, – дея қўшиб қўйди ва чўнтагидан ярмини чиқариб, Блорга кўрсатди. – Бугун кеч-

қурун жавончада кўриб қолдим. Аввалги жойига ташлаб қўйишибди.

Блор остонада қоққан қозиқдек қотиб қолди. Юзи ўзгариб кетди.

Филипп бун пайқаб, жаҳл билан деди:

– Аҳмоқ бўлманг, Блор! Сизни ўлдирмоқчи эмасман. Хоҳдасангиз, хонангизга қайтиб, яна баррикада қуриб олинг-да, ўша ерда бемалол ўтираверинг, мен Армстронг ортидан бораман. – Сўнг ой нури ёритиб турган майдончага чиқди.

Блор бироз иккилангач, унинг ортидан эргашди. «Афтидан, билиб туриб тиканга оёқ босяпман, – ўйлади у. – Лекин қачон шундай бўлмаган. Ахир қуроолланган жиноятчига биринчи марта дуч келмаяпманку».

Блорда ўзига яраша камчиликлар бўлса ҳам, мутлақо қўрқоқ одам эмасди. Хавф-хатарни писанд қилмасди. Хавф, оддий ва тушунарли хавф-хатарлар қанчалик таҳдид солмасин, бундан қўрқувга тушмасди. Аммо тушунарсиз, ғайритабиий нарсалар дилида ваҳм уйғотарди.

Вера улар қайтгунча туриб кийиниб олишга қарор қилди. Ўқтин-ўқтин эшикка қараб қўярди. Тахтаси қалин, калит, зулфин, дастасига эман курси тираб қўйилган. «Бунақа эшикни Армстронгдан анча бақувватроқ одам ҳам бузиб киролмайди. Унинг ўрнида бўлсам, – ўйлади Вера, – куч билан эмас, айёрлик билан иш тутган бўлардим».

Вера вақт ўлдириш учун Армстронг нималар қилиши мумкинлигини ўзича тасаввур қилмоқчи бўларди. Худди Ломбард тахмин қилганидек, пайдо бўлади. Иккаласи ҳам ўлганини хабар қилади ёки ўзини ярангандек кўрсатиб, хонага инграганча судралиб киради.

У бошқа ҳолатларни ҳам тасаввур қиларди. Масалан, уйда ёнғин бошланди деб бақиринишга тушади. Энг ёмони, ростдан ҳам уйни ёқиб юбориши мумкин... Тўғри-да, нега энди ёқмасин? Эркакларни ав-

раб уйдан чиқарди. Бундан аввал полга бензин тўкиб чиққан. Энди гугурт чақиб юборса бас. У бўлса, аҳмоққа ўхшаб хонасида қамалиб ўтираверади. То нафаси бўғилиб, ташқарига отилмагунча...

У деразага яқинлашди. Ана, чора ҳам топилди. Нимадир бўлса сакраши мумкин. Баланглик қилади, албатта. Лекин пастда гулзор бор.

Вера стол ёнига ўтириб, кундалигини очди ва катта-катта ҳарфлар билан уни тўлдиришга киришди. Вақт имиллаб ўтяпти.

Бирдан сакраб тушди. Пастда нимадир синди. «Ойнамасми», – деб ўйлади у. Қўлоғини динг қилди, лекин яна ҳаммаёқ жимиб қолди.

Кейин оҳиста босилган қадам товушлари, зина ғийчиллаши, кийимлар шитирлаши эшитилди. Балки унга шундай туюлгандир. Худди Блорга ўхшаб у ҳам буни қуруқ хаёлларга чиқарди.

Бироқ кўп ўтмай, бошқа, бу гал яққол товушлар янгради. Товуш пастдан келарди. У ерда юришарди, ўзаро гаплашишарди. Сўнг зинада жуда аниқ қадам товушлари эшитилди. Эшик тарақлади. Кимдир шундоқ тепасида чордоқ бўйлаб у ёқдан бу ёққа юргандек бўлди. Мана қадам товуши унинг эшиги ёнида.

– Вера? Шу ердасизми? – уни чақирди Ломбард.

– Ҳа. Нима бўлди?

– Эшикни очасизми? – деди Блор.

Вера эшикка яқинлашди, курсини олиб, калитни буради. Зулфинни суриб, эшикни очди. Эркаклар ҳансирар, уст-боши жиққа хўл эди.

– Нима бўлди? – такрорлади Вера.

– Армстронг ғойиб бўлди, – деди Ломбард.

– Қанақасига? – қичқириб юборди Вера.

– Ғойиб бўлди, – деди Ломбард. – Оролда йўқ.

– Худди шундай. Ғойиб бўлди, – тасдиқлади Блор.

– Кўзларимга ишонмай қолдим. Фирт кўзбойлогич экан.

Қисқаси, қўл чаққон бўлса, фирибгарлик қилиш ҳам шартмас.

– Сафсата, – чўрт кесди Вера. – Яширинган.

– Йўқ ахир, – этироз билдирди Блор, – бу ерда яширинадиган жойнинг ўзи йўқ. Қоя яйдоқ. Бундан ташқари, бўлут тарқаб, ой чиққан. Ҳаммаёқ кундузидек ёп-ёруғ. У эса ҳеч қаерда йўқ.

– Билдирмасдан яна уйга кириб олган, – деди Вера.

– Биз ҳам бу ҳақда ўйладик, – деди Блор, – шунинг учун ертўладан чордоқча қидириб кўрдик. Юрганимизни ўзингиз ҳам эшитган бўлсангиз керак. Лекин уйда йўқ. Ер ютгандек ғойиб бўлди...

– Бўлиши мумкин эмас, – шубҳаланди Вера.

– Афсуски, чин ҳақиқат, – деди Ломбард. – Яна бир нарсани айтиб қўймоқчиман. Ошхонадаги дераза синган. Столда эса атиги учта занжи боласи турибди.

Ўн бешинчи боб

Учаласи ошхона столи атрофида жам бўлишиб, нонушта қилишди. Қуёш чарақларди. Ҳаво жуда ажойиб. Кечаги довул бирпасда унут бўлди. Об-ҳаво ўзгариши билан асирлар кайфияти ҳам ўзгарди. Улар ўзини гўё даҳшатли тушдан уйғониб кетган одамдек ҳис қилишарди. Албатта, хатар ортда қолмади, лекин кундузи бу унчалик қўрқинчли туюлмасди. Ташқарида ёввойи шамол қутуриб, ҳаммасини қўрқинч либосига йўргаклагандек қимир этишига имкон бермаган даҳшат ортда қолди.

– Тоғнинг энг баланд чўққисига чиқсак-чи, – таклиф қилди Ломбард, – ўша ердан кўзгу орқали сигнал берамиз. Балки тепаликларда бу «SOS»лигини тушуниб етадиган бирорта азамат сайр қилиб юргандир. Кечқурун бўлса гулхан ёқишимиз мумкин... Тўғри,

бизда ўтин кам. Бундан ташқари, қишлоқдагилар ўйин-кулги қилишяпти деб ўйлашади.

– Менимча, қирғоқда барибир кимдир Морзе алиф-босини билади. Кейин кечқурунгача бизга қайиқ жўнатишади, – деди Вера.

– Осмон ёришди, – деди Ломбард. – Лекин денгиз анча нотинч. Тўлқин баланд, шундай экан, эртагача бирорта қайиқ оролга яқинлаша олмайди.

– Яна бир кеча шу ерда бўламизми?! – даҳшатга тушди Вера.

Ломбард елка қисди.

– Илож қанча! Бир кундан кейин бу ердан кетамиз деган умиддаман. Атиги бир кун чидаб турсак, бас, қутуламиз.

Блор томоқ қирди.

– Обдон ўйлаб олиш керак, – деди у. – Армстронгга нима бўлди?

– Тахмин қилишга бизда асос бор, – деди Ломбард. – Ошхонада атиги учта негр боласи қолди. Шундайми, демак, Армстронгни ўлдиришган.

– Унда нима учун мурдасини тополмадик? – сўради Вера.

– Тўппа-тўғри, – Верага қўшилди Блор.

Ломбард бош чайқади.

– Ҳа, бу жуда ғалати, – деди у. – Бу ерда бошқа гап бор.

– Уни денгизга ташлаб юборишган, – тахмин қилди Блор.

– Ким? – Блорга ўдағайлади Ломбард. – Сизми? Менми? Ўйдан қандай чиққанини кўрдингиз. Орқага қайтиб, мени чақирдингиз. Мен ўз хонамда эдим. Бирга уйни ҳам, ён-атрофни ҳам қидириб чиқдик. Ўзим ҳам қизиқиб кетяпман, хўш, уни қачон ўлдириб, камига яна оролнинг нариги бурчагига судраб борган бўлишим мумкин?

– Буни мен билмайман, – деди Блор, – лекин бир нарсани аниқ биламан.

– Айнан нимани? – қизишди Ломбард.

– Сизда тўппонча бўлганини. Ҳозир яна сиздалигини. Уни ўғирлашганини ҳеч ҳам исботлай олмайсиз.

– Беҳуда гапни қўйинг, Блор. Ахир ҳаммамизни тинтув қилишдику.

– Нима бўпти? Тинтувгача беркитган бўлишингиз мумкин. Кейин яшириб қўйган жойингиздан олгансиз.

– Фирт каллаварам экансиз, ахир сизга айтдимку, ғаладонга ташлаб қўйишган. Кўрган заҳоти ўзим ҳам қарахт бўлиб қолдим.

– Мени ким деб ўйлаяпсиз? – деди Блор. – Айтганча, нега энди Армстронг, ҳа, майли, Армстронг бўлмасин, бошқа кимдир яна сизга тўппонча ташлаб қўйиши керак?

Ломбард эсанкираб елка қисди.

– Тасаввур ҳам қилолмайман. Фирт бемаънилик. Бу кимга керак бўлганини тушунмаяпман. Умуман мантиқсиз.

– Ҳа, бу ерда мантиқ йўқ. Ундан кўра дурустроқ нарса ўйлаб топсангиз бўларди, – киноя қилди Блор.

– Ахир бу алдамаётганимни исботламайдими?

– Мен бошқача фикрдаман.

– Сиздан бошқасини кутмагандим ҳам, – деди Ломбард.

– Менга қаранг, Ломбард, ўзингиз даъво қилаётган ҳалол одам деган номдан жудо бўлишни хоҳламасангиз...

– Айнан шунга ҳеч қачон даъво қилмагандим, – тўнғиллади Ломбард. – Нега бундай деяпсиз?

Блор хотиржам давом этди:

– Агар бизга ҳақиқатни айтган бўлсангиз, фақат бир нарса қилишингиз қоляпти. Тўппонча сизда экан, мен билан мисс Клейторнга ҳукмингизни ўтказа olasиз. Агар ҳаммаси виждонан бўлишини хоҳласангиз,

тўппончани ҳам сейфга солиб қўйинг. Калитларни аввалгидек сиз билан мен олиб юрамиз.

Филипп Ломбард сигарет туташтириб, чуқур-чуқур гортди.

– Нима, жинни бўлганмисиз? – сўради у.

– Демак, таклифимдан воз кечяпсизми?

– Ўйлаб ўтирмасдан. Тўппонча меники. Уни ҳеч кимга бермайман.

– Ундай бўлса, – деди Блор, – биз ҳам аниқ бир тўхтамга келиб қоляпмиз. Сиз аслида ўша...

– А.Н. Оним, тўғрими? Мени ким деб ўйласангиз ўйлайверинг. Лекин агар шундай бўлса, нима учун сизларни кеча тунда ўлдирмадим? Ахир қулай фурсат керагидан кўп эди.

– Тўғри айтяпсиз. Бу ростдан ҳам тушунарсиз, – бош чайқади Блор. – Эҳтимол, сизда қандайдир сабаблар бордир.

Вера шу пайтгача баҳсни четда кузатиб турганди. Аммо чидаб туролмади.

– Иккалангиз ҳам аҳмоқлик қияпсизлар, – деди у.

– Нега энди? – унга тикилиб қолди Ломбард.

– Нима, санок шеърни унутдингларми? Ахир унда жумбоққа ечим бор.

Кейин дона-дона қилиб хиргойи қилди.

Тўртта негр боласи чўмилдилар денгизда,

Бири қармоққа тушди, учовлон қолди бирга.

– «Қармоққа тушди» – мана сизларга жумбоқнинг калити. Устига-устак, анча жиддий. Армстронг тирик, – давом этди Вера, – бизни ўлимига ишонтириш учун ҳайкалчани атайлаб ташлаб юборган. Нима десанглар майли, лекин ишончим комил, Армстронг шу ерда, оролда. Унинг ғойиб бўлиши шунчаки тузоқ. Биз илинишимиз керак бўлган қармоқ.

Ломбард курсига ўтириб қолди.

– Ўйлаб кўрсам, гапида жон бор, – деди у.

– Сизнингча бўла қолсин, – деди Блор.

– Барибир, Армстронг қаерда ахир? Бутун оролни ағдар-тўнтар қилдик. Тешиги ҳам қолмади.

– Хўш, нима бўпти? – истехзо билан қўл силтади Вера. – Вақтида тўппончани ҳам қидириб тополма-гандик. Шундай бўлса ҳам, у оролда, шу ерда экан.

– Биласизми, одам билан тўппонча ўртасида анча катта фарқ бор, – тўнғиллади Ломбард. – Ақалли ўлчамида.

– Хўш, нима бўпти? – ўжарлик қилди Вера. – Барибир тўғри айтяпман.

– Нега энди А.Н. Оним қармоқ ҳақида саноқ шеър билан ўзини фош қилиши керак? Бемалол бош-қача йўл тутиши мумкинку.

– Савдойига дуч келганимизни наҳотки тушунма-ётган бўлсангиз?! – дағдаға қилди Вера. – Ахир фа-қат телба одамгина саноқ шеърга айнан мутаносиб-ликда жиноят кетидан жиноят қилиши мумкин! Судьяга ясама соч кийдириш, Рожерсни ўтин ёраётганда ўлди-риш, миссис Рожерсга қайта уйғона олмайдиган да-ражада уйқу дори тиқиштириш, мисс Брент ҳалок бўлган хонага ари қўйиб юбориш – ахир буларнинг ҳаммаси гўдакларга хос ўжарлик билан қилинган! Ҳаммаси, деярли ҳаммаси мос келяпти!

– Тўғри айтяпсиз, – маъқуллади Блор. – Лекин бу ерда ҳайвонот боғи йўқлиги аниқ. Шундай экан, саноқ шеърни бузмаслик учун бу ёғига қандай йўл тутиши-ни билмайман.

– Ҳалиям тушунмадингизми? – бидирлади Вера. – Бизда одамликдан асар ҳам қолмади. Ҳозирнинг ўзида ҳайвонот боғига жўнатиш мумкин. Шундай экан, мана сизга ҳайвонот боғи.

Бутун тонгни тоғда ўтказишди. Ҳар бири навбати билан кичкина кўзгу ёрдамида қирғоққа сигнал юбо-ришди. Таассуфки, ҳеч ким уларни пайқамади. Чун-ки жавоб сигналидан дарак бўлмади. Кун ажойиб, Девон қирғоғини сийрак туман қоплаб олганди. Ден-

гизда улкан тўлқинлар шиддат билан қояга уриларди. Денгизга битта ҳам қайиқ чиқмади. Улар яна оролни қидиришга киришди. Аммо Армстронгдан ном-нишон ҳам топишолмади.

– Очиқ ҳавода ўзингни анча яхши ҳис қиласан, – деди Вера. Уй томонга қараб қўйди, кейин анча пайт жим қолди. Ниҳоят дилидагини айта бошлади: – Келинглар, шу ерда қоламиз. У ёққа қайтгим келмаяпти.

– Ажойиб фикр, – деди Ломбард. – Шу ерда эканмиз, қўрқишга сира ҳожат йўқ. Кимдир ҳужум қилмоқчи бўлса, уни узоқдан кўра оламиз.

– Ҳаммаси ҳал, шу ерда қоламиз, – деди Вера.

– Лекин тунда барибир қайтишга тўғри келади, – эътироз билдирди Блор, – очиқ жойда тунаб бўлмайди.

Вера қалтираб кетди

– Бу ҳақда ўйлагим ҳам келмаяпти. Бундай тунга бошқа дош беролмайман.

– Хонангизга қамалиб оласиз. Кейин мутлақо хавфсизликдасиз, – деди Филипп.

– Балки гапингиз тўғридир, – ишончсиз минғирлади Вера. – Барибир қуёшда тобланиш жуда ёқимли, – кейин у ҳузурланиб керишди.

«Энг қизиғи, – ўйлади у, – ўзимни ҳатто бахтли сезяпман. Ахир хавф ортида қолмади... Лекин бундан безовталанмаяпман. Ҳар ҳолда кундузи... Ўзимни кучли ҳис қиляпман... Ўлмаслигимни ҳис қиляпман...»

Блор соатига қаради.

– Икки бўлди, – деди у. – Тушлик қиламизми?

– Йўқ, йўқ, мен уйга бормайман. Шу ерда, тоза ҳавода қоламан.

– Кераги йўқ, мисс Клейторн. Унда ҳолсизланамиз. Кучли бўлишимиз керак.

– Консерваланган тилни кўришим билан кўнглим айнаиб кетади. Овқатлангим келмаяпти. Кўп эшитган-

ман, одамлар озмоқчи бўлса, кунлаб овқатланмай юраркан.

– Менга келсак, – деди Блор, – овқатсиз иложи йўқ. Сиз нима дейсиз, жаноб Ломбард?

– Консерваланган тил мени ҳам меъдамга тегди, – деди Ломбард. – Яхшиси, мисс Клейторнга шерик бўламан.

Блор иккиланиб қолди.

– Мендан хавотир олманглар, – деди Вера. – Менга ҳеч нарса бўлмайди. Кетишимиз билан уни ўлдиради деб ўйласангиз, менимча, хавотирингиз ортиқча.

– Ўзингизга ҳавола, – деди Блор. – Лекин бирга бўлишга келишиб олгандик.

– Ажал маконига бормасангиз бўлмайдимиз? – сўради Ломбард. – Балки бирга борарман?

– Шарт эмас, – деди Блор. – Шу ерда қолинг.

– Аҳ-ҳа, демак, барибир мендан қўрқяпсиз? – мириқиб кулди Филипп. – Нимага тушунмайсиз, хоҳласам, шу жойнинг ўзидаёқ иккалангизни ҳам отиб ташлашим мумкин эди?

– Тўғри, лекин унда режадан четга чиқишингизга тўғри келарди, – деди Блор. – Режангиз бўйича лаънати санок шеърга айнан мутаносибликда бирин-кетин ўлим топишимиз керак.

– Негадир бу ҳақда ортиқча ишонч билан гапиряпсиз?! – норози тўнғиллади Филипп.

– Ростини айтсам, ўша ғурбат уйга бораётганимни ўйлаган заҳоти томирим тортишиб қоляпти, – деди Блор.

– Демак, – овозини пасайтирди Филипп, – тўппончани бериб туришимни хоҳлайсизми? Унда эшитинг, йўқ, йўқ, бермайман! Бунчалик аҳмоқ эмасман!

Блор елка қисди ва тик қоя бўйлаб уй томон юрди.

– Ҳайвонот боғида тушлик бошланяпти, – деди Ломбард. – Ҳайвонлар белгиланган соатда овқатланишга ўрганган.

– Блор хавф остида деб ўйлайсизми? – хавотирланди Вера.

– Айтарли хатар кўрмаяпман. Армстронгда қурол йўқ. Блор ундан икки марта кучлироқ. Бундан ташқари, жуда сергак. Энг муҳими, Армстронг у ерда бўлиши шунчаки мумкин эмас. Бунга ишончим комил.

– Лекин Армстронг у ерда бўлмаса, демак...

– Демак, бу Блор, – деди Филипп.

– Ростдан шундай деб ўйлайсизми?..

– Қулоқ солинг, ойимқиз, Блор версияси сизга маълум. Агар Блор алдаётган бўлса, Армстронг ғойиб бўлишига алоқаси йўқ. Унинг ҳикояси мени оқлайди. Лекин ўзини эмас. Қадам товушини эшитиб, уйдан кимдир чиқиб кетганини кўрдим деяпти. Лекин алдаётган бўлиши ҳам мумкин. Айтайлик, бундан икки соат олдин Армстронгни тинчитиб бўлган-у...

– Қандай қилиб?

Ломбард елка қисди.

– Бу бизга маълум эмас. Фикримни билмоқчимисиз. Қўрқишимиз керак бўлса, фақат Блордан қўрқиш керак. У ҳақда нима биламиз? Деярли ҳеч нарса. Полицияда ҳам ҳеч қачон хизмат қилмаган бўлиши истисно эмас. Исталган одам бўлиши мумкин: ақлдан озган миллионер, телба бизнесмен, қочоқ маҳбус. У ҳақда фақат бир нарсани биламиз. Бу жиноятларни бемалол қилиши мумкин эди.

Вера оқариб кетди.

– Бизни ҳам ўлдирмоқчи бўлса-чи? – аранг пичирлади у.

Ломбард чўнтагидаги тўппончани пайпаслаб қўйди.

– Хавотир олманг, – секин деди у, – менга ишонинг. – Кейин қизга қизиқиш билан қаради: – Менга кўр-кўрона ишонч билдиряпсиз... Нима учун сизни ўлдирмаслигимга ишонасиз?

– Ахир кимгадир ишониш керакку, – деди Вера. – Ўйлашимча, Блор масаласида адашяпсиз. Мен ҳалиям

қотил Армстронг деб ўйлаяпман. Сизга гўё оролда биздан бошқа кимдир бордек туюлмаяптими, – у Филиппга ўгирилди, – Ўша кимдир бизни кузатиб, пойлаб юргандек

– Бу фақат асабдан.

– Демак, сизга ҳам шундай туюляпти? – Ломбард томон бостириб борди Вера. – Айтинг-чи, мабодо хаёлингизга... – гапида тутилиб қолди, лекин шу заҳоти давом эттирди: – Бир китоб ўқигандим. Унда иккита судья ҳақида ҳикоя қилинади. Улар олий суд вакили сифатида Америкадаги шаҳарчага келишади. Чинакам, мутлақо одилона суд қилиш учун.

Алқисса, ўша судьялар ўзга дунёдан келишган бўлади.

Ломбард қошини кўтарди.

– Само элчилари, – кулиб юборди. – Йўқ, ғайритабиий кучларга ишонмайман. Ҳозир содир бўлаётган ишларда одамзотнинг қўли бор.

– Гоҳида бунга шубҳаланиб қоламан, – эшитилар-эшитилмас пичирлади Вера.

– Буни виждон азоби дейди, – жавоб берди Ломбард ва унга маъноли қараб қўйди. Бироз жим тургач, шунчаки айтгандек қўшиб қўйди: – Демак, бола-ни барибир сиз чўктиргансиз.

– Йўқ! Йўқ! Бундай дейишга ҳаддингиз сифмайди!

– Ҳа, ҳа, чўктиргансиз, – Ломбард мийиғида кулиб қўйди. – Нима учунлигини билмайман. Ҳатто тасаввур ҳам қилолмайман. Мабодо эркак аралашган бўлмаса. Топдимми?

Вера бирдан ҳолсизланиб қолди. Энди унга ҳаммаси барибирдек туюлди.

– Ҳа, – овози маъюслашди. – Эркак аралашган.

– Раҳмат, – деди Ломбард, – фақат шуни билмоқчи эдим.

Бирдан Вера сакраб тушди.

– Нима бўлди? – қичқирди у. – Зилзиламасми?!

– Йўқ, яна қанақа зилзила?! Барибир нима гаплигини тушунолмадим. Кучли зарбдан ер титраб кетди. Кейин назаримда... Қичқириқни сиз ҳам эшитдингизми? Мен эшитдим.

Иккаласи уй томон қарашди.

– Ўша томонда гумбурлади. Юринг, нима гаплигини биламиз? – таклиф қилди Ломбард.

– Йўқ, йўқ, ҳеч қачон.

– Ўзингиз биласиз. Мен кетдим.

– Майли. Мен ҳам сиз билан бораман, – тушкун овозда деди Вера.

Улар қоя бўйлаб юқорига тирмашиб, уйга яқинлашишди. Қуёш нури тўлдирган майдонча ҳар доимгидан жуда сокин эди. Ўша ерда бироз туришгач, эҳтиёт юзасидан аввал уй атрофини айланиб чиқмоқчи бўлишди. Озроқ юришди ҳамки, Блорга тўқнаш келишди. У уйнинг шарқий томонидаги тошлоқ майдончада қўлларини ёйганча ётар, боши мажақланиб кетганди. Ёнгинасида каттагина оқ мармар бўлаги ётарди.

– Юқоридаги кимнинг хонаси? – сўради Ломбард.

– Меники, – Веранинг овози титрарди. – Бу эса хонамдаги камин соати... Ҳа, албатта. Худди ўша. Айиқ шаклидаги оқ мармар соат. Айиқ шаклидаги, – шу гапни такрорлади-ю, нафаси тикилди.

Филипп қизнинг елкасига аста қўлини қўйди.

– Энди ҳаммаси маълум, – деди у, – Армстронг уйга яширинган. Лекин бу гал мендан қочиб қутулолмайди.

Вера унга маҳкам ёпишди.

– Жиннилик қилманг! Бизнинг навбатимиз келди. Блорнинг ортидан биз ҳам ҳалок бўламиз. Қидиргани боришимизни кутяпти. Ҳаммасини ўйлаб қўйган.

– Бўлиши мумкин, – ўйчан деди Филипп.

– Нима бўлган тақдирда ҳам, тан олинг, шубҳаларим исботланди.

Ломбард бош ирғади.

– Ҳа, тўғри айтган экансиз. Албатта, бу Армстронг. Лекин ўзи қаерда ахир? Жин урсин, қаерга яшириняпти? Блор билан бутун оролни тинтиб чиққанмиз.

– Уни ўтган тунда тополмаган бўлсангиз, демак, ҳозир ҳам тополмайсиз, – деди Вера. – Ойдек равшанку бу.

– Шундайку-я, барибир... – ўжарлик қилди Ломбард.

– Менимча, олдиндан ўзи учун махфий жой тайёрлаган. Нега аввалроқ фаҳмлай олмадик, ахир бу оддийку. Биласизми, эски қасрларда бунақа махфий жойлар кўп бўлади. Уларга католик руҳонийларни яширишган.

– Бир нарсани унутиб қўйдингиз, бу сизга эски қаср эмас, замонавий уй.

– Барибир шу ерда ҳам махфий жой қурган бўлиши мумкин.

Филипп бош чайқади.

– Келган кунимизнинг эртасигаёқ бутун уйни ўлчаб чиққанмиз. Кафолат беришим мумкин, бу ерда ҳеч қандай ғовак йўқ.

– Балки адашгандирсизлар, – деди Вера.

– Текшириб кўргим келяпти...

– Текшириб? У фақат шуни кутяпти. Уйга пистирма қўйиб, сизни кутяпти.

– Қурооланганимни унутманг, – эътироз билдирди Ломбард ва чўнтагидан тўппончани ярим чиқарди.

– Блор ҳеч нарсадан қўрқмаса ҳам бўлади, Армстронг унга бас келолмайди деб аллақачон айтдингиз. Ундан жисмоний кучли, устига-устак жуда ҳушёр эди. Лекин бир нарсани ҳисобга олмаяпсиз, Армстронг савдойи. Савдойилар эса оддий одамлардан анча ўстунликка эга бўлади. У икки барабар айёрроқ.

Ломбард тўппончани чўнтагига қайтариб солди.

- Сизнингча бўла қолсин, – деди у.
- Хўш, тунда нима қиламиз? – сўради Ломбард бироздан сўнг.
- Вера жавоб бермади.
- Бу ҳақда ўйлаб кўрмадингизми? – кетма-кет сўроққа тутди Ломбард.
- Нима қиламиз? – эсанкираб такрорлади Вера. – Эй худо, жуда кўрқиб кетяпман...
- Майли, бу фалокат эмас. Бугун ҳаво бир нави, – мулоҳаза қилди Ломбард. – Кечаси ойдин бўлади. Қоянинг тепароғига чиқиб, хавфсиз жой топамиз. Тунни ўша ерда ўтказиб, тонг отишини кутамиз. Асосийси, ухлаб қолмаслик... Тунда қоровуллик қиламиз. Кимдир яқинлашишга уринса, дарҳол отиб ташлайман. Балки совуқдан кўрқарсиз? Эгнингиз юпун экан.
- Совуқ? Ўликларга совуқроқ. – Вера қаттиқ кулиб юборди.
- Тўғри, – маъқуллади Ломбард.
- Вера жойида сабрсиз типирчиларди.
- Бошқа бу ерда ўтиролмайман. Бунақада ақлдан озаман. Келинг, озроқ юрамиз.
- Қаршимасман.
- Денгиз тўлқинлари шиддат билан урилаётган қоя ёнбағрида улар гоҳ юқори кўтарилишди, гоҳ пастга қараб секин-аста юришди. Қуёш уфққа бош қўйди. Қуёшнинг заррин нурларида денгиз майин жилваланди. Вера билан Ломбард сап-сарик ёғдуга бурканди.
- Афсус, чўмила олмаймиз, – деди Вера алақандай асабий қулги билан.
- Филипп денгизга қаради.
- Анави нима? – қизнинг гапини бўлди. – Катта тош ёнидаги? Йўқ, сал нарироқда, ўнгда.
- Вера синчиклаб қарай бошлади.
- Кийимли бўхчага ўхшайди, – деди у.

– Бирортаси чўмилмаяптими? – кулиб юборди Ломбард. – Қисқаси, эҳтимолдан йироқ. Аниқроғи, сув ўтлари.

– Пастга тушиб қараймиз, – таклиф қилди Вера.

– Кийим экан, – деди Ломбард, бироз пастга тушишгач. – Аниқроғи, кийимли бўхча. Қаранг, ана бошмоқ. Келинг, яқинроқ борамиз.

Қоятошга тирмашиб, пастга туша бошлашди. Лекин Вера бирдан тўхтади.

– Бу кийим эмас. Одам, – деди у.

Мурда иккита тош орасига тикилиб қолганди. Афтидан, уни бу ерга оқим чиқариб ташлаган.

Вера ва Ломбард охирги қоядан ошиб, мурдага яқинлашишди. Унинг устига энгашишди ва кўкариб, шишиб кетган даҳшатли юзни кўришди.

– Эй худо, – қичқириб юборди Ломбард, – ахир бу Армстронгку!

Ўн олтинчи боб

Гўё улар чексизлик бағрига сингиб кетгандек, вақт тўхтаб қолгандек туюларди. Минг асрлар қотиб қолишгандек. Йўқ-йўқ, атиги бир дақиқа ўтди. Иккаласи ҳайрат ичида мурдадан кўз узишмасди... Ниҳоят, секин, жуда секин Вера ва Филипп бошларини кўтарди ва бир-бирининг кўзларига термулишди.

Ломбард кулиб юборди.

– Ана, ҳаммаси ойдинлашди, – деди у.

– Оролда иккаламиздан бўлак ҳеч ким, ҳеч ким қолмади, – деди Вера деярли шивирлаб.

– Худди шундай, – деди Ломбард. – Энди шубҳага ўрин йўқ, тўғрими?

– Мармар айиқ найрангини қандай уддаладингиз? – сўради Вера.

У елка қисди.

– Қўл чаққонлиги, ҳеч қандай найранг йўқ, азиям, фақат шу...

Уларнинг нигоҳлари яна тўқнашди.

«Наҳот эндигина пайқасам, – ўйлади Вера. – Бўри, ҳа, айнан унга ўхшайди... Иршайиши бўрининг ўзи...

– Бу интиҳо, тушуняпсизми, интиҳо, – деди Ломбард. Унинг овозида таҳдид сезилиб турарди. – Бизга ҳақиқат ошкор бўлди. Энди интиҳо яқин...

– Тушунаман, – хотиржам жавоб берди Вера.

Шундай дея яна денгизга боқди. «Генерал Макартур ҳам денгизга қараганди, қачон бўлганди бу? Атиги кечами? Ёки кечадан бурунми? У ҳам худди шундай деганди: «Бу интиҳо!» Шикаста, аммо қувонч билан айтганди...»

Бироқ интиҳо ҳақида хаёлнинг ўзи Веранинг қалбида нафрат уйғотарди. «Йўқ, йўқ, у ўлмайди, бундай бўлмайди – Вера мурдага кўз ташлади.

– Бечора доктор Армстронг! – деди у.

– Бу нимаси? – пичинг билан деди Ломбард. – Азалий аёллар ҳамдардligими?

– Нега энди шундай бўлмасин? – деди Вера. – Наҳотки сиз ачинмаётган бўлсангиз?

– Ҳар ҳолда сизга эмас. Ачинишимга умид қилмасликни маслаҳат берардим.

Вера яна мурдага боқди.

– Мурдани бу ерда қолдириб бўлмайди. Уйга олиб кириш керак.

– Ҳамма қурбонларни бир жойда тўплаш учунми? Тартиб ҳамма нарсадан устун, шунақами? Менимча, шу ерда ётаверсин. Бу билан ишим йўқ.

– Ақалли тепароққа кўтарайлик, оқим олиб кетмасин.

– Бошланг, – кулди Ломбард.

Кейин энгашиб, мурдани ўзига тортди. Вера чўккалаб, унга ёрдамлашди.

– Осон иш эмас экан. – Ломбард оғир нафас оларди.

Ниҳоят мурдани сувдан чиқариб олишди.

Ломбард қаддини ростлади.

– Хўш, энди кўнглингиз тўлдими? – сўради у.

– Мутлақо, – деди Вера.

Гапириш оҳангидан Ломбард ҳушёр тортди. Қиз томон ўгирилиб, қўлини чўнтак томон югуртирди, лекин етиб бормасидан тўппонча йўқлигини тушунди. Вера икки қадам нарида тўппончани унга ўқталиб турарди.

– Аёлларча ҳамдардликнинг боиси ҳам шу! – деди Ломбард. – Чўнтагимни ковламоқчи бўлгансиз.

У бош ирғади. Тўппонча ушлаган қўли ҳатто қалтирамасди.

Ўлим яқин эди. Ҳеч қачон бунчалик яқин бўлмаган. Аммо Филипп Ломбард таслим бўлишни ўйламасди.

– Тўппончани бу ёққа беринг, – буюрди у.

Вера кула бошлади.

– Қани, менга беринг, – деди Ломбард.

Унинг мияси аниқ ишларди: «Нима қилсин? Унга қандай яқинлашсин? Чалғитсинми? Қўрқитсинми? Ё шунчаки тўппончани тортиб олсинми? Ломбард бутун умр таваккал қилган. Ўзгараман деса энди кеч».

– Менга қаранг, жонгинам, сизга бир гап айтаман, – дея дона-дона гапира бошлади. Лекин жумласини тугатмай, бирдан унга ташланди. Сиртлон, йўлбарс, ҳатто улар ҳам бундай жаҳд билан ташланмасди... Вера беихтиёр тепкини босди... Ўқ Ломбардни тешиб ўтди. Сўнг қояга гурсиллаб қулади.

Вера бармоғини тепкидан олмай, эҳтиёткорлик билан Ломбардга яқинлашди. Беҳуда эҳтиёткорлик. Ломбард ўлиб бўлганди. Ўқ юрагига теккан.

Ҳаловат, таърифлашга тил ожиз руҳий ҳаловатни туйди Вера. Интиҳо, интиҳо келди. Энди ҳеч кимдан

қўрқмайди, ҳеч нарсадан ҳадиксирамайди... Оролда елғиз қолди. Тўққиз мурда билан бир ўзи. Хўш, нима бўпти? Ахир у тирик!.. У денгиз бўйида ўтириб, ўзини бениҳоя бахтли ва хотиржам ҳис қиларди... Энди қўрқадиган ҳеч ким қолмади.

Вера ниҳоят уйга қайтишга қарор қилганда қуёш ботиб борарди. Дилидаги қувонч ҳисси уни қарахт қилиб қўйганди. Бир ўйлаб кўринг – унга ҳеч нарса таҳдид солмаяпти. Шу ажиб ҳиссиётдан бахтиёр ва сармаст эди.

Фақат бироз кейингина ўлгудек қорни очгани ва уйқуси келаётганини тушунди. Лекин аввало ухлаб олади. Ўринга шўнғийди-ю, ухлайверади, ухлайверади... Балки эртага барибир қайиқ келар, уни олиб кетар. Умуман олганда, унга нима фарқи бор?! Ҳеч қанақа – шу ерда қолишга ҳам қаршимас. Айниқса ҳозир! Энди оролда ҳеч ким йўқ ахир. Бу ер бирам сокин, бирам тинч...

У ўрнидан турди ва уйга қаради. Энди ҳеч нарсадан қўрқмайди! Қўрқиш учун асос йўқ! Уйдақа уй, қулай, замонавий! Нечадир соат аввал унга бир қарашнинг ўзи ажалга рўбарў келгандек ваҳм уйғотганини ўйласа...

Қўрқув... жуда ғалати ҳиссиёт... Лекин энди ҳамма қўрқув ортда қолди. У ғолиб чиқди... Муқаррар ўлимни енгди. Рақибни ер тишлатиш учун унда топқирлик ҳам, эпчиллик ҳам етарли бўлди.

Аста уйга яқинлаша бошлади. Қуёш денгизга ботар, осмонни қизғиш, оловранг тасма тилиб ташлаганди. Гўзаллик ва осойиш...

«Бу даҳшатни тушимда кўрмадимми?» – ўйлади Вера.

У чарчади... Жуда-жуда чарчаб кетди. Бутун бадани зир қақшар, кўзлари юмилиб кетарди. Энди қўрқишга ҳожат йўқ... Энди ухлайди. Ухлайди... ухлайди... ухлайди... Тинч ухлайди: ахир оролда ундан

бошқа ҳеч ким йўқ. Сўнгги негр боласи ҳорғин атроф қаради...

Вера жилмайди. Уйга кирди. Бу ерда ҳам осойишталик, ноодатий осойишталик ҳукмрон эди. Нимадир эсига тушди: «Бошқа маҳал деярли ҳар хонасида мурда бор уйда ҳеч қачон ухлашга жазм қилолмасам керак эди. Аввал ошхонага бориб овқатланиб оларман? Йўқ, керакмас. Бошига урадимиз ўша овқатни?! Шунчаки қаттиқ чарчаган...» У ошхона эшигидан ўтди. Столда ҳалиям учта ҳайкалча турарди.

«Ортада қолиб кетибсизлар, митти дўстларим», – деди у кулги аралаш ва иккита негр боласини деразадан отиб юборди. Тошлоқ майдон узра ҳайкал парчалари сочилиб кетди. Вера учинчи негр боласини қўлида маҳкам ушлаб олди: – Мен билан юр! Биз ютдик, болакай! Ютдик!

Ботаётган қуёш нурлари холлни ёритиб турарди. Вера негр боласини қўлида маҳкам қисганча зинадан кўтарилди. Секин-секин, аранг одимларди.

Сўнгги негр боласи ҳорғин атроф қаради...

«Саноқ шеър қандай тугарди? Ҳа, айтганча: «У уйлангани кетди, кейин ҳеч ким қолмади».

Уйлангани... Ажойиб, унга яна Хьюго шу ерда, уйдадек туюлди... Ҳа, шундай. Уни юқорида кутяпти.

– Аҳмоқлик қилма, – ўзига-ўзи деди Вера. – Чарчаганингдан алаҳсираяпсан.

У аста зинадан кўтарилди. Йўлакда қўлидаги тўппонча сирғалиб тушди. Қалин гиламда ҳеч қандай шовқин эшитилмади. Вера тўппончани йўқотиб қўйганини пайқамади. Унинг фикру зикри чинни негр боласида эди. «Уй намунча жим! Нима учун доим уйда кимдир бордек туюлаверади? Бу Хьюго, уни тепада кутяпти... Сўнгги негр боласи ҳорғин атроф қаради...

Охирги қаторда нима дейилганди? У уйлангани борди, тўғрими? Йўқ, йўқ... Мана, ниҳоят ўз эшиги

ёнида турибди. Хьюго уни ичкарида кутяпти. Бунга заррача ҳам шубҳа қилмайди».

У эшикни очди... Ҳайратдан чинқириб юборди... «Илмоқда нима осилиб турибди? Наҳотки тайёр сиртмоқли арқон бўлса. Пастда бўлса курси. Унга чиқиб, кейин оёғи билан итариб юбориши керак... Демак, ундан Хьюго шуни кутяпти экан-да... Ҳа, албатта, санок шеърнинг охирги қатори шундай тугарди:

Сўнгра ўзини осди, кейин ҳеч ким қолмади!

Қўлидаги чинни ҳайкалча полга юмалаб кетди. Камин панжарасига урилиб, чил-чил синди. Вера беихтиёр олдинга юрди. Мана интиҳо – айнан шу ерда, Сирилнинг хўл ва совуқ қўллари унинг қўлига теккан жойда.

Қояга суз, Сирил, майли, рухсат бераман.

«Қотилликдан осони йўқ! Аммо кейин... кейин у ҳақда хотиралар сени ҳеч қачон тарк этмайди...»

Вера курсига чиқди. Унинг кўзлари ҳайрат ва қувончдан порлаётгандек эди... Бўйнига сиртмоқни илди. «Хьюго ўз бурчини адо этишини кузатяпти. У кутяпти».

Вера курсини итарди...

Хотима

– Йўқ, бўлиши мумкин эмас! – Скотланд-Ярд комиссар ёрдамчиси сэр Томас Леггнинг ғазаби қайнаб кетди.

– Мутлақо тўғри, сэр, – илтифот билан жавоб қайтарди инспектор Мейн.

– Оролда ўнта мурда топилди. Битта ҳам тирик жон йўқ. Фирт сафсатанинг ўзи!

– Шунга қарамай, бу ҳақиқат, – хотиржам деди инспектор.

– Лекин жин чалсин мени, уларни барибир кимдир ўлдирганми? – деди сэр Томас Легг.

– Айнан шу жумбоқни ечишга уриняпмиз, сэр.
– Тиббиёт экспертизаси ҳеч нарса бермадимми?
– Ҳеч нарса, сэр. Уоргрейв билан Ломбардни отиб ташлашган.

Уоргрейв бошидан, Ломбард юрагидан ўқ еган.

Мисс Брент ва Марстон цианли калийдан заҳарланиб, миссис Рожерс эса кўп миқдорда уйқу дори қабул қилгани учун оламдан ўтган.

Рожерсни бошига болта билан уришган. Блорнинг боши мажақланган. Армстронг чўкиб кетган. Генерал Макартурнинг энсасига уриб, бош суягини майдалаб ташлашган. Вера Клейторн дордан топилди.

Комиссар ёрдамчиси тумшайди.

– Мавҳум иш...

Жим бўлиб қолди. Фикрини жамлаб, яна инспектор Мейнни сўроққа тутди:

– Стиклхевн аҳолисидан ҳеч нарса билолмадингларми? Улар ҳеч нарсани билмаслиги мумкин эмас.

Инспектор Мейн елка қисди.

– Бу ерда балиқчилар яшайди, сэр, оддий, камтар одамлар.

Улар оролни алақандай жаноб Оним сотиб олганини билади, вассалом.

– Лекин оролга озиқ-овқат етказиб берган, меҳмонлар келишига уйни тайёрлаган кимдир бўлиши керакку.

– Бу билан Моррис шуғулланган. Айзек Моррис деган одам.

– Хўш, у нима деяпти?

– Ҳеч нарса, сэр, у ҳам оламдан ўтган.

Комиссар ёрдамчиси баттар тумшайди:

– Ўша Моррис ҳақида нимадир биламизми?

– Биламиз, нега билмайлик, сэр. Анча шубҳали кимса. Уч йил аввал Беннито найрангига аралашиб қолган, эсингиздами, улар акциялар нархини кўтариб юборишганди, лекин бунда қўли борлигини исботлай

олмаганмиз. Шунингдек, гиёванд моддалар савдосига ҳам алоқадор бўлган. Ўшанда ҳам ҳеч нарсани иш-ботлай олмаганмиз. Моррис сувдан қуруқ чиқишни қойиллатарди.

– Занжилар оролини харид қилиш бўйича музока-раларни ўша олиб борганми?

– Ҳа, сэр, лекин оролни номаълум бўлиб қолишни хоҳлаётган мижоз учун сотиб олаётганини яширма-ган.

– Нега энди молиявий ишларини қовлаштириб кўрмаяпсиз, шунда бирор нарсани аниқлашга эри-шармиз балки?

Инспектор Мейн жилмайди.

– Моррисни билсангиз, сэр, бундай фикр ҳеч қачон каллангизга келмасди. Рақамлар билан ишлашни бил-ган. Мамлакатдаги энг яхши экспертларни ҳам осон-гина чалғита оларди. Беннито ишида буни бошимдан кечирганман. Бу ерда ҳам барча изларни чалкаштир-ган. Уни ким ёллаганини эса ҳозирча аниқлай олма-дик.

Томас Легг енгил хўрсинди.

– Моррис Стиклхевнга келиб, барча хўжалик иш-лари бўйича келишиб олган. Жаноб Оним номидан иш кўраётганини айтган. Шунингдек, Стиклхевндаги одамларга жаноб Оним меҳмонлари гаров ўйнаб, бир ҳафта оролда яшашмоқчи эканини тушунтирган. Шу-нинг учун улар қандай ишора бермасин, бунга эъти-бор қаратиш шарт эмаслигини ўқтирган.

Сэр Томас Легг курсисида бир қўзғалиб олди:

– Маҳаллий одамлар ҳеч нарсадан шубҳа қилиш-маган деб, мени ишонтирмоқчи бўляпсизми, Мейн?

Мейн елка қисди.

– Сэр, Занжилар ороли аввал Элмер Робсон отли ёш америкалик миллионерга тегишли бўлганини уну-тиб қўйяпсиз. У ерда меҳмонлари билан қанақа ҳунар кўрсатишмаган дейсиз. Дастлабки вақтлар бундан

Стилкхевндагиларнинг ақли шошиб қоларди. Лекин охир-оқибат ҳаммасига кўникишиб, бу оролда доим антиқа ишлар бўлади деган хаёл билан яшай бошлашади. Агар мушоҳада қилсак, уларни тушуниш мумкин.

Сэр Томас Легг маъқуллашга мажбур бўлди.

– Фред Нарракотт – меҳмонларни оролга ўша олиб борган – анча муҳим гап айтди. Меҳмонларнинг афт-ангори уни ажаблантирган. «Жаноб Робсон-никида бутунлай бошқача одамлар тўпланарди». Ўйлашимча, айнан шунинг учун, яъни улар оддий, ҳеч нарса билан ажралиб турмайдиган одамлар бўлгани учун Моррис буйруғига амал қилмай, «SOS» сигнали олингандан сўнг ёрдам учун йўлга чиққан.

– Нарракотт билан одамлари оролга айнан қачон етиб боришган?

– Ўн биринчи куни эрталаб скаутлар гуруҳи «SOS» сигналини пайқаб қолган. Бироқ оролга боришнинг ҳеч қандай имкони бўлмаган. Нарракотт фақатгина ўн иккинчи куни чошгоҳда оролга етиб борган. Маҳаллий одамлар тасдиқлашича, бунгача оролни ҳеч ким тарк эта олмасди. Довулдан сўнг узоқ вақт денгиз сокинлашмаган.

– У ердан ҳеч ким сузиб кетиши мумкинмасмиди?

– Оролдан қирғоққача камида бир ярим чақирим чиқади, устига-устак, денгиз жуда нотинч бўлган. Кейин соҳил бўйидаги қояларда скаутлар, балиқчилар кўз узмай оролни кузатиб туришган.

Сэр Томас Легг уҳ деб юборди.

– Айтганча, уйдан топилган пластинка нима бўлди? Балки ўша бизга қандайдир ёрдам берар?

– Бу масалани ўргандим, сэр, – деди инспектор Мейн. – Пластинка театр ва кино учун реквизитлар етказиб берувчи фирма томонидан тайёрланган. Эсқвайр айтишича, Айзек Моррис илтимосига кўра А. Н. Оним номига жўнатилган. Уни ҳаваскорлар сахна

асари учун буюртма қилишди деб ўйлашган. Машинада ёзилган матн пластинка билан қайтарилган.

– Ҳўш, унинг ўзидан бизга ҳеч қандай фойда йўқми? – сўради сэр Томас Легг.

– Шу бандга ўтяпман, сэр, – инспектор Мейн йўталиб олди. – Пластинкада эълон қилинган айбловлар бўйича имкон қадар батафсил суриштирув ишларини ўтказдим. Буни Рожерслардан бошладим. Улар оролга биринчи келишган. Эр-хотин Рожерслар аллақандай мисс Брейдига хизматкорлик қилишган. Мисс Брейди тўсатдан қазо қилган. Уни даволаган шифокор тайинли гап айта олмади. Лекин сўзларидан шундай хулосага келдимки, Рожерслар гўёки уни заҳарлаган деб ҳисоблаш учун ҳеч қандай асос йўқ, тўғрироғи, беморга қарашда эҳтиётсизлик қилишган, холос. Бошқача айтганда, шубҳа қилиш учун қандайдир сабаблар бор. Аммо шунга ўхшаш шубҳа-гумонлар асослилигини исботлашнинг деярли иложи йўқ.

Кейингиси судья Уоргрейв. Уни ҳеч нарсада айблай олмайсан. У Ситонни ўлимга ҳукм қилган. Лекин Ситон ростдан ҳам айбдор бўлган, бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Тўғри, айбдорлигини исботловчи муқаррар далиллар қатл қилингандан кўп йиллар ўтгач топилган. Лекин суд вақтида ўнтадан тўққизта одам Ситонни айбсиз деб ҳисоблаб, судьянинг унга нисбатан адовати борлигига шубҳа қилишмаган.

Вера Клейторнга келсак, аниқлашимча, бир вақтлар ўзи тарбиячилик қилаётган оилада ёш бола чўкиб ўлган. Аммо бунга ҳеч қандай алоқаси йўққа ўхшади. Бундан ташқари, болани қутқариш илинжида ўзини сувга отган, кейин тўлқин уни ҳам очиқ денгизга суриб кетган. Шундай экан, ҳалок бўлишига бир баҳя қолган.

– Давом этинг, Мейн, – нафасини ростлади Легг.

– Энди доктор Армстронгга ўтаман, – деди Мейн.

– Анча таниқди шахс. Харли-стритда ишлаган. Билим-

дон, ишончли шифокор сифатида обрў қозонган. Ноқонуний операциялар ёки шунга ўхшаш ҳеч нарса йўқ. Бироқ у 1925 йили Лейтморда ростдан ҳам Клин фамилияли беморни операция қилган. Ўшанда маҳаллий касалхонада ишларди. Бемор перитонитга йўлиққан ва операция столнинг ўзида жон берган. Эҳтимол, Армстронг хатога йўл қўйгандир, чунки операция қилишни энди-энди бошлаган вақтлар бўлган. Аммо ношудлик билан жиноятнинг анча фарқи бор. Фақат бир нарса аниқ: ўша аёлни ўлдириш учун унда ҳеч қандай сабаб бўлмаган.

Кейингиси Эмили Брент. Беатриса Тейлор унга оқсочлик қилган. Бўйида борлиги маълум бўлгач, қари қиз уни кўчага ҳайдаган. Қиз тушқунликка тушиб, ўзини чўктирган. Шафқатсиз иш, лекин бунда ҳам жиноят аломати йўқ.

– Ҳамма гап шунда-да, – деди сэр Томас Легг. – Афтидан, жаноб Онимни судга тортиб бўлмайдиган жиноятлар қизиқтирган.

Мейн вазмин оҳангда санашни давом этди:

– Ёш Марстон ўпкаси йўқ ҳайдовчи бўлган. Икки марта ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйишган. Менимча, бир умр машина ҳайдашни тақиқлаш керак эди. Ҳеч қандай жиноят қилмаган. Жон ва Люси Комбс деган болаларни Кембриж яқинида босиб кетган. Марстон дўстлари унинг фойдасига кўрсатма берган ва жарима билан осонгина қутулиб қолган.

Генерал Макартур бўйича эса умуман ҳеч нарса топилмади. Ажойиб хизмат рўйхати, фронтда мардондор ҳаракатлар ва ҳоказо. Францияда Артур Ричмонд унинг қўшинида хизмат қилган ва разведка пайтида ҳалок бўлган. У ва генерал ўртасида ҳеч қандай ихтилофни пайқашмаган. Бундан ташқари, улар қалин дўст бўлган. Ўша пайтларда кўпчилик ачинарли хатоларга йўл қўйган. Қўмондонлар беҳуда одам-

ларни қурбон қилган. Шунга ўхшаш хато ҳақида гап боргани эҳтимолдан йироқ эмас.

– Йироқ эмас, – маъқуллади сэр Томас Легг.

– Филипп Ломбардга ўтамиз. Кўплаб шубҳали ишларга аралашиб юрган. Асосан, чет элларда. Бир ё икки марта панжара ортига равона бўлай деган. Ҳеч нарсадан тап тортмайдиган одам бўлган. Ундан худо беҳабар овлоқ жойда қотиллик, аниқроғи, қотилликлар қилишини кутиш мумкин.

– Энди Блорга ўтамиз. – Мейн гапида тутилиб қолди. – Эслатиб қўйишим керак, Блор ҳамкасбимиз бўлган.

Комиссар ёрдамчиси ўтирган жойида депсинди.

– Блор муттаҳам эди, – бақирди у.

– Ишончингиз комилми, сэр?

– Ундан доим шубҳаланардим. Лекин сувдан қуруқ чиқишни эпларди. Ишончим комил, Ландор иши бўйича Блор ёлғон кўрсатма берган. Тергов натижалари мени қониқтирмаган. Лекин айбини тасдиқловчи ҳеч қандай далил-исбот ҳам тополмаганмиз. Ландор иши билан шуғулланишни Харрисга топширдим, аммо у ҳам ҳеч нарсани аниқлай олмаган.

Барибир ўз фикримда қоламан. Ишга қандай ёндашишни билганимизда Блор айбдорлигини исботлай олардик. У, шубҳасиз, товламачи эди, – сэр Легг жим қолди. Сўнг деди: – Демак, Айзек Моррис ўлган деяпсизми? Қачон ўлди?

– Бу саволни кутгандим, сэр. Моррис саккизинчи августда оламдан ўтган. Тушунишимча, ҳаддан зиёд миқдорда уйқу дори қабул қилган. Бунда ҳам ҳеч қандай маълумот йўқ. Ўз жонига қасд қилганми ёки бахтсиз тасодифми, бир нарса дейиш мушкул.

Легг асабийлашди:

– Бу ҳақда нима деб ўйлаётганимни айтайми?

– Сезиб турибман, сэр.

– Айзек Моррис айна қулай пайтда оламдан ўтган.

Инспектор бош ирғади:

– Шундай ўйга боришингизни билардим.

Сэр Томас Легг столни муштлади:

– Буларнинг бари қуюшқонга сиғмайди, ақлбовар қилмайди! Уммон ўртасида сўппайиб турган қояда ўнта одам ўлдириб кетилди. Биз бўлса ким, нима учун ё қандай ўлдирганини умуман билмаймиз.

Мейн томоқ қирди.

– Бу унчалик тўғри эмас, сэр. Бу одам нима учун ўлдирганини ҳар ҳолда биламиз. У адолат тантанасига муккасидан берилган савдойи экани шубҳасиз. Қонун қўли етмайдиган одамларни қидириб топиш учун озмунча тер тўкмаган. Улардан ўнта одамни танлаб олган. Айбдорми-айбсизми, бу биз учун аҳамиятсиз...

Комиссар ёрдамчиси қизишиб кетди.

– Аҳамиятсиз? – инспектор гапини бўлди. – Менимча... – бирдан тўхтаб қолди. Инспектор ҳурмат юзасидан кутди. Легг нафас ростлаб, бошини чайқаб қўйди. – Давом этинг, – деди у. – Назаримда, калаванинг учини топгандек эдим. Ушбу жиноятлар жумбоғини ечишимизга ёрдам берарди. Лекин шу заҳоти йўқотиб қўйди. Хўш, нима деётгандингиз, Мейн?

– Демак, ўша ўнта одам ўлимга лойиқ бўлган дейлик. Ва улар ўлишди. А.Н. Оним ўз вазифасини бажарди. Буни қандай қилди, айта олмайман, лекин ўзи гўё бўғланиб кетгандек сирли равишда оролдан ғойиб бўлди.

– Ҳа, ҳар қандай кўзбойловчи унга ҳасад қилган бўларди. Аммо билиб қўйинг, Мейн, бу воқеа барибир қандайдир ҳаётий изоҳга эга.

– Сизни тўғри тушунган бўлсам, сэр, агар ўша одам оролда бўлмаган бўлса, демак, уни тарк ҳам этмаган деб ўйлаяпсиз. Агар қурбонлар қолдирган ёзувларга ишонадиган бўлсак, ростдан ҳам у оролда бўлмаган. Бундан ягона ҳаётий изоҳ пайдо бўлади. Қотил ўновидан бири.

Сэр Томас Легг бош ирғади. Мейн ҳикоясини давом эттирди.

– Бундай тахмин бизда ҳам бор эди. Уни текшириб кўрдик. Айтишим жоиз, Занжилар оролида нималар бўлгани ҳақида айрим нарсалар бизга маълум. Вера Клейторн кундалик тутган. Эмили Брентда ҳам кундалик бор эди. Қария Уоргрейв суд баённомаларига ўхшаш қуруқ тилда қайдлар ёзиб қўйган, лекин бу ҳам айрим нарсаларга ойдинлик киритади. Блор ҳам ёзиб борган. Ушбу ёзувларда қайд қилинган далиллар бир-бирига мос келади. Улар қуйидаги тартибда ҳалок бўлган: Марстон, миссис Рожерс, генерал Макартур, Рожерс, мисс Брент, судья Уоргрейв. Судья ўлиmidан сўнг Вера Клейторн кундалигида Армстронг ярим кечаси уйдан чиқиб кетгани, унинг ортидан Блор ва Ломбард қувиб кетганини ёзган.

Блор ён дафтарида, афтидан, энг охирги қайдлардан бири бор:

«Армстронг ғойиб бўлди». Энди, барча ҳолатларни кўриб чиққанимиздан сўнг ўз-ўзидан жумбоқ ечими пайдо бўлгандек. Армстронг, боя айтганимдек, чўкиб ўлган. Агар у савдoyи бўлса, қолган тўққиз одамни ўлдириб, энг охири қоядан ўзини денгизга ташлаб, жонига қасд қилишига нима ҳалақит берарди?! Ҳолбуки, бу билан шунчаки қирғоққача етиб олмоқчи бўлганини ҳам истисно қилолмайман.

Ажойиб ечим, аммо синчиклаб қаралса, дарров пучга чиқади. Пучга чиқиши аниқ. Биринчидан, суд шифокори кўрсатмаларини ҳисобга олиш керак. У оролга ўн учинчи санада эрталаб етиб келган. Бизга қўлдан келганча ёрдам берди.

Бу одамлар камида ўттиз олти соат олдин ҳалок бўлганини айтиб, бундан аввалроқ бўлиши мумкинлигини ҳам истисно қилмади. Армстронг масаласида анча аниқ фикр билдирди. Айтишича, мурда саккиз-

ўн соат сувда ётган. Кейин оқим уни қирғоққа чиқариб ташлаган. Бундан келиб чиқадики, Армстронг ўнинчидан ўн биринчига ўтар кечаси чўкиб кетган. Нега шундайлигини ҳозир тушунтираман. Мурда қаерда бўлганини аниқлашга эришдик. У иккита тош орасига тиқилиб қолган. Улардан мато парчалари, соч толалари ва ҳоказолар топилди. Афтидан, ўн биринчи кунни эрталабки соат ўн бирларда уни оқим ўша томонга суриб ташлаган. Довул тўхтаб, кейинги оқимлар бунча баланд кўтарилмаган.

Армстронг чўкиб ўлмасидан бурун бир амаллаб қолган учтасини ҳам ўлдирган деб эътироз билдиришингиз мумкин. Аммо рад қилиб бўлмас бир зиддият бор. Оқим Армстронг мурдаси топилган жойгача етиб келолмасди. Тўлқин бунчалик баланд кўтарилмаган. Бундан ташқари, қўл-оёғи икки томонга узаниб, рисоладагидек ётарди. Агар оқим чиқариб ташлаган бўлса, ҳеч қачон бундай бўлмасди. Демак, Армстронг энг охири ўлмаганига ҳеч қандай шубҳа қолмайди.

Мейн нафасини ростлаб яна давом этди:

– Бу далилларни четга суриб, бошқа жиҳатларни мулоҳаза қиламиз.

Демак, ўн биринчи сана эрталаб оролдаги вазият қандай эди? Армстронг «ғойиб бўлган» (чўкиб кетган). Демак, учтаси тирик эди:

Ломбард, Блор ва Вера Клейторн. Ломбард тўппончадан ўқ етиб ўлдирилган. Унинг мурдаси Армстронг мурдаси ёнидан топилган.

Вера Клейторнни ўз хонасидан дорга осилган ҳолда топдик. Блор уй олдидаги майдонда ётарди. Боши мрамар бўлаги билан мажақланган. Юқоридаги деразадан қулаб теккан дейишга бизда тўла асослар бор.

– Қайси деразадан? – бетоқат сўради Легг. – Кимнинг хонаси?

– Вера Клейторн хонаси. Энди, сэр, ҳар бир ҳолатга алоҳида тўхталаман. Филипп Ломбарддан бошлай-

ман. Фараз қилайлик, у мармар бўлагини Блор устига ташлаб юборган, кейин қизга гиёванд модда ичириб, дорга осган. Шундан сўнг денгизга тушиб, ўша ерда ўзини тўппончадан отган. Лекин унда тўппончасини ким олган? Ахир тўппончани уйдан, Уоргрейв хонаси остонасидан топдик.

– Ундан кимнинг бармоқ излари топилди?

– Вера Клейторнники.

– Агар шундай бўлса, мутлақо аён...

– Нима демоқчисиз, тушуниб турибман, сэр. Вера Клейторн экани мутлақо аён бўлади. У Ломбардни отиб, уйга тўппонча билан келган, Блор бошига мармар бўлаги ташлаб, кейин ўзини осган. Шундай бўлгани эҳтимолга жуда яқин. Унинг хонасидаги курсилардан бирига сув ўтлари осиб қўйилган. Туфлиснинг пошонасидан ҳам худди шунақаси топилди. Афтидан, курсига чиқиб, бўйнига сиртмоқни илган, кейин уни итариб юборган.

Аммо бу ерда ҳам битта чалкашлик бор. Агар Вера курсини итариб юборган бўлса, у полда ётган бўларди. Лекин курси девор ёнида, бошқа курсилар билан бир қаторда турарди. Демак, Вера Клейторн ўлимидан сўнг бошқа кимдир уни кўтарган ва девор ёнига қўйган.

Блор қоляпти. Агар менга у Ломбардни ўлдиргач, Верани дорга осган, кейин уйдан чиққан-у, олдиндан тайёрлаб қўйилган арқонни тортиб ёки бошқа усулда ўз бошига мармар бўлагини ташлаган десангиз, бунга мутлақо ишонмайман. Ҳеч ким ўзини ўлдириш учун бундай йўлни танламайди. Буни Блорга ўхшагандан кутиш эса ақлга сиғмайди. Уни беш қўлдек билардик. Ҳеч қачон адолат қарор топиши учун кўйиб-пишган одам эмас.

– Ҳақ гап, Мейн, – деди Легг.

Инспектор давом этди:

– Агар шундай бўлса, сэр, демак, оролда ҳалиям кимдир бўлиши керак эди. Ўша кимдир ҳаммаси ту-гагач, атрофни тартибга келтирган. Лекин шунча кундан бери қаерда яширинган бўлиши мумкин?! Кейин қаёққа ғойиб бўлди? Стиклхевндагилар қайиқ келма-гунча оролни ҳеч ким тарк этмаганига ишончи ко-мил. Ундай бўлса... – у гапида тутилиб қолди.

– Ундай бўлса нима? – сўради сэр Томас Легг.

Инспектор хўрсинди. Бошини сараклатди. Комис-сар ёрдамчиси томон эгилди:

– Ундай бўлса уларни ким ўлдирди ахир? – сўра-ди у.

«Эмма Жейн» балиқчилар кемасининг капитани томонидан Скотланд-Ярдга жўнатишган қўлёзма

Ўсмирлигимдаёқ табиатим нечоғли зиддиятга бой эканини англаб олгандим. Аввало шуни айтаманки, бир умр романтика шайдоси бўлганман. Болалигимда ўқиган саргузашт романлардаги романтик услуб мени доим ўзига мафтун қилган. Муҳим ҳужжат шишага солиниб, оғзи маҳкамланади-да, очиқ денгизга улоқ-тирилади. Ҳозир ҳам мафтун қилади. Айнан шунинг учун иқрорнома ёзиб, уни шишага солиб, оғзини маҳкамлаб, сўнг тўлқинларга ишониб топширишга қарор қилдим. Юздан бир эҳтимол ила иқрорномам топила-ди ва ана ўшанда (балки беҳуда умид қилаётгандир-ман) шу чоққача мавҳум Занжилар ороли жумбоғи ечилади.

Аммо мен фақатгина романтика шайдоси эмас-дим. Тирик мавжудотлар ҳалокатини кузатиб ҳузур қилардим, уларни ўлдириб роҳатланардим. Боғдаги ҳашаротларни қириш жону дилим эди...

Ўлдиришга ташналик менга болалик йилларимдан таниш эди. У билан бирга қалбимнинг туб-тубида ўта зиддиятли, аммо қудратли куч-адолатга интилиш яшар-ди. Айбим туфайли нафақат бегуноҳ одам, балки

ҳатто жонивор ҳалок бўлиши ҳақида ҳаёлнинг ўзигина мени сўнгсиз даҳшатга соларди. Доимо адолат тантанасига ташна эдим.

Ўйлашимча, руҳшуносликка тиши ўтадиган одам шу гапимдан сўнг нима учун ҳуқуқшунос бўлишга аҳд қилганимни осонгина тушуниб олади. Бундай феъл-атвор учун ўринли танлов эди. Ҳуқуқшунослик касби деярли барча иштиёқларимга мос келарди.

Жиноят ва жазо мени доим ўзига тортарди.

Қўлимга тушган барча детектив ва криминал романларни катта қизиқиш билан ўқийман. Кўпинча энг мураккаб қотиллик усулларини кашф қилардим. Шунчаки, вақт ўтказиш учун.

Ниҳоят судья бўлгач, ичимда яшириниб ётган яна бир қиррам ўзидан дарак берди.

Бечора жиноятчи аллақачон қора курсида ўтириб, жазодан қутулиб қолиш учун минг хил турланиши, аммо шу баробар қасос яқинлиги ва муқаррарлигини ич-ичидан ҳис қилиб турганини кузатиш менга сўз билан тушунтириб бўлмас даражада роҳат бағишларди. Аммо билиб қўйинглар, қора курсида ўтирган бегуноҳ қиёфаси менга роҳат бағишламасди.

Икки марта, агар ундан кўп бўлмаса, менга айбланувчи айбсиздек туюлган ва мен ишни бекор қилганман. Бу ишда жиноят аломати йўқлигини суд қатнашчиларига исботлай олганман. Бироқ полициячилар уддабуронлиги туфайли қотиллик иши бўйича судга тортилган аксарият айбланувчилар ҳақиқатдан ҳам айбдор эди.

Эдвард Ситон иши бўйича вазият ҳам шундай эди.

Тўғри, унинг ташқи кўриниши ва хулқ-атвори алдамчи таассурот уйғотарди ва у суд қатнашчиларида ўзига нисбатан ачиниш ҳисси уйғотишга эришди. Шунга қарамай, далиллар, майли, унчалик ҳам таъсирчан эмасдир, лекин шубҳасиз эди. Судьялик тажрибам ҳам у ўзи айбланаётган жиноятни содир қилганига,

айнан эса кекса аёл ишончини поймол қилиб, уни ваҳшийларча ўлдирганига мени ишонтирди.

Кўпчилик наздида одамларни тошбағирларча дор остига жўнатувчи ҳуқуқшуносдек туюлардим. Бироқ бу баҳо адолатсиз эди. Судда иштирокчи томонларга ҳамиша адолат ва холислик билан ёндашардим. Шу билан бирга, эҳтиросли адвокатлар оташин нутқлар билан суд қатнашчиларининг ҳис-туйғулари билан ўйнашишига йўл қўёлмасдим. Доим уларнинг эътиборини тасарруфимизда бўлган ашёвий далилларга қаратганман.

Кейинги йиллар табиатимда эврилиш юз берди. Ўзимни идора қилолмай қолдим. Энди нафақат ҳукм чиқаришни, балки уни ижро этишни ҳам хоҳлаб қолдим. Очиғини айтаман, ўзим қотиллик қилгим келди. Бунда ҳар бир мусаввирнинг ажралмас қирраси бўлмиш ўз ғоясини ифодалашга ташналикни кўрардим. Мен эса ўз соҳамнинг мусаввири бўлишим мумкин эди. Жиноятчилик соҳасини! Шу ондан бошлаб ҳаёлот жиловидан маҳкам тутолмай қолганимни ҳис қилдим. Бу ҳол аввалроқ юз берса, ишимга тўсқинлик қиларди.

Мен шунчаки... қотиллик қилишим керак эди! Аммо зинҳор оддий қотиллик эмас. Балким кўз кўриб қулоқ эшитмаган, ҳаддан зиёд разил жиноят! Афтидан, тасаввурим ўсмирлик давримдаёқ қотиб қолган. Томошабоп, таъсирчан ҳамма нарса мени ўзига ром этарди! Қотиллик ром қиларди... Ҳа, ҳа, қотиллик ром қиларди... Бироқ туғма адолатпарварлик ҳисси, илтимос, гапимга ишонинг, мени тўхтатиб қолар, ўзимни қотилликдан тиярдим. Айбсизлар азият чекишига йўл қўя олмасдим.

Қасос ҳақида ҳаёллар мутлақо кутилмаган пайт калламга келди. Тасодифий суҳбатда оддий шифокор айтган мулоҳаза шундай фикр туғилишига сабаб бўлди. У қонун ожизлик қиладиган жуда кўп жиноятлар борлигини афсус билан тилга олди. Мисол тариқасида

ўша суҳбатимиздан бирмунча вақт аввал оламдан ўтган кекса аёл бемори билан содир бўлган воқеани айтиб берди. У беморни хизматкор эр-хотин ҳалок қилганига ишончи комил эди. Чунки васият бўйича бека ўлимидан сўнг уларга ҳам анчагина пул тегарди. Бунга билишгани учун у ичадиган дорини атайлаб ўз вақтида беришмаган. Уларни айбини исботлаш, шифокор менга тушунтиришича, деярли иложи йўқ. Шундай бўлса-да, ўзининг ҳақлигига мутлақо амин эди. Шунга ўхшаш қасддан қилинган қотилликлар кўп учраши, лекин улар учун қонун бўйича жавобгарликка тортиш мумкин эмаслигини ҳам қўшиб қўйди.

Ўша суҳбат асносида улкан режамга тамал тоши қўйилди. Қаршимда ўзим юришим керак бўлган йўл намоён бўлганди. Битта қотиллик кам, ўлдирганга яраша қарични кенгроқ ол, дедим ўзимга-ўзим.

Шу пайт болалар саноқ шеърӣ ёдимга тушди. Ўнта негр боласи ҳақида саноқ шеър. Икки яшар эканман, ўша негр болалари қисмати ҳаёлларимни ларзага келтирганди. Шеърнинг ҳар бир бандига ҳамоҳанг уларнинг сони ҳам муқаррар равишда қисқариб борарди. Яширинча жиноятчиларни қидира бошладим... Қандай қидирганимни батафсил ёзиб ўтирмайман, жуда кўп жой эгаллайди. Ҳар бир суҳбатни ўзим учун керакли ўзанга буриб юборишга интилдим. Натижалар ўзимни ҳам лол қолдирарди. Доктор Армстронг воқеасини касалхонада ётганимда менга қаровчи ҳамширадан эшитдим. У пиёнисталарни жинидан баттар ёмон кўрарди. Ҳар гал ичкилик оқибатлари ҳақида жон куйдириб уқтирар экан, бунга исбот сифатида кўз ўнгида аллақандай маст шифокор операция вақтида бир аёлни сўйиб қўйганини айтиб берарди. Киши билмас саволлар бериб, қайси касалхонада амалиёт ўтаганини суриштирдим. Тез орада ҳамма гапнинг тагига етгач, ортиқча қийинчиликсиз ўша шифокор ва бемор аёл изига тушдим.

Клубда сергап уруш фахрийлари суҳбатидан генерал Макартур воқеасидан хабар топдим. Яқинда Амазонка соҳилларидан қайтиб келган саёҳатчи ўша томонларда аллақандай Филипп Ломбард қандай бебошликлар қилиб юргани ҳақида гапириб қолди. Мальоркада англиз амалдорининг рафиқаси хушхулқ Эмили Brent ва унинг бахтиқаро оқсочи ҳақида ҳикоя қилиб берди. Антони Марстонни шунга ўхшаш жиноятларда айбдор кўпчилик одамлар орасидан танлаб олдим. Ақлбодар раҳмсизлиги, ачиниш нималигини билмаслиги, назаримда, уни жамият учун хавфли шахсга айлантирганди. Ўз навбатида, жазога лойиқ эди. Собиқ инспектор Блорга келсак, унинг жинояти ҳақида, табиийки, ҳамкасбларимдан эшитдим. Олдимда Ландор иши бўйича ҳеч нарсани яширмай, қизғин муҳокама қилишганди. Менда у қанчалар нафрат уйғотганини таърифлай олмайман. Полициячи қонун хизматкори. Фақат шунинг учун ҳам юксак ахлоқли одам бўлиши шарт. Ахир бундай одамларнинг ҳар бир сўзи муҳим аҳамият касб этади. Чунки улар қонун посбонлари саналади.

Ва ниҳоят, Вера Клейторнга ўтаман. Атлантика уммонини сузиб ўтарканман, бир гал кашандалар салоҳида узоқ қолиб кетдим: Менга Хьюго Хамилтон исми ёш келишган йигит улфат бўлди. Кўринишидан жуда бахтсиз эди. Ҳаммасини унутиш илинжида ичкиликни қўлидан туширмасди. Кимгадир ёрилмаса, баттар абгор бўлиши кўриниб турарди. Ундан бирор нарса билишга умид қилмай, самимий суҳбатлаша бошладим. Аммо эшитганларимдан бениҳоя ларзага тушдим. Ҳозир ҳам унинг ҳар бир сўзини эслайман...

– Мутлақо ҳақсиз, – деди у. – Яқин кишингни ўлдириш учун идишига маргимуш солиш ё қоядан итариб юбориш шарт эмас. – У энгаши ва кўзимга қараб гапира бошлади: – Битта жиноятчини танирдим. Жуда яхши танирдим... Нимасини айтасиз, уни

ҳатто севардим. Менимча, ҳалиям севаман... Даҳшат, ҳамма даҳшат шундаки, мени деб жиноятга қўл урди... Албатта, бу ҳаёлимга ҳам келмасди. Аёллар ёвуз. Чинакам ёвуз. Ёқимтой, содда, қувноқ қиз қотиллик қилишига ҳеч қачон ишонмаган бўлардингиз!? Чўкиб кетишини била туриб, болани денгизга қўйиб юборишига ишонмасдингиз. Ахир шундай қилишга аёлнинг юраги бетлайдими?

– Мабодо адашмаяпсизми? – сўрадим мен. – Шунчаки тасодиф бўлиши ҳам мумкинку.

– Йўқ, бу тасодиф эмас, – деди у бирдан сергак тортиб. – Бошқа ҳеч кимнинг калласига келмасди. Лекин мен учун унга бир қарашнинг ўзи кифоя қилди, шу заҳоти ҳаммасини тушундим. Тушундим-у, қўрқиб кетдим... Ҳаммасини тушунганимни у ҳам тушунди. Лекин бир нарсани ҳисобга олмаганди. Ўша болани яхши кўрардим... – У жимиб қолди, лекин бу воқеанинг барча тафсилотларини билиб, қотил изига тушишим учун шунинг ўзи етарли эди.

Менга ўнта жиноятчи керак эди. Ўнинчисини ҳам топдим. Бу аллақандай Айзек Мершие эди. Шубҳали кимса. Қора қилмишлари қаторида гиёванд савдоси ҳам бор. Дўстларимдан бирининг қизи эса шуни деб нобуд бўлган. Бечора қиз йигирма иккига тўлиб-тўлмай ўз жонига қасд қилди.

Жиноятчиларни қидираётган вақтимда аста-секин режани ҳам пишитиб бордим. У деярли етилиб қолган. Харли-стритдаги шифокорлардан бирига ташриф буюриш якунловчи босқич бўларди. Операция қилинганимни аввалроқ айтганман. Шифокор иккинчи операция қилишдан маъни йўқлигини астойдил ишонтирди. Анча юмшоқ гаплашди, лекин мендан ҳақиқатни яшириш унчалик ҳам жўн эмас.

Мени азобли ўлим кутиб турганини тушундим. Бироқ интиҳони самимий қарши олишни ҳаёлимга ҳам келтирмасдим. Табиийки, буни шифокордан ҳам яшир-

дим. Йўқ, йўқ, ҳаяжонли воқеалар гирдобиди ўлимга пешвоз чиқаман. Ўлишдан аввал ҳаёт билан завқланаман.

Энди бу иш тилсимини ошкор қилмоқчиман.

Қизиқувчан одамларни йўлдан адаштириш учун оролни Моррис орқали сотиб олдим. Бу ишни қойилмақом уддалади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Моррис бунақа ишларга устаси фаранг. Бўлғуси қурбонларим ҳақида ўзим тўплаган маълумотларни тартибга солиб, ҳар бири учун тегишли тузоқ ўйлаб топдим. Айтишим жоиз, ҳар бир қурбон ҳеч қандай истисносиз тузоққа илинди. Таклифнома билан саккизинчи августда Занжилар оролига етиб келишди. Улар қаторида ўзим ҳам бор эдим.

Бу вақтгача Моррисни бир ёқли қилишга улгурдим. Бояқиш меъда сустлигидан азият чекарди. Лондондан жўнаб кетиш арафасида унга дори бериб, кечқурун битта ичиб ётса, катта ёрдам беришига ишонтирдим. Моррис ҳеч қандай шубҳага бормай, бажонидил маслаҳатимга амал қилишини сезиб турардим. Ўлимидан сўнг менга алоқадор бирорта ҳужжат ёки қайдлар топилиб қолишидан мутлақо чўчмасдим. Чунки ўзига пухта одам эди.

Қурбонларим қатъий кетма-кетликда ҳалок бўлиши лозим эди. Бунга жуда катта аҳамият қаратгандим. Уларни бир қаторга қўя олмасдим. Ҳар бирининг айбдорлик даражаси кескин фарқ қиларди. Камроқ айбдорлар биринчи ўлади, деган қарорга келдим. Уларни совуққон жиноятчилардек узоқ руҳий изтироб ва қўрқувга дучор қилишни хоҳламасдим. Биринчи бўлиб Антони Марстон ва миссис Рожерс ўлим топди. Марстон – бир лаҳзада, миссис Рожерс уйқусида тинчгина ҳаёт билан видолашди. Назаримда, Марстонга табиятан одоб-ахлоқ ҳисси насиб қилмаганди. Дарвоқе, орамизда жуда кўпчилик бундан мосуво. У одоб-ахлоқни ҳатто тан олмасди. Бутпараст, ҳа, чинакам

бутпараст эди. Ишонч билан айта оламанки, миссис Рожерс эрининг таъсирида шундай йўл тутган.

Иккаласи қандай ўлганини батафсил баён қилишга ҳожат йўқ.

Полициянинг ўзи ҳам ҳеч қандай қийинчиликсиз ўлим сабабини аниқлай олади. Цианли калийни топиш осон. Ҳашаротларни шу билан қиришади. Менда ҳам бу заҳардан озроқ бор эди. Бизга қўйилган айбловлардан сўнг ҳамма саросимага тушиб қолганидан фойдаланиб, Марстон қадаҳига билдирмай заҳар солиб қўйдим.

Шуни қўшимча қилмоқчиманки, айблов ўқиладиган пайт меҳмонларимдан кўз узмай турдим ва ҳеч қандай истиносиз барчаси айбдор деган хулосага келдим. Мендек тажрибали одам янглишиши мумкин эмас.

Кейинги вақтларда кучайиб бораётган даҳшатли оғриқлар туфайли менга кучли уйқу дори – хлоралгидрат ёзиб беришганди. Бу доридан кўп миқдорда топиш менга қийин бўлмади. Рожерс хотинига коньяк олиб келди. Уни столга қўйди. Ёнидан ўта туриб, уйқу дорини коньякка ташлаб юбордим. Бу гал ҳам ҳаммаси силлиқ ўтди. Чунки ҳали ҳеч кимни даҳшатли шубҳа-гумонлар эгаллаб олмаганди.

Генерал Макартур қийналмай жон берди. Орқасидан билдирмай яқинлашганимни пайқамади. Йўқлигимни бирортаси сезиб қолмаслиги учун майдончадан қачон кетиш кераклигини обдон ўйлаб олдим ва ҳаммаси ажойиб ўтди.

Олдиндан тахмин қилганимдек, генерал ўлиmidан сўнг меҳмонлар оролни тинтув қилишга киришди. Оролда етталамиздан бошқа ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилишгач, ҳамманинг дилига шубҳа оралади. Режамга мувофиқ, кейинги босқичда менга шерик керак эди. Бунга Армстронгни танлаб олдим. У менда ишонувчан одамдек таассурот қолдирди. Бундан ташқари, мени юзимдан танир, аввал кўп эшитганди.

Жамиятда юксак мавқели мендек одам қотил бўлиши мумкинлиги эса хаёлига ҳам келмасди. Кўпроқ Ломбарддан шубҳа қиларди. Унга айёрона режам борлиги, шундай қилсак, жиноятчини тузоққа тушириб, фош қилишимиз мумкинлигини шаъма қилдим.

Бу пайтга келиб ҳамма меҳмонларнинг хонаси тинтув қилинган бўлса-да, шахсий тинтув ўтказилмаганди. Лекин дақиқама-дақиқа шундай бўлиши мумкинлигини билардим.

Рожерсни ўнинчи август эрталаб ўлдирдим. Ўтин қилаётганди. Писиб борганимни билмай қолди. Ошхона ёпиқлиги учун чўнтагидан калитни олдим.

Шундан кейин кўтарилган қий-чув орасида Ломбард хонасига кириб, тўппончани олиб қўйдим. Ёнида тўппонча борлигини билардим. Чунки топширигим бўйича Моррис Ломбардга ўзи билан қурол олиши кераклигини эслатиб қўйган.

Нонушта устида мисс Брентга қаҳва қуярканман, финжонига қолган уйқу дорини қўшдим. Уни ёлғиз қолдириб, ошхонадан чиқиб кетдик. Бироздан сўнг яширинча ортимга қайтдим. Аллақачон мудроқ босганди. Унга цианли калий укол қилдим. Ари пайдо бўлишини болаликка йўйишингиз мумкин, лекин ростдан ҳам кўнгилхушлик қилгим келди. Севимли саноқ шеъримдан ҳеч ҳам ортга чекинмасликка ҳаракат қилардим.

Шундан сўнг воқеалар ўзим ўйлагандек ривожланди. Хотирам панд бермаса, айнан ўзим ҳаммани тинтув қилишни талаб қилдим. Кейин ҳаммани яхшилаб тинтув қилдик. Лекин тўппончани аллақачон яшириб қўйганман, заҳар билан уйқу дори ишлатиб бўлинган.

Ўшанда Армстронгга режамни амалга оширишни таклиф қилдим. Режам соддалиги билан ажралиб турарди. Кейинги қурбон мен бўлишим керак. Қотил бундан саросимага тушиб қолади. Устига-устак, мен

ўлган ҳисобланаман ва уйда яширинча кезиб, ўша номаълум қотил кимлигини аниқлайман. Армстронгга режам ёқиб тушди. Ўша оқшомдаёқ уни амалга оширдик. Бу саҳна кўриниши учун бизга қизил гил, ваннахонадаги қирмизи парда, кулранг калава ип керак бўлди, холос. Бунга хира, милтираб турган шамни қўшинг. Бундан ташқари, менга фақат Армстронг яқинлашди. Шунинг учун ҳаммаси силлиққина битди. Мисс Клейторн бўйнига сув ўтлари тегар-тегмас даҳшатли чинқириб юборгани учун ҳамма ёрдамга шошилди. Бу эса мурда қиёфаси имкон қадар табиий чиқиши учун менга етарлича вақт берди.

Самара кутганимиздан зиёда эди. Армстронг ўз ролини аъло даражада уддалади. Мени хонамга олиб бориб, жойга ётқизиб қўйишди. Мен ҳақимда бошқа эслашмади. Ҳамма ўлгудек қўрқиб кетган, бир-биридан ҳадиксирарди.

Тунги соат иккида Армстронг билан учрашиб олишга келишгандик. Уни уй ортидаги баланд қояга бошлаб бордим. Кимдир ёнимизга яширинча яқинлашса, ўша ерда кўриб туришимизни, бизни эса аксинча, деразалар бошқа томонга қарагани учун ҳеч ким кўролмаслигини айтдим.

Армстронг аввалгидек ҳеч нарсадан шубҳа қилмасди. Менга бу ғалати туюлди. Ахир санок шеър ҳаммасидан огоҳлантириб турарди – «Бири қармоққа тушди»...

Армстронг ҳеч нарсадан шубҳа қилмай, қармоққа илинди.

Бунга ҳам ҳамирдан қил суғургандек бажардим.

Энгашиб, қоя ёнбағрида ғор йўли кўрганимни айтдим. Бунга ўзи ҳам ишонч ҳосил қилишини сўрадим.

У энгашди. Орқасидан туртиб юбордим. Гандирак-лаб, қутурган денгизга қулади. Мен уйга қайтдим. Менимча, йўлакда юрганимни Блор эшитиб қолганди. Бироз кутиб, Армстронг хонасига кирдим. Кейин мени

эшитишлари учун атайин қаттиқ-қаттиқ қадам ташлаб, у ердан чиқиб кетдим. Пастга тушганимда юқорида эшик очилди. Хонадан чиқаётганимни кўришган бўлса керак.

Бир дақиқа ўтар-ўтмас иккаласи ортимдан кетишди. Мен уй орқасига ўтиб, ўзим очиқ қолдирган ошхона деразасидан ичкарига кириб олдим. Деразани ёпиб, ойнани синдирдим. Кейин хонамга чиқиб, жойга ётиб олдим.

Улар яна бутун ўйни тинтиб чиқишини тахмин қилгандим, лекин мурдаларни текширишмайди деб ўйлардим. Мабодо чойшабни кўтариб, мурда ўрнига Армстронг ётиб олмаганига ишонч ҳосил қилгилари келмаса, албатта. Шундай ҳам бўлди.

Дарвоқе, тўппончани яна Ломбард хонасига ташлаб қўйганимни айтиш ёдимдан кўтарилибди. Тинтув пайтида уни қаерга яширганимни билишга сабрингиз чидамаётган бўлса керак-а. Шкафда консерва, печенье каби озиқ-овқат захиралари сақланарди. Пастдаги қутилардан бирини очдим. Адашмасам, галета эди. Тўппончани унга тиқиб, яна скотч билан елимлаб қўйдим.

Ўйлаганимдек адашмагандим. Очилмаган банка ва қутиларни ковлаштириш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Бундан ташқари, ҳатто юқоридаги қутиларга ҳали қўл теккизилмаганди. Қирмизи пардани меҳмонхонадаги курсининг жилдига, калавани эса диван ёстиғига яширдим.

Мана! Ва ниҳоят орзиқиб қутилган онлар келди. Оролда атиги уч киши қолди. Улар бир-биридан шунчалик қўрқар эдики, ҳамма нарсага тайёр эдилар. Устига-устак, улардан бирида тўппонча бор эди. Уларни деразадан кузатиб турдим. Блор уйга яқинлашганда Вера хонасидаги мармар соатни устига ташлаб юбордим.

Ўз деразам ёнида туриб, Вера Ломбардни қандай отиб ташлаганини кўрдим. Жасурлиги, топқирлиги

мақтовга лойиқ. Ломбарддан ҳеч ҳам қолишмасди. Қайсидир жиҳатдан ҳатто ўзиб кетарди. Шундан сўнг Вера хонасига отилдим. Келгунча сўнгги саҳнани ҳозирлаб қўйдим.

Ажойиб психологик тажриба ўтказдим. Хонадаги қўрқинч манзара билан виждон азоби (ахир у ҳозиргина одам ўлдирди) биргаликда Верани ўз жонига қасд қилишга мажбурлай оладими? Шундай бўлишига умид қилардим. Ва адашмадим. Вера Клейторн кўз ўнгимда ўзини осди. Шкафга яширинганча уни кузатиб турдим.

Сўнгги босқичга ўтаман. Шкафдан чиқдим, курсини кўтариб, девор ёнига қўйдим. Тўппончани зина майдончасидан топдим. Ўша ерда Вера тушириб қолдирган. Бармоқ излари чаплашиб кетмаслигига ҳаркат қилдим.

Кейин нима бўлди? Мен ҳикоямни тугатдим. Қўлёзмани шишага солиб, оғзини маҳкамлайман-да, дегизга отаман. Нима учун? Ҳа, нима учун?.. Ҳеч ким тагига етолмайдиган жиноят кашф қилиш ҳақида хаёллар билан ўзимни овутардим. Лекин мен рассомман. Санъат санъат учун эмаслиги менга аён бўлди. Ҳар бир рассом ўз эътирофига интилиб яшайди. Буни тан олиш қанчалар уят бўлмасин, мен ҳам айёрона топқирлигимни бутун дунё билишини хоҳлайман...

Занжилар ороли жумбоғи ечилмайди деган тахмин билан ушбу иқрорномани ёздим. Бироқ полиция мен кутгандан ақлirroқ бўлиши ҳам истисно эмас. Жиноятларим фош бўлишига учта омил сабаб бўлиши мумкинлигини ҳам инкор қилолмайман. Биринчиси: полиция Эдвард Ситон айбдорлигини жуда яхши билади. Шундай экан, улар ўнтасидан биттаси ўтмишда қотиллик қилмаганидан хабардор. Бундан эса, мантиққа қанчалар зид бўлмасин, Занжилар оролидаги қотилликларда бошқа кимдир эмас, айнан ўша одам айбдорлиги келиб чиқади. Иккинчи омил санок шеърнинг еттинчи

бандида мужассам. Армстронг ўлимига қармоққа тушиб қолгани сабаб бўлган. Бошқача айтганда, Армстронг ўлими қандайдир алдов билан боғлиқлиги саноқ шеърда аниқ айтилган. Шунинг ўзиёқ калаванинг учи бўлиши мумкин. Ўшанда атиги тўрт киши тирик қолганди. Тўртта одамнинг ичида Армстронг фақат менгагина сўзсиз ишона олиши мутлақо аён. Ва ниҳоят, тўртинчи омил соф рамзий аҳамиятга эга. Юзимдаги ажал намоиши. Ахир бу каллакесарлар тамғаси эмасми?

Ҳикоям охирлаб боряпти. Иқрорнома солинган шишани денгизга отгач, хонамга чиқиб, жойимга ётаман. Пенснега қора тасма боғлаб қўйилган. Лекин бу оддий тасма эмас, ингичка резинка. Пенсени тагимга қўяман. Резинканинг бир учини эшик дастасига, бошқа учини тўппончага ўрайман, лекин бу унчалик ҳам ишончли усулмас. Тахминимга кўра кейин шундай бўлади. Қўлимни дастрўмол билан ўраб, тепкини босаман. Рўмолча полга тушиб кетади. Резинкага боғланган тўппонча эшик томон учиб кетади. Эшик дастасига урилгач, резинка ечилиб кетади ва пенснега осилиб қолади. Демак, ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Полдаги дастрўмол эса ҳеч қандай шубҳага сабаб бўлмаслиги кундек равшан. Мени топишган маҳал бахтиқаро шерикларим кундалигида ёзилганидек бошимдан ўқ еган ҳолда кроватда ётган бўламан. Суд шифокорлари мурдаларимизни текширишга руҳсат олгунча ўлимим вақтини аниқлаш мумкин бўлмай қолади.

Довулдан сўнг оролга одамлар сузиб келади. Лекин бу ерда фақат ўнта мурда-ю Занжилар оролининг ечилмаган жумбоғига дуч келишади.

Адабий-бадий нашр

АГАТА КРИСТИ

10 ТА НЕГР БОЛАСИ

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Мусаҳҳиҳ
Мадина МЕНГНОВА

Бадий муҳаррир
Уйғун СОЛИХОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Босишга 25.12.2013 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоғи 6,375. Шартли босма тобоғи 10,71.
Гарнитура «Optima Cyr+Uzb». Офсет қоғоз.
Адади 5000 нусха. Буюртма № 4.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.
Лицензия рақами: АИ № 252. 2014 йил 02.10 да берилган.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс – 273-00-14; e-mail: www.yangiasravlodi@mail.ru

**“ЯНГИ АСР АВЛОДИ” НММ
ҚҰЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ НАШРГА
ТАЙЁРЛАДИ:**

Марк Твен
“ТОМ СОЙЕРНИНГ БОШИДАН КЕЧИРГАНЛАРИ”
Бичими 84x108 1/32
288 бет
Юмшоқ муқова
Кирилл ва латин ёзувларида.

Адиб мазкур асарида ёш, ўта қизиққон ва шўх, чигал тўсиқлардан ҳам қийналмай ўта оладиган, оғир ва мураккаб шароитларда ҳам ўзини тута билладиган, уйдабурон бола Том Сойер ҳақида ҳикоя қилади.

Пауло Козло
“АЛКИМЕҒАР”
Бичими 84x108 1/32, 184 бет.
Юмшоқ муқова.

Ўз тақдиримиз ўз қўлимиздами? Мисни олтинга айлантирадиган Алкимеғар, умумбашар тили, тақдир тошлари аслида мавжудми? Сўзулар, муҳаббат бу йўлда бизга ёрдам берадими ёки аксинча... Асар мана шулар ҳақида рамзий бир шаклда ҳикоя қилади.

Рашод Нури Гунтекин.
“ЧОЛИҚУШИ”
Бичими 84x108 1/32, 458 бет.
Қалин муқова.

Муҳаббат мавзусига бағишланган асарларни миллати ва динидан, ёшидан қатъи назар, барча бирдек севиб, кўзига ёш олиб, қаҳрамони тақдирига ўзини ҳамдард қилиб ўқийди. Рашод Нури Гунтекиннинг машҳур “Чолиқуши” асарини ҳам худди шундай ҳиссиёт билан қўлга оласиз. Унда бу туйғу ўзининг бутун қудратини биргина ожиз – Чолиқуши тимсолида яққол гавдалантириб беради.

Рабиндранат Тагор.
“НУР ВА СОЯЛАР”
84x108 1/32, 256 бет.
Юмшоқ муқова.

Дунёда ҳар бир халқнинг адабиёт чўққисини забт этган, эл ардоқлаган улўф сиймолари бор. Ҳинд миллатининг шундай фарзандларидан бири Рабиндранат Тагордир. У ўзининг ўткир қалами билан миллатини уйғотиш, юртини ҳур ва озод кўриш учун курашди.

Эрнест Хемингуэй
«ЧОЛ ВА ДЕНГИЗ»
Бичими 84x108 1/32 444 бет.
Қалин муқова

Ушбу китобга дунё миқёсида машҳур адиб, «Нобель» мукофоти совриндори Э.Хемингуэйнинг энг сара асарлари киритилган. «Чол ва денгиз» қиссасида инсоннинг улўғлиги, ундаги ирода ва матонат, оқиллик ва азму қароридан оғишмаслик ўзгача талқинда акс этган.

«Алвидо, қурол» романи эса қаҳрамонларнинг фикр-хаёллари, кечмишлари, урушнинг инсоният бошига солган муҳқиш кулфатлари ҳақида ўйлашга, тинчликнинг қадрига етишга чорлайди.

Серқирра ижодкорнинг миллионлаб нусхаларда чоп этилган асарларини мутолаа қилишга шошилинг, азиз китобхон.

Жалолидин Румий
«ИЧИНДАГИ ИЧИНДАДУР»
Бичими 84x108 1/32, 240 бет.
Юмшоқ муқова.

“Ичиндаги ичиндадур” Мавлоно Жалолидин Румийнинг турли мажлисларда билдирган ўтлуғ фикрларидан таркиб топган. Сиз ушбу рисолаи ўқиб, инсон ва олам, онг ва борлиқ, инкор ва исбот, хаёл ва амал сингари фалсафий тушунчаларнинг асл моҳиятини англайсиз. Ва ҳамма нарса Ўзингизда, ҳамма нарса Ўзингиздан эканлигига яна бир бор иймон келтирасиз.

Абдулла Қодирий
“ЎТКАН КҮНЛАР”
Бичими 84x108 1/32, 442 бет.
Қалин муқова.
Кирилл ва лотин ёзувларида.

Севги кимларни йиғлатиб, кимларни кулдирмаган дейсиз. Шарқ адабиётининг нодир асарларидан бири ҳисобланмиш мазкур асарда муҳаббат ўзгача, такрорланмас бадиий талқин қилинади. Шўнингдек, ватанпарварлик, чақимчилик, андиша, хотинбозлик, муомала, беҳаёлик сингари мавзулар ҳам қаламга олинади. Мутолаага шошилинг.

Алишер Навоий
«ХАМСА»
84x108 1/32. 432 бет.
Қалин муқова.

Мазкур китобда Алишер Навоий «Хамса»сидаги барча дostonларнинг мазмуни баён қилинган. Уларда шоир томонидан тасвирланган турли воқеа-ҳодисалар акс эттирилган, фақат кириш қисмлари, меъёридан чўзилиб кетган манзаралар, монологлар бир оз қисқартирилган. Ушбу Навоий дostonларининг насрий талқинини ўқиб чиқиб аллома шоиримизнинг туркий шеърятнинг гултожи ҳисобланмиш «Хамса» шеърий дostonларини англаб олишингизга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Чўлпон
“КЕЧА ВА КҮНДУЗ”
Бичими 84x108 1/32, 332 бет.
Қалин муқова.
Кирилл ва лотин ёзувларида.

Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи яратилганига қарийб 80 йил бўлса-да, у ҳамон қўлдан-қўлга ўтиб келмоқда. Мазкур асар икки қисмдан иборат бўлиб, дастлабкиси – “Кеча” деб номлангани қўлингиздаги китобда акс этади. “Бугун” деб аталган иккинчи қисми ҳақида эса маълумотлар йўқ.

Китобда ўзбекларга хос андиша, ҳиммат, иффат ва соддалик каби фазилатлар билан бирга хотинбозлик, худбинлик ва мол-мўлк орттириш йўлидаги иллатлар ҳам ўз инъикосини топган. Бу каби сифатлар ва иллатлар китобхонни чуқур мушоҳада юритишга ундайди.

Чўлпон дунёси, унинг олами, ижодидаги нафислик ва сержило-
лик сиз, азизларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Мирзакалон Исмоилий.

“ҚИЗЛАР ДАФТАРИГА”

84x108 1/32, 172 бет.

Юмшоқ муқова.

Ушбу китоб ўз даврида қўлма-қўл бўлиб кетган. Унда бувининг набира-қизига, шу орқали унинг дугоналарига ҳаёт сабоқлари – муҳаббат, вафо, бурч ва садоқат, ҳалоллик, тўғрилиқ хусусидаги ўғитлари ўз аксини топган. Шу билан бирга эгриликнинг оқибатлари, оиладаги келинлик вазифалари, фарзанд тарбиясидаги нозик жиҳатлар баён этилади. Китоб мутолааси балоғат ёшидаги ҳар қандай қиз қалбидаги яширин сўроқларга, юрак тубида асраган, кимдандир сўрашга ийманаётган саволларига жавоб бўлади.

Мазкур тўхфа турмуш қуриш арафасида турган қизларимизга, ёш келинларимизга мустаҳкам оила бекаси бўлишларида ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

Миркарим Осим

«ТўМАРИС»

Бичими 84x108 1/32 140 бет.

Юмшоқ муқова.

Аждодларимизнинг босқинчиларга қарши мардонавор курашлари бир неча минг йиллар олдин Мағриб ва Машриқда афсоналарга айланган, улар ҳақида кўплаб асарлар ёзилган. Ушбу китобда Миркарим Осимнинг мазкур мавзуга оид энг сара асарлари жамланди.

Азиз китобхон, Ватанни севган, форслардан уни ҳимоя қилган, тинчлигига посбон бўлган массагетлар подшо-ҳокимаси Тўмарис, чўпон Широқ, мўғулларга қарши курашган енгилмас баҳодир Темур Малик жасоратидан ҳикоя қилувчи қиссалар мутолаасига шошилинг.

Ғафур Ғулом
«ШҮМ БОЛА»
Бичими 84x108 1/32, 164 бет.
Кирилл ва лотин ёзувларида.
Юмшоқ муқова.

“Дандон сопли пичоқ”дан бошланиб, чувалашиб кетган гапни бойнинг қизи – Адолнинг “ўғил туғиб бергани”га бориб улаб “иннанкейин”чи, ўлгудек инжиқ, зиқна, эзма Сарибойни мот қилган Шум боланинг бир-биридан қизиқ саргузаштларидан хабардор бўлишни хоҳласангиз китоб мутолаасига шошилинг.

Худойберди Тўхтабоев
«САРИҚ ДЕВНИ МИНИБ»
Бичими 84x108 1/32, 544 бет.
Қалин муқова.

“Сариқ девни миниб” китоби сеvimли адабимизнинг икки китобининг тўпламидан иборат. “Сариқ девни миниб” ва “Сариқ девнинг ўлими” саргузашт романлари болалар ҳаётидан олиб ёзилган бўлиб, уларнинг сеvimли китобларидандир. Бу асарда орзу-ҳавасга элтадиган чинакам йўл ҳалол меҳнат, яхши хулқ-одоб ва қўнт билан ўқишда эканлиги таъкидланади.

Шукур Холмирзаев
«ЎН САККИЗГА КИРМАГАН КИМ БОР»
Бичими 84x108 1/32, 284 бет.
Қалин муқова.

Мазкур китобга Ўзбекистон Халқ ёзувчиси, иқтидорли адаб Шукур Холмирзаевнинг энг сара қиссалари ва ҳикоялари киритилди. Уларда севги-муҳаббатнинг ўзгача талқини, ошиқлик ва ожизлик, матонат ва разолат, инсон маънавияти билан боғлиқ бўлган ижтимоий ва ахлоқий масалалар баён этилади.

Алишер Навоий
«ҒАЗАЛ ҒУЛЗОРИДАН 100 ОТАШИН ҒУЛ»
84x108 1/32 120 бет. Юмшоқ муқова.

Қўлингиздаги китобчада мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний» китобидаги «Ғаройиб ус-сиғар» девонидан ўрин олган дастлабки 100 ғазалнинг насрий баёни ўрин олган. Гарчи бу хил ифода усули билан шоир қаламига мансуб бадий

дурдоналарнинг ғоявий-бадий нафосатини акс эттириш имконияти бўлмаса ҳам, бу асар ғазаллар мазмунини чуқурроқ англаб олишингизга маълум даражада ёрдам беради, деб умид қиламиз.

Вильям Шекспир

«ДРАМАЛАР»

Инглиз тилидан Фаррух АТАЕВ таржимаси

Бичими 84x108 1/32, 84 бет.

Юмшоқ муқова.

Ҳар бир халқнинг маънавияти ўзга халқлар адабиёти, санъатидан баҳраманд бўлиш орқали қувватланиб боради. Бу борада эса бадий таржиманинг аҳамияти беқиёсдир.

Ўқувчи Шекспирнинг шеърӣ услубдаги драмаларининг насрий услубда содда ва лўнда эканлигига гувоҳ бўлади ва қисқа фурсат ичида Шекспир маҳоратидан баҳраманд бўлади.

Китобга «Юлий Цезарь», «Макбет», «Қирол Лир», «Бўрон» каби машҳур асарлар киритилган.

Драмаларда тирикликнинг устунӣ – яхшилик, меҳр-оқибат, ишонч, одамийлик, вафо, муҳаббат эканлиги ўз аксини топган.

Жюл Верн

“ЎН БЕШ Ёшли КАПИТАН”

Лотин алифбосида

Бичими 84x108 1/32, 356 бет.

Юмшоқ муқова.

Асрлар оша қўлдан қўймай ўқиб келинаётган мазкур асарда ўн беш ёшли капитан – Дик Сенднинг бир-биридан қизиқарли саргузаштлари қаламга олинади.

Жумладан, Жанубий Африкада кечган хунрезликлар, қўллар савдоси билан боғлиқ аянчли воқеалар, турли хавф-хатарларга қолган капитан Дик ва саёҳатчи дўстлари – хизматчиси Геркулес, миссис Уэлдон ва ўнинг кичик ўғли Жек, хаёлпараст олим Бенедикт тоғанинг бошидан кечирганлари сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Ҳинд эпоси

“КАЛИЛА ВА ДИМНА”

84x108 1/32. 246 бет.

Қалин муқова.

Бу асар, неча асрларки, ҳикмат ва масаллар бобида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Халқ ҳаёти, дарди, аҳли донишлар улуғвор

лиги, ҳозиржавоблик, донолик акс этгани учун ҳам "Калила ва Димна" таъриф ва тавсифга эга. Ундаги масаллар, ҳикматлар мағзи инсонийлик, олижаноблики улуғлайди. Тарбиявий аҳамияти жиҳатидан ҳам ушбу бебаҳо асар бугун-да ўз қийматини йўқотмаган. Ўқинг, ўқинг, донолар оламида бўлинг.

Анвар Обиджон
«МЕШПОЛВОН БИЛАН ПАШШАВОЙ»
84х108 1/32 424 бет.
Юмшоқ муқова

Агар киши эл-юртини, лоақал ўз туғишганларини юрак-юракдан яхши кўра олса, уларни деб катта қаҳрамонликлар кўрсатиш бема-лол қўлидан келади.

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг халқ дostonлари оҳангида битилган қувноқ қиссаси замирида шу маъно бор. Унда ёвуз Сепкилшоҳнинг аскарлари шаҳару қишлоқларни талаб, кўплар қаторида Мешполвоннинг ярадор дадаси ва кўзлари кийикникидек чиройли онасини ҳам қул қилиб ҳайдаб кетади. Бундан хўрлиги келган бола кўнлардан бир кўни ўқловни найза, қозонқопқоқни қалқон, даскалани қилич қилиб, ота-онасини қутқариш учун чўлоқ хачирда жангга жўнайди...

Пашшавой воқеасига келсак, бунини ўқиётиб, тамоман бошқа бир оламга кириб қоласиз.



Машҳур инглиз ёзувчиси. Детектив қироличаси.

1890 йилда Англияда туғилган. 85 та роман, 20 та пьеса ва кўплаб ҳикоялар муаллифи. Таъкидлаш жоизки, ижодкор асарларининг катта муваффақиятини улардаги сюжетнинг қизиқарлилиги, ечимнинг қутилмаганлиги, персонажларнинг ёрқинлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ёзувчининг биринчи романи 1920 йилда “Стайлсдаги махфий ҳодиса” номи билан дунё юзини кўрган.

Агата Кристи асарлари 4 миллиард нусхада чоп этилган ва дунёнинг 100 дан ортиқ тилларига таржима қилинган.

“Ўнта негр боласи” детектив асари 1939 йилда ёзилган. Ёзувчи бу асарини ўзининг энг сеvimли асарларидан бири деб ҳисоблайди ва 1943 йилда шу роман асосида пьеса ёзади. Роман дунё бўйича юз миллион нусхада ўқувчилар қўлига етиб боради.

Тақдим этилаётган асар илк бора ўзбек тилида китоб ҳолида ўқувчилар эътиборига ҳавола этилмоқда.



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ISBN 978-9943-27-189-0



9 789943 271890